



**Ilmiy amaliy  
jurnal  
№ 8 (10)  
2023**

**YANGI  
O'ZBEKISTON  
IQTISODIYOTI**

**“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” JURNALI №8 2023**

---

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI  
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI**

**8**

**ISBN 978-9943-5256-3-4**

**Toshkent – 2023**

**UDK: 818.213**

**BBK: 84.61**

**B- 29**

Butun kuch va salohiyatimizni yagona ulug‘ maqsadimiz – Yangi O‘zbekistonni barpo etishga qaratamiz.

Yangi O‘zbekiston – bu, avvalo, yangi iqtisodiy munosabatlar, yangi iqtisodiy dunyoqarash demakdir.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti  
Shavkat Mirziyoyev

Все свои силы и потенциал мы направим на достижение нашей общей великой цели - построение нового Узбекистана. Новый Узбекистан – это, прежде всего, новые экономические отношения, новое экономическое мировоззрение.

Президент Республики Узбекистан Шавкат  
Мирзиёев

© Yangi O‘zbekiston iqtisodiyoti

© «*KLASSIC PRINT*» nashriyoti

Ilmiy-uslubiy jurnal 1.09.2022-yildan boshlab chiqa boshlagan, yiliga 6 marta chop etiladi.

Ta’rischi:

MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

Bosh muharrir

i.f.d., prof. A.Qodirov

Bosh muharrir o‘rinbosari

PhD, dots. X.X.Rejapov

Mas’ul kotib

PhD. K.A.Muxitdinova

Jamoatchilik kengashi:

Prof. I.U.Madjidov (rais), prof. Sh.Toshmatov, PhD E.Yodgorov, i.f.n., dots. A.T.Umarov, i.f.d., prof. A.Qodirov

Tahrir hay’ati:

Prof. Sh.O.Toshmatov, i.f.d., prof. A.Qodirov, prof. A.V.Vaxabov, prof. X.P.Abdulqosimov, prof. F.T.Egamberdiyev, prof. Sh.K.Yo‘ldashev, prof. A.M.Sodiqov, prof. Q.Muftaydinov, prof. K.Ubaydullayev, i.f.d. Q.K.Mambetjanov, i.f.d. B.Tagayev, i.f.d. Z.T. G‘oipnazarova, i.f.d., G.N.Maxmudova, i.f.d. I.Y.Umarov, i.f.d. X.X.Rejapov, i.f.d. B.B. Baxtiyorov, prof. v.b. P.Z.Xashimov, prof. N.G.Mo‘minov, dots. A.T.Umarov, dots. Sh.S.Nasretdinova, dots., B.B.Mullaboyev, dots. Z.Jumaqulov, dots. N.A.Artiqov, dots. K.A.Muxiddinova, dots. D.I.Ro‘ziyeva, dots. A.Boboyev, dots. X.Baratov, dots. A.M.Tursunov, dots. O.O.Daminov, dots. J.O.Xakimov, dots. N.A.Kudratxodjayeva, dots. A.Ambartsumyan, dots. M.I.Saidkarimova, dots. N.Z. Umarova, PhD K.Jabborov, PhD Sh.Abdullayeva, PhD U.S.Berdimurodov

Tahririyat manzili:

10095, Toshkent - 95, Universitet ko‘chasi, 4. tel: (+99899) 821-20-72

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administrasiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikasiyalar agentligi tomonidan 17.07.2022-yilda № 4715-son bilan ro‘yxatga olingan.

Buyurtma: ISSN 978-9943-5256-3-4

Jurnal OAK ro‘yxatiga 2023 yil 1 iyuldan kiritilgan (OAK rayosat qarori 04.07.2023 yil № 340/3).

Jurnalda ma’lumotlar bosilganda dalillar ko‘rsatilishi shart. Jurnalda chop etilgan ma’lumot va keltirilgan dalilarning aniqligi uchun muallif javobgardir.

**MUNDARIJA**

<b>Тошматов Ш.А.</b> Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаоллигини оширишда солиқ юқини камайтириш йўналишлари.....	6
<b>Saidova M.J.</b> Tadbirkorlikni rivojlantirish masalalari.....	10
<b>XXX An’anaviy va Islom banklari</b> faoliyatining qiyosiy tahlili.....	14
<b>Saidrasulova M.</b> Human capital development challenges in developing countries.....	18
<b>Umarov A.N.</b> Tijorat banklarida bank ichki auditini takomillashtirishning konseptual asoslari.....	23
<b>Raxmatov J.Sh.</b> Xususiy tadbirkorlikni tashkiliy-iqtisodiy rivojlantirishda marketing strategiyalaridan foydalanishda yo‘llari.....	29
<b>Tojiev S.M.</b> Paxta-to‘qimachilik klasterlarini innovatsion rivojlantirishning ilmiy-amaliy asoslarini takomillashtirish.....	33
<b>Абдусатторов Э.А.</b> Ўзбекистонда олий таълим ислохотлари: жорий тенденциялар ва муаммолар.....	38
<b>О‘роқова D.B.</b> O‘rta va yirik korxonalarni boshqarishda scrum-ni qo‘llash amaliyoti.....	45
<b>Камилова А.Н.</b> Управление нормированием труда на предприятии в условиях цифровой модернизации.....	51
<b>Саидахмедов Н.</b> Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бўйича амалга оширилаётган ислохотлар - барқарор ривожланиш бош омили.....	55
<b>Abulkasimov N.P., Egamberdiyeva O.A.</b> Xulq-atvor iqtisodiyoti va zamonaviy individ tanlovidagi “Paradokslar”.....	60
<b>Хашимов П.З., Жаббаров З.Р.</b> Тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича хориж тажрибаси.....	65
<b>Turdiyeva M.U.</b> O‘zbekistonda sanoat korxonalarini innovatsion muhitini davlat tomonidan rag‘batlantirilishi.....	72
<b>Uskenbayeva D.B.</b> Raqamli tashabbusli budjetlashtirishni joriy etish va unda qo‘llaniladigan iqtisodiy model tasnifi.....	78
<b>Холмедова Н.Х., Джуманова Р.</b> Роль и развитие электронной торговли в современной рыночной экономики Центральной .....	82
<b>Мирзамахмудова М.О.</b> Камбағалликни аниқлаш амалиёти ва ривожланиш тенденциялари.....	87
<b>Абулкасимов М.Х.</b> Шахсинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмини такомиллаштириш.....	92
<b>Ахунов М.</b> О закономерности соответствия нематериального производства уровню и характеру развития материального производства.....	98
<b>Djabbarov R.A.</b> “O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyot asosiy ko‘rsatkichlarining statistik tahlili va ekonometrik modellash”.....	102
<b>Абдуллаева Ш.Е.</b> Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини ривожлантиришнинг муқобил сценариялари.....	112
<b>Алиева З.М.</b> Уй-жой қурилишида инвестиция фаоллигини оширишнинг устувор йўналишлари.....	117
<b>Касимов А.А.</b> Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг иқтисодий ўсишга таъсирини эконометрик баҳолаш.....	121
<b>Ғиёсов И.К., Каримов И.О.</b> Қурилиш корхоналарида инвестицияларни бошқариш самарадорлигини аниқлашда вақт омилининг ўрни ва аҳамияти.....	127
<b>Игамова Ш.З.</b> Исследование особенностей региона с позиций инновационного развития экономики.....	134
<b>Dilmonov K.B.</b> Coordinating the management and promotion of employees by private sector entities in Uzbekistan.....	141
<b>Игамназарова Д.Ш.</b> Инсон капиталининг иқтисодий категория сифатидаги моҳияти....	147

<b>Rejapov S.X.</b> G‘aznachilikda davlat xaridlarini tashkil etish.....	152
<b>Khushvaktova H.O.</b> The negative impact of the covid-19 pandemic on human capital development and strategies to enhance the role of human capital in the development of an innovative economy.....	156
<b>Бустонов М.М.</b> Цифровая экономика как элемент электронной коммерции.....	160
<b>Юргель Н.В.</b> О роли управления рисками в условиях неопределенности.....	165
<b>Акимниязов Т.Б.</b> Некоторые актуальные вопросы развития исторических форм секьюритизации.....	168
<b>Захидов Н.У.</b> Опыт зарубежных стран и кластерный механизм развития бизнеса на рынке жилья.....	172
<b>Муртазаев И.Б.</b> Минтақалар иқтисодий тараққиётида тоғ-кон шаҳарларининг тутган ўрни ва аҳамияти (Зарафшон минтақаси мисолида).....	178
<b>Asraqulov A.</b> Turistik hududlarda turizmning barqaror rivojlanishini tahlil qilishning ilmiy-nazariy jihatlari.....	182
<b>Kim Sun Suk</b> Ижтимоий тадбиркорликни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллари ва ўзига хос хусусиятлари.....	186
<b>Sagatov M.V., Sarimsakov X.U.</b> Ахборот тизимлари менежерларини тайёрлаш рақамли иқтисодиётни ривожлантириш босқисидида муҳим омил.....	193
<b>Эргашев И.И.</b> Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини инвестициялаш самарадорлигини оширишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш.....	198
<b>Zakirova G.S.</b> Aqshda sog‘liqni saqlash dasturlariga xarajatlari: “Medicaid” dasturi.....	204
<b>Umurzakova Z.S.</b> Корхоналарда меҳнат унумдорлигини яхшилаш йўллари.....	208
<b>Тешабоева З.Т.</b> Необходимость увеличения затрат на науку - ключ к инновационному и технологическому развитию страны.....	211
<b>Бахтиёрв Б.Б.</b> Ўзбекистон саноат корхоналарида инновацион лойиҳаларни молиялаштириш амалиёти таҳлили.....	215
<b>Ustadjalilov D.R.</b> Features of measures for state regulation of formation and development of clusters in Uzbekistan.....	224
<b>Мамбетжанов К.К.</b> Анализ влияния институциональных изменений на развитие реального сектора экономики Узбекистана.....	235
<b>Базарова Г.Г.</b> Значение трудовой миграции в сокращении безработицы и повышении благосостояния народа.....	244

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ  
ОШИРИШДА СОЛИҚ ЮКИНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

НАПРАВЛЕНИЯ СНИЖЕНИЯ НАЛОГОВОГО НАГРУЗКИ ПРИ ПОВЫШЕНИИ  
ЭКОНОМИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ СУБЪЕКТОВ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

DIRECTIONS FOR REDUCING THE TAX BURDEN IN INCREASING THE ECONOMIC  
ACTIVITY OF BUSINESS SUBJECTS

Тошматов Шухрат Аманович  
ЎзМУ ўқув ишлари бўйича проректор, и.ф.д., проф.

**Аннотация**

Мақолада иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда солиқларнинг аҳамияти, иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солиш йўналишлари таҳлил қилинган. Корхоналарда солиқ юкининг таркибий тузилиши бўйича иқтисодий фаоллик даражаларига таъсири ҳамда давлат солиқлардан корхоналарнинг иқтисодий фаоллигини бошқаришда солиқ сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш, солиқлар, нинг аҳамияти, иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солиш

В статье анализируется значение налогов в регулировании экономики государством, направления регулирования экономики посредством налогов. Разработаны влияние налоговой нагрузки на структурную структуру предприятий на уровни экономической активности и предложения по совершенствованию налоговой политики при управлении хозяйственной деятельностью предприятий за счет государственных налогов.

**Ключевые слова:** регулирование экономики государством, налоги, значение, регулирование экономики посредством налогов.

The article analyzes the importance of taxes in the regulation of the economy by the state, the directions of regulation of the economy by means of taxes. The impact of the tax burden on the structural structure of the enterprises on the levels of economic activity and proposals for improving the tax policy in managing the economic activity of enterprises from state taxes have been developed.

**Key words:** regulation of the economy by the state, taxes, the importance of, regulation of the economy through taxes

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда солиқлар иккита муҳим ролни ўйнайди. Биринчидан, солиқ янгидан яратилган қийматнинг бир қисмини пул кўринишида давлат фойдасига мажбурий тартибда ундиришни кўзда тутди. Солиқлар ёрдамида шакллантирилган давлат бюджетининг бир қисмини тадбиркорлик муҳити ва инфратузилмасини яхшилашга қаратилган иқтисодий чораларга янада кўпроқ маблағ сарфлаш имкониятига эга бўлади. Иккинчидан, солиқлар мамлакат бўйича тадбиркорлик

субъектларининг иқтисодий фаоллигини тартибга солишнинг зарур дастагидир. Солиқларни бюджетга ундирилишидаги мажбурий характеридан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектлари иқтисодий манфаатларига бевосита таъсир кўрсатади. Солиқ турлари, солиққа тортиш субъектлари ва объектлари, солиқ базаси, солиқлар ставкалари, имтиёзлар ва санкцияларни белгилаб, солиққа тортиш шартларини ўзгартириб, давлат тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаоллигини устувор йўналишларда кучайтиради ва устувор бўлмаган йўналишларда ушлаб туради. Солиқлар воситаси иқтисодиётни тартибга солиш жараёнларини қуйидагича тасвирлаш мумкин:

Иқтисодиётни солиқлар  
воситасида тартибга солиш

Солиқ юки даражасининг иқтисодий фаолиққа тескари мутаносиблиги солиқлар воситасида иқтисодиётни тартибга солишда турли хил самарали маневрлардан фойдаланиш имконини беради

Солиқларнинг мажбурийлиги солиқлар воситасида иқтисодиётни тартибга солишда устунлик берса, иккинчи томондан солиқ тўловчиларнинг солиқларни яширишга бўлган интилишининг мавжудлиги туфайли солиқ назорати самарали ташкил этилмаганда етарли даражада натижага эришиб бўлмайди

Солиқларнинг бошқа мажбурий тўловлардан энг муҳим фаркли жиҳати эквивалентсизлик хусусияти бўлиб, солиқлар орқали иқтисодиётни самарали тартибга солиш учун давлат томонидан кўрсатиладиган “ижтимоий товарлар (хизматлар)”нинг муносиб (адекват) бўлишини талаб этади

## 1-расм. Иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солиш

Тадбиркорлик субъектларида солиқ юки ва давлат бюджети даромади ўртасидаги оптимал нисбат белгилаш масаласи ҳар бир мамлакат учун долзарб муаммо ҳисобланади. Биринчидан, солиқ назариясидан маълумки (Лаффернинг эгри чизиғи) бюджет даромадлари нуқтаи назаридан энг яхши иқтисодий ҳолатга солиқ ставкалари энг паст ёки энг юқори бўлганида эмас, балки улар оптимал бўлганида эришилади. Иккинчидан, турли ҳолатларда барча мамлакатлар учун фақатгина ягона оптимал ечим бор дейиш нотўғри. Солиқларнинг оптимал ставкаси ҳар бир мамлакатда юзага келган иқтисодий вазият–мулкӣ муносабатлари, меҳнат ресурслари, солиқ маъмурчилиги, мамлакатнинг ривожланиш даражаси, жаҳон бозорига интеграциялашуви ва бошқа ҳолатлар билан белгиланади. Учинчидан, иқтисодий жараёнлар шунчалик мураккаб ва кўп омиллар боғлиқки, солиқ ставкасини маълум бир фоизга камайтириш билан ишлаб чиқариш ошадими ёки йиғилган солиқлар давлатнинг барча талабларини қондиришга етадими ёки йўқми аниқ прогнозини амалга ошириб бўлмайди. Юқори инфляция мавжуд бўлган шароитда Лаффернинг эгри чизиғида келтирилган ҳолатлар юз бермаслиги мумкин, чунки корхоналар солиқлар ставкаси пасайиши ҳисобига ихтиёрида қолдирилган маблағни узоқ муддатли инвестицияларга сарфламайдилар, чунки ушбу маблағларни тез муомалага қўйиш фойдалироқ.

Солиқлар тадбиркорлик субъектлари фаолиятида муҳим ўринни эгалласа-да, лекин ягона харажат компоненти бўлиб ҳисобланмайди. Унинг фаолият натижаларига модий ва меҳнат ресурсларининг нархлари, электроэнергия, кредит фоизлари билан боғлиқ харажатлар ва ҳоказолар ўз таъсирини кўрсатади. Шундай экан солиқ ставкасининг бир хил ставкада бўлган шароитда ҳам корхоналар томонидан қабул қилинган қарорларга ҳар хил таъсир кўрсатади. Бу ўз навбатида солиқ тизимини ислоҳ қилишда ўзгаришларни бошқа соҳаларда



хам мос равишда ислохотларни олиб бориш ёки мазкур соҳалардаги ишларнинг ҳолатига қараб, солиқларнинг таъсир даражаларини кучайтириш керак бўлади.

Тадбиркорлик субъектларнинг фаолияти ва қайси солиққа тортиш тартиби амал қилишидан келиб чиқиб ҳисобланган солиқлар корxonанинг зиммасидаги солиқ юкини ташкил қилади. Солиқ юкининг кўп ёки камлиги тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаоллигига таъсири этиши табиий, яъни солиқ юки юқори бўлса иқтисодий фаоллик пасаяди ва аксинча. Шу ўринда солиқ юки даражаси тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаоллигига таъсир қилишда, унинг таркибий тузилиши қандай аҳамиятга эга деган савол туғилади. Ўтказган тадқиқотимиз натижасида солиқ юкининг таркибий тузилишида бевосита солиқлар улушининг ортиши тадбиркорлик субъектларида иқтисодий фаолликни пасайиши билан боғлиқ равишда юз беради, яъни солиқ юкида бевосита солиқлар улуши қанча юқори бўлса, солиқ юки даражаси бир хил бўлган шароитда, иқтисодий фаолликка таъсири чуқурроқ бўлади деган хулосага келдик. Ушбу хулосаларимизни бевосита аниқ корxonалар мисолида тадқиқ этиш ва илмий асослаш мақсадида қуйида келтирилган икки корxonада солиқ юки даражаси бир хил (бир-бирига жуда яқин) бўлган шароитда солиқ юкини ташкил этган бевосита ва билвосита солиқларнинг нисбат муносабатлари қандай аҳамият касб этишини таҳлил этамиз.

1-жадвал

## Корxonаларда солиқ юкининг таркибий тузилиши бўйича иқтисодий фаоллик даражаларига таъсирининг таҳлили<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар	Цемент ишлаб чиқариш корxonаси	Қурилиш корxonаси
Солиқ юки даражаси, % да	11,8	11,9
Ш.ж. бевосита солиқлар улуши, %да	47,4	24,3
Билвосита солиқлар улуши, %да	52,6	75,7
Корxonанинг иқтисодий фаоллиги даражаси	44,4	66,7

Жадвал маълумотларини таҳлилининг кўрсатишича цемент ишлаб чиқариш ва қурилиш корxonаларида солиқ юки даражаси мос равишда 11,8 % ва 11,9 % га тенг бўлганда, солиқ юкини таркибий тузилиши турлича бўлган, яъни цемент ишлаб чиқариш корxonасида солиқ юкининг таркибий тузилишида 47,4 фоизни бевосита солиқлар, 52,6 фоизни билвосита солиқлар ташкил этган шароитда иқтисодий фаоллиги даражаси 44,4 га тенг бўлган, қурилиш корxonасида эса солиқ юкининг таркибий тузилишида 24,3 фоизни бевосита солиқлар, 75,7 фоизни билвосита солиқлар ташкил этган шароитда иқтисодий фаоллиги даражаси 66,7 га тенг бўлган. Демак, солиқ юки даражаси бир хил бўлган шароитда унинг таркибий тузилишида бевосита солиқлар улуши юқори бўлганда иқтисодий фаоллик пастроқ, билвосита солиқлар улуши юқори бўлганда иқтисодий фаоллик даражаси юқорироқ бўлади.

Давлат солиқлардан корxonаларнинг иқтисодий фаоллигини бошқаришда муҳим дастак сифатида фойдаланиши зарур, қайсики бу иқтисодиётни ривожлантиришдек муҳим вазифани барқарор амалга оширилишида ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади. Демак солиқ

<sup>1</sup>Сўровнома натижалари ва корxonа ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

сиёсатини такомиллаштиришнинг мақсади энг аввало корхоналар иқтисодий фаоллигини ривожлантиришга қаратилган солиқ ислохотларини олиб бориш билан белгиланиши керак, чунки бу ислохотлар иқтисодий ўсиш жараёнларини тезлаштиришга замин яратувчи бўлиб ҳисобланади. Мазкур илмий хулоса қуйидагилар билан асосланади:

- солиқ тизимини ислох қилишда ўзгаришларни бошқа соҳаларда ҳам мос равишда ислохотларни олиб бориш ёки мазкур соҳаларнинг фаолият натижаларидан келиб чиқиб, солиқларнинг таъсир даражаларини фаоллаштириш керак бўлади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки солиқ юки корхоналар иқтисодий фаоллиги даражасига тескари мутаносибликда бўлади, яъни солиқ юкининг ошиши иқтисодий фаолликка салбий таъсир этади. Бунда солиқ юкини ташкил этувчи солиқларнинг таркиби муҳим роль ўйнайди, жумладан, бевосита солиқларнинг иқтисодий фаолликка таъсири чуқурроқ бўлса, билвосита солиқларнинг иқтисодий фаолликка таъсири эса, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга бўлган талаб ва тақлифнинг даражасига боғлиқ бўлади;

-солиқ юки даражасининг юқорилиги корхоналарда бир неча салбий оқибатлари ёки асоратлари билан характерланади. Бундай оқибатларга солиқ боқимандаларининг ошиши, хуфёна иқтисод қамровларининг кенгайиши, корхоналарнинг давлат олдидаги ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар олдидаги мажбуриятларини бажара олмаслиги яъни кредиторлик қарздорликларининг ошиши кабиларни келтириш мумкин. Демак ушбу шароитда солиқ юкининг юқорилиги натижасида бюджетга тушумларнинг камайишига учраган давлат учун энг мақбул стратегия бу солиқларни камайтириш, корхоналарнинг иқтисодий фаоллигини ўстиришга имкон берувчи солиққа тортиш тамойилларига амал қилиш бўлади;

-агарда тадбиркор даромад олиш истикболларини кўрмаса ёки бозорда корхоналар самарали фаолият юритаётиб, юқори ва прогрессив солиқлар кўринишидаги кучли тўсикка тўкнаш келса, унинг иқтисодий фаоллиги пасаяди, тадбиркорни ишлаб чиқаришга жалб қилиш борасидаги барча саъй-ҳаракатлар беҳуда кетади. Шунинг учун тадбиркорликни ривожлантиришни дастлаб босқичларида кенгқамровли ва шу билан бирга аниқ мақсадли солиқ имтиёзларини жорий этилиши ижобий самара бериши мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Гиясов С.А. Эффективное использование налогового механизма в развитии инновационной экономики. (Монография). - Т.: «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi». 2022, 294 с.
2. Тошматов Ш. А. Проблемы усиления роли налогов в повышении экономической активности предприятий //Т.:«Финансы. – 2008. – Т. 47.
3. Ниязметов И. Солиқ юкини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт //Scienceweb academic papers collection. – 2016
4. Тошматов Ш. А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари. Монография //Т.:“Молия. – 2012. – Т. 160.
5. .К.Яхёев. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.:Меҳнат. 2000 й.

TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH MASALALARI

ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

ISSUES OF DEVELOPMENT OF ENTREPRENEURSHIP

Saidova Mavludaxon Jumaboevna  
Andijon mashinasozlik instituti  
“Iqtisodiyot” kafedrası katta o‘qituvchisi

**Annotatsiya**

Maqolada tadbirkorlikni rivojlantirish masalalariga e’tibor berilgan, Andijon viloyatida tadbirkorlikning rivojlanish holati tahlil qilingan va mavjud muammolar ustida fikr yuritilgan.

**Kalit so‘zlar:** kichik biznes va xususiy tadbirkorlik, oilaviy tadbirkorlik, hududiy tadbirkorlik, strategiya, ijtimoiy – iqtisodiy samaradorlik.

В статье рассматриваются территориальные аспекты развития частного предпринимательства, анализируется состояние развития частного предпринимательства в Андижанской области и рассматриваются существующие проблемы.

**Ключевые слова:** малый бизнес и частное предпринимательство, семейный бизнес, региональное предпринимательство, маркетинг, стратегия, социально-экономическая эффективность.

The article discusses the territorial aspects of the development of small business and private entrepreneurship, analyzes the state of development of small business and private entrepreneurship in the Andijan region and examines the existing problems.

**Key words:** small business and private entrepreneurship, family business, regional entrepreneurship, marketing, strategy, socio-economic efficiency.

Ijtimoiy ishlab chiqarishni barpo etishda tadbirkorlikning ahamiyati katta bo‘lib, mahsulot ishlab chiqarish turli sub’yektlar yordamida amalga oshiriladi. Sub’yektlarni tashkil etish aholining talab va taklifiga asosan, har xil tadbirkorlik shakllarida amalga oshiriladi. Tadbirkorlik faoliyatini yuritishning muhim 4 asosi bo‘lib quyidagilarni keltirish mumkin:

1. Tadbirkorning ijtimoiy ishlab chiqarish asosi - insoniyatning mavjud bo‘lishi uchun eng oddiy va eng asosiy hayotiy ne‘matlar yaratib berishdir.

2. Tadbirkorlik faoliyatining tashkiliy asoslari - korxonani (ashkil etish, korxonaning tashkiliy tuzilmasi, boiirn, bo‘g‘in, gumhlaming tizimli bog‘lanishi, faoliyatni bir ishlab chiqarish obyekti sifatida tuzilishidir.

3. Tadbirkorlik faoliyatining huquqiy asoslari - tadbirkor o‘z faoliyatini yuritish, korxonalar ochish, mahsulotni yetishtirib iste‘molchiga yetkazib berish jarayonida qollaniladigan va qonunchilik idoralari tomonidan ishlab chiqilgan qonuniy hujjatlardan foydalanish tushuniladi.

4. Tadbirkorlik faoliyatining iqtisodiy asoslariga - tadbirkor tomonidan yaratiladigan moddiy boyliklarni ishlab chiqarish uchun sarf qilinadigan moddiy, moliyaviy, mehnat va ijtimoiy resurslardan samarali foydalanish tushuniladi[1].

Iqtisodiy jarayonlarning samarasi amalida faoliyat ko‘rsatayotgan tadbirkorlarning soni va sifati hamda shu faoliyat bilan shug‘ullanmoqchi bo‘lgan kishilar soni bilan belgilanadi. Bu o‘z navbatida, tadbirkorlik ishiga yangi tadbirkorlarni jalb qilish, iqtisodiyotni erkinlashtirish va tadbirkorlik muhiti darajalariga bog‘liqdir. Oxirgisi tadbirkorlik faoliyatiga davlatning aralashishi darajasiga bog‘liq. Davlat shunday shart-sharoitlar yaratib berishi kerakki, unda tadbirkorlarning va tadbirkor bo‘lmoqchi bo‘lganlarning qiziqishi, xohishi va intilishlari maksimal darajada o‘z ifodasini topsin. Jahon tajribasi

ham iqtisodiy jihatdan rivojlanishga erishgan mamlakatlarda tadbirkorlik uchun barcha qulayliklar yaratib berilganligini ko‘rsatmoqda.

Biznesda mulkchilik munosabatlari har qanday jamiyat iqtisodiy tizimining asosiy munosabatlaridan birini tashkil qilib, insoniyat taraqqiyotining mahsuli hisoblanadi. Biznesda mulkchilik munosabatlari moddiy va mahnaviy nehmatlarni ishlab chiqarish hamda jamiyat boyliklarini o‘zlashtirish jarayonlarida vujudga keladi. shunday ekan, Biznesda mulkchilik munosabatlari – bu mulkka egalik qilish, foydalanish, tasarruf etish va o‘zlashtirish jarayonlarida vujudga keladigan iqtisodiy munosabatlardir. Barqaror iqtisodiy taraqqiyotni tashkil etish va bozor muvozanatiga erishishda, jamiyat ahzolarining ehtiyojlarini oqilona qondirish darajasini oshirish vazifalarini hal etishda mulkiy islohotlar siyosatini takomillashtirish zaruriyati ortmoqda. Iqtisodiyotda davlat ishtirokini kamaytirish, xususiy mulk huquqini himoya qilish, mulkka egalik qilish va uning hajmini oshirish orqali yuqori samaradorlikka erishish, Biznes va kichik biznes hamda xususiy tadbirkorlikni yanada rivojlantirish, uni rag‘batlantirish mo‘ljallanmoqda.

Tadbirkorlik sub‘yektlarini davlat ro‘yxatidan o‘tkazish va ularni muhandislik-kommunikatsiya tarmoqlariga ulash tartibi sezilarli darajada soddalashtirildi hamda bu jarayon yanada ochiqlik kasb etdi. Ro‘yxatga olish uchun davlat boji stavkasi ikki barobarga qisqartirildi. Ishchilarning yillik o‘rtacha soni 100 kishigacha ko‘paytirilgan kichik korxonalar shug‘ullanishi mumkin bo‘lgan faoliyat turlari ro‘yxati sezilarli darajada kengaytirildi. Kichik biznes subyektlarini davlat xaridlari jarayoniga keng miqyosda jalb qilish mexanizmi ishlab chiqildi va joriy etildi.

Tijorat banklarining kapitallashuv darajasi oshmoqda, kichik biznes subyektlarini, ayniqsa, ularning yuqori texnologik uskunalari xarid qilishi uchun imtiyozli kreditlash mexanizmi takomillashtirildi.

Shu bilan birga, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning jadal rivojlanishiga to‘sqinlik qilayotgan, tadbirkorlik faoliyati erkinligini cheklayotgan bir qator muammolar hal etilmay qolmoqda.

Tadbirkorlik faoliyatining kelajagi tadbirkorlik muhiti bilan birga tadbirkorlik tafakkurining qay darajada rivojlanganiga ham bog‘liqlik, ular jamiyatdagi ijtimoiy-iqtisodiy vaziyatni aks ettiradi. Ijtimoiy-iqtisodiy vaziyatga iqtisodiy mustaqillik, tadbirkorlar sinfi, iqtisodiy aloqalarda bozorning ustuvorligi, tadbirkorlik kapitalini mujassamlantirish sharoitining mavjudligi va kerak bo‘lgan resurslarni ishlatish kiradi.

Kichik biznes sub‘ektlari sonini ko‘paytirishga muntazam ravishda chora-tadbirlar qo‘llanilishi kerak. Kichik korxonalar ko‘payishi, faoliyat olib borishlari uchun avvalo Hukumat tomonidan amalga oshiriladigan chora-tadbirlarning o‘rni muhimdir. Ular faoliyat boshlashlari uchun mikrokreditlar ajratiladi. Ular uchun soliq stavkalari foizlari ham kamaytirilgan tartibda belgilanadi. Davlat tomonidan berilgan ko‘mak va yordamlar bilan birgalikda, odamlarning o‘zida ishbilarmonlik ko‘nikmalarini shakllantirish, ularning iqtisodiy – huquqiy bilimlarini oshirib borishlari talab etiladi.

Mamlakat iqtisodiyotida kichik biznes hamda xususiy tadbirkorlik sub‘ektlari ulushi ortib borayotgan hozirgi vaqtda aholini tadbirkorlikka jalb qilish moliya muassasalari, boshqa davlat va jamoat tashkilotlari oldiga muhim vazifalarni qo‘ymoqda. O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi doirasida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishga to‘liq erkinlik berilgan[2].

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.M.Mirziyoyevning 2018 yil 8 iyundagi “Har bir oila – tadbirkor” dasturini amalga oshirish to‘g‘risida”gi PQ – 3777 – sonli qarori ham oilaviy tadbirkorlik, hunarmandchilik, kasanachilik va boshqa tadbirkorlik turlarini keng ommalashtirish, har bir oilaning barqaror daromad manbaiga ega bo‘lishi uchun shart-sharoitlar yaratish va ishsizlikka barham berishni maqsad qilgan. Rejaga ko‘ra dastur olis, tabiiy – iqlim sharoiti og‘ir hududlarda aholining moddiy sharoitini tubdan yaxshilash, turmush tarzi sifati va darajasini oshirishga xizmat qiladi. Tadbirkorlik bilan shug‘ullanish istagida bo‘lgan aholining tashabbuslarini har tomonlama qo‘llab – quvvatlash, ularga imtiyozli kreditlar ajratish hamda ishbilarmonlik faoliyatini tashkil etish va amalga oshirishda amaliy yordam ko‘rsatilishi belgilangan. Dasturga

asosan 2018 yilning 10 iyunidan boshlab namunaviy tarzdi Andijon viloyatining tuman va shaharlarida “Har bir oila – tadbirkor” hududiy dasturini amalga oshirish belgilab berildi[3].

Ushbu dastur asosan aholi o‘rtasida nasldor qoramol, echki va quyon zotlarini parvarishlashni rag‘batlantirish va yirik tadbirkorlarni jalb etgan holda sanoatlashgan chorvachilik klasterlarini tashkil etish chora – tadbirlarini o‘z ichiga olgan.

“Hududlarda aholini tadbirkorlikka keng jalb qilish va oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirishga doir qo‘shimcha chora – tadbirlar to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 7 martdagi PQ-4231 – sonli qarori ushbu tizimli islohotlarning keyingi rivojlanish yo‘nalishlarini aniqlab berdi. Ushbu qarorga muvofiq maqsadli jamg‘armalardan qo‘shimcha 5 trillion so‘m mablag‘ yo‘naltirildi. [4]. Qarorga asosan aholini tadbirkorlikka jalb etish uchun barcha hududlarda oilaviy tadbirkorlikni qo‘llab – quvvatlash markazlari tashkil etildi. Bundan tashqari, qarorga muvofiq barcha tumanlar (shaharlar)da aholi va muhtoj oilalarni foydali mehnatga jalb etgan holda eksportbop, bozor talabiga to‘liq javob beradigan qishloq xo‘jaligi va sanoat mahsulotlarini ishlab chiqarish, qayta ishlash va sotish jarayonini qamrab olgan klaster tizimini keng joriy etish bo‘yicha aniq choralarni ishlab chiqish belgilangan.

**1-jadval**

**Andijon viloyatida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning ulushi**  
(umumiy hajmga nisbatan % da)

<b>Yillar</b>	<b>YAHM</b>	<b>Sanoat</b>	<b>Qurilish</b>	<b>Bandlik</b>
2010	54,7	15,5	95,0	81,0
2011	56,3	18,4	93,1	82,4
2012	67,3	18,6	94,2	82,8
2013	68,4	20,3	90,0	83,3
2014	71,3	23,4	93,2	83,7
2015	78,5	32,0	93,9	83,8
2016	83,6	50,4	93,2	84,4
2017	80,2	34,5	93,8	84,2
2018	73,1	21,2	96,9	81,7
2019	69,7	17,7	94,9	81,8
2020	70,1	20,1	93,3	81,0
2021	72,2	27,1	95,2	80,7
2022	69,5	22,4	93,8	81,7
2023-yil yanvar-iyun*	66,8	23,3	70,2	80,1

\* Dastlabki ma'lumotlar

Andijon viloyatida tadbirkorlikni rivojlantirish bo‘yicha muayyan ishlar olib borilayotganini aytib o‘tish mumkin. Xususan, viloyat, shahar hamda tuman hokimliklari tomonidan korxonalariga bank xizmatlarini ko‘rsatish va kredit ajratishga, kichik biznes hamda xususiy tadbirkorlikni har tomonlama qo‘llab-quvvatlashga va biznes muhitini yaxshilashga qaratilgan 36 ta qaror qabul qilinib, ijrosi ta‘minlandi.

Viloyatdagi mavjud 868 ta mahallada tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishga ko‘maklashuvchi maslahat markazlari tashkil etildi. 2022 yilning 1 yanvar holatiga ko‘ra, hududda 23 ming 580 ta kichik biznes hamda xususiy tadbirkorlik sub’ekti faoliyat ko‘rsatmoqda. Yillar kesimida YaHM (Yalpi Hududiy Mahsulot) da kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning ulushi turli rivojlanish dinamikasini ko‘rsatmoqda (1-jadval)[6]. 2010 yilda YaHMning 54,7 foizi kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatiga to‘g‘ri kelsa, 2022 yilda bu ko‘rsatkich 69,5 foizni tashkil etmoqda. Sanoatning ulushi 22,4 foizni, qurilish sohasida esa 93,8 foizni tashkil etmoqda.

Yuridik shaxs sifatida davlat ro‘yxatidan o‘tgan oilaviy korxonalar soni - 2022 yilning 1 yanvar holatiga 592 tani tashkil etib, ulardan 558 tasi yoki 94,3 % faoliyat yuritadi [5]. Bu

ko‘rsatkich o‘tgan yilning shu davriga nisbatan olganda davlat ro‘yhatidan o‘tganlarning hamda faoliyat ko‘rsatayotganlarning umumiy soni o‘rtacha 19,4 % ga oshganligini ta‘kidlash lozim.

Tugatilgan kichik korxonalar va mikrofirmalarning asosiy qismi 325 tasi (37,6 %) savdo, 190 tasi (22,0 %) sanoat, 102 tasi (11,8 %) qurilishda, 102 tasi (11,8 %) qishloq va o‘rmon xo‘jaligi, 34 tasi (3,9 %) yashash va ovqatlanish bo‘yicha xizmatlarda, 27 tasi (3,1 %) axborot va aloqada, 19 tasi (2,2 %) tashish va saqlashda, 10 tasi (1,2 %) sog‘liqni saqlash va ijtimoiy xizmatlar hamda 55 tasi (6,4 %) boshqa faoliyat turlari hissaloriga to‘g‘ri kelgan.

Yuqoridagilar umumlashtirib shuni aytish mumkinki, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni yanada jadal rivojlantirish uchun ularni rag‘batlantirish, qo‘llab-quvvatlash tizimini takomillashtirib borish, bu boradagi to‘siq va g‘ovlarni bartaraf etib borish zarur bo‘ladi. Mamlakatimizda ishbilarmonlik muhiti va biznes yuritish sharoitini muttasil zamon talablarini hisobga olgan holda yaxshilab borish bo‘yicha chora-tadbirlarini amalga oshirib borish zarur.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. U.P.Umurzaqov “Kichik biznes va tadbirkorlik” O‘quv qo‘llanma T., 2014 y.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2019-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-5544 – sonli farmoni// Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 22.09.2018 y., 06/18/5544/1951-son)
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Har bir oila – tadbirkor” dasturini amalga oshirish to‘g‘risida”gi PQ – 3777 – sonli qarori.// Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 08.06.2018 y., 07/18/3777/1325-son)
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60 – sonli farmoni// Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 28.01.2022 y., 01/28/60/547-son)
5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Hududlarda aholini tadbirkorlikka keng jalb qilish va oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirishga doir qo‘shimcha chora – tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-4231 – sonli qarori// Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 09.03.2019-y., 07/19/4231/2724-son)
6. Andijon viloyat 2022 yil statistik xabarnomasi. //www.andstat.uz.

AN’ANAVIY VA ISLOM BANKLARI FAOLIYATINING QIYOSIY TAHLILI

COMPARATIVE ANALYSIS OF TRADITIONAL AND ISLAMIC BANKS

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ТРАДИЦИОННЫХ И ИСЛАМСКИХ БАНКОВ

XXX  
XXX

**Annotatsiya**

Ushbu maqolada an’anaviy va islom banklarining asosiy farqlari va afzalliklarini aniqlash uchun ularning qiyosiy tahlili keltirilgan. Maqolada an’anaviy va islom bank tizimlarining foiz stavkalari, investitsiyalar va hujjatli operatsiyalar kabi asosiy tamoyillarini muhokama qilingan. Shuningdek, ularning moliyaviy operatsiyalarga yondashuvlardagi asosiy farqlari qiyosiy solishtirilib, tahlil qilingan, tahlillar asosida xulosa shakllantirilib, sohaga doir tavsiyalar berilgan.

**Kalit so‘zlar:** Qiyosiy tahlil, an’anaviy bank tizimi, islom bank tizimi, moliyaviy institutlar, bank mahsulotlari, shariatga rioya qilish, foyda va zararni taqsimlash, foizsiz bank xizmatlari, islomiy moliya, shariat tamoyillari.

This article provides a comparative analysis of conventional and Islamic banks to identify their main differences and advantages. The article discusses the basic principles of conventional and Islamic banking systems such as interest rates, investments, and document transactions. Also, their main differences in approaches to financial operations were compared and analyzed, conclusions were drawn based on the analysis, and recommendations were made in the field.

**Keywords:** Comparative analysis, conventional banking system, Islamic banking system, financial institutions, banking products, Shariah compliance, profit and loss sharing, interest-free banking, Islamic finance, Shariah principles.

В данной статье проводится сравнительный анализ традиционных и исламских банков с целью выявления их основных отличий и преимуществ. В статье рассматриваются основные принципы традиционной и исламской банковских систем, такие как процентные ставки, инвестиции и документарные операции. Также были сопоставлены и проанализированы их основные различия в подходах к финансовым операциям, на основе анализа сделаны выводы и даны рекомендации на местах.

**Ключевые слова:** Сравнительный анализ, традиционная банковская система, исламская банковская система, финансовые институты, банковские продукты, соблюдение шариата, распределение прибылей и убытков, беспроцентная банковская деятельность, исламские финансы, принципы шариата.

Bank sektori butun dunyo bo‘ylab iqtisodiy rivojlanish va moliyaviy barqarorlikni ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi. Yillar davomida an’anaviy bank tizimlari global moliyaviy bozorda ustunlik qildi. Biroq, islomiy moliyaning paydo bo‘lishi axloqiy tamoyillarga va shariat qonunlariga rioya qilishga asoslangan muqobil iqtisodiy modelni keltirib chiqardi. Natijada an’anaviy va islom banklarining qiyosiy tahlili tadqiqotchilar, siyosatchilar va iqtisodchilar uchun qiziqarli tadqiqot sohasiga aylandi. An’anaviy bank tizimi jismoniy shaxslar, korxonalar va hukumatlarning turli ehtiyojlarini qondirish uchun moslashtirilgan keng ko‘lamli moliyaviy xizmatlarni taklif qiluvchi foizlarga asoslangan operatsiyalarga tayanadi. Aksincha, islom bank tizimi adolat, foyda va zararni taqsimlash, foizlarni (ribo) ta’qiqlash va iqtisodiy tenglikni targ‘ib qilish kabi asosiy tamoyillar asosida ishlaydi.

Jahon moliya tizimi turli moliyaviy institutlardan, jumladan, an’anaviy banklar va islom banklaridan iborat. An’anaviy banklar foizga asoslangan operatsiyalar asosida ishlaydi, islom banklari esa foizga asoslangan faoliyatni ta’qiqlovchi Islom shariati qonunlariga amal qiladi. Ushbu adabiyot tahlili bir nechta adabiyotlarni ko‘rib chiqish orqali an’anaviy va islom banklarining ishlashi, samaradorligi va risklarni boshqarishni solishtirishga qaratilgan.

### 1. An’anaviy va islom bank tizimi modellari va tamoyillari:

An’anaviy bank tizimi aksiyadorlarga yo‘naltirilgan modelga amal qiladi, asosiy e’tibor daromadlilikka va aksiyadorlar qiymatini maksimal darajada oshirishga qaratilgan. Bunday banklar foiz asosida kreditlash va qarz olish bilan shug‘ullanadi, an’anaviy moliyaviy mahsulotlarni taklif qiladi va global moliya tizimida keng tarqalgan bank xizmatlarini taqdim etadi. Boshqa tomondan, islom bank tizimi manfaatdor tomonlarga yo‘naltirilgan modelga amal qiladi, bunda daromadlilik ijtimoiy va axloqiy jihatlar bilan birlashtiriladi. Islom banklari amal qiladigan asosiy tamoyillar: foizlarni taqiqlash (ribo), noaniqlikdan qochish (g‘orar) va ta’qiqlangan faoliyatga sarmoya kiritishni taqiqlash (harom)[1].

### 2. Mahsulotlar va xizmatlardagi farqlar:

Islom bank tizimi islom tamoyillariga mos keladigan alohida moliyaviy mahsulotlar va xizmatlarni taklif etadi. Masalan, islomiy banklar kreditlar bo‘yicha foizlar undirish o‘rniga Mudarabah va Musharaka kabi foydani taqsimlash usullaridan foydalanadilar[2]. Islom banklari shariat tamoyillariga mos keladigan islom obligatsiyalari (sukuk) va islom sug‘urtasi (Takaful) kabi muqobil mahsulotlarni ham taqdim etadi. Bundan farqli o‘laroq, an’anaviy banklar birinchi navbatda foizli kreditlar, muddatli depozitlar va an’anaviy sug‘urta mahsulotlarini taklif qiladilar.

### 3. Samaradorlik va moliyaviy barqarorlik:

An’anaviy va islom banklari faoliyatini solishtirish bo‘yicha o‘tkazilgan tadqiqotlar turli xil natijalarni ko‘rsatadi. Ba’zi tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, islom banklari moliyaviy inqiroz davrida risklarni taqsimlash xususiyatlari va axloqiy tamoyillarga qat’iy rioya qilishlari tufayli yaxshiroq ishlaydi. Aksincha, boshqa tadqiqotlar shuni ta’kidlaydiki, an’anaviy banklar kengroq mijozlar bazasi va keng moliyaviy mahsulotlarga ega bo‘lishlari tufayli yaxshi moliyaviy ko‘rsatkichlarni namoyish etadilar. Umuman olganda, adabiyotlar shuni ko‘rsatadiki, har ikkala turdagi banklarning faoliyati va barqarorligiga turli omillar, jumladan, bozor sharoitlari, me’yoriy-huquqiy bazalar va boshqaruv amaliyoti ta’sir qiladi[3].

### 4. Risklarni boshqarish:

Islom banklari haddan tashqari tavakkalchilikka yo‘l qo‘ymaslik va moliyaviy barqarorlikni rag‘batlantirish uchun ishlab chiqilgan risklarni boshqarishning o‘ziga xos usullariga amal qiladi. Ular shariatga rioya etilishini ta’minlash uchun sarmoyalarni sinchkovlik bilan tekshirishlari shart. Bundan tashqari, islom banklari faoliyatni nazorat qilish va axloqiy me’yorlarga rioya etilishini ta’minlash uchun shariat olimlaridan iborat kuzatuv kengashlarini ishga oladi[4]. Boshqa tomondan, an’anaviy banklar xavflarni baholash va kamaytirish uchun odatda Bazel kelishuvlariga asoslangan mustahkam risklarni boshqarish tizimini ishlab chiqishga e’tibor qaratadilar. Ushbu tizimlar kredit, bozor, operatsion va likvidlik risklarini ko‘rib chiqadi.

### 5. Normativ-huquqiy bazalar:

An’anaviy va islom banklari uchun me’yoriy-huquqiy bazalar turli mamlakatlarda farqlanadi. An’anaviy banklar umumiy bank qoidalariga muvofiq ishlayotgan bo‘lsa-da, islom banklari shariat tamoyillariga rioya qilishni ta’minlash uchun maxsus me’yoriy-huquqiy bazalarni talab qiladi. Ko‘pgina huquqiy bazalar islom banki qoidalarini o‘rnatgan yoki mavjud qoidalarni islomiy moliyalashtirishga moslashtirib, islom banki operatsiyalari uchun teng sharoit va qulay muhitni ta’minlagan[5,6].

Ko‘rib chiqilgan adabiyotlarda an’anaviy va islom banklari o‘rtasidagi farqlovchi xususiyatlar va operatsion farqlar yoritilgan. Ikkala turdagi banklar ham turli xil mijozlar segmentlariga xizmat ko‘rsatadi va alohida tamoyillar va amaliyotlarga amal qiladi.

An’anaviy va islom bank tizimlari turli tamoyillarga asosida faoliyat yuritadigan ikki xil bank tizimi yondashuviga ega. Islom moliya xizmatlari kengashi (IFSB) ma’lumotlariga ko‘ra, 2020-yilda islom moliya sanoatining jami global aktivlari 2,88 trillion dollarga yetgan. 2020-yil



holatiga ko‘ra, islomiy bank bozorining eng yaxshi beshligiga Eron, Saudiya Arabistoni, Malayziya, BAA va Turkiya kirdi. Islom bank tizimihar yili 10-12% atrofida barqaror o‘shish sur‘atlarini boshdan kechirmoqda, bu esa ba‘zi hududlardagi an‘anaviy banklarning o‘shish sur‘atlarini ortda qoldirdi[7]. Quyidagi jadvalda an‘anaviy va islom bank tizimlari bir nechta asosiy ko‘rsatkichlar yordamida qiyosiy tahlil qilingan:

**1-jadval**

**An‘anaviy va islom bank tizimlari qiyosiy tahlili**

<b>№</b>	<b>Qiyosiy tahlil ko‘rsatkichi</b>	<b>An‘anaviy bank tizimi</b>	<b>Islom bank tizimi</b>
1	Prinsiplar va asoslar	An‘anaviy bank an‘anaviy foizlarga asoslangan tizimda ishlaydi. U hech qanday diniy cheklovlarsiz foyda va aksiyadorlar qiymatini maksimal darajada oshirishga qaratilgan.	Islom bank tizimi shariat qonuni tamoyillariga amal qiladi, ular foiz undirish yoki olishni (riba) hamda qimor, spirtli ichimliklar va boshqa taqiqlangan tovarlar va xizmatlar bilan bog‘liq faoliyatga jalb qilishni ta‘qiqlaydi. Buning o‘rniga, islom banklari foyda va zararni taqsimlash (Mudarabah) bilan shug‘ullanadilar, bunda ular foyda va zararlarni o‘z mijozlari bilan bo‘lishadi.
2	Mablag‘lar manbalari	An‘anaviy banklar o‘zlarining asosiy mablag‘lari sifatida mijozlar va boshqa moliya institutlarining depozitlariga tayanadilar. Ular mijozlardan foizli depozitlarni qabul qiladilar.	Islom banklari mijozlardan depozitlarni ham qabul qiladi, lekin ular Mudarabah, Musharaka va Vakala kabi islomiy shartnomalar asosida ishlaydi. Mijozlar sheriklar hisoblanadi va investitsiyalardan olingan foyda yoki daromadning bir qismini oladi.
3	Investitsiyalar va moliyalashtirish	An‘anaviy banklar foizlar asosida kreditlar va moliyalashni ta‘minlaydi, qarzlarni yaratadi. Ular axloqiy yoki ijtimoiy ta‘siridan qat‘i nazar, har qanday yuridik biznes yoki faoliyatni moliyalashtirishi mumkin.	Islom banklari shariat tamoyillariga mos keladigan axloqiy investitsiyalarga e‘tibor qaratadi va shu bilan ijtimoiy adolatni targ‘ib qiladi. Islomiy moliyalashtirish usullariga murabaha (xarajat qo‘shimcha moliyalashtirish), ijara (lizing) va istisna (shartnoma asosidagi ishlab chiqarish) kiradi.
4	Risklarni taqsimlash	An‘anaviy bankda risk asosan qarz oluvchi tomonidan qoplanadi. Agar qarz oluvchi qarzni to‘lamasa, yuk to‘liq qarz oluvchiga	Islom bank tizimi bank va mijoz o‘rtasida tavakkalchilikni taqsimlashga yordam beradi. Mudoraba va musharaka kabi usullarda foyda va zarar tomonlar o‘rtasida kelishilgan nisbatlarga ko‘ra taqsimlanadi.

		tushadi.	
5	Faoliyatni baholovchi muhim ko‘rsatkichlar	An’anaviy banklar, birinchi navbatda, aktivlar rentabelligi (ROA), o‘z kapitalining rentabelligi (ROE), sof foiz marjasi (NIM) va xarajatlarning daromadga nisbati (CIR) kabi moliyaviy ko‘rsatkichlarga e’tibor berishadi	Moliyaviy samaradorlik ko‘rsatkichlaridan tashqari, islom banklari o‘z investitsiyalarining atrof-muhitga, jamiyatga va umumiy ijtimoiy mas’uliyatga ta’siri kabi ijtimoiy samaradorlik ko‘rsatkichlarini ham hisobga oladi.

Xulosa qilib aytganda, an’anaviy va islom banklarining qiyosiy tahlili ikki moliyaviy tizim o‘rtasidagi bir qancha muhim farqlarni yoritib beradi. Ikkala tizimning ham afzalliklari va cheklovlari mavjud bo‘lsa-da, islom banki shariat qonunlari tamoyillariga mos keladigan o‘ziga xos yondashuvni taklif qilishi bilan farqlanadi. Tadqiqot shuni ko‘rsatdiki, islom banklari foizga asoslangan kreditlashdan ko‘ra, asosiy e’tiborni aktivlar bilan ta’minlangan bitimlar va foydani taqsimlash tartibiga qaratib, xavf-xatardan qochadigan yondashuvni qo‘llaydi. Ushbu yondashuv global moliyaviy inqiroz davrida ko‘rinib turganidek, iqtisodiy tanazzul davrida yanada chidamli bo‘lib chiqdi. Bundan tashqari, islom banklari jamiyatga foyda keltirish va axloqiy investitsiya amaliyotlarini targ‘ib qilish orqali katta ijtimoiy mas’uliyatni namoyish etadi. Biroq, an’anaviy banklar hali ham yaxshi tashkil etilgan infratuzilmasi va xalqaro investorlar orasidakeng tarqalganligi tufayli jahon moliya tizimida hukmronlik qilmoqda. Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatadiki, an’anaviy bank o‘zining operatsiyalarini amalga oshirish uslubi tufayli yuqori darajadagi tavakkalchilik va o‘zgaruvchanlikni namoyon qiladi, islom banki esa islom moliya huquqi - shariatda mavjud biznes axloqi tamoyillari tufayli barqarorroqdir.

**Normativ-huquqiy bazani mustahkamlash:** Ushbu tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatadiki, islom banklari uchun normativ-huquqiy bazani kuchaytirish zarur. Nazorat qiluvchi organlarga islom banki operatsiyalariga, jumladan, risklarni boshqarish, kapitalning etariligi va boshqaruv masalalariga maxsus moslashtirilgan keng qamrovli yo‘riqnomalar va standartlarni ishlab chiqish tavsiya etiladi. Bu islom bank tizimlarining barqarorligi va ishonchliligini oshirishga yordam beradi.

**An’anaviy va islom banklari o‘rtasidagi hamkorlikni rivojlantirish:** Qiyosiy tahlil shuni ko‘rsatadiki, an’anaviy banklar islom banklarining foyda va zararlarni taqsimlash va aktivlar bilan ta’minlangan moliyalashtirish kabi o‘ziga xos xususiyatlari va amaliyotlaridan o‘rganishlari mumkin. An’anaviy banklar islom banklari bilan hamkorlik qilish imkoniyatlarini o‘rganishlari mumkin, masalan, islom banki mahsulotlarini taklif qilish yoki qo‘shma korxonalar tashkil etish. Bu nafaqat ularning mahsulot takliflarini diversifikatsiya qiladi, balki g‘oyalar va ilg‘or tajribalarni o‘zaro urug‘lantirishga yordam beradi.

**Innovatsiyalarni rag‘batlantirish:** Qiyosiy tahlil o‘zgaruvchan bozor talablari va muammolarini hal qilish uchun islom bankchiligida doimiy innovatsiyalar zarurligini ta’kidlaydi. Islom banklariga shariat tamoyillariga mos keladigan yangi moliyaviy mahsulotlar va xizmatlarni ishlab chiqish uchun tadqiqot va ishlanmalar faoliyatiga sarmoya kiritish tavsiya etiladi. Bu esa kengroq mijozlar bazasini jalb qilish va jahon bozorida islom banklarining raqobatbardoshligini mustahkamlashga xizmat qiladi.

1. Bourne, R., va Skaife, H. "Islom va an'anaviy bank tizimi: Jahon moliyaviy inqirozining oqibatlari". Journal of International Financial Markets, Institutions & Money 23.1 (2013): 180-197.
2. Laeven, L. va Levine, R. "Bank boshqaruvi, tartibga solish va tavakkalchilik". Journal of Financial Economics 93.2 (2009): 259-275.
3. Hassan, M. K. va Lyuis, M. K. Islom bank ishi bo'yicha qo'llanma. Edvard Elgar nashriyoti, 2007.
4. Kassim, S. H. va Majid, M. S. A. "Malayziyada islom bankining samaradorligi va raqobati". Islom iqtisodiyoti tadqiqotlari 11.1 (2003): 31-56.
5. Xaron, S. va Ahmad, N. "An'anaviy foiz stavkalari va foyda darajasining Malayziyadagi islom bank tizimiga qo'yilgan mablag'larga ta'siri". Xalqaro ijtimoiy iqtisod jurnali 28.3/4/5 (2001): 419-439.
6. Bek, H. va Demirgüç-Kunt, A. "Bugungi kunda bank nazorati: O'tmishdan saboqlar". Jahon banki tadqiqot xulosasi 15.2 (2000): 147-169.
7. <https://www.ifsb.org/>

УДК 330.8331.108

**HUMAN CAPITAL DEVELOPMENT CHALLENGES IN DEVELOPING COUNTRIES**

**RIVOJLANAYOTGAN MAMLAKATLARDA INSON KAPITALINI RIVOJLANTIRISH  
MUAMMOLARI**

**ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА В РАЗВИВАЮЩИХСЯ  
СТРАНАХ**

**Saidrasulova Mukaddamkhon**  
**PhD student, National University of Uzbekistan**

### **Abstract**

The article examines the problems of human capital accumulation and human capital development in developing countries. In the article, the author analyzes a wide range of research related to the topic and focuses on potential measures that can serve to improve the quality of human capital in the context of developing countries.

**Keywords:** knowledge economy, human capital, population growth, income inequality, education, brain drain, unemployment

Ushbu maqolada rivojlanayotgan mamlakatlarda inson kapitali jamg'arilishi va inson kapitalini rivojlantirish muammolari o'rganilgan. Muallif maqolada keng qamrovli mavzuga doir tadqiqotlarni tahlil qilib, rivojlanayotgan mamlakatlar kontekstida inson kapitali sifatini yaxshilashga xizmat qilishi mumkin bo'lgan potensial chora-tadbirlarga to'xtalgan.

**Kalit so'zlar:** bilimlar iqtisodiyoti, inson kapitali, aholi o'sishi, daromadlar tengsizligi, ta'lim, "miyalar oqishi", ishsizlik

В статье рассматриваются проблемы накопления и развития человеческого капитала в развивающихся странах. В статье автор анализирует широкий спектр исследований, связанных с этой темой, и акцентирует внимание на потенциальных мерах, которые могут послужить улучшению качества человеческого капитала в условиях развивающихся стран.

**Ключевые слова:** экономика знаний, человеческий капитал, рост населения, неравенство доходов, образование, утечка мозгов, безработица

In the information age, the world economy has taken a step toward a knowledge-based economy. The knowledge-based economy is the result of the “knowledge revolution” that took place at the end of the last century, and this revolution is characterized by an active transition from an economy based on physical resources to an economy based on knowledge. At the moment, developed countries are rapidly transforming, and developing countries are gradually moving to the knowledge economy [1; pp. 16-17].

5. <https://smallbusiness.chron.com/advantages-disadvantages-marketing-strategy-53961.html>
6. <https://smart-estet.ru/articles/marketingovye-strategii>
7. <https://www.diol-it.ru/articles/o-vazhnosti-marketingovoy-strategii>
8. <https://strategy.mr-h.ru/>
9. DAVLATOV S., DILMONOV K. Impact of investment in education on economic growth //2nd Student Conference of MDIS Tashkent. – 2017. – С. 7.
10. Kayumovich K. O., Kamalovna S. F. Social media-marketing-a forceful tool for tourism industry //European science. – 2019. – №. 7 (49). – С. 41-43.
11. Rajabova M. Convenience and advantages of ou convenience and advantages of outsourcing in the regional market of tourist services //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2022. – Т. 21. – №. 21.
12. Rajabova M., Khodzhaeva D. K. Innovative methods for assessing the financial condition in family enterprises: Khodzhaeva Dilbar Khurshidovna senior lecturer of the Department of Economics of the Service Industry, BSU hodjaevadilbar@ mail. ru Rajabova Mokhichehra Abdukholikovna lecturer of the Department of Economics of the Service Sector, BSU rajabova. mokhichekha@ gmail. ru //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.

**PAXTA-TO‘QIMACHILIK KLASTERLARINI INNOVATSION RIVOJLANTIRISHNING  
ILMIY-AMALIY ASOSLARINI TAKOMILLASHTIRISH**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ БАЗЫ  
ИННОВАЦИОННОГО И РАЗВИТИЯ ХЛОПКОВОГО ТЕКСТИЛЬНОГО КЛАСТЕРА**

**IMPROVING THE SCIENTIFIC AND PRACTICAL BASIS OF THE INNOVATION AND  
DEVELOPMENT OF COTTON TEXTILE CLUSTER**

**Tojiev Sa’dulla Muxitdinovich  
O‘zbekiston Paxta-to‘qimachilik  
klasterlari uyushmasi raisi o‘rinbosari, i.f.n.**

**Annotatsiya**

Jahon tajribasidan ma’lumki, to‘qimachilik sanoatida vertikal integratsiyalashgan tizim samarali va raqobatbardosh bo‘la oladi, bu tizim paxta xomashyosini yetishtirish va dastlabki ishlov berishdan boshlab, to uni paxta zavodlarida keyingi qayta ishlash va tayyor mahsulotga aylantirishgacha bo‘lgan jarayonlarni o‘z ichiga oladi. Maqolada paxta-to‘qimachilik klaster tizimida innovatsion samaradorlikka erishish masalalari ko‘rib chiqilib innovatsion samaradorlikni oshirish chora - tadbirlari hamda shu sohaga doir muammolarga e’tibor qaratilgan. Shuningdek, respublikamizda innovatsion faoliyatni rivojlantirish masalalari haqida tahliliy ilmiy-amaliy ma’lumotlar berilgan.

**Kalit so‘zlar:** Klaster, klaster tizimi, klaster tashabbusi, klaster strategiyasi, innovatsiya, innovatsion texnologiyalar, ishlab chiqarish.

Из мирового опыта известно, что эффективной и конкурентоспособной в текстильной промышленности может быть вертикально интегрированная система, включающая процессы от производства и первичной обработки хлопкового сырья до последующей переработки и превращения в готовую продукцию на хлопчатобумажных фабриках. В статье рассмотрены вопросы достижения инновационной эффективности в системе хлопково-текстильного кластера, меры по повышению инновационной эффективности, а также акцентировано внимание на проблемах, связанных с этой отраслью. Кроме того, дана аналитическая научно-практическая информация по развитию инновационной деятельности в нашей республике.

**Ключевые слова:** Кластер, кластерная система, кластерная инициатива, кластерная стратегия, инновации, инновационные технологии, производство.

It is known from the world experience that a vertically integrated system can be effective and competitive in the textile industry, which includes the processes from the production and initial processing of cotton raw materials to the subsequent processing and conversion into finished products in cotton mills. The article considers the issues of achieving innovation efficiency in the cotton-textile cluster system, measures to increase innovation efficiency, and focuses on the problems related to this sector. In addition, analytical scientific-practical information on the development of innovative activity in our republic is provided.

**Key words:** Cluster, cluster system, cluster initiative, cluster strategy, innovation, innovative technologies, production.

Qishloq xo‘jaligi respublikamiz iqtisodiyotining muhim tarmog‘i hisoblanib, so‘ngi yillarda Respublika hukumati tomonidan qishloq xo‘jaligida bozor munosabatlarini shakllantirishni takomillashtirib borish asosida ushbu soha samaradorligini oshirib borishga qaratilgan chuqur islohotlar amalga oshirilmoqda.

Jumladan, 2019 yilda "O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo‘ljallangan strategiyasi” qabul qilindi [1].

Unda qishloq xo‘jaligi yerlaridan foydalanishni takomillashtirish, suvdan foydalanish samaradorligini yuksaltirish, qishloq xo‘jaligini davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash hamda davlat xaridlari tizimini takomillashtirish, qishloq xo‘jaligining eksport salohiyatini oshirish va yuqori qo‘shilgan qiymatga ega mahsulotlar hajmini ko‘paytirish, qishloq xo‘jaligiga xizmat ko‘rsatish sohasida raqobat muhitini shakllantirish, qishloq xo‘jaligida axborot texnologiyalarini keng joriy qilish hamda tarmoq statistikasini to‘liq raqamlashtirish orqali ma‘lumotlar haqqoniyligini ta‘minlash, kadrlar masalasini hal etish, ilm-fanni rivojlantirishga xizmat qiluvchi yettita ustuvor yo‘nalish belgilab berildi.

Klaster (inglizcha, cluster) – muayyan yo‘nalishda o‘zlashtirilgan ishlab chiqarish yoki xizmat ko‘rsatish sohasining o‘zgaruvchan elementidir. Iqtisodiy klaster – ma‘lum bir hududga (kompaniyalar, korporatsiyalar, universitetlar, banklar va boshqalar) qaratilgan bir-biriga bog‘liq tashkilotlar guruhi: mahsulotlar, tarkibiy qismlar va ixtisoslashtirilgan xizmatlar, yetkazib beruvchilar, infratuzilma, tadqiqot institutlari, universitetlar va bir birini to‘ldiradigan ayrim kompaniyalar va butun guruhning raqobatbardosh afzalliklarini oshiradigan boshqa tashkilotlardir.

Innovatsion klasterni shakllantirish ham bugungi kunning dolzarb masalalaridan biridir. Innovatsion klasterni shakllanirishdan maqsad – shahar, tuman va viloyat ichida joylashgan bir xil soha korxonalarini va ular bilan yagona texnologik zanjirda bo‘lgan ta‘lim, ilmiy, injinerlik, konsalting standartlashtirish, sertifikatlashtirish va boshqa xizmatlarni uyg‘unlashtirish – innovatsion ishlab chiqarishni tashkil etish asosida raqobatbardosh tovarlar yaratishga keng imkoniyatlar yaratish hisoblanadi.

Ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning innovatsion yo‘liga o‘tish nafaqat O‘zbekiston iqtisodiyotining klaster tizimida to‘planib qolgan muammolarni, balki hukumatimiz tomonidan jadallik bilan olib borilayotgan islohotlar oldida turgan asosiy vazifalarni hal etish zarurligi bilan ham bog‘liq. Hozirgi sharoitda innovatsion faoliyat O‘zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishning asosiy omili hisoblanadi. Ushbu omildan samarali foydalanish mamlakatimizda klaster tizimining barqaror rivojlanishini ta‘minlashning yagona yo‘lidir. Islohotlar jadallashib, jahon iqtisodiyotining globallasuvi kuchayib borayotgan sharoitda mamlakatimiz qisqa muddatda klaster tizimini rivojlantirishning innovatsion yo‘lga jadal o‘tishni amalga oshirishi, iqtisodiyotning ushbu strategik ahamiyatga ega tarmog‘ini zamon talablariga javob beradigan darajaga yetkazishi lozim. Aks holda klaster tizimi rivojlanishdan ortda qoladi va raqobatbardosh bo‘la olmaydi.

Yengil sanoat, neft, gaz, ximiya, biotexnologiya, formatsiya, informatika, avtoqurilish, transport-logistika, rekratsion-turistik, oziq-ovqat, ta‘lim, baliqchilik va boshqa sohalarda klaster tizimlarini yaratish ilmiy tadqiqotlar va ishlanmalarni moliyalashtirish hajmini ko‘paytiradi, sifatni yaxshilaydi, ilmiy tadqiqot ishlarini texnik ta‘minot darajasini yuksaltiradi, investitsiyaviy tashqi loyihalarda ishtirok etish, ilmiy pedagogik kadrlar tayyorlash va malakasini oshirishning imkoniyatlarini yaratadi [2].

Shunday ekan, mamlakatimizdagi mavjud imkoniyatlardan oqilona foydalangan holda zamon talablariga mos yangi texnologiyalarni ishlab chiqarishga jalb etgan holda yuqori sifatli mahsulot yaratish va unumdorligiga erishish, ya‘ni innovatsion samaradorlikka erishish bugungi kunning eng dolzarb masalalaridan biridir.

Ilmiy tadqiqotimizning maqsadi – klaster tizimida innovatsion samaradorlikni oshirish va innovatsion klasterni shakllantiruvchi omillarni tadqiq qilish hamda uning nazariy jihatlarini tahlil qilish orqali ilmiy xulosa va tavsiyalar shakllantirishdan iboratdir.

Mamlakatimizda klaster tizimining fan, ta‘lim va ishlab chiqarishning o‘zaro uyg‘unligiga doir masalalar to‘la tadqiq qilinmagan. Jumladan, klaster tizimining hozirgi sharoitida undagi innovatsion jarayonlarni boshqarish nazariyasi va amaliyoti nuqtai nazaridan yetarli darajada o‘rganib chiqilmayapti. Bu borada tabiiyki fan, ta‘lim va ishlab chiqarish integratsiyasi muhim vazifadir.

Z.Xaniyazovning ilmiy tadqiqot ishida klaster tizimining kelgusidagi rivojiga doir qonun hujjatlari tahlili keng yoritilgan. Jumladan, muallif maqolada klaster tizimini rivojlantirish

mamlakatimiz iqtisodiyotiga nechog‘lik foydali ekanligini qonuniy asos va tahlillar orqali yoritish bilan birga, klaster tizimining tekstil sohasidagi samaradorlikni ko‘rsatib bergan [3].

Clayton Christensen ilmiy tadqiqotlarida ishbilarmonlar, sanoat tahlilchilari va investorlar uchun mo‘ljallangan klaster tizimi va innovatsiyalar nazariyasi bayon etilgan. Unda keltirilgan tahliliy vositalar kompaniyalarning strategik qarorlarini baholashga imkon beradi, yaqinlashib kelayotgan raqobat jangida kim yutishini va sanoatdagi o‘zgarishlar kutilishini aniqlaydi. Muallif bu vositalardan qanday foydalanishni ko‘rsatgan holda, o‘z tadqiqotida aviatsiya, ta‘lim, ishlab chiqarish, sog‘liqni saqlash va telekommunikatsiya kabi beshta sanoat namunasini qo‘llagan [4].

Mamlakatimizda innovatsion boshqaruv samaradorligi masalalari iqtisodchi olimlarimiz M.Q.Pardaev, Ch.Murodov, T.X.Farmonov ilmiy ishlarida o‘rganilgan. Ular o‘z ishlari bilan bozor sharoitida ishlab chiqarishni samarali yuritish nazariyasi va amaliyotini ishlab chiqishga katta hissa qo‘shdi. M.Q.Pardaevning ilmiy tadqiqot ishida iqtisodiy rivojlanishning innovatsion yo‘liga o‘tishda iqtisodiyotning agrar sektorida to‘planib qolgan muammolarni, balki ushbu tarmoq oldida turgan asosiy vazifalarni ham hal etish zarurligi bilan bog‘liq ekanligi ta‘kidlangan [5].

Tadqiqot ob‘ekti sifatida O‘zbekiston Respublikasining iqtisodiy tarmoqlari olingan. Tadqiqotning predmeti bo‘lib, klaster tizimi va uni innovatsiyalar asosida takomillashtirish hamda undan samarali foydalanish jarayonlari hisoblanadi.

Tadqiqotda iqtisodiy, qiyosiy, tahlil qilish va tanlama kuzatuv, statistik tahlil uslublari va boshqa usullar qo‘llanilgan.

“Klaster” atamasi fransuzcha so‘z bo‘lib o‘zbekcha tarjimasida “panja”, “bosh”, “bog‘lam”, “guruh”, “to‘planish”, “turg‘un” ma‘nolarini beradi. Shuningdek, “klaster” tanlanma tadqiqotlarning bir usuli sifatida ham ifodalanadi.

“Klaster” nazariyasining asosi Alfred Marshallning XIX asr oxirida yozilgan “Iqtisodiyot prinsiplari” nomli asarida (1890 yil) ixtisoslashgan tarmoqsohalarning alohida hududlarda uyg‘unlashishi to‘g‘risidagi fikr-mulohazalari hisoblanadi. Uning ilmiy xulosalari bo‘yicha ixtisoslashgan faoliyat yurituvchi sub‘ektlarni hududiy uyg‘unlashuvi:

- malakaviy mehnat resurslarining borligi;
- ta‘minotchi va qo‘shimcha sohalarning o‘sishi;
- har-xil firmalarni ishlab chiqarish jarayonining turli bo‘g‘inlariga ixtisoslashuvining mavjudligiga asoslanganligi.

“Klaster” nazariyasining ko‘p jihatlilik, unga nisbatan turli xil nazariy yondashuvlar shakllanishiga sabab bo‘ldi.

1980 yillardan keyin “Klaster nazariyasi”ning rivojlanishida 3 ta muhim (Amerika, Britaniya va Skandinaviya va boshqa) ilmiy maktablar yutuqlarini ko‘rishimiz mumkin.

Amerika olimlari: M.Porter “Raqobat ustunligi nazariyasi”, M.Enrayt, S.Rezenfeld, P.Maskell va M.Lorensenlar “mintaqaviy klasterlar konsepsiyasi”, A.Marshall “Sanoat hududlari nazariyasi”, P.Bekatin “Italyan sanoat okruglari nazariyalari”, M.Storper “Ideal” hududiy klaster” nazariyalarini yaratgan. Qo‘shimcha qiymat va “klasterlar zanjiri uyg‘unligi, mintaqalarni o‘qitish konsepsiyalari” ham shu guruhdan o‘rin olgan. Aynan shu olimlar nazariyalarida klasterlar – ishlab chiqaruvchilar raqobat ustunligini oshirishda yuqori samarali bo‘lib, ularning hududdagi ta‘lim, fan, texnologik, iqtisodiy va boshqa xizmat ko‘rsatuvchi sub‘ektlar faoliyati bilan uyg‘unlashgan tizimi ekanligi ta‘kidlanadi.

Britaniya nazariyotchilarining (dj. Danning, K.Brimen, Shmit, Dj. Xamfrilar) fikricha, klaster – o‘zaro hamkorlikdagi institutlar tizimi sifatida iqtisodiyotning asosini belgilovchi institutsional nazariyalardir. Bu holatda “klaster”ning o‘ziga “zamonaviy institut” sifatida qaralmoqda. Ular mazkur tizim qatnashchilarining o‘zaro munosabati turlicha – rasmiy va norasmiy bo‘lganidek, klasterlarning ham tashqi doirasi keng bo‘ladi demoqchilar.

“Klaster” nazariyasi evolyusiyasidan uning ikki fundamental tavsifini ajratib ko‘rsatishimiz mumkin.

Birinchisi, klasterga uyg‘unlashgan korxonalar va firmalar faoliyati aniq bir xil turdagi tovarlar bozori bilan bog‘liq bo‘lishi zarur. Bunday bog‘liqlik vertikal (xarid va sotish zanjiri) va gorizontal

(qo‘shimcha bo‘limlar va xizmatlar, shunga ketadigan maxsus sarflar, texnologiyalar yoki institutlar va boshqa aloqalardan foydalanish).

Ikkinchisi – klasterlar geografik yaqin joylashgan o‘zaro bog‘liqlikdagi korxonalar guruhi bo‘lib, ular o‘rtasidagi o‘zaro iqtisodiy-ijtimoiy munosabatlarni barqarorlashishi natijasida raqobatbardoshlikning rivojlanishi, ko‘proq qo‘shimcha qiymatni yaratishiga va bozorda sotilishiga imkoniyatlar yaratishdir.

Paxta-to‘qimachilik klasteri, bu — yagona texnologik zanjirga birlashtirilgan korxonalar majmui. Mazkur yangi tuzilma innovatsion iqtisodiyotga o‘tishning muhim bosqichi sanaladi. Chunki bu yerda xom ashyo qayta ishlashning barcha bosqichidan o‘tib, eksportbop tayyor mahsulotga aylanadi.

Hisob-kitoblarga ko‘ra, bir kilogramm paxta tolasi sotilsa, uning narxi 1,5 dollar bo‘ladi. Agar siz undan tayyorlangan ipni sotsangiz, uning narxi 2,5-3 dollarga etadi. Ipning matoga aylanishi bilan xarajat 5-7 dollargacha qo‘shiladi. Agar bu matodan tayyor kiyim tikishda foydalanilsa, 15-20 dollar qo‘shimcha qiymat paydo bo‘ladi. Shu sababli bugungi kunda klasterlar rivojlanishining hozirgi bosqichida xomashyoni chuqur qayta ishlashga asosiy e‘tibor qaratilayapti. Bundan asosiy maqsad — ko‘proq foyda olish, qishloq xo‘jaligi xodimlari va sanoat vakillarining moddiy manfaatdorligini oshirishdir. O‘z mohiyatiga ko‘ra, milliy iqtisodiyotimiz uchun yangi bo‘lgan, sanoatning ilg‘or turi klaster sxemasini yaratish va joriy etish asosida “paxta xomashyosini yetishtirish – qayta ishlash – tayyor mahsulot” shaklidagi yopiq zanjirdan iborat, yuz foiz chiqitsiz ishlab chiqarish ob‘ektini tashkil etish ko‘zda tutilgan.

Bu yerda so‘z nafaqat paxtakor xo‘jaliklar tamonidan an‘anaviy tarzda xomashyo yetishtirish haqida, balki paxtani qayta ishlovchi, yog‘-ekstraksiya va boshqa korxonalarda birlamchi paxta xomashyosi hamda g‘o‘zapoyani qayta ishlab, yuqori qo‘shimcha qiymatga ega mahsulotlar yaratish haqida bormoqda. Bunda paxtani qayta ishlovchi va yog‘-ekstraksiya korxonalarida hosil bo‘ladigan ikkilamchi mahsulot (paxtani yigirishdagi qoldiqlar, shrot, sheluxa kabi) keyinchalik chorvachilik kompleksida ishlatiladi, chorvachilik kompleksining chiqitlari esa – biogaz qurilmasida issiqlik va elektr energiyasi ishlab chiqarishga sarflanib, keyinchalik sabzavot va ko‘katlar yetishtirishga mo‘ljallangan zamonaviy issiqxonalarga uzatiladi.

**1-jadval**

**Paxta-to‘qimachilik klasterlarining viloyatlar kesimida joylashuvi [6]**

Viloyatlar	2020 yil		2022 yil		2022 yilda 2020 yilga nisbatan o‘zgarishi	
	Soni	Paxta maydoni,ga	Soni	Paxta maydoni,ga	Soni+,-	Paxta maydoni,%
Qoraqalpog‘iston Respublikasi.	5	48665	11	86791	6	178.4
Andijon	12	79391	15	78991	3	99.5
Buxoro	8	97900	11	99220	3	101.4
Jizzax	5	69700	6	77900	1	111.8
Qashqadaryo	9	111900	18	136036	9	121.7
Navoiy	2	32588	4	31655	2	97.2
Namangan	7	63406	7	63406	-	100.0
Samarqand	11	75580	11	75356	-	99.7
Surxondaryo	6	60044	11	72370	5	120.5
Sirdaryo	6	72557	9	75500	3	104.1
Farg‘ona	9	63245	13	82080	4	129.8
Toshkent	6	55008	6	82757	-	150.5
Xorazm	10	77799	12	82757	2	106.4
Jami	96	907783	134	1034223	38	113.9

O‘zbekiston to‘qimachilik va yengil sanoati tizimida klasterlarni shakllantirish masalasi mamlakat miqyosida emas, balki mintaqalar – viloyatlardagi aniq iqtisodiy – ijtimoiy shart - sharoitlar asosida, klaster nazariyasining mohiyatidan kelib chiqqan holda amalga oshirilayotgani eng oqilona yo‘llardan biridir( 1-jadval).

Ushbu paxta-to‘qimachilik klasterlarining rivojlantirilishi – yuqori qo‘shimcha qiymatga ega, raqobatbardosh hududiy mahsulot ishlab chiqarish va shu asosida hududlardagi ko‘pgina muammolar, ya’ni mehnat va moddiy resurslardan samarali foydalanish, budjetni to‘ldirish, eksport imkoniyatlarini kengaytirish, ijtimoiy masalalarni hal etishga olib keladi.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, bugungi kunda mamlakatimizda olib borilayotgan islohotlar orasida klaster tizimi muhim ahamiyat kasb etadi.

Bunda Hukumatimiz tomonidan olib borilayotgan islohotlar uchun asosiy vazifalarni hal etish, jumladan, klaster tizimida innovatsion faoliyatdan samarali foydalanish taqozo etiladi. Buning uchun mamlakatimiz qisqa muddatda klaster tizimini rivojlantirishning innovatsion yo‘lini zamon talablariga javob beradigan darajaga yetkazishi lozim.

Ayniqsa, yaratilayotgan yarimtayyor mahsulotlarni aynan shu yerning o‘zida klaster tizimi orqali tayyor mahsulot holiga keltirgan holda, uni jahon bozoriga olib chiqish rivojlanayotgan mamlakatimiz iqtisodiyotini yanada yuksaltiradi.

Klaster tizimida innovatsion g‘oya va texnologiyalarni qo‘llashimizdan asosiy maqsad Respublikamizda mavjud bo‘lgan resurslardan oqilona foydalanish, yarim tayyor mahsulotlar eksportini kamaytirgan holda, ularni qayta ishlash orqali tayyor mahsulot holida eksportga chiqarish. Buning uchun eng muhim bo‘lgan masalalar quyidagilar, deb hisoblaymiz:

- ta’lim tizimida innovatsion ishlanmalar hajmini yanada oshirish;
- innovatsion g‘oyalarni qo‘llab-quvvatlash;
- zamonaviy va jahon talablariga mos mahsulot yaratish uchun innovatsion texnologiyalaridan unumli foydalanish.

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 23.10.2019 yildagi PF-5853-son.
2. Pardaev M.Q., Pardaev O.M. Qashqadaryo viloyati iqtisodiyotini rivojlantirishda innovatsiyalardan foydalanishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish // Innovatsion rivojlanish asosida milliy iqtisodiyotni modernizatsiyalash: muammolari, yechimlari va istiqbollari. – 2021, 22 b.
3. Xaniyazov Z. “Klaster rivoji uchun yaxlit qonuniy asos zarur”. // Xalq so‘zi, 2018 yil 6 dekabr, 251-son.
4. Clayton Christensen “Что дальше? Теория инновативной инструментальной предсказания отраслевых изменений”, Нью-Йорк, 2004 г
5. Pardaev M.Q., Pardaev O.M. Qashqadaryo viloyati iqtisodiyotini rivojlantirishda innovatsiyalardan foydalanishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish // Innovatsion rivojlanish asosida milliy iqtisodiyotni modernizatsiyalash: muammolari, yechimlari va istiqbollari. – 2015, 22 b.
6. <https://uzts.uz/paxta-toqimachilik-klasterlari/Sayt> ma’lumotlari asosida mualliflar tomonidan tayyorlangan.
7. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
8. [www.blomberg.com](http://www.blomberg.com)
9. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ: ЖОРИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА МУАММОЛАР

РЕФОРМЫ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ: СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ И ПРОБЛЕМЫ

HIGHER EDUCATION REFORMS IN UZBEKISTAN: CURRENT TRENDS AND PROBLEMS

Абдусатторов Эркин Абдужаббор ўғли

Докторант (PhD),

Ўзбекистон Миллий университети

**Аннотация**

Ушбу мақолада Ўзбекистонда олий таълим ислоҳотларининг турли босқичида соҳа ва унда фаолият олиб бораётган ОТМлар дуч келган муаммолар, шунингдек, ислоҳотлар билан боғлиқ кузатилган камчиликлар ҳамда олий таълим тизимининг жорий тенденциялари таҳлил қилинади. Муаллиф ислоҳотларнинг янги босқичида сақланиб қолаётган муаммоларга эътибор қаратиб, уларнинг потенциал ечимлари юзасидан бир қатор таклифларни илгари суради.

**Калит сўзлар:** олий таълим, ОТМлар, стратегик бошқарув, таълим кўрсаткичлари, олий таълим хизматлари бозори, меҳнат бозори, ОТМлар мустақиллиги.

В данной статье анализируются проблемы, с которыми сталкивается сектор и вузы, действующие в Узбекистане на разных этапах реформы высшего образования, а также наблюдаемые недостатки, связанные с реформами и современными тенденциями системы высшего образования. Автор обращает внимание на сохраняющиеся проблемы на новом этапе реформ и выдвигает ряд предложений по их возможному решению.

**Ключевые слова:** высшее образование, вузы, стратегическое управление, показатели образования, рынок высших образовательных услуг, рынок труда, автономия вузов.

This article analyzes the problems faced by the sector and universities operating in Uzbekistan at different stages of higher education reform, as well as the observed shortcomings associated with reforms and modern trends in the higher education system. The author draws attention to the remaining problems at the new stage of reforms and puts forward a number of proposals for their possible solution.

**Keywords:** higher education, HEIs, strategic management, education indicators, market of higher educational services, labor market, autonomy of HEIs.

Ўзбекистонда олий таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш мустақилликнинг дастлабки йиллариданок давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда кун тартибидаги устувор вазифаларидан бири бўлиб келган. Мустақиллик йилларида олий таълимни жамият эҳтиёжлари ва мамлакатдаги янги сиёсий-иқтисодий тузум талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш ишлари босқичма-босқич, таъбир жоиз бўлса, нисбатан секин суръатда кечганига қарамай, сўнгги йилларда янгича мазмун касб этган таълим ислоҳотлари олий таълим бозорининг кенгайиши ҳамда соҳа кўрсаткичларининг сезиларли яхшиланишига хизмат қилди (1-жадвал).

2017 йилга келиб олий таълимдаги ислоҳотларнинг мамлакатда сиёсий вазиятнинг ўзгариши фонидagi янги босқичи бошланди. Мустақилликнинг 25 йилига келиб

республикада ҳукумат алмашинуви жамият ҳаётининг ҳар жабҳасида, мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар оқидамида туб бурилиш ясади.

**1-жадвал. Ўзбекистон олий таълим тизимининг асосий кўрсаткичлари. [1]**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Миқдор</b>	<b>Йил*</b>
ОТМлар сони	<b>199</b>	<b>2023</b>
<i>шу жумладан:</i>		
хорижий ОТМлар	30	2023
хусусий ОТМлар	55	2023
уларда талабалар, минг киши	<b>1042,1</b>	<b>2022</b>
кундузги	622,6	2022
кечки	37,7	2022
сиртки	381,8	2022
10 000 аҳолига нисбатан тўғри келадиган ОТМ талабалари	289	2022
ОТМларга қабул қилинган талабалар, минг киши	282,4	2022
ОТМларни битирган мутахассислар, минг киши	102,4	2022
Олий таълим билан қамров даражаси, фоиз	38,4	2023
Профессор-ўқитувчилар илмий салоҳияти, фоиз	39,3	2023

\* 2022 йил учун *Статистика агентлиги маълумотлари*, 2023 йил учун *Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги маълумотлари олинган*.

Шу жумладан, олий таълимда ҳам янги ислохотлар даврини бошлаб берди. Соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асослари қайта кўриб чиқилди. Хусусан, 2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. [2] Янгиланган қонунчиликка мувофиқ таълимнинг барча босқичларига бозор механизмлари жадал кириб борди, таълимда қамров ва сифатни янги даражага олиб чиқишга, илғор хориж тажрибаларини ўрганиш ва кенг халқаро алоқаларни йўлга қўйишга устуворлик берилди, мамлакатда таълимни жаҳон андозаларига мослаштириш йўлида жиддий қадамлар ташланди.

Шунга қарамай, қайд этиш жоизки, соҳада йиллар давомида йиғилиб қолган ва ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳали сақланиб қолмоқда. Бу Ўзбекистон олий таълим тизими ва унда амалга оширилаётган ислохотларни ҳар томонлама ўрганиш, соҳада сақланиб қолаётган муаммолар илдизларини тадқиқ этиш ва зарур самарали ечимларни ишлаб чиқишга кучли эҳтиёж мавжуд эканидан далолат беради.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2016 йилгача бўлган даврдаги олий таълим ислохотлари бозор тизимига ўтишнинг «ўзбек модели»га ҳамоҳанг тарзда босқичма-босқич амалга оширилганлиги ислохотлар ва соҳанинг ривожланиш суръатига салбий таъсир кўрсатган ҳамда ислохотларнинг самарадорлигини шубҳа остида қолдирган.

Хусусан, Ўзбекистонда олий таълим соҳасида амалга оширилган ислохотлар ва соҳанинг бугунги ҳолати, жумладан, олий таълимни ривожлантиришда давлат сиёсатининг асосий хусусиятлари ва йўналишлари, олий таълим бозорида талаб ва тақлиф динамикаси,



уларнинг шаклланиш манбалари ва омиллари чуқур таҳлил қилган тадқиқотчи олимлар Қ. Рўзиев, Д. Рустамов ва У. Бурхановнинг [3] бу борадаги хулосалари диққатга сазовор. Уларнинг қайд этишича, таълим ислохотлари босқичма-босқич, нисбатан секин суръатда амалга оширилган ҳамда олий таълим хизматларидан фойдаланиш имкониятлари, олий таълим билан қамров даражаси, ОТМларнинг зарур жисмоний ва инсон капитали билан таъминланганлиги ва, пировардида, таълим сифати нуқтаи назаридан кутилган самарани бермади.

2016 йилдан кейинги даврда таълим соҳасидаги ислохотлар янги босқичга кўтарилди ва янгича мазмун касб этди. Давлат ОТМлари билан бир қаторда хусусий университетлар ва хорижий ОТМлари сонининг жадал ўсиши, соҳага бозор механизмларининг жорий этилиши, таълим хизматлари бозорининг кенгайиши ва унда рақобатдош муҳит шаклланишига замин яратди. Ўз навбатида, таълим сифатини ошириш юзасидан зарур бўлган дастлабки қадамлар ташланди. Хусусан, мамлакатда ОТМлар сони 1995 йилда 58 тани [4], 2016 йилда 70 тани ташкил этган бўлса [5], 2023 йил ҳолатига кўра республикада 199 та ОТМ фаолият юритмоқда. Шулардан қарийб ярмини хусусий (55 та) ҳамда хорижий (30 та) ОТМлар ташкил этади.

**2-жадвал**

**Ўзбекистонда ОТМлар сони [6]**

	1995 / 1996*	2005 / 2006	2010 / 2011	2015 / 2016	2018 / 2019	2019 / 2020	2020 / 2021	2021 / 2022	2022/ 2023	2023 / 2024**
<b>Олий таълим муассасалари сони</b>	<b>58</b>	<b>63</b>	<b>65</b>	<b>69</b>	<b>98</b>	<b>119</b>	<b>127</b>	<b>154</b>	<b>191</b>	<b>199</b>
<i>шу жумладан:</i>										
хорижий	-	2	6	7	10	16	18	25	26	30
хусусий	-	-	-	-	1	4	5	17	42	55

\* Манба: Альманах Ўзбекистон (2013). Иқтисодий тадқиқотлар маркази. Тошкент, 2013. 216-б.

\*\* Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги маълумоти: <https://edu.uz/uz/pages/sss#gsc.tab=0>

Олий таълим хизматлари бозорининг кенгайиши натижасида олий таълим билан қамров даражасини 2012 йилдаги 8 фоиздан 2023 йилда 42 фоизгача оширишга эришилди. [7] ОТМларда сиртки ҳамда кечки таълим шакллариининг ташкил этилиши натижасида талабалар контингентиди 24 ёшдан юқори аҳоли гуруҳларининг улуши кескин ортди. [8]

Шунга қарамай, соҳада узоқ йиллар давомида йиғилиб қолган ва ҳалигача ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Тадқиқотчилар Р. Эшчанов, Д. Бекчанов ҳамда Г. Бобожонова янги давр ислохотларини таҳлил қилар экан, уларнинг аксариятида «нопрофессионализм» элементлари кўзга ташланаётганини таъкидлайди. [9] Уларнинг қайд этишича, амалдаги ислохотлар соҳадаги муаммоларнинг илдизига етиб бориш даражасида чуқур ўйланмаганлиги сабаб, хусусан, олий таълимда ОТМларга кириш имтиҳонлари ҳамда талабалар академик кўрсаткичларини баҳолашнинг номутаносиб механизмлари, илмий тадқиқотларнинг етарли даражада молиялаштирилмаслиги, шунингдек, молиялаштиришнинг нобарқарорлиги ва номутаносиб тақсимоти амалда ҳали ҳам сақланиб қолмоқда.

Қайд этиш жоизки, таълимдаги ислохотларнинг дастлабки босқичларида олий таълим бозори конъюктурасининг маъмурий дастаклар воситасида мунтазам тартибга солиниши, соҳага хусусий сектор кириб келишига қатъий тўсқинлик қилиниши ва таклифнинг бозор шартларига зид равишда назоратда ушланиши соҳадаги ислохотларнинг самарадорлигини сезиларли пасайтирди. ОТМларга ўзлари таклиф этадиган ихтисосликларни танлаш, уларнинг ўқув дастурлари мазмунини яратиш, қабул даражасини белгилаш, ўз молиявий ресурсларини тасарруф этишда деярли мустақиллик берилмади. Қолаверса, амалдаги қонунчиликка кўра, соҳа устидан мутлақ ваколатлар олий бошқарув органлари, хусусан,

1997 йилдан бошлаб Вазирлар Маҳкамасига тегишли бўлиб, мутасадди давлат ташкилотлари – вазирликлар соҳада ягона давлат сиёсатининг тўлақонли рўёбга чиқарилишини таъминлаш ва ОТМларга фақатгина «услубий жиҳатдан раҳбарлик қилишга» масъул бўлган ижрочилар ролида қолдирилди[10].

Давлатнинг бевосита таъсиридан ҳоли бўлган, иқтисодиётдаги таркибий янгиланишлар фонида юзага келган меҳнат бозори конъюнктураси, аҳоли сонининг юқори суръатда ўсиши, аҳоли жон бошига даромадлар даражасининг яхшиланганлиги олий таълим хизматларига бўлган талабнинг нисбатан қисқа давр ичида қаррасига ортиб кетишига туртки бўлди. Олий таълим хизматлари бозорида ўсиб бораётган талабга жавобан зарур таклиф шакллантирилмади — олий таълим хизматлари таклифи мамлакатдаги туб иқтисодий ислохотлар, иқтисодиётнинг таркибий янгиланиши, демографик шарт-шароитнинг ўзгариши ва аҳоли даромадлари ўсиши натижасида олий таълим бозорида талабнинг кескин ортишига жавобан кенгайиб бормади.


Сўнгги йилларда бакалаврият босқичига ҳужжат топшираётган номзодлар сони йилдан-йилга ўсиб бораётгани кузатилмоқда, бироқ давлат ОТМларига қабул чегарасида сезиларли ўзгариш кузатилмади. Хусусан, 2022 йилда давлат ОТМлари бакалавр босқичига қабул қилинганлар сони 190,4 минг нафарни ташкил этган бўлса [11], 2023 йилда 193,4 минг нафар номзодлар талабаликка тавсия этилган[12]. Олий таълимга қабул кўрсаткичлари давлат ОТМларига қабул квоталарининг оширилиши ва соҳада хусусий секторнинг шакллантирилиши ҳисобига 2010 йилларга нисбатан уч баробардан зиёдга, 2017 йилга нисбатан икки баробардан зиёдга ортган (1-чизма). Шунга қарамай, олий таълим хизматлари бозорида талаб ва таклиф ўртасидаги тафовут юқориликча қолмоқда.



1-чизма. Олий таълим хизматлари бозорида талаб ва таклиф динамикаси[13]

Жаҳон банки тадқиқотларига кўра, Ўзбекистон таълимга давлат харажатларининг бюджетдаги улуши бўйича дунёда етакчи давлатлар қаторига киради. Шунга қарамай, мамлакат олий таълимга сарфлаётган маблағларнинг таълим бюджетидаги улуши (5 фоиз) дунёдаги энг паст кўрсаткичлардан биридир[14].

Шунингдек, ташкилотнинг Ўзбекистон таълим тизими устида олиб борган тадқиқотлари хулосаларига кўра, [15] Ўзбекистон меҳнат бозори, мамлакатдаги янгиланиб бораётган иқтисодий манзара фонида, хилма-хил малакалар мажмуасига тобора кўпроқ эҳтиёж сезмоқда. Шунга қарамай, мамлакатда олий таълим хизматларидан фойдаланиш имконияти ҳамда таълим сифати билан боғлиқ жиддий муаммолар сақланиб қолмоқда.



**2-чизма. 2022 ҳамда 2023 йил учун давлат бюджети лойиҳасида кўзда тутилган таълим харажатларининг тақсимоти[16]. Олий ва ўрта-махсус таълимга харажатларнинг биргаликдаги улуши келтирилган.**

Банк таҳлиллари айна пайтда мамлакатда олий таълим соҳасида мавжуд учта асосий муаммога ишора қилади[17]. Биринчидан, олий таълим хизматлари таклифи ҳажми ҳукумат томонидан белгиланувчи қабул квоталари сабаб чекланганлигича қолмоқда. Иккинчидан, олий таълимда бакалавриат даражасига бошқа босқичларга қараганда сезиларли даражада кўп ўрин ажратилади. Халқаро тажрибада олий таълимнинг турли босқичларига қабул даражаси нисбатан текис тақсимланишига гувоҳ бўлиш мумкин. Магистратура ўринларига талаб нисбатан паст бўлишига қарамай, мазкур босқич учун таклифни ошириш ва қабулнинг олий таълимнинг турли босқичларидаги тақсимотини халқаро тенденцияларга мослаштириш муҳим аҳамиятга эга. Учинчидан, аёлларнинг олий таълимдаги иштироки сезиларли даражада паст. Бу муайян йўналишлар ва олий таълимдан кейинги таълимда, айниқса, яққол кўзга ташланади.

Шунингдек, бир қатор тадқиқотчилар ОТМларда рақамли технологияларни жорий этиш амалда дарсларни тақдимот шаклида ташкил этиш билангина чекланиб қолаётганлиги, талабалар билимини баҳолаш механизмларининг самарасизлиги, ОТМларнинг 200-300 ўринли йирик маъруза залларининг етишмаслиги ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун етали даражада жиҳозланмаганлиги каби муаммоларга эътибор қаратмоқда[14]. Қайд этиш жоизки, бу сингари муаммолар ОТМлар рақобатбардошлиги, уларда таълим сифати ва илмий салоҳиятнинг пасайишига, талабаларнинг замонавий меҳнат бозори талабларига мос келмайдиган билим ва кўникмалар билан касбга тайёрланишига олиб келади. Бу, ўз навбатида, таълимга йўналтирилган маблағларнинг самарасиз сарфланиши ва олий таълим қайтимининг пасайишига замин яратади.

ОТМлар ҳамда талабалар контингентининг пойтахтда кучли марказлашуви таълимда ҳали ҳам ўз ечимини кутаётган муаммолар сирасига киради. 1990 йиллар бошларида бунга асосан таълим нуқтаи назаридан Тошкентнинг нафақат Ўзбекистон, балки Ўрта Осиёда марказий ўринни эгаллаганлиги сабаб бўлган. Бугунги кунда эса мазкур муаммо қисман инфратузилма ва, ўз навбатида, ишлаб чиқариш қувватларининг республика маркази ва унга яқин ҳудудларда (хусусан, Тошкент вилоятида) тўпланиб қолиши, шунингдек, меҳнат бозорининг нисбатан яхши ривожланганлиги ва вилоятларга солиштирилганда каррасига юқори даражада бўлган турмуш сифати билан изоҳланади. Биз сўз билан айтганда, ушбу омиллар пойтахтда таҳсил олишни бўлажак талабалар учун жозибалироқ ва истиқболлироқ қилиб қўймоқда.

Бугунги олий таълим тизимини ислоҳ қилишга, ўқув жараёнларини юқори савияда ташкил этишга бўлган эҳтиёж ОТМлар фаолиятида инновацион технологиялар билан бир қаторда янада самарали бошқарув тизимларини қўллашни тақозо қилади.

Хусусан, 2019 йилда мамлакатда олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий устувор йўналишларини белгилаш, тизимни ривожлантириш ва кадрлар тайёрлаш жараёнларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси» ишлаб чиқилди. Концепцияга мувофиқ, 2030 йилгача республикада олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, камида 10 та ОТМларни халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Nigher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1000 таликдаги ОТМлар рўйхатига киритиш, ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модул тизимига ўтказиш, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш, ОТМларнинг академик мустақиллигини таъминлаш ва олий таълимда мавжуд бошқа асосий, ечимини кечиктириб бўлмас муаммоларни ҳал этиш кўзда тутилган[15].

Шу нуқтаи назардан, республика ОТМлари бошқарувига стратегик режалаштириш ҳамда замонавий стратегик бошқарув усулларини кенг тadbик этиш ислохотларнинг янги босқичга кўтарилиши шароитида ОТМларга ташқи ва ички муҳит, шу жумладан, таълим ҳамда меҳнат бозорининг потенциал чақириқларига муваффақиятли жавоб қайтариш имконини беради. Жумладан:

- таълимни рақамлаштириш жараёнларининг жадаллашуви шароитида ОТМ фаолиятини рақамлаштириш жараёнлари суръати ҳамда сифатини ошириш;

- таълимнинг турли шакллари, хусусан, сиртки, кечки ва масофавий таълимга талаб ортиши ҳамда талабалар контингентининг ёш таркиби ўзгариб боришига жавобан ўқув дастурларини мазмунан ва сифат жиҳатидан қайта кўриб чиқиш;

- маҳаллий таълим хизматлари бозорининг кенгайиши, касб-хунар билим юртлари ва замонавий касбларга ўқитадиган бошқа турдаги таълим муассасалари сони ва улушининг ўсиб бориши, шунингдек, халқаро рейтингларда юқори поғоналарга кўтарилиш мақсадларини ҳисобга олиб, маҳаллий ва халқаро ОТМлар билан рақобат курашида муваффақиятга эришишнинг аниқ ва мақсадли стратегияларини ишлаб чиқиш;

- ёшлар орасида ахборот-коммуникацион технологиялар соҳаси билан боғлиқ билимларни ўзлаштириш ва хорижий тилларни ўрганишнинг кенг оммалашуви ортидан халқаро (таълим бозоридаги) ОТМлар жозибадорлигининг янада ортиб бориши шароитида халқаро таълим хизматлари бозоридаги рақобатга чидамликни ошириш;

- билимлар иқтисодиётига ўтиш ва технологик тараққиётнинг тезлашуви шароитида меҳнат бозорининг ўзгарувчан характери ва талаблари, иш берувчилар томонидан юксак кадрланадиган билим, малака ва кўникмалардан келиб чиқиб, ўқув дастурларини мунтазам янгиллаб, мувофиқлаштириб ва такомиллаштириб бориш;

- ОТМга замонавий таълим ҳамда компьютер технологияларидан фойдаланиш, чет тилларида ўқиш ва ўқитиш малакасига эга бўлган рақобатдош кадрларни жалб этиш, мавжуд кадрлар малакасини ошириш;

- босқичма-босқич академик мустақиллик берилишини инобатга олган ҳолда, ОТМ фаолиятининг бошқарув тизими ва тамойилларини такомиллаштириш ва бошқалар.

Ўзбекистон ОТМлари бугун том маънода инқилобий даврга кириб бормоқда. Зеро, глобал миқёсда хавф солаётган иқтисодий танглик, сиёсий беқарорлик ортидан юзага келган глобал ноаниқликлар шароитида, иқтисодий тушкунлик ёки турғунликдан қутқариш ва қайта тараққиёт йўлига олиб чиқиш, иқтисодий барқарорликка эришишда замонавий билимларга таянилади. Замонавий билимларни пухта ўзлаштирган етук рақобатбардош мутахассис кадрларни тайёрлашда энг катта масъулият таълим муассасалари зиммасига юкланади. Ҳар қандай соҳада бўлгани каби бошқарувда ҳам тўғри тактика ва технологияни қўллай билиш самарадорликнинг асосий шarti ҳисобланади. Ўзгарувчан ташқи муҳит

тарафидан юзага келадиган чақирикларга ўз вақтида муносиб жавоб қайтариш, рақобат курашида омон қолиш, тараққиёт суръатларидан ортда қолмаслик ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар талаби даражасидаги юкори малакали кадрларни тайёрлашда фаолиятнинг аниқ тамойиллари, мақсадлари ва стратегияларини белгилаб олиш ОТМлар фаолиятининг натижадорлигини оширишга хизмат қилади. Бу борада бизнесда ўзини оқлаган, қолаверса, глобал миқёсда олий таълим соҳасида узоқ йиллар қўлланиб келинган замонавий стратегик бошқарув усуллари мамлакат ОТМлари учун энг тўғри танлов, уларнинг яқин ва узоқ истиқболдаги мақсадларга эришида муҳим қадам бўлиши шубҳасиз.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, 29.08.1997 йил. Хужжат 24.09.2020 йилда ўз кучини йўқотган. Ҳавола: <https://lex.uz/docs/-16188>.
2. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, 23.09.2020 йил. Ҳавола: <https://lex.uz/docs/5013007>.
3. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», 29.08.1997 йил. Хужжат 24.09.2020 йилда ўз кучини йўқотган. Ҳавола: <https://lex.uz/docs/-48401>.
4. Ўзбекистон Республикаси президентининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони, 5847-сон, 08.10.2019 йил. Ҳавола: <https://lex.uz/docs/4545884>
5. Ўзбекистон Республикасининг «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни, 742-сон, 30.12.2021 йил. Ҳавола: <https://lex.uz/docs/5801127>.
6. Ўзбекистон Республикасининг «2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни, 813-сон, 30.12.2022 йил. Ҳавола: <https://lex.uz/docs/6333240>.
7. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш. Мирзиёевнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табриги, 30.09.2023. Ҳавола: <https://president.uz/uz/lists/view/6702>.
8. Eshchanov, Ruzumboy & Bekchanov, Davron & Bobojonova, Gulbakhor. (2020). The current core of education reforms in Uzbekistan: one step forward two steps back?.
9. Ruziev, Kobil & Burkhanov, Umar. “Uzbekistan: Higher Education Reforms and the Changing Landscape Since Independence.” Huisman, J., Smolentseva, A. & I. Froumin (eds. 2018). 25 years of transformations of HE in post-Soviet countries. Reform and continuity. Cham: Palgrave Macmillan, 2018. 494. Available at: [https://doi.org/10.1007/978-3-319-52980-6\\_17](https://doi.org/10.1007/978-3-319-52980-6_17).
10. Ruziev, Kobil & Rustamov, Davron. “Higher Education in Uzbekistan: Reforms and the Changing Landscape since Independence.” Economics Working Paper Series, University of the West of England 2016. 10.13140/RG.2.1.1212.2487.
11. World Bank. 2018. Uzbekistan Education Sector Analysis, final report. December 27, 2018. Report no. AUS0000586. Available at: <https://documents1.worldbank.org/curated/en/379211551844192053/pdf/Uzbekistan-Education-Sector-Analysis.pdf>.
12. Альманах Ўзбекистон (2013). Иқтисодий тадқиқотлар маркази. Тошкент, 2013. 216-б.
13. Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари: <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika>
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази маълумоти. Ҳавола: <https://t.me/BaholashUz>
15. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги маълумоти. Ҳавола: <https://t.me/BaholashUz/6119>

O‘RTA VA YIRIK KORXONALARNI BOSHQARISHDA SCRUM-NI QO‘LLASH  
AMALIYOTI

ПРАКТИКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ SCRUM В УПРАВЛЕНИИ СРЕДНИМИ И  
КРУПНЫМИ ПРЕДПРИЯТИЯМИ

THE PRACTICE OF USING SCRUM IN THE MANAGEMENT OF MEDIUM AND  
LARGE ENTERPRISES

D.B.O‘roqova BuxDU-ilmiy tadqiqotchisi i.f.f.d.

**Аннотация**

O‘tish davri iqtisodiyoti bo‘lgan mamlakatlarda, ayniqsa davlat sohasida, bu yondashuv kamroq qo‘llaniladi. Biroq, u o‘tish davri hukumatini o‘zgarishlarni amalga oshirish uchun samarali vositalar bilan ta‘minlashga qodir. Maqola loyiha boshqaruvining asosiy tamoyillari va uning davlat boshqaruvidagi xususiyatlarini ko‘rib chiqishga, shuningdek, davlat boshqaruvida, xususan, o‘tish davri iqtisodiyoti bo‘lgan mamlakatlarda loyiha boshqaruvini amalga oshirish sohalari tahlil qilishga, loyihalarni boshqarishda zarur bo‘lgan loyiha boshqaruvining etuklik bosqichlari va bilimlarini o‘rganishga, shuningdek, loyihalarni boshqarishning afzalliklari va to‘siqlarini aniqlashga qaratilgan.

**Kalit so‘zlar:** iqtisodiyot, davlat boshqaruvi, loyiha, tamoyillar, funksional boshqaruv, metodologiya, xizmatlar, strategiya

В странах с переходной экономикой, особенно в государственном секторе, такой подход используется реже. Однако оно способно предоставить переходному правительству эффективные инструменты для осуществления перемен. В статье рассмотрены основные принципы проектного управления и его особенности в государственном управлении, а также проанализированы направления реализации проектного управления в государственном управлении, особенно в странах с переходной экономикой, этапы зрелости проектного управления, необходимые для управления проектами и направленные на них. при усвоении знаний, а также выявлении преимуществ и препятствий управления проектами.

**Ключевые слова:** экономика, государственное управление, проект, принципы, функциональное управление, методология, услуги, стратегия.

In countries with a transition economy, especially in the public sector, this approach is used less often. However, it is capable of providing the transitional government with effective tools to implement change. The article considers the main principles of project management and its features in public administration, as well as analyzes the areas of implementation of project management in public administration, especially in countries with a transition economy, maturity stages of project management necessary for project management and aimed at learning the knowledge, as well as identifying the advantages and obstacles of project management.

**Key words:** economy, public administration, project, principles, functional management, methodology, services, strategy

Scrum eng mashhur Agile metodologiyalaridan biridir. Bu adaptiv, iterative (takroriy harakatlar), tezkor, moslashuvchan va samarali metodologiya bo‘lib, butun loyiha davomida muhim natijalarni tezda olish uchun mo‘ljallangan. Scrum aloqa shaffofligini ta‘minlaydi va jamoaviy javobgarlik va doimiy taraqqiyot muhitini yaratadi. Scrum tuzilishi, murakkabligidan qat‘i nazar, barcha turdagi sohalarda va har qanday turdagi loyihalarda mahsulot va xizmatlarni ishlab chiqishni qo‘llab-quvvatlaydigan tarzda tuzilgan.

Scrum-ning asosiy kuchi o‘zaro faoliyat funksional, o‘z-o‘zini tashkil etuvchi va vakolatli jamoalardan foydalanish bo‘lib, ular o‘z ishlarini sprintlar deb nomlangan qisqa, konsentrlangan ish davrlariga ajratadilar.

Scrum jihatlarini Scrum loyihasi davomida ko‘rib chiqilishi va boshqarilishi kerak. Scrum-ning beshta jihati:

1. Tashkilot. Ushbu jihat Scrum loyihasini tashkil etishning turli jihatlariga, shuningdek, asosiy va qo‘shimcha rollarga va yuqori samarali Scrum jamoalarini qanday shakllantirishga qaratilgan.

2. Biznesni asoslash. Ushbu jihat Scrum loyihalariga nisbatan biznesni asoslash kontseptsiyasi va maqsadiga qaratilgan.

3. Sifat. Ushbu jihat loyihalarga nisbatan sifatni aniqlashga va kerakli sifat darajasiga erishish uchun Scrum yondashuvini taqdim etishga qaratilgan.

4. O‘zgartirish. Ushbu jihat har qanday loyihada, uning usuli yoki tuzilishidan qat’i nazar, o‘zgarishlarning ahamiyatiga qaratilgan va Scrum ishlab chiqish jarayonlari o‘zgarishlarni hisobga olgan holda qanday ishlab chiqilganligini kengaytiradi.

5. Xavf. Bu jihat Scrum muhitida risklarni boshqarishga qaratilgan bo‘lib, risklarni boshqarishni osonlashtiradigan turli vositalarni ko‘rib chiqadi.

Ushbu maqolada tasvirlangan tajriba Amerika va Osiyoda dasturiy ta’minotni ishlab chiqish markazlariga ega bo‘lgan global tashkilot orqali olingan. Texnik guruhlar faqat asirga olingan offshor rivojlanish markazlarida ishlaydi. Ushbu kompaniya uchta bozor standartlariga rioya qilgan holda global standart jarayonlar to‘plamini ishlab chiqdi:

\* Imkoniyatlarning etukligi modeli (CMM) ®

\* Loyihalarni boshqarish bo‘yicha bilimlar to‘plami (PMBok) ®

\* Microsoft Solution platform (MSF) ®

Dasturiy ta’minotni ishlab chiqish madaniyati va jarayonlarini butun dunyoga tarqatish uchun ushbu tashkilot imkoniyatlarning etuklik modeli (CMM) etuklik darajasini baholashni tanladi. Mavjud jarayonlar to‘plami faqat kaskadli hayot sikliga asoslangan edi. Loyiha jamoasi a’zolari loyiha hajmi va murakkabligidan qat’i nazar, mavjud jarayonlar va bosqichlarga amal qilishadi.

Tashkilot strategiyasi va o‘sha paytda mavjud bo‘lgan jarayonlar to‘plamiga muvofiq, hujjatlar qirg‘oqda yaratiladi. Dasturiy mahsulot offshor muhitda ishlab chiqilgan va yana quruqlikda sinovdan o‘tkazilmoqda. Ilgari, tarqatilgan joy keng qamrovli hujjatlarni oqladi, offshor markazlar esa biznes bilimlarini olish orqali o‘z mavzularini o‘rganish bilan shug‘ullanishdi.

Hozirda bu ssenariy o‘zgardi. Offshor markazlar amaliy bilimlar sohasida 5 yildan ortiq tajribaga ega. Ular katta, o‘rta va kichik loyihalarda ishlaydi. Bundan tashqari, vazifalar "faqat rivojlanish markazi" dan loyihalarni rejalashtirish, ishlab chiqish, sinovdan o‘tkazish va talablarni ishlab chiqish uchun mas’ul bo‘lgan markazga ko‘tarildi.

Ushbu tashkilotdagi muayyan jarayonlar to‘plamiga muvofiq, loyiha hayot aylanishi muhim, zarur hujjatlar hajmini yaratadigan keng kaskad bosqichlariga amal qilishi kerak. Olingan saboqlar shuni ko‘rsatdiki, katta loyihalar uchun (1 yildan ortiq) standart usullar mos keladi. Boshqa tomondan, o‘rta va kichik loyihalar uchun (9 oygacha davom etadi) standart usullar jamoa a’zolariga juda ko‘p murakkablik va byurokatiya qo‘shdi. Bundan tashqari, biznes loyiha oxiriga qadar erishilgan natijalardan qoniqmasi, bu ham olingan saboqlarda qayd etildi.

O‘rta va yirik loyihalar uchun hujjatlar odatda loyiha oxiriga kelib eskiradi, chunki biznes ko‘p hollarda loyiha davomida o‘z biznes talablariga javob beradi. Ushbu dinamik va o‘zgaruvchan muhit tufayli ba’zi muammolar mumkin bo‘lgan sabablar sifatida keltirilgan:

1. Nufuzli loyiha menejerlari jarayonlarni biznes manfaatlaridan ustun qo‘ydilar, bu esa biznes kutganidan umidsizlikni keltirib chiqardi.

2. Zaif loyiha menejerlari hujjatlarni yangilab turish uchun jamoaviy ishlarni qog‘oz bilan to‘ldirib, juda ko‘p o‘zgartirish so‘rovlarini qabul qilishdi. Ba’zi loyihalarda ikkita loyiha menejeriga ega bo‘lish to‘g‘risida qaror qabul qilindi. Biri loyiha holatini kuzatish uchun, ikkinchisi esa faqat hujjatlarni saqlash uchun. Ushbu amaliyot jamoa a’zolarini xafa qildi, chunki ular texnik vazifalardan chetlashtirildi.

Loyihalardan saboq olish darslari, shuningdek, hujjatlarni yaratish va saqlash uchun zarur bo‘lgan sa’y-harakatlar bilan solishtirganda, hujjatlarning foydasi kamligini ko‘rsatdi. Ko‘pincha ishlab chiquvchilarga o‘tgan loyihalardagi muammolarni hal qilish uchun yangi topshiriqlar berildi. Mavjud hujjatlardan foydalanish o‘rniga ilovalarni qo‘llab-quvvatlash guruhlarini ishlab chiqarish muammolarini hal qilish uchun ishlab chiquvchilarga murojaat qilishdi.

Ushbu faktlar shuni ko‘rsatdiki, jarayonlar ushbu kompaniyadagi o‘rta va kichik loyihalarga moslashtirilishi kerak. Tashkilot o‘rta va kichik loyihalarning hayot aylanishiga yangilik kiritishga qaror qildi. Sharshara qisqa muddatli loyihalar uchun ishlamasligi aniq edi. Keyin ikkita pilot loyihada ishga tushirish uchun moslashuvchan usullar tanlandi.

Moslashuvchan usullar biznes sheriklari va texnik guruh o‘rtasida ko‘proq o‘zaro ta’sirga olib kelishi kerak edi. Bundan tashqari, beqaror talablar biznes sheriklari kutganidek, loyiha davomida iterativ ravishda yig‘iladi. Ushbu ikkita loyiha ushbu hujjatda A loyihasi va B loyihasi sifatida tilga olinadi.

A loyihasi moliyaviy biznes jarayonlarining global soliq nazorati bilan bog‘liq moliya loyihasidir. Ushbu loyihada Shimoliy va janubiy Amerikada yashovchi sakkizta jamoa a’zosi ishtirok etdi.

B loyihasi-bu chiquvchi va ijro jarayonlari bilan bog‘liq bo‘lgan logistika domeni loyihasi. Ushbu loyihada Amerika va Osiyoda yashovchi o‘nta jamoa a’zosi ishtirok etadi. 1-jadvalda ikkala pilot loyihaning xususiyatlari qisqacha taqdim etilgan:

**1-jadvalda**

**Tahlil qilingan loyihalar**

	A loyihasi		B loyihasi	
Biznes Domen	Moliya		Logistika	
Rollar va joylar	Roli	lokatsiya	Roli	Lokatsiya
	1. mahsulot egasi	AQSh	2. mahsulot egasi	Xitoy
	6. ishlab chiquvchilar / sinovchilar	Braziliya	3. ishlab chiquvchi / sinovchi	AQSh
	1 SCRUM-master	AQSh	6. ishlab chiquvchi / sinovchi	Braziliya
			1 SCRUM-master	AQSh
Jamoa hajmi	8 jamoa a’ zolari		Jamoaning 12 a’ zosi	

Ikkala uchuvchi ham 2-jadvalda ko‘rsatilganidek, mavjud tashkiliy jarayonlarni moslashuvchan usullarga moslashtirishda muammolarga duch kelishdi:

**2-jadvalda**

**Aniqlangan muammolar**

Sinov	Loyiha	Bosqichlari
Talablar uchun rasmiy hujjatning yo‘qligi	A	Rejali
Kuzatuv davomida 915 respondent so‘roq qilindi, ularning aksariyati 18 yoshdan 24 yoshgacha (respondentlar umumiy sonining 73%). Ta‘kidlash joizki, belgilangan yosh toifasi vakillari aholining iqtisodiy faol qatlami hisoblanadi, hozirda yoki yaqin kelajakda faol iste‘molchilar bo‘lib, o‘z faoliyati doirasida ko‘p muhim qarorlar qabul qilishlariga to‘g‘ri keladi. Respondentlarning jinsi nisbati taxminan bir xil (54% ayollar va shunga mos ravishda 46% erkaklar). Bu nisbat o‘rganilayotgan namunaviy populyatsiyaning representativligini ko‘rsatadi.

Respondentlarning aksariyat qismi (722 kishi yoki respondentlarning 79 foizi) Toshkent Shahar hududida istiqomat qiladi. Respondentlarning 60% dan ortig‘i (548 kishi) Toshkent amaliy fanlar universiteti talabalari va xodimlaridir.

Izlanuvchi tomonidan olib borilgan tadqiqot xulq-atvor iqtisodiyotining 5 ta mashhur va tekshirilgan paradokslari: “O‘lja effekti”, “Yolg‘on effekti”, “Nisbiylik Prinsipi”, “Langar effekti”, “Alle paradoksi” va “Diktator” nomli iqtisodiy tajriba-o‘yinlar asosida modellashirilgan.

Yuqorida berilgan paradokslarning mazmunini ko‘rib chiqsak. “O‘lja effekti”, shuningdek, jozibadorlik effekti deb ham nomlanadi, bunda, iste‘molchi ikki tanlov o‘rtasida turganda uchinchi variantning paydo bo‘lishi natijasida o‘z qarorini o‘zgartirishi assimetrik hukmronlik ta‘sirida ro‘y beradi.

Nisbiylik printsipligiga ko‘ra, iste‘molchilar e‘tiborini bir tovar yoki mahsulotga qaratadilar va boshqa variantlarni aynan shu tanlangan variant xususiyatlari bilan taqqoslaydilar.

Zamonaviy marketingda “Langar effekti” keng qo‘llaniladi. Uning o‘ziga xosligi iqtisodiy sub‘yekt noma‘lum raqamli qiymatlarni baholash uchun o‘rganilayotgan mavzuga dahldor bo‘lmasa ham ilgari qabul qilingan raqamlar ham ko‘rib chiqiladi. Ya‘ni, iqtisodiy ob‘ekt miqdor ko‘rsatkichlarni tahlil qilishda ilgari muhokama qilingan raqamlarni hisobga oladi. Katta qiymatlarni tahlil qilgandan so‘ng, shaxs keyingi qiymatlarni maksimal darajada oshirishga intiladi minimal qiymatlarni esa minimallashtiradi.

Nobel mukofoti sovrindori Moris Alle (1988) tadqiqot doirasida shuni isbotladiki, odamlar maksimal nafillikka emas, balki maksimal ishonchlikka intilishi, boshqacha qilib aytganda, kam ehtimol bilan yuqori yutuqqa erishishdan ko‘ra yuqori ehtimol bilan kichikroq bo‘lsada yutuqqa erishishni istaydi. Iqtisodiy tanlov qilishda shaxslarning xatti-harakatlarini tushuntiruvchi paradoksal xulosalardan biri sifatida ko‘rsatilgan bunday xulq-atvor iqtisodiyotining ta‘siri "Alle Paradoksi" deyiladi.

“Diktator” o‘yini shaxslardagi egoistik istaklarni namoyon qiladigan “Ultimatum” o‘yini olingan bo‘lib, tajribada ikkita o‘yinchi uchun ma‘lum miqdorda pul taqdim etiladi. Birinchi

ishtirokchi ikkinchi ishtirokchi ta'sirisiz ikkinchi ishtirokchi uchun qanchadir miqdorda pul ajratishi kerak.

Yuqorida sanalgan xulq-atvor iqtisodiyoti paradokslaridan bir qismi respondentlarimiz hatti-harakatida o'z tasdig'ini topdi.

Empirik kuzatish natijalarini korib chiqib, xarakterlashga o'tamiz.

Statistik kuzatishning bir qismi sifatida respondentlardan o'zlarining iste'mol tanlovi modellarini yaratish so'ralgan va buning natijasida ularning xulq-atvoridagi “O'lja effekti” tahlil qilindi.

Birinchi holatning shartlari quyidagicha edi:

“Tasavvur qiling, siz kinoteatrga keldingiz va popkorn sotib olmoqchisiz. Sizga 15000 so'm evaziga 100 gramm popkorn yoki 25000 evazigan 200 gramm popkorn taklif qilindi. Siz qaysi birini tanlaysiz? degan savolga respondentlarning aksariyati (59% yoki 539 kishi) eng kichik hajm va narxdagi birinchi variantni tanlagan.

Ikkinchi holda, uchinchi variant qo'shildi: 300 gramm popkorn – 35000 so'm evaziga. Birinchi va ikkinchi holatda narx va hajm o'zgarmaganiga qaramay uchinchi variant qo'shilgani hisobiga respondentlar orasida ikkinchi variantni tanlaganlar 4 % ga oshdi. Kuzatilgan bu paradoks iste'molchilarning ajralib qolishni istamasligi, ya'ni, uning real ehtiyojini chetlab tanlovning eng qulay nuqtasi bo'lgan o'rtacha hajm va narxni tanlashiga undaydi.

“Langar effekti” paradoksini kuzatish uchun respondentlarimizga quyidagi savol bilan yuzlandik: “Ikkinchi jahon urushidagi g'alabaga O'zbekistonning qo'shgan xissasini qanday baholaysiz?” o'rtacha baholaganlar 53% ni tashkil etdi, keyin, savolga qo'shimchalar kiritildi “Ikkinchi Jahon urushining to'rt yili davomida O'zbekiston davlatga 4 806 000 tonna paxta, 54067 tonna pilla, 1 066 000 tonna g'alla, 195 000 tonna sholi, 108 000 tonna kartoshka, 374 000 tonna sabzavot va ho'l meva, 35289 tonna quruq meva, 57444 tonna uzum, 1 593 000 tonna go'sht, 5 286 000 dona teri topshirgani ma'lum. Ular ham mudofaa ehtiyojlariga sarflangan, albatta. Bundan tashqari, urush yillarida O'zbekiston aholisi mudofaa jamg'armasiga jami 649 900 000 so'm naqd pul o'tkazib bergan.” Savoldagi raqamlar sabab respondentlarning javobi 77% ni tashkil etdi. “Langar Paradoksi”da ma'lumot statistik raqamlar bilan mustahkamlangan bo'lsa iste'molchida shuncha kuchli ta'sir reaksiyasini vujudga keltiradi. Miqdoriy ko'rsatkichlardan foydalanish hozirda aksariyat marketing kompaniyalari tomonidan qo'llanilmoqda. Masalan, raqobatdosh firma xizmatlari biznikidan qimmat degan ta'rif o'rniga, bizniki 10% arzon degan tushuncha iqtisodiy agent xatti-harakatiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Tadqiqot doirasida “Alle paradoksi”ning zamonaviy iste'molchining qaror qabul qilish jarayoniga ta'sirini kuzatdik. Onlayn so'rovnoma ishtirokchilaridan lottoreyada ishtirok etish so'raldi, unda “Tasavvur qiling, sizda 1000000 so'm pul bor va sizda 100 % amalga oshadigan ikkita holatdan birini tanlash imkoni bor. Birinchisi, siz faqat 500000 so'mni olasiz va o'yindan voz kechasiz yoki o'ynab hamma pulni olishingiz mumkin, agar yutqazsangiz hech vaqo olmaysiz.” Ishtirokchilarning 588 tasi (64%), ikkinchi variantni esa 326 nafar ishtirokchi (36%)tanladi. “Alle paradoksiga” ko'ra individ naflilikni maksimallashtirishga emas balki zararni minimallashtirishga harakat qiladi. Birinchi variantda 100% ehtimol bilan mablag'ning bir qismi saqlanib qoladi, ikkinchisida esa, mablag'ni butunlay yo'qotish riski baland. Shu sababli ham iqtisodiy sub'yekt naflilikni yuqori risk bilan ko'paytirish o'rniga ishonch bilan uning bir qismini o'zida saqlab qolishga harakat qiladi. Matematik statistika apparatining bunday qo'llanilishi ikkinchi variantning maqsadga yo'nalganligi va samaradorligini isbotlaydi, matematik natija ikkinchi variantda birinchisiga nisbatan yuqori hisoblanadi.

Empirik tadqiqotning bir qismi sifatida iqtisodiy o'yinga asoslangan “Diktator” tajribasi o'tkazildi. Unga ko'ra ishtirokchilarga “Sizdan do'stingiz mandarin tozalashda yordam so'radi va har bir tozalagan mandariningiz evaziga bir bo'lagini sizga berishni taklif qildi, agar siz yordam bermasangiz unga ham mandarin yoq', roizi bo'lardingizmi?” mazmunida savol so'raldi. Ishtirokchilarning 770 nafari (84%) yordam berish istagini bildirgan, 144 nafar (16%) ishtirokchi esa rad javobini bergan. “Diktator o'yini” qoidasiga ko'ra foydadan 20% dan kam ulush oladigan iqtisodiy sub'yekt hamkorlikka rozi bo'lmaydi va qaror qabul qilishda adolat hissi muhim rol



o‘ynaydi. Biroq, so‘rovnomma ishtirokchilari 20% dan kam bo‘lsa ham hamkorlik qilishga rozi bo‘lishdi. Mandarin (12,5%, agar butun oddiy mandarinda sakkizta bo‘lak bo‘lishi sharti qabul qilinsa), bu empirik paradoksning tasdiqlanishiga shubha tug‘diradi. Tadqiqot qo‘shimcha o‘rganishni talab qiladi.

Iqtisodiyot, marketing, menejment, biznes sohasi vakillari insonlarni bozorda qanday xatti-harakat qilishlarini bilishiga qaramasdan, xulq-atvor iqtisodiyoti bu tushunchalarni yanada takomillashtirishga xizmat qiladigan soha sifatida yuzaga chiqadi. An’anaviy modellarga ko‘ra qaror qabul qilishni ko‘rib chiqqandan ko‘ra iste’molchining tanlovdagi vaziyatini o‘rganish uning xulq-atvorini izohlashda ko‘proq yordam beradi. Xulq-atvor iqtisodiyoti tanlovning real va turli xil bo‘g‘liq aspektlar bilan bog‘liq psixologik asosini ta’minlash orqali iqtisodiyotning izohlash imkoniyatini kengaytiradi. Xulq-atvor iqtisodiyoti alohida shaxslarni qaror qabul qilishini ularning sharoiti, vaqti, makoni, hissiy bahosi, shu bilan birga ijtimoiy tasiridan kelib chiqib tahlil qiladi. Xulq-atvor iqtisodiyotining markaziy nuqtasi shundan iboratki, iqtisodiy tahlilning psixologik (xulq-atvor) asosi umumiy iqtisodiyot korpusini to‘ldiradi.

### Foydalanilgan adabiyot ro‘yxati

1. Hampton, S.; Adams, R. Behavioural economics vs social practice theory: Perspectives from inside the United Kingdom government // *Energy Research & Social Science*. 2018. Tom 46. C.: 214-224.
2. Bager, S.; Mundaca, L. Making ‘Smart Meters’ smarter? Insights from a behavioural economics pilot field experiment in Copenhagen, Denmark // *Energy Research & Social Science*. 2017. Tom 28. C.: 68-76.
3. Neto, J.C.; Filipe, J.A.; Caleiro, A.B. Creativity and innovation: A contribution of behavioral economics // *International Journal of Innovation Studies*. 2019. Tom 3, Вып. 1. C.: 12-21.
4. Princeton University, Daniel Kahneman: Department of Psychology // *Wayback Machine*. URL: <https://web.archive.org/web/20041120195720> (Дата обращения 29.04.2021).
5. Rehman, T. Historical context of behavioral economics // *Intellectual Economics*. 2016. Tom 10. Вып. 2. C.: 128-132.
6. Valle, N.D. People’s decisions matter: understanding and addressing energy poverty with behavioral economics // *Energy and Buildings*. 2019. Tom 204. 21 c.
7. Hagens, N.J. Economics for the future – Beyond the superorganism // *Ecological Economics*. 2020. Tom 169. № статьи 106520.
8. Kapeliushnikov, R. Behavioral economics and the ‘new’ paternalism // *Russian Journal of Economics*. 2015. Tom 1. Вып. 1. C.: 81-107.
9. Каримов, Б. Как поведенческая экономика помогает принимать правильные решения? [Elektron manba]. CAAN. URL: <https://www.caa-network.org/archives/7870>
10. Как поведенческая экономика меняет представление о человеке / Национальный исследовательский университет «Высшая школа экономики». [Elektron manba] URL: <https://www.hse.ru/news/edu/211223816.html>
11. Ариели, Д. Поведенческая экономика. Почему люди ведут себя иррационально и как заработать на этом. М.: Манн; Иванов и Фербер. 2012. 296 с.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ  
БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ  
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

FOREIGN EXPERIENCE IN PROVIDING ECONOMIC SECURITY OF BUSINESS  
ACTIVITY

Хашимов Пазлиддин Зукурович  
Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодиёт  
назарияси кафедраси профессори

Жаббаров Зарифбой Рустамович  
Ўзбекистон Миллий университети доценти

**Аннотация**

Мақолада тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил қилинган. Унда ривожланган давлатларнинг иқтисодий кудрати, Европа Иттифоқи микёсида ягона тадбиркорлик муҳитини шакллантириш шартлари, АҚШ, Германия, Франция, Хиндистон, Брюнней, Сингапур, Япония, Хитой давлатларида тадбиркорлик фаолияти хавфсизлигини таъминлаш хусусиятлари, давлат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмининг функционал модели, миллий даражада хорижий мамлакатлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шакллари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** глобаллашув, халқаро интеграция, давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги, тадбиркорлик хавфсизлиги, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таҳдидлар, ялпи ички маҳсулот, ишсизлик даражаси, олтинвалюта захиралари, солиқ ставкалари, хўжалик субъектлари, тадбиркорлик инфратузилмаси.

В статье проанализирован опыт зарубежных стран по обеспечению экономической безопасности предпринимательской деятельности. В нём рассматриваются экономическая мощь развитых стран, условия формирования единой предпринимательской среды в масштабе Европейского Союза, особенности обеспечения безопасности предпринимательской деятельности в США, Германии, во Франции, Индии, Бруннеи, Сингапуре, Японии, Китае, функциональная модель механизма обеспечения экономической безопасности государства, основные формы обеспечения экономической безопасности зарубежных стран на национальном уровнях.

**Ключевые слова:** глобализация, международная интеграция, экономическая безопасность государства, безопасность предпринимательства, угрозы на социально-экономическое развитие, влоной внутренний продукт, степень безработицы, золотовалютные запасы, налоговые ставки, хозяйственные субъекты, инфраструктура предпринимательства.

The article analyzes the experience of foreign countries in ensuring the economic security of entrepreneurial activity. It examines the economic power of developed countries, the conditions for the formation of a single business environment on the scale of the European Union, the features of ensuring the security of business activities in the USA, Germany, France, India, Brunei, Singapore, Japan, China, a functional model of the mechanism for ensuring the economic security of the state, the main forms of ensuring the economic security of foreign countries at the national levels.

**Keywords:** globalization, international integration, economic security of the state, business security, threats to socio-economic development, gross domestic product, unemployment rate, gold and foreign exchange reserves, tax rates, business entities, business infrastructure.


Глобаллашув ва халқаро интеграция авж олган бир пайтда инқирозлар таъсирини камайтириш ва миллий иқтисодиётларнинг барқарорлигини ошириш, давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва унинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Бундай шароитда бутун мамлакат, унинг тадбиркорлик ва бизнес тузилмаларини ривожлантириш кечиктириб бўлмайдиган жараёндир.

Шу сабабли иқтисодий хавфсизликни бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда ва унинг янги моделларини ўрганиш асосида амалга оширилади. Иқтисодий хавфсизликни аниқлашда мавжуд хорижий ёндашувларни таҳлил қилиш, уларнинг назарий жиҳатларини тадқиқ қилиш давлатнинг иқтисодий хавфсизлик стратегияларини ишлаб чиқиш ва бошқарув механизмини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Ҳар бир қитъага хос ривожланиш хусусиятлари, глобал интеграция, аҳолининг ҳозирги замон иқтисодий тафаккури, шунингдек миллий манфаатларнинг устуворлигидан келиб чиққан ҳолда мамлакатларнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ёндашувлари турлича эканлигини кузатишимиз мумкин.

Шу билан бирга, муаммоларни ҳал қилиш ўртасида яқин алоқадорлик мавжуд бўлиб ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги таҳдидларни ҳисобга олиш, иқтисодий ўсиш даражасини ошириш, жамиятнинг барча соҳалари ва хўжалик субъектлари манфаатларини бирлаштиришга эришиш лозим бўлади.

Баъзи хорижий давлатлар ҳукуматлари миллий иқтисодиётни тартибга солиш бўйича фаол чораларни кўрмоқдалар. Ялпи ички маҳсулот ҳажмини ва олтинвалюта захиралари даражасини ошириш ишсизлик даражаси ва аҳоли даромадларининг табақаланишини пасайтириш, иқтисодий хавфсизликни бошқариш кенг йўлга қўйилган.

Масалан, ЯИМ бўйича энг иқтисодий мустақил давлатлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: АҚШ –23 триллион 350 миллиард доллар, Хитой – 20 триллион 250 миллион доллар, Япония – 5 триллион доллар, Германия – 4,5 триллион доллар, Буюк Британия– 3,7 триллион доллар, Ҳиндистон – 3,5 триллион доллар. [1]



**1-расм. Баъзи давлатларнинг иқтисодий қудрати.  
2022 йил, ЯИМ даги кўрсаткичи (трл. долл. ҳисобида) [2]**

Маълумки, глобаллашув жараёнларининг кучайиши, иқтисодий хавфсизликга таҳдидларнинг ва иқтисодий жиноятлар турларининг кўпайиши билан, микро даражада

иқтисодий хавфсизликни таъминлашда тадбиркорлик тузилмаларининг роли ошиб боради. Шу сабабли, ҳозирги шароитда ривожланган хорижий давлатларнинг тадбиркорлик тузилмаларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, ноқонуний хатти – ҳаракатларни камайтириш учун тегишли воситалардан фойдаланиш, шунингдек, иқтисодий жиноятларга қарши курашиш масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Масалан, Америка Қўшма Штатларида:

- биринчидан, мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг давлат ва хусусий ташкилотлари, хавфсизлик ва детектив бюrolари билан ўзаро ҳамкорлигида иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш дастури мавжуд. Жиноятчиликка қарши кураш ва кенг қамровли профилактика дастурлари ишлаб чиқилмоқда;

- иккинчидан, компаниялар ўзларининг ички тузилмаларини яратадилар, махсус давлат ташкилотлари ёки давлат хавфсизлик хизматлари билан яқин ҳамкорлик амалга оширилади. [3]

Ҳиндистонда иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг асосий чора-тадбирлари молия – банк секторининг ликвидлигини ошириш, миллий ишлаб чиқарувчилар, экспорт қилувчиларни қўллаб – қувватлаш ва ички истеъмолни рағбатлантиришга қаратилган. Бундан ташқари, 2012-2013 йилларда бюджет тақчиллигини камайтириш бўйича ҳукумат режасини қабул қилишга руҳсат берилди. Бюджет тақчиллигини 4,1% гача камайтириш, 2010 йилда ўзгартириш Ҳиндистон компаниялари томонидан амалга оширилдиган Standart & Poors агентлиги узоқ муддатли ва қисқа муддатли ташқи тижорат қарзларини “барқарор”га прогноз қилган. Ривожланган давлатлар тажрибасига қўшимча равишда Брюнней ва қисқа муддат ичида Сингапур иқтисодий ўсишни таъминлашга муваффақ бўлди.

Шундай қилиб, 2000 йиллардан бошлаб, Брюннейда иқтисодий фаолиятнинг ўзига хос хусусияти штат ва саноатнинг тадбиркорлик фаолиятини фаоллаштириш эди. Масалан, Брюнней Иқтисодий тараққиёт маъмурияти 2001 йилда ислоҳ қилинган, ишлаб чиқилган ва қабул қилинган “Vavasan Bruneу 2035” ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси, бир нечта аниқланган давлат инвестициялари иштирокидаги йирик лойиҳалар, саноатни ривожлантириш марказлари яратилди. Бундан ташқари беш йиллик режада асосий эътибор бизнеснинг устувор турларини ва энг аввало ахборот –коммунақация технологияларини ривожлантиришга қаратилган. Бундан ташқари, таққослаш учун барча ажратмаларнинг 12,1 фоизи шу мақсадларга йўналтирилганлигини таъкидлаш лозим. Аммо стратегик иқтисодий режа бўйича аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми бўйича Сингапур 2020 йилда Голландия даражасига, 2030 йилга келиб эса АҚШ даражасига тўғри келиши аниқланди. [4]

Шунга қўра, ушбу натижаларга устуворлик инсон ресурсларини ривожлантиришга қаратилган фаолият йўналишлари, саноат ва хизмат кўрсатиш, халқаро мақом ва халқаро рақобатбардошликни ошириш, инновациялар ва иқтисодий қайта куриш учун қулай муҳитни яратиш, миллий бирликни сақлаш ва мамлакатнинг заифлигини камайтиришдир.

Бундан ташқари, иқтисодий стратегияда миллий корхоналарни диверсификациялашни рағбатлантириш, уларнинг технологик ривожланишини таъминлаш ва минтақавий бизнес маркази мақомига эришиш чоралари мавжуд. Натижада, Сингапурнинг юқори халқаро рейтингга эга бўлган давлатга айланишига ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш даражасига, ҳукуматнинг ички муаммоларни ҳал қилишга, мамлакатнинг халқаро мавқеини яхшилашга, бизнес тузилмаларининг кучли ва самарали кластерини яратишга йўналтирилган мақсадли иқтисодий стратегиясини амалга ошириш орқали эришилди. Миллий ишлаб чиқаришни мақсадли солиқ имтиёзлари, масалан, юридик шахслар учун солиқ ставкалари 1999-2000 йиллардаги 26 фоиздан 2003-2004 йилларда 22 фоизгача, 2005-2007 йилларда 20 фоизгача, 2008-2009 йилларда 18 фоизга пасайтирилди. 2010 ва 2015 йилларда солиқ имтиёзлари жорий этилди. Ваколати иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, саноат, ташқи ва ички савдони мутаносиб ривожлантиришни ўз ичига олган асосий давлат органлари АҚШда – савдо вазирлиги, Японияда – ташқи савдо ва саноат вазирлиги, Хитойда – саноат ва ахборотлаштириш вазирлиги, Буюк Британияда – савдо ва саноат вазирлигидир. Шуниси кизиқки, қатор ривожланган мамлакатларда (АҚШ, Япония, Хитой) фуқаролар ҳаётий

фаолиятларининг устувор йўналишлари бу иқтисодий таъминот, хавфсизлик, миллий манфаатлар – миллий хавфсизликни ҳимоя қилишдир.

Ҳозирги шароитларда тадбиркорлик муҳитини шакллантириш нафақат миллий, балки халқаро муаммолардан ҳисобланади. Мавжуд бўлган мамлакатлараро гуруҳлар, Европа Иттифоқи миқёсида ягона тадбиркорлик муҳити вужудга келмоқда. Бу дегани тадбиркорлик фаолиятини юритиш Европа Иттифоқига кирувчи барча мамлакатларда бир-бирига ўхшаб кетмоқда (1-расм).



2 -расм. Европа Иттифоқи миқёсида ягона тадбиркорлик муҳитини шакллантириш шартлари. [5]

Шунинг учун миллий иқтисодий хавфсизлик ушбу соҳадаги йўналишларни белгилайдиган асосий стратегия ёки тушунчалардир. АҚШ стратегик ҳужжатларининг таҳлили иқтисодий хавфсизликга миллий хавфсизликнинг асосий элементи сифатида қаралишини кўрсатмоқда. Бундан ташқари 2010 ва 2015 йилларга мўлжалланган стратегияларда глобаллашув нафақат иқтисодий ривожланишнинг афзаллиги, балки мамлакат ва унинг хўжалик субъектлари ички иқтисодий ўсишига таҳдид сифатида ҳам кўрсатилган. Бундан ташқари АҚШда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизми Фавқулотда чоралар тўғрисидаги қонун ва инқирозга қарши режада белгиланган чораларга асосланади.

Шарқий мамлакатларда иқтисодий хавфсизликни бошқариш борасида (Япония, Хитой) шуни таъкидлаш жоизки, дастлаб ушбу давлатлар ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ривожланган глобаллашув жараёнларига яқиндир. Айнан Японияда иқтисодий муаммолар хавфсизлик ва уни таъминлаш бўйича миллий ҳукумат даражасига кўтарилган [6].

Германияда мамлакат ички ишлар вазирлигининг ваколати тадбиркорлик субъектларининг тижорат ёки саноат сирларини ташкил этувчи маълумотлар тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштиришни ўз ичига олади. Шу билан бирга, тадбиркорлик тузилмалари мустақил равишда ва хусусий детектив ва хавфсизлик идоралари мамлакат билан фаол ҳамкорлик қиладилар, хавфсизлик хизмати ва замонавий хавфсизлик тузилмаларини ташкил этишда иштирок этадилар. [7] Францияда кўпгина ҳолатларда товар белгисини суистеъмол қилишнинг олдини олиш, идентификациялаш билан шуғулланадиган саноат ва тижорат фирмаларининг ҳамда молиявий институтларнинг иқтисодий хавфсизлик хизматлари адолатсиз рақобат, саноат жосуслиги ва контрафакциялаш, банк тизимида хавфсизликни таъминлаш ва бошқалар билан шуғулланади. Маълумотлар ҳосил қилиш учун зарур шарт шундан иборатки, уларнинг таъсисчилари фақат Франция ёки Европа Иттифоқининг фуқаролигига эга бўлган шахслар бўлиши мумкин. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ички хавфсизлигини таъминлаш борасида, таъкидлаш жоизки, АҚШ ва

Буюк Британияда компаниялар, фирмани бузиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар ёки иқтисодий манфаатлар бўйича шубҳаларни туғдирадиган ходимлар билан профилактик тадбирларни ўтказадилар. Бундан ташқари ички хавфсизликни таъминлаш учун ходимларни ёллаш вақтида улар жиддий танланади, текширилади ва синовдан ўтказилади. Тадқиқотнинг методологик асосини тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш йўллари таҳлил қилиш ташкил этади. Таҳлил жараёнида таққослаш, тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилган. Кузатув методи орқали тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича илмий абстракция, мантикий фикрлаш методлари орқали тегишли хулосалар шакллантирилган. АҚШнинг тадбиркорлик соҳасида кўп йиллар мобайнида қўллаб келаётган қонунлар тизими таҳлил қилиб чиқилди ва хулосалар ишлаб чиқилди. Улардан бир нечасига эътибор қаратамиз:

**1-жадвал**

**АҚШда тадбиркорлик соҳасида узоқ йиллар мобайнида амал қилаётган қонунлар тизими [8]**

Қонунлар	Қонунларнинг асосий моҳияти
Трестларга қарши Шерман қонуни (1890 йил)	А) монополия ёки монополиялаштиришни тақиқлаш; Б) штатлараро ёки ташқи савдони чеклашга қаратилган турли хилдаги шартнома, келишув ва бирлашмаларни таъқиқлаш.
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва медицина препаратларининг сифатлилиги ҳақидаги қонун (1906 йил)	Штатлараро савдо-сотикқа қалбакилаштирилган ёки марка ёпиштирилмаган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ташиш, сотишни тақиқлаш, Бу қонун 1938 йилда озиқ-овқат, дори-дармон ва косметика воситалари ҳақидаги Федерал қонунига алмаштирилди 1958 ва 1962 йилларда унга жиддий ўзгартиришлар киритилди.
Федерал савдо комиссиясини таъсис этиш ҳақидаги қонун (1954 йил)	“Савдода рақобатнинг виждонсизлик услуги ноқонунийлиги”ни текширувчи идорани-комиссияни таъсис этишни назарда тутди.
Клейтон қонуни (1914 йил)	Амалий фаолиятнинг айрим турларини тақиқ етувчи Шерман Қонунига қўшимча киритилди (нархларни камситиш турларини аниқлаш, шартномага ҳамкор ҳаракатини чекловчи моддани киритиш, сотишнинг чеклаш тажрибасини қўллаш, бошқа корпорациялар акцияларига эга бўлиш, қўшма директорат ташкил этиш).
Уилер Ли қонуни (1938 йил)	Рақобатга зарар келтириш ёки келтирмасликдан қатий назар нопок, фириб ҳаракат ва усулларни тақиқлаш; озиқ-овқат, дори-дармон рекламаси устидан Федерал савдо комиссиясининг назоратини таъсис этиш.
Товарнинг аслилиги	Кенг истеъмол товарлар ўрами ва маркалашига қоида

унинг ўрамаи ва маркасида акс этиши ҳақидаги қонун (1966 йил)	жорий этилиши ўрам ичида нима борлигини, ишлаб чиқарган шахс номини ва ўрам ичидаги нарсанинг аниқ миқдорини кўрсатишни талаб қилади.
Истеъмол товарларининг хавфсиз бўлиши ҳақидаги қонун (1972 йил)	Истеъмол товарларининг хавфсиз бўлиши билан боғлиқ муаммолар бўйича комиссия таъсис этилиши ва унга истеъмол товарларига нисбатан хавфсизлик стандартларини қўллаш ва ушбу стандартларга риоя қилмаслиги учун санкция қўллаш ваколати берилди.
Қарзларни виждонан ундириб олиш ҳақидаги қонун (1978 йил)	Қарзларни ундириб олишда одамларни кўрқитиш, таъқиб қилиш, аёвсизларча муносабатда бўлиш, тухмат қилиш ноқонуний деб эълон қилинди.


Турли мамлакатлардаги тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга бўлган эътиборни таҳлил қилар эканмиз, бу жараён бевосита айти шу мамлакатдаги ялпи ички маҳсулотга нисбатан тадбиркорликнинг улуши кўп ёки озлигига ҳам боғлиқ бўлиб қолади деган фикр пайдо бўлади. Олиб борилган таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, биз доимо кўникиб қолган “сони кўп бўлса-кўп фойда беради, миқдор жиҳатидан илгариланган йўналишлар доим ривожланган бўлади” деган фикрларни мутлақо аксини кўрсатди. АҚШ Президентининг кичик бизнес бошқарув веб-сайти, Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлигининг веб-сайти, Германиядаги кичик ва ўрта бизнес, қўл санъатлари, хизматлар ва бепул касблар бош директорининг сайти, Буюк Британия давлат портали, Хиндистон ва Сингапур давлат порталидан олинган маълумотлардан келиб чиқиб ушбу таққослаш жараёнини қуйидаги расм кўринишига келтирдик. Расмий маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки Японияда тадбиркорликнинг ЯИМдаги хиссаси АҚШ ва Буюк Британиядан ҳеч қанча фарқ қилмасда умумий бандлик ҳисобида 10%га кўп.

Бу ерда Германия таҳлил қилинган мамлакатлар ичида ЯИМга нисбатан тадбиркорликдаги хиссаси энг кўп бўлишига қарамай, бандлик жиҳатидан яна Японияга биринчиликни бермоқда. Бу икки мамлакатдаги корхоналар сони ҳеч қанча фарқ қилишига қарамай, бандлик йўналишида Япония олдинлаб кетаяпти. Хиндистондаги корхоналар сони умумий бандлик ҳамда мамлакат ЯИМига нисбатан ўзаро кескин номутаносибликни кузатишимиз мумкин.

Қуйида давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмнинг функционал моделини тақлиф этамиз.

Ушбу модел ҳар бир давлатнинг миллий иқтисодий тизимини ривожлантириш ва шу йўл билан иқтисодий хавфсизлик тизимини барқарорлаштиришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Бу ҳолат малакатдаги мавжуд корхоналарда иқтисодий хавфсизлик тамойиллари тўғри йўлга қўйилмаганидан далолат беради. Бозор иқтисодиёти ва жаҳон иқтисодий тизимида глобаллашув жараёнлари жадаллашган шароитда иқтисодий хавфсизлик муаммоларини илмий тадқиқ этиш кучайди. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан шу нарса маълум бўлмоқдаки, жамият, давлат ва шахснинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш ва мувозанатга келтириш, қашшоқликка қарши курашиш, иқтисодий хавфсизликни, шу жумладан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда тадбиркорлик фаолияти муҳим роль ўйнайди.



3-расм. Давлат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмининг функционал модели [9]

Шунингдек, молиявий-иқтисодий инқироз ва унинг оқибатларига қарши курашишнинг самарали йўли сифатида ҳам тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш мумкинлиги аён бўлмоқда. Хорижий мамлакатлар тажрибаларини таҳлил қилар эканмиз тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун энг аввало давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози мамлакатларнинг иқтисодий хавфсизлик даражасини ошириш қобилиятига, шунингдек, ушбу мамлакатлар ҳукуматлари томонидан қўшимча инқирозга қарши чораларни қабул қилиш ва амалга оширишга жиддий таъсир кўрсатди.

Хулоса ўрнида шунни айтишимиз мумкинки, миллий даражада хорижий мамлакатлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шакллари сифатида қуйидаги чора-тадбирлар кўрилмоқда:

- асосий ишлаб чиқарувчилар ва тармоқларни қўллаб-қувватлайдиган иқтисодий фаолиятнинг иқтисодий патронажи шакллантирилмоқда;
- иқтисодий ҳамкорлик, унинг доирасида ўзаро боғлиқ бўлмаган тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳалари (масалан молия сектори ва саноат), миллий иқтисодиётларнинг биргаликдаги фаолияти ва турли соҳалар, фаолият соҳалари, давлатлар ва минтақалар ўртасида иқтисодий ресурслар алмашуви кенг йўлга қўйилмоқда;
- рақобатбардошлик даражасини ошириш, муайян фаолият соҳасида устунликка эришиш ва устунликни таъминлашдан иборат бўлган иқтисодий қарама-қаршилик кучайтирилмоқда;
- мамлакат иқтисодий ривожланишининг ички жараёнларини иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш жараёни жадаллаштирилмоқда.

Умуман олганда, шунни таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда хорижий мамлакатларда иқтисодий хавфсизлик соҳасидаги вазифаларни амалга ошириш, тадбиркорлик тузилмаларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Саноат ва тижорат фирмалари, уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва ушбу соҳада хизматларни тақдим этадиган мустақил ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик кенг йўлга қўйилмоқда. Глобаллашув шароитида хорижий мамлакатлар томонидан давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва иқтисодиётни тартибга солишга эътиборнинг кучайишини кузатиш мумкин. Шундай қилиб, тегишли институционал тузилмани, ташкилий ва услубий ҳужжатларни



яратиш, иқтисодий хавфсизликни бошқариш механизми ва воситаларини аниқлаш, шунингдек, мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун манфаатдор томонларни (бошқарув органлари, бизнес тузилмалари, фуқаролар) жалб қилиш тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий мезонлари бўлиб ҳисобланади, деган ҳулосага келишимиз мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Котлер Ф. Основы маркетинга: Пер.с англ. - М: Прогресс, 2000.
2. Предпринимательство: Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я.Горфинкеля, проф. Г.Б.Поляка, проф. В.А.Швандара. - М: Банки и биржи, ЮНИТИ, 2001.
3. Зеркалов Д. В. Экономические проблемы: хрестоматия. К.: Наук. свгг, 2008. URL: <http://zerkalov.org/files/bb3.pdf#2>
4. Фомин А.М. Экономическая безопасность государства // Международные процессы. 2010. Т. 8. № 3.
5. Колесниченко Е.А., Гильфанов М.Т. Методические аспекты оценки и обеспечения экономической безопасности предприятия // Вестник Тамбовского университета. Гуманитарные науки. Тамбов. 2013.
6. Доктрины национальной безопасности США, Франции и Японии (2000 г.). [Электронный ресурс] [http://www.budgetrf.ru/Publications/Magazines/VestnikSF/2000/vestniksf117-05/vestniksf117-05030.htm#HL\\_14](http://www.budgetrf.ru/Publications/Magazines/VestnikSF/2000/vestniksf117-05/vestniksf117-05030.htm#HL_14).
7. Кашин В. Второй мир: «Вражеские западные державы». [Электронный ресурс] // <http://periscope2.ru/2013/04/18/7345/>.
8. Гордиенко Д.В. Оценка уровня экономической безопасности стран Азиатско-Тихоокеанского региона // Национальные интересы: приоритеты и безопасность. 2013. № 13.
9. Османов Ж.Д., Моисеев П.С. Особенности обеспечения экономической безопасности в зарубежных странах // Социально-экономические процессы. 2015. Т. 10, № 11.
10. <http://www.sba.ov/aboutsba/> АҚШ Президентининг кичик бизнес бошқарув вебсайти.
11. <http://www.meti.o.jp/english/other/METIintroduction/c10130ej.html> /Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлигининг веб-сайти.
12. <http://www.bmwi.de/Homepage/English%20paes/The%20ministry/> Германиядаги кичик ва ўрта бизнес, қўл санъатлари, хизматлар ва бепул касблар бош директорининг сайты.
13. <http://www.cabinet-office.ov.uk/reulation/history/facts.htm> Буюк Британия давлат портали.
14. Лелюхин С.Е., Корченков А.М., Данилова Ю.В. Экономическая безопасность в предпринимательской деятельности/, ООО Проспект 2016.
15. Дунё мамлакатларининг 2022 йилдаги ЯИМ <https://human.uz/12/44/9845>.

O‘ZBEKISTONDA SANOAT KORXONALARINI INNOVATSION MUHITINI DAVLAT  
TOMONIDAN RAG‘BATLANTIRILISHI

ГОСУДАРСТВЕННОЕ СОДЕЙСТВИЕ ИННОВАЦИОННОЙ СРЕДЕ  
ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

STATE ENCOURAGEMENT OF INNOVATION ENVIRONMENT OF INDUSTRIAL  
ENTERPRISES IN UZBEKISTAN

Turdiyeva Muqaddas Umarovna  
Buxoro davlat universiteti  
Iqtisodiyot kafedrasini o‘qituvchisi

**Annotatsiya**

Ushbu maqolada to‘qimachilik sanoati korxonalarini innovatsion faoliyatini davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash masalalari tadqiq etilgan bo‘lib, unda asosan istiqbolda modernizatsiyalash va qayta qurish bo‘yicha loyihalarni qo‘llabquvvatlash tarmoqni rivojlantirishning asosiy jihatlari ko‘rib chiqilgan.

**Kalit so‘zlar:** To‘qimachilik sanoati, innovatsion faoliyat, modernizatsiyalash, loyiha, fan-texnika, innovatsion rivojlantirish strategiyasi, yo‘l xaritasi, demokratik davlat, ma’naviy va ma’rifiy jamiyat, progressiv taraqqiyot, yoqilg‘i-energetika resurslari, “Nil granit”, “Mini Maks lyuks”, “UPM tekstil”, “Xo‘jaobod fazo”, “Namuna”, “Shofirkon ekvatorial”, “Sharofat invest”.

В данной статье рассматриваются вопросы государственной поддержки инновационной деятельности предприятий текстильной отрасли, а также преимущественно рассматриваются основные аспекты развития отрасли, поддержка проектов модернизации и реконструкции в перспективе.

**Ключевые слова:** Текстильная промышленность, инновационная деятельность, модернизация, проект, наука и технологии, стратегия инновационного развития, дорожная карта, демократическое государство, духовно-просвещенное общество, прогрессивное развитие, топливно-энергетические ресурсы, «Нил гранит», «Мини Макс Люкс», «UPM Textile», «Ходжаабод Спейс», «Намуна», «Шофиркон экваториальный», «Шарофат инвест».

This article examines the issues of state support for the innovative activities of textile industry enterprises, and mainly considers the main aspects of the development of the industry, supporting modernization and reconstruction projects in the future.

**Key words:** Textile industry, innovative activity, modernization, project, science and technology, innovative development strategy, road map, democratic state, spiritual and enlightened society, progressive development, fuel and energy resources, "Nil granite", "Mini Max Lux", "UPM textile", "Khojaabad space", "Namuna", "Shofirkon equatorial", "Sharofat invest".

Bugungi kunda yurtimizda ilgari surilayotgan muhim bir tizim ya’ni mamlakatimizda fan-texnika muhitini qo‘llab-quvvatlash tizimida tubdan o‘zgarishlar O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning 2019 yil 21 sentyabrdagi PF-5544-son Farmoni bilan 2020 - 2022 yillarda O‘zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasi, uni amalga oshirish bo‘yicha «yo‘l xaritasi», O‘zbekiston Respublikasini 2030 yilgacha innovatsion rivojlantirishning maqsadli ko‘rsatkichlari tasdiqlanganidan so‘ng amalga oshdi. U bilan bog‘liq ravishda fan-texnika taraqqiyoti bo‘yicha muvofiqlashtiruvchi kengash tomonidan bizning jamiyatimiz strategik vazifalariga javob bera oladigan ustuvor tadqiqot yo‘nalishlari tasdiqlandi:

1. Bozor iqtisodiyoti sharoitlarida fuqarolik jamiyatini shakllantirish va demokratik davlatni rivojlantirishning huquqiy asoslarini tadqiq qilish;

2. Tarixiy, milliy va umuminsoniy qimmatliklar uyg‘unligi asosida yosh avlodni tarbiyalash, ma’naviy va ma’rifiy jamiyatni shakllantirish muammolarini tadqiq qilish;

3. Mamlakat sanoat ishlab chiqarishi uchun ilmtalab texnologiyalarni yaratish, mineral xom-ashyo resurslarini o‘rganish, qazib olish va tubdan qayta ishlash yuqori texnologiyali uslublarini ishlab chiqish; 4. Yer va suv resurslarini oqilona ishlatish va tiklash tuproq hosildorligini oshirish, atrof muhitni himoyalash tizimini mukammallashtirish; 5. Sog‘liqni saqlash tizimi samaradorligini oshirishga yordam beruvchi meditsina usul va vositalarini ishlab chiqish, yuqori samarali qishloq xo‘jalik mahsulotlari turlari va navlarini yaratish, bunda zamonaviy ilm-fan yutuqlari, jumladan gen injeneriyasi va biotexnologiya yutuqlaridan foydalanish; 6. Davlat iqtisodiy tarmoqlarining progressiv taraqqiyotidan, yoqilg‘i-energetika resurslaridan oqilona foydalanish va tiklashni ta’minlovchi energiya va resursni tejash texnologiyalari va texnik vositalarini ishlab chiqish.

O‘zbekiston Respublikasi to‘qimachilik sanoat korxonalarining innovatsion faoliyati davlat tomonidan qabul qilingan tarmoqni rivojlantirish dasturlari asosida boshqariladi. To‘qimachilik mahsulotlarining hajmi 2022 yili 392.8 mln donani, shundan 193.8 mln donasi ichki bozor uchun, 199 mln. donasi esa eksport uchun ishlab chiqarilgan. Paypoq mahsulotlari esa 219.9 mln. juftni, shundan 136.3 mln. jufti ichki bozor uchun, 83.6 mln. jufti esa eksport uchun ishlab chiqarilgan. To‘qimachilik sanoati korxonalari innovatsion faoliyatini davlat tomonidan boshqarishda respublikamiz mintaqalarining rivojlanish holati, hamda mintaqalarni ijtimoiy-iqtisodiy jihatdan rivojlantirish dasturlari ham alohida o‘rin tutadi. Viloyatlar bo‘yicha to‘qimachilik sanoat korxonalari innovatsion faoliyatini tahlil qiladigan bo‘lsak, Andijon viloyatida «O‘zto‘qimachilik sanoat» uyushmasi tarkibidagi 141 ta to‘qimachilik korxonasiga innovatsion texnologiyalar kiritilgan bo‘lib, shulardan 86 tasi 2018-2022 yillarda yangi texnika va texnologiyaga asoslangan holda tashkil etilgan. «Nilufar» MCHJ korxonasi 2010 yil mart oyida tashkil etilgan bo‘lib, tayyor to‘qimachilik buyumlari ishlab chiqariladi. 2013 yil ishlab chiqarish hajmi 128 ming donani tashkil etgan bo‘lib, 100% ichki bozor uchun ishlab chiqarilgan. 2020 yilda korxonaga Iso 9001 seriyasidagi standartlarga asoslangan sifat menejmenti tizimi joriy etildi.

Korxonada yangi mahsulot assortimentlarini o‘zlashtirgan holda, 2022 yil mahsulot ishlab chiqarish hajmini 150 ming donaga, shundan 60 ming donasi ichki bozor uchun, 90 ming donasi esa tashqi bozor uchun ishlab chiqarildi. 2025 yilga kelib, ishlab chiqarish hajmini 160 ming donaga, shundan 64 ming donasi ichki bozorga, 96 ming donasi esa tashqi bozor uchun mo‘ljallab chiqarish ko‘zda tutilyapti. «Nil granit» MCHJ korxonasi 2010 yil iyul oyida tashkil etilgan bo‘lib, Iso 9001 seriyasidagi standartlarga asoslangan sifat menejmenti tizimi joriy etilgan, 2021 yil ishlab chiqarish quvvati 1325 ming dona ustki to‘qimachilik buyumlarini tashkil etgan, shundan 265 ming donasi ichki bozor uchun, 1060 ming donasi esa tashqi bozor uchun ishlab chiqarilgan. 2022 yil ishlab chiqarish hajmi 1420 ming donani, shundan 568 ming donasi ichki bozor uchun, 852 ming donasi esa tashqi bozor uchun mo‘ljallab ishlab chiqarildi. 2025 yil bu ko‘rsatkichni 1480 ming donaga, shundan 592 ming donasini ichki bozor uchun, 888 ming donasini esa tashqi bozor uchun ishlab chiqarish ko‘zda tutilyapti. Korxonada muntazam ravishda assortimentni optimallashtirish ishlari amalga oshirilmoqda. «Mini Maks lyuks» MCHJ korxonasi 2011 yil aprel oyida tashkil etilgan bo‘lib, Iso 9001 seriyasidagi standartlarga asoslangan sifat menejmenti tizimi joriy etilgan, 2018 yil ishlab chiqarish quvvati 321 ming donani, shundan 64 ming donasi ichki bozor uchun, 257 ming donasi esa tashqi bozor uchun ishlab chiqarilgan. 2021 yil ishlab chiqarish hajmi 330 ming donani, shundan 132 ming donasi ichki bozor uchun, 198 ming donasi esa tashqi bozor uchun mo‘ljallab ishlab chiqarildi. 2022 yil bu ko‘rsatkichni 341 ming donaga, shundan 136 ming donasini ichki bozor uchun, 205 ming donasini esa tashqi bozor uchun ishlab chiqariladi. «UPM tekstil» MCHJ korxonasi 2011 yil mart oyida tashkil etilgan bo‘lib, korxonaga Iso 9001 seriyasidagi standartlarga asoslangan sifat menejmenti tizimi joriy etilgan, mahsulotining asosiy qismini Yevropa davlatlariga eksport qiladi. 2018 yil jami ishlab chiqarish hajmi 259 ming donani, shundan eksport qilingan mahsulotlar soni 207 ming donani tashkil etgan. Ichki bozorni sifatli to‘qimachilik mahsulotlariga bo‘lgan ehtiyojini to‘laroq qondirish maqsadida 2022 yil bu ko‘rsatkich ichki bozor uchun 104ming

donani, eksport hajmi esa 157 ming donani tashkil etdi. «Xo‘jaobod fazo» chet el korxonasi 2011 yil tashkil etilgan. Korxonada bolalar to‘qimachiligi ishlab chiqarishga ixtisoslashgan. Korxonaga Iso 9001 seriyasidagi standartlarga asoslangan sifat menejmenti tizimi joriy etilgan, mahsulotining asosiy qismini MDH davlatlariga eksport qiladi. 2021 yil 272 ming dona bolalar to‘qimachiligi ishlab chiqarilib, eksport hajmi 218 ming donani tashkil etgan. Mahsulot ishlab chiqarish hajmi 2022 yil 212 ming donani, ichki bozor uchun 85 ming donani, tashqi bozor uchun esa 127 ming donani tashkil etdi. 2022 yilga borib, to‘qimachilik mahsulotlari ishlab chiqarish hajmini 245 ming donaga, shundan ichki bozorga 98 ming donaga, tashqi bozor uchun esa 147 ming donaga yetkazish rejalashtirilgan. «Namuna» MCHJ korxonasi 2005 yilda tashkil etilgan bo‘lib, 2011 yil ish faoliyati to‘xtatilgan edi. Hozirgi kunda korxonaga investitsiya dasturi asosida Yaponiya davlatining yangi texnika va texnologiyalari kiritilib, korxonada modernizatsiya qilinyapti, korxonada jahon talablariga javob bera oladigan keng assortimentdagi to‘qimachilik mahsulotlarini ishlab chiqarishga qo‘yish ko‘zda tutilyapti. Korxonada 2020 yildan boshlab mahsulot ishlab chiqara boshladi. 2020 yil ichki to‘qimachilik mahsulotlari ishlab chiqarish hajmi 100 ming donani, eksport hajmi esa 60 ming donani tashkil etadi. 2022 yilga kelib, jami ishlab chiqarish hajmi 110 ming donaga, eksport hajmi esa 66 ming donaga etkazish ko‘zda tutilgan. «Shofirkon ekvatorial» MCHJ korxonasining loyihaviy quvvati 400 ming dona bo‘lib, 2021 yil 121 ming dona bolalar ustki to‘qimachilik buyumlari ishlab chiqarilgan. Ishlab chiqarilgan mahsulot 100% ichki bozorga yo‘naltirilgan.

«Shofirkon ekvatorial» MCHJ korxonasiga O‘z davstandart tomonidan ishlab chiqilgan tarmoq standartlariga asoslangan sifatni boshqarish tizimi joriy etilgan. Korxonada mahsulotlarini ichki bozor uchun mo‘ljallab ishlab chiqaradi. Korxonada ishlab chiqarish hajmini 2022 – 2022 yillarda 273 ming donaga, 2022 yili 295 ming donaga etkazish rejalashtirilgan. «Sharofat invest» MCHJ korxonasining loyihaviy quvvati yiliga 600 ming to‘qimachilik buyumlariga teng bo‘lib, 2021 yil 258 ming dona ustki to‘qimachilik mahsulotlari ishlab chiqarilgan, uning asosiy qismi, ya‘ni 206 ming donasi eksport qilingan. Korxonada Koreya davlati tomonidan kiritilgan innovatsion investitsiyalar asosida tashkil etilgan. 2022-2022 yillarda mahsulot ishlab chiqarish hajmini 2890 ming donaga, 2025 yilda 3301 ming donaga etkazish, hamda mahsulotning 80%ini eksport qilish ko‘zda tutilmoqda. Qashqadaryo viloyatida ham davlat investitsiya dasturi asosida to‘qimachilik korxonalariga innovatsion investitsiyalar kiritilmoqda, korxonalar qayta jihozlanib, modernizatsiya qilinib, ishlab chiqarish faoliyati kengaytirilmoqda. Bugungi kunda Qashqadaryo viloyatida «O‘zto‘qimachilikanoat» uyushmasi tarkibidagi 12 ta korxonada faoliyat olib bormoqda. Mavjud korxonalar modernizatsiya qilingan, qayta jihozlangan, yangi assortimentlar o‘zlashtirilgan.

«Sanam» MCHJ korxonasi 1992 yil aprel oyida tashkil etilgan bo‘lib, yillik ishlab chiqarish quvvati 450 ming donani tashkil etadi. Korxonada asosan, ichki to‘qimachilik mahsulotlari ishlab chiqariladi. Ishlab chiqarilgan mahsulot 100% ichki bozorga yo‘naltirilgan. Korxonada ishlab chiqarish hajmini 2021 – 2022 yillarda 360 ming donaga, 2025 yili 568 ming donaga etkazish rejalashtirilgan. Korxonaning loyihaviy quvvati yiliga o‘rtacha 450 ming dona ekanligini inobatga oladigan bo‘lsak, modernizatsiyalash ishlari amalga oshirilishi, innovatsion investitsiyalarni joriy etish hamda yangi haridorgir mahsulotlar assortimentlarini o‘zlashtirish hisobiga korxonada mahsulot ishlab chiqarish quvvati 710 ming donaga yetkazish imkoniyati mavjud. Shuningdek, korxonada Iso 9001 seriyasidagi xalqaro standartlarga asoslangan sifat menejmenti tizimi joriy etish borasidagi ishlarni amalga oshirish ham maqsadga muvofiqdir. «Sado» MCHJ korxonasi 1993 yil iyun oyida tashkil etilgan bo‘lib, yillik ishlab chiqarish quvvati 800 ming dona to‘qimachilik mahsulotlarini tashkil etadi. Hozirgi kunda korxonaga xalqaro standartlarga asoslangan sifat menejmenti tizimi joriy etilishi hisobiga 2021 yil mahsulot ishlab chiqarish hajmini 541 ming donaga yetkazildi, 226 ming dona futbolka mahsulotlarini eksport qilindi. 2022 yilga borib, korxonaning ishlab chiqarish quvvatidan foydalanish darajasi oshirish hisobiga mahsulot ishlab chiqarish hajmini 640 ming donaga, eksport hajmini esa 456 ming donaga etkazildi. «Kotton Road» qo‘shma korxonasi 1998 yil iyun oyida tashkil etilgan bo‘lib, yiliga o‘rtacha 2500 ming dona ustki to‘qimachilik mahsulotlari ishlab chiqarish quvvatiga ega. Korxonaga Xitoy davlatining investitsiyalari kiritilgan, xalqaro standartlarga asoslangan sifat menejmenti tizimi joriy etilgan, shu boisdan ham ishlab chiqarilayotgan mahsulot asosan, eksport qilinyapti. 2020 -2021 yillarda

mahsulot ishlab chiqarish hajmi 1600 ming donaga, 2022 yil 2000 ming donaga yetkazildi. Ammo bugungi kunda korxonaning ishlab chiqarish quvvatidan to‘liq foydalanilmayapti. Korxonaga 2 smenali ish rejimini joriy etish orqali, yangi to‘qimachilik mahsulotlari assortimentini joriy etish orqali ishlab chiqarish hajmini oshirish ichki imkoniyatlari mavjud. Namangan viloyatida joylashgan 424 ta to‘qimachilik korxonasiga tarmoqni rivojlantirish investitsion dasturlari asosida innovatsion investitsiyalar kiritildi. Natijada, tarmoqning ishlab chiqarish hajmi, eksport salohiyati ortdi. «Fort impeks» MCHJ korxonasi 2012 yil mart oyida Germaniya davlatidan kiritilgan investitsiyalar asosida tashkil etilgan bo‘lib, o‘rtacha yillik ishlab chiqarish quvvati 1900 ming dona. Korxonaga to‘liq quvvatda ishlamoqda. Korxonaga xalqaro standartlarga asoslangan sifat menejmenti tizimi joriy etilishi hisobiga mahsulotining asosiy qismi eksportga ishlab chiqariladi.

Korxonada mahsulot ishlab chiqarish hajmini 2020-2021 yillarda 1100 ming donaga, 2022 yil 1800 ming donaga etkazildi. «Stil tekstil» MCHJ korxonasi 2008 yil may oyida tashkil etilgan.

Korxonaga investitsiya Davlat dasturi asosida yangi texnika va texnologiyalar kiritilgan. Korxonaga xalqaro standartlarga asoslangan sifat menejmenti tizimi joriy etilgan. Korxonaning o‘rtacha yillik ishlab chiqarish quvvati 1500 ming donani tashkil etadi. Ammo, bugungi kunda korxonaga to‘liq quvvatda ishlamayapti. 2020 yil mahsulot ishlab chiqarish hajmi 357 ming donani, eksport hajmi esa 87 ming donani tashkil etdi. Korxonada mahsulot ishlab chiqarish hajmini 2020-2021 yillarda 425 ming donaga, 2022 yil 440 donaga etkazish, shundan 60%i eksport qilindi.

Sirdaryo viloyatida 18 ta to‘qimachilik korxonalariga yangi texnika va texnologiyalar ko‘rinishida investitsiyalar kiritildi. «SIRDARYA BEST FASHION» MCHJ XK chet investitsiyalari ishtirokida tashkil etilgan, o‘rtacha yillik ishlab chiqarish quvvati 3500 ming donaga teng. Korxonada 2019 yil 1520 ming dona ustki to‘qimachilik mahsulotlari ishlab chiqarilgan, shundan 1120 ming donasi eksport qilingan. Korxonaga xalqaro standartlarga asoslangan sifat menejmenti tizimi joriy etilgan, shu boisdan ham ishlab chiqarilayotgan mahsulot asosan, eksport qilinyapti. 2020 -2021 yillarda mahsulot ishlab chiqarish hajmi 2100 ming donaga, 2022 yil 2810 ming donaga etkazildi. Ammo bugungi kunda korxonaning ishlab chiqarish quvvatidan to‘liq foydalanilmayapti. Korxonaga 2 smenali ish rejimini joriy etish orqali, yangi to‘qimachilik mahsulotlari assortimentini joriy etish orqali ishlab chiqarish hajmini oshirish ichki imkoniyatlari mavjud. «Mos Yaya teks» MCHJ korxonasi 2004 yil iyun oyida tashkil etilgan bo‘lib, o‘rtacha yillik ishlab chiqarish quvvati 1500 ming dona. Bugungi kunda korxonaga to‘liq quvvatda ishlamayapti. 2019 yil korxonada 789 ming dona to‘qimachilik mahsulotlari ishlab chiqarilgan, shundan 631 ming donasi eksport qilingan. Korxonaga xalqaro standartlarga asoslangan sifat menejmenti tizimi joriy etilishi hisobiga mahsulotining asosiy qismi eksportga ishlab chiqariladi.

Korxonada mahsulot ishlab chiqarish hajmini 2020-2021 yillarda 836 ming donaga, 2022 yil 840 ming donaga etkazildi. Samarqand viloyatida ham to‘qimachilik tarmog‘ini rivojlantirish borasida ishlar olib borilmoqda. Viloyatda «O‘zto‘qimachilikanoat» uyushmasi tarkibidagi 91 ta to‘qimachilik korxonasi faoliyat ko‘rsatayotgan bo‘lib, «Amin invest» MCHJ korxonasi 1996 yili, «8-mart» (Zarafshon) MCHJ korxonasi esa 1969 yil tashkil etilgan. «Amin invest» MCHJ korxonasining o‘rtacha yillik ishlab chiqarish quvvati 2700 ming donaga teng bo‘lib, bugungi kunda korxonaga to‘liq quvvatda ishlamayapti. 2019 yil korxonada 474 ming dona to‘qimachilik mahsulotlari ishlab chiqarilgan, shundan 379 ming donasi eksport qilingan. Korxonaga xalqaro standartlarga asoslangan sifat menejmenti tizimi joriy etilishi hisobiga mahsulotining asosiy qismi eksportga ishlab chiqariladi. Korxonada mahsulot ishlab chiqarish hajmini 2020-2021 yillarda 520 ming donaga, 2022 yil 1610 ming donaga etkazildi. Bugungi kunda korxonaning ishlab chiqarish quvvatidan to‘liq foydalanilmayapti. Korxonaga 2 smenali ish rejimini joriy etish orqali, yangi to‘qimachilik mahsulotlari assortimentini joriy etish orqali ishlab chiqarish hajmini oshirish ichki imkoniyatlari mavjud. «Zarafshon» MCHJ korxonasining loyihaviy quvvati yiliga 4000 ming to‘qimachilik buyumlariga teng bo‘lib, 2019 yil 1223 ming dona ustki to‘qimachilik mahsulotlari ishlab chiqarilgan, uning asosiy qismi, ya‘ni 978 ming donasi eksport qilingan. Korxonaga Koreya davlati tomonidan kiritilgan innovatsion investitsiyalar asosida qayta tashkil etilgan. Korxonada ishlab chiqarilayotgan mahsulotlar jahon bozori talablariga javob bera oladigan sifatli mahsulotlar bo‘lib, korxonaga Iso 9001 seriyasidagi standartlarga asoslangan sifat menejmenti tizimi joriy

etilgan. Bugungi kunda korxonada yangi mahsulot assortimentlarini joriy etish, assortimentni kengaytirish borasida ishlar olib borilmoqda. 2021-2022 yillarda mahsulot ishlab chiqarish hajmini 3345 ming donaga yetkazish, hamda mahsulotning 80%ini eksport qilindi. Xulosa qiladigan bo‘lsak, 2018-2022 yillarda tarmoqning innovatsion faoliyatini boshqarish ishlab chiqarishni texnikaviy va texnologik qayta qurish, modernizatsiya qilish bo‘yicha loyihalarni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash chora-tadbirlari turli iqtisodiy siyosat dastaklari, soliq va bojxona, moliyaviy va preferentsiya imtiyozlaridan samarali foydalanishga qaratilgan. Fikrimizcha, istiqbolda modernizatsiyalash va qayta qurish bo‘yicha loyihalarni qo‘llab-quvvatlash tarmoqni rivojlantirishning quyidagi jihatlariga qaratilgan bo‘lishi kerak:

- yuqori qo‘shilgan qiymatga ega bo‘lgan mahsulotlarni ishlab chiqarish;
- bo‘yash va tayyor mahsulotlar ishlab chiqarish, innovatsion yo‘nalishlarni rivojlantirish;
- aralash tolali va texnik gazlamalarni ishlab chiqarish;
- xorij bozorlari talablariga mos to‘qimachilik mahsulotlarini ishlab chiqarish;
- xalqaro bozorda «O‘zbek tekstili», «O‘zbekistonda ishlab chiqarilgan» brendini rivojlantirish.

Zamonaviy sharoitda innovatsiyalarga yo‘naltirilgan korxonalarni faollashtirish siyosati alohida dolzarb va ahamiyatli hisoblanadi. So‘nggi paytlarda O‘zbekistonda sanoat ishlab chiqarishida innovatsion faollikni oshirish uchun maxsus vositalarni, yangi texnologiyalarni rivojlantirishga uzoq muddatli investitsiyalarni jalb qilish mexanizmlarini yaratish, shuningdek, investitsiya muhitini yaxshilash uchun qulay shart-sharoitlarni yaratish choralari ko‘rishni boshladi. Hozirgi bosqichda innovatsiyalarga yo‘naltirilgan ishlab chiqarishni tartibga solish, uni milliy xususiyatlarni hisobga olgan holda o‘z zaminimizda moslashtirish bo‘yicha xorijiy tajribadan foydalanish muhim ahamiyatga ega. Innovatsiyalar nazariyasining rivojlanishidagi muhim bosqich innovatsiyaga yo‘naltirilgan sanoat korxonalarini tartibga solish jarayonida davlatning muhim rolini isbotlashdir.

Jahon bozorlarida chuqur tarkibiy o‘zgarishlar ro‘y berdi: sanoat tarmoqlarining standart tovarlar bilan to‘yinganligi va raqobatning kuchayishi natijasida bir tomondan mahsulotlarni an‘anaviy bozorlarda sotish qiyinlashdi, ikkinchi tomondan, jarayon yangi texnologiyalarni joriy etish tezlashdi. Innovatsion jarayonni alohida boshqarish zarur edi, shunda u yetakchi o‘zgaruvchan omilga aylandi. Hozirgi sharoitda bozor mexanizmining o‘zi bu muammoni hal qila olmaydi, davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash (moliyaviy va infratuzilma komponenti) va sanoatning ustuvor innovatsion yo‘nalishlarini rivojlantirishni rag‘batlantirishning roli, ayniqsa, dastlabki bosqichlarda g‘oya va uni tijoratlashtirish bosqichi ortib bormoqda. Innovatsiyalarni qo‘llab-quvvatlash bo‘yicha tahlil qilingan xalqaro tajriba, shuningdek, O‘zbekiston innovatsion sanoati sektorining hozirgi holati va O‘zbekiston hukumati tomonidan qulay innovatsion muhitni yaratish bo‘yicha ko‘rilayotgan chora-tadbirlar asosida, innovatsiyalarni tartibga solishni takomillashtirish zarur deb xisoblaymiz. Bu O‘zbekiston sanoatining ilg‘or sohalarini rivojlantirishni rag‘batlantiradi va butun mamlakat iqtisodiyotining barqaror o‘shishiga yordam beradi.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning 2019 yil 21 sentyabrdagi PF-5544-son Farmoni.
2. Ахунова Г.Н. Стратегия бизнеса: Учебное пособие. –Т.: ТГЭУ, 2007. –180 З. Бабиных С.В. Рациональное использование сырья в трикотажной промышленности. Обзорная информация серии трикотажная и текстильно-галантерейная промышленность. –М.: 2005.
3. «O‘zto‘qimachilik sanoat» uyushmasi yillik hisobotlari. 2018-2022 yu.

RAQAMLI TASHABBUSLI BUDJETLASHTIRISHNI JORIY ETISH VA UNDA  
QO‘LLANILADIGAN IQTISODIY MODEL TASNIFI

ВНЕДРЕНИЕ ЦИФРОВОГО ИНИЦИАТИВНОГО БЮДЖЕТИРОВАНИЯ И  
КЛАССИФИКАЦИЯ ИСПОЛЬЗУЕМОЙ В НЕМ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ МОДЕЛИ

INTRODUCTION OF DIGITAL INITIATIVE BUDGETING AND CLASSIFICATION OF  
THE ECONOMIC MODEL USED IN IT

D.B. Uskenbayeva, O‘zMU Moliya va kredit kafedrası  
stajor o‘qituvchisi

**Annotatsiya**

“Tashabbusli budjet” jarayonlarini yanada rivojlantirish hamda fuqarolarning talab va takliflaridan kelib chiqqan holda ushbu tizimni zamonaviy texnologiyalar bilan uzviy bog‘lash hozirda oldimizda turgan eng ustuvor vazifalarimizdan biridir. Mazkur maqolada Tashabbusli budjetlashtirish jarayonlarida raqamli iqtisodiyot tizimidan keng miqyosda foydalanish hamda raqamli Tashabbusli budjetlashtirishni joriy etishda qo‘llaniladigan iqtisodiy modelni yaratish masalari yoritilgan.

**Kalit so‘zlar:** Tashabbusli budjet, ochiq budjet, axborot portal, raqamli iqtisodiyot, virtual korxonalar, kommersiya, kriptovalyuta, axborot kommunikatsiya, kraudfanding, virtual muhit.

Дальнейшее развитие процессов «Инициативного бюджета» и интеграция этой системы с современными технологиями на основе требований и предложений граждан является одной из наших важнейших задач. В данной статье рассматриваются вопросы масштабного использования системы цифровой экономики в процессах инициативного бюджетирования и создания экономической модели, используемой при внедрении цифрового инициативного бюджетирования.

**Ключевые слова:** Инициативный бюджет, открытый бюджет, информационный портал, цифровая экономика, виртуальное предприятие, коммерция, криптовалюта, информационная коммуникация, краудфандинг, виртуальная среда.

Further development of "Initiative Budget" processes and integration of this system with modern technologies based on the demands and suggestions of citizens is one of our most important tasks. This article covers issues of large-scale use of the digital economy system in initiative budgeting processes and the creation of an economic model used in the introduction of digital initiative budgeting.

**Key words:** Initiative budget, open budget, information portal, digital economy, virtual enterprise, commerce, cryptocurrency, information communication, crowdfunding, virtual environment.

“Tashabbusli budjet” jarayonlari bu - aholi turmush darajasini yaxshilash va fuqarolarni qiynab kelayotgan ijtimoiy-iqtisodiy muammo va kamchiliklarni hal etilishi bo‘yicha olib boriladigan ishlar, jumladan joylarda infratuzilmalarni yaxshilash hamda tizimli muammoga aylanib qolgan kamchiliklarni hal etishda davlat budjetidan ajratiladigan mablag‘lar, mahalliy budjetlar doirasida ajratilgan mablag‘larni aholi uchun bugungi kunda eng zarur deb topilgan yo‘nalishlarda oqilona o‘zlashtirilishida fuqarolarning faol ishtirok etishidir.

“Qonunlar” asarida Platon bir qiziq loyihani tavsiya etadi unda davlat ta‘minotida bo‘lgan, ya‘ni yuqori toifali “fuqarolarning” moddiy ta‘minoti to‘g‘risidagi oldin ilgari surilgan g‘oyalar rivojlantirilgan. Bu yerda faylasuf tenglik tamoyilida jamiyat tuzilishining ayrim ijtimoiy-iqtisodiy

unsurlarning tavsifini boshqalardan oldin ko‘ra bilgan. Xususan, barcha fuqarolar, Platon fikricha, ideal davlatda uy-joy, yer olish-lari mumkin. Buning ustiga yer faqat unga egalik qilish va undan foydalanish huquqi bilan (ya’ni to‘la bo‘lmagan mulk huquqi) berilgan bo‘lsa ham, uni olgan kishi keyinchalik bolalarining biriga aynan shu shart bilan meros qoldirish imkoniyatiga ega bo‘lgan. Fuqarolar umumiy mulkning qimmati to‘rt martadan ko‘p farq qilmasligi kerak bo‘lgan. Yurtimizda fuqarolik jamiyatining davlat budjeti xarajatlariga bevosita aralashuvi va bu jarayonda fuqarolarning to‘g‘ridan to‘g‘ri ishtirok etishi aynan “Fuqarolar ishtirokidagi tashabbusli budjetlashtirish” tizimi hisoblanadi.

“Tashabbusli budjet” tizimini yurtimizda tashkil etishda bir qator rivojlangan davlatlar xususan: Rossiya Federatsiyasi, Amerika Qo‘shma Shtatlari, Braziliya va Ukraina Respublikasi kabi davlatlar tajribasi to‘liq o‘rganib chiqildi, o‘rganishlar natijasida har bir davlatda mazkur tizimni amalga oshirish mexanizimi va normativ huquqiy hujjatlari o‘rganib chiqildi. Ilg‘or jahon tajribaga asoslangan holda tasdiqlangan yangi mexanizm asosida “Ochiq budjet” axborot portalining yangi talqini ishlab chiqilib, 2021 yilning 1 iyulidan boshlab mamlakatimizning barcha tuman va shaharlarida jamoatchilik fikri asosida tadbirlarni shakllantirish jarayonlari boshlandi. 2021-2023 yillarda erishilgan natijalar to‘g‘risida quyidagi jadvalda ma’lumotlar keltirilgan.

**1-jadval**

**2021-2023 yillarda “Ochiq budjet” axborot portaliga kelib tushgan ovozlari va loyihalar [1]**

Yillar	O‘rtacha ovozlari soni	Loyihalar soni
2021	1150 ming	41 ming ta
2022	5491 ming	140 ming ta
2023	14112 ming	115 ming ta

**2-jadval**

**G‘olib deb topilgan loyihalarga berilgan ovozlari ulushlari [2]**

	2021	2022	2023
G‘oliblar soni	1594	4516	4700
Berilgan ovozlari	947 ming	11253 ming	22036 ming
Umumiy ovozlari soniga nisbatan, foizda	82%	68%	52%

Yuqoridagi ma’lumotlar asosida, Tashabbusli budjet jarayonlarida oxirgi 3 yil muddatda fuqarolar ishtiroki erkaklar misolida 65%ni, ayollar misolida esa 35%ni tashkil etgan. Bundan, 18-30 yoshlik fuqarolar 28%ni, 30-40 yoshlik fuqarolar 56%ni, 50 yoshdan katta fuqarolar 16%ni tashkil qilgan.

Har bir rivojlangan mamlakatda ochiqlik asosida demokratik siyosat yuritiladi, bunda davlat va jamiyat o‘rtasidagi o‘zaro hamkorlik ko‘pgina ijtimoiy va iqtisodiy muammolarga yechim bo‘ladi. Fuqarolar o‘z fuqarolik pozitsiyasidan to‘laqonli foydalana olishi bu mamlakatda olib borilayotgan davlat siyosatida fuqarolik jamiyatini tutgan o‘rnini belgilaydi.

“Tashabbusli budjet” jarayonlarini yanada rivojlantirish hamda fuqarolarning talab va takliflaridan kelib chiqqan holda ushbu tizimni zamonaviy texnologiyalar bilan uzviy bog‘lash hozirda oldimizda turgan eng ustuvor vazifalarimizdan biri hisoblanadi.

Raqamli iqtisodiyot – bu iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy aloqalarni raqamli texnologiyalarni qo‘llash asosida amalga oshirish tizimidir. Bu noldan boshlab yaratilishi lozim bo‘lgan qandaydir boshqacha iqtisodiyot emas. Bu yangi texnologiyalar, platformalar va biznes modellari yaratish va ularni kundalik hayotga joriy etish orqali mavjud iqtisodiyotni yangicha tizimga ko‘chirish deganidir. Raqamli iqtisodiyot insonlarning turmush darajasini sezilarli darajada oshiradi, bu uning asosiy foydasidir. Raqamli iqtisodiyot korrupsiya va “qora iqtisodiyot”ning asosiy kushandasidir. Chunki, raqamlar hamma narsani muhrlaydi, xotirada saqlaydi, kerak paytda ma’lumotlarni tez taqdim etadi. Bunday sharoitda biron ma’lumotni yashirish, yashirin bitimlar tuzish, u yoki bu



faoliyat haqida to‘liq axborot bermaslikning iloji yo‘q, kompyuter hammasini namoyon qilib qo‘yadi.

Bugun jamiyatda raqamli texnologiyalarning ahamiyati tobora va unga bo‘lgan talab tobora ortib bormoqda, ularning keng joriy qilinishi va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish masalalari hozirgi kunda har bir davlat uchun dolzarb masalaga aylanib bormoqda. Ekspertlar fikricha, kelgusi 3 yilda iqtisodiyotni raqamlashtirish orqali dunyodagi 22 foiz ish o‘rni axborot texnologiyalari yordamida tashkil etiladi. Raqamli iqtisodiyot tarkibiga elektron hukumat, elektron kommertsiya, elektron biznes, raqamli iqtisodiy munosabatlar, raqamli arxivlar, raqamli banklar, virtual korxonalar, kriptovalyutalar – elektron pullar, ijtimoiy tarmoqda marketing xizmatlaridan foydalanish, blokcheyn texnologiyasini joriy etish, korxonalarining raqamli “cho‘ntak”lari, raqamli dividendlar va boshqalar kiradi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlisga Murojaatnomasida raqamli iqtisodiyotga faol o‘tish eng ustuvor vazifalardan biri etib belgilanishi ham bejiz emas, darhaqiqat, ko‘plab rivojlangan mamlakatlarda raqamli iqtisodiyot ularning rivojlanish omillariga sezilarli darajada ta‘sir o‘tkazib kelmoqda va jamiyat hayotida ham raqamli iqtisodiyot muhim rol o‘ynashi tobora o‘z isbotini topib kelmoqda. [3]

Raqamli iqtisodiyot tushunchasi nisbatan uzoq bo‘lmagan vaqtda, 1995-yili Massachusetts universiteti amerikalik olim Nikolas Negroponte tomonidan axborot kommunikatsiya texnologiyalarini intensiv rivojlanishi ortidan eski iqtisodiyotdan yangi iqtisodiyotga o‘tishda, qanday o‘zgarishlar ro‘y berishi mumkinligini aytib o‘tgan.

Raqamli iqtisodiyot - bu xo‘jalik faoliyatini yuritish bo‘lib, bunda ishlab chiqarish va xizmat ko‘rsatishdagi asosiy omil raqamlar ko‘rinishidagi ma‘lumotlar bo‘lib, katta hajmdagi axborotlarni qayta ishlash va shu qayta ishlash natijasini analiz qilish yordamida har xil turdagi ishlab chiqarish, xizmat ko‘rsatish, texnologiyalar, qurilmalar, saqlash, mahsulotlarni yetkazib berishda oldingi tizimdan samaraliroq yechimlar tadbiriq qilishdir. Boshqacha qilib aytgancha, raqamli iqtisodiyot bu onlayn xizmatlar ko‘rsatish, elektron to‘lovlar amalga oshirish, internet savdo, kraudfanding va boshqa turdagi sohalarni raqamli kompyuter texnologiyalarini rivojlanishi bilan bog‘langan faoliyatdir. [4]

Shu o‘rinda aytib o‘tish lozimki yurtimizda tashkil etilgan “Tashabbusli budget” jarayonlari ham raqamli iqtisodiyotga o‘tishda tashlangan katta qadamlardan biri hisoblanadi. Fuqarolik jamiyatining budget mablag‘larini sarflanishida faol ishtirokini elektron tizim orqali tashkil etilishi bu iqtisodiy jihatdan raqamli iqtisodiyotning eng yorqin jihatlaridan biri hisoblanadi. Ko‘p yillar davomida fuqarolarni qiynab kelayotgan ijtimoiy muammolar tegishli idoralarga murojaat qilish orqali o‘rganilgan va mazkur amaliyot hozirgi kunda ham har bir tashkilotning huquqiy vakolatlaridan kelib chiqib tegishli masalalar qonun doirasida amalga oshirilib kelinmoqda. Hammamizga ma‘lumki ushbu jarayonlarda fuqarolarning xohish istaklarini inobatga olgan holda ularning murojaatlarini tegishli normativ huquqiy hujjatlarga asoslangan holda to‘liq qondirish har doim ham muvaffaqiyatli amalga oshirilmaydi.

“Tashabbusli budget” jarayonlarini birma bir tahlil qiladigan bo‘lsak ushbu mexanizm bir qancha elektronlashgan tizimlardan tashkil topganini bilishimiz mumkin masalan har bir fuqaro onlayn tarzda o‘z shaxsiy mobil qurilmasi, yoki kompyuter hamda planshet yordamida “Ochiq budget” axborot portali orqali:

- ro‘yxatdan o‘tishi;
- taklif qoldirishi;
- tegishli taklifga ovoz berishi;
- barcha ochiq ma‘lumotlarni kuzatib borish va tahlil qilish imkoniyatlariga ega.

Ushbu jarayonlarni raqamlashtirish zamon talabi bo‘lishi bilan bir qatorda jamoatchilikning keng qismini qamrab olishda ham ishonchli mexanizm hisoblanadi, jamoatchilikning keng qatlamini mazkur tizim bo‘yicha xabardorligini oshirish va o‘z tushunchalarini kengaytirish bo‘yicha ham elektronlashgan mexanizm o‘z foydasini berib kelmoqda. Shu o‘rinda aytish lozimki yuqori yoshdagi fuqarolarni ushbu jarayonlarga keng jalb qilish onlayn tizim bo‘lganligi sababli bir oz noqulayliklar tug‘ulishi mumkin albatta shu munosabat bilan, 2021 yilda o‘tkazilgan

“Tashabbusli budjet” jarayonlarida yuqori yoshdagi fuqarolarni ham jalb qilish maqsadida va ovoz berish jarayoniga ko‘maklashuvchi “mobil” guruhlar hamda “tashabbuskorlar burchagi” tashkil etildi kelgusida ushbu guruhlar taklif qoldirish uchun ham tashkillashtirish ishlari amalga oshirilmoqda. Har bir soha borki u tizimli kamchilik va xatoliklardan holi emas albatta, yuzaga kelayotgan kamchiliklar va oqsalishlar natijasi o‘laroq muayyan bir mexanizimning yaxshilanishi va barqarorlanishi kuzatiladi, bunda tegishli soha va yo‘nalishdan kelib chiqqan holda mazkur tizimni raqamli texnologiyalar bilan uyg‘unlashtirish o‘z natijasini berdi.

**3-jadval**

**Raqamli iqtisodiyotga turlicha yondashuvlar va berilgan ta’riflar**

<b>1.</b>	Raqamli iqtisodiyot – bu bizning voqeligimizni to‘ldiruvchi virtual muhit	V.Ivanov
<b>2.</b>	Raqamli iqtisodiyot – bu raqamli texnologiyalardan foydalaniladigan iqtisodiy ishlab chiqarish	R.Mesheryakov
<b>3.</b>	Raqamli iqtisodiyot ma’lumot va ma’lumotning moddiy mahsulotlar va xizmatlarni ishlab chiqarishda, shuningdek, ularni saqlash, qayta ishlash va uzatish uchun raqamli texnologiyalardan faol foydalanish bilan tavsiflanadigan zamonaviy iqtisodiyot turi	A.Kuntsman
<b>4.</b>	Raqamli iqtisodiyot elektron mahsulotlar va xizmatlar ishlab chiqarish va ularni elektron tijorat orqali tarqatish asosida: “elektron mahsulotlarga ixtisoslashgan biznes ishlab chiqarish jarayonlarini va pul o‘tkazmalarini amalga oshiradi, shuningdek, Internet texnologiyalardan foydalangan holda mijozlar bilan ishlash va ularni boshqarish bilan shug‘ullanadi	R.K.Asanov

Bugungi kunda, “Tashabbusli budjetlashtirish” jarayonlariga fuqarolar tomonidan qiziqishlar ortib borayotgani va ushbu jarayonlardagi mexanizmlarni yanada soddalashtirish va shu bilan bir qatorda mazkur jarayonlarni raqamli texnologiyalar bilan yanada uzviy bog‘lash zarur, masalan fuqarolar tomonidan bildirilayotgan asosiy takliflardan biri bu yo‘l tizimi muammolari yani ichki yo‘llarni ta’mirlash hamda haligacha asfalt kirib bormagan manzillarni asfaltlash masalalaridir. Hozirgi mezanizm doirasida axborot portali orqali fuqaro taklif kiritish jarayonida o‘zi istagan obyektini matn orqali kiritadi bu esa tegishli taklifni keng ifoda etishni qisman cheklaydi, aynan ushbu tizimni raqamlashtirish yani har bir taklif doirasida kengaytirilgan baza asosida ishni tashkil etilishi tizm samaradorligini va rivoji uchun xizmat qiladi. Masalan, fuqaro ichki yo‘llarni asfaltlash bo‘yicha taklif kiritish jarayonida yo‘llarning joylashgan manzili (geopozitsiyasi), to‘liq nomlari, uzunligi, holati (asfaltlangan, ta’mir talab) va boshqa ma’lumotlarni o‘z ichiga olgan ichki yo‘llar reestrini shakllantirish va axborot portaliga integratsiya qilinishini hamda ichki yo‘llarni ta’mirlash bo‘yicha ichki yo‘llar reestridan geoma’lumotlar asosida fuqarolar tomonidan tegishli ichki yo‘lni tanlash orqali o‘z takliflarini qoldiradi; viloyatlar va Toshkent shahar hokimligi moliya bosh boshqarmalari har yili hisobot yili davomida amalga oshirilgan ichki yo‘llarni ta’mirlash uchun sarflangan mablag‘lar asosida o‘rtacha narx shakllantiradi va axborot portaliga kiritadi bu esa fuqaro o‘z taklifning qiymatini shakllantirishda tumanda mavjud bo‘lgan mablag‘ga mutanosib kelishini nazorat qilish imkonini beradi.

Ushbu taklif etilayotgan yangi mezanizmni nafaqat ichki yo‘llarni ta’mirlash amaliyotida balki fuqarolar tomonidan ilgari suriladigan boshqa ijtimoiy muammoalarni moliyalashtirishda ham to‘liq axborotlashgan raqamli mexanizmni joriy etgan holda taqbiq etilishi mumkin.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yhati**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi “2022-2026” yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60 sonli Qarori
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 22 sentyabrdagi ““Ochiq budjet” axborot portal orqali jamoatchilik fikri asosida shakllangan tadbirlarni moliyalashtirishni yanada kengaytirish chora-tadbirlarni moliyalashtirishni yanada kengaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-5250 sonli Qarori.

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2021 yildagi Oliy Majlisga murojaatnomasi.
4. Nurmuhamedova B.I. Davlat budjeti. Darslik – T.: “Iqtisod moliya”, 2018 yil.
5. G‘aybullayev O., O‘roqov U. O‘zbekiston Respublikasida budjet tizimi va jarayoni. O‘quv qo‘llanma. – T.: “Baktria press”, 2016 yil.
6. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va Moliya vazirligi rasmiy veb sayti ma’lumotlari
7. Decide.Madrid.es Online Participatory Budgeting, <https://participedia.net/case/4365>
8. Dias, N. et al (2019). Participatory Budgeting World ATLAS 2019. Cascais: Oficina. <https://www.cascais.pt/anexo/participatory-budgeting-world-atlas-2019>
9. Participatory Budgeting: Leaving No One Behind. Glasgow Disability Alliance, 2019. <https://gda.scot/resources/participatory-glasgow-leaving-no-one-behind/>
10. Виноградова Т.И. (2010). Программа «Прозрачный бюджет» в России. <http://center-strategy.com/budget>
11. Партиципаторный бюджет. Как граждане участвуют в распределении муниципальных средств. Комитет гражданских инициатив Электронный ресурс Режим доступа: URL: <https://komitetgi.ru/news/news/1799>.
12. “Ochiq budjet” axborot portalining ma’lumotlar bazasi
13. Iqtisodiyot va Moliya vazirligi O‘quv markazi (Moliyachi ma’lumotnomasi byulleteni)
14. Uroqov Uchqun, Yuldasheva Nadira, Nuritdinova Vasila, Tukhtabayeva Sogdiana. Budgetary methods for local budgets. Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems. DOI: 10.5373/JARDCS/V12I6/ S20201165

**УДК:339.13**

**РОЛЬ И РАЗВИТИЕ ЭЛЕКТРОННОЙ ТОРГОВЛИ В СОВРЕМЕННОЙ РЫНОЧНОЙ  
ЭКОНОМИКИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ**

**O‘RTA OSIYO ZAMONAVIY BOZOR IQTISODIYOTIDA ELEKTRON SAVDONING  
O‘RNI VA RIVOJLANISHI.**

**ROLE AND DEVELOPMENT OF E-TRADE IN THE MODERN MARKET ECONOMY  
OF CENTRAL ASIA**

**Холмедова Нодирабегим Хуршидовна**  
**Преподаватель кафедры «Корпоративное управление»**  
**Ташкентского института текстильной и легкой**  
**промышленности**

**Джуманова Раъно Файзуллаевна**  
**Доцент кафедры «Региональная экономика и менеджмент» НУУз**

**Аннотация**

В статье рассматривается роль электронной торговли анализ динамики мирового рынка онлайн торговли, кроме того, приводятся ключевые тренды развития электронной коммерции в современной экономике. Наибольший вклад в мировой рынок электронной коммерции по-прежнему преимущественно вносят американские и китайские компании. Основные стратегии мировых компаний, и перспективы экономики Центральной Азии. На основе проведенных исследований, сделаны соответствующие выводы отражающие суть статьи.

**Ключевые слова:** электронная торговля, онлайн торговли, стратегии мировых компаний, перспективы экономики Центральной Азии

Maqolada elektron tijoratning roli ko‘rib chiqiladi, global onlayn savdo bozori dinamikasi tahlil qilinadi, shuningdek, zamonaviy iqtisodiyotda elektron tijorat rivojlanishining asosiy tendentsiyalari keltirilgan. Global elektron tijorat bozoriga eng katta hissa qo‘shuvchilar asosan Amerika va Xitoy kompaniyalari tomonidan amalga oshirilmoqda. Global kompaniyalarning asosiy strategiyalari va Markaziy Osiyo iqtisodiyotining istiqbollari. O‘tkazilgan tadqiqotlar asosida maqolaning mohiyatini aks ettiruvchi tegishli xulosalar berildi

**Kalit so‘zlar:**elektron tijorat, onlayn savdo, global kompaniyalar strategiyalari, Markaziy Osiyo iqtisodiyoti istiqbollari

The article examines the role of e-commerce, analyzes the dynamics of the global online trading market, and also provides key trends in the development of e-commerce in the modern economy. The largest contributors to the global e-commerce market continue to be predominantly made by American and Chinese companies. The main strategies of global companies and the prospects for the economy of Central Asia. Based on the research conducted, appropriate conclusions were drawn reflecting the essence of the article.

**Keywords:** e-commerce, online trading, strategies of global companies, prospects for the economy of Central Asia

Электронная торговая платформа представляет собой часть компьютерного программного обеспечения, которое позволяет пользователям размещать заказы на финансовые продукты через сеть с финансовым посредником. Эти продукты включают такие продукты, как акции, облигации, валюты, товары и производные финансовые инструменты.

Пандемия COVID-19 перевела в онлайн формат большое число предприятий малого и среднего бизнеса и стала толчком к развитию электронных торговых площадок. Сегодня в Центральной Азии едва ли не каждый магазин на рынке имеет собственный канал, группу, а у некоторых имеются боты в Telegram, через которые магазин оповещает клиентов о новых поступлениях товаров, общается с потребителями, принимает заказы, сообщает о доставке, одним словом – торгует.

В действительности, e-commerce — это не только финансовые или торговые транзакции, осуществляемые с помощью сетей, но и цепочки глобальных бизнес-процессов, связанных с проведением транзакций. Сегодня к электронной коммерции относят электронную покупку или продажу товаров через онлайн-сервисы или через интернет, мобильную коммерцию, электронные переводы средств, управление цепочками поставок, интернет-маркетинг, онлайн-обработку транзакций, электронный обмен данными (EDI), системы управления запасами и автоматизированные системы сбора данных.

Первую покупку в интернете совершил американец Фил Бранденбергер в 1994 году. Он заказал на сайте новый альбом Стинга «Ten Summoners’ Tales» и оплатил \$12,48 (не считая доставки) своей Mastercard. Чуть позже на рынок пришли Amazon и Alibaba, которые стали его пионерами и монополистами. До появления электронной торговли сделки person-to-person веками проводились на физических биржах в США[1]. NYSE была самой заметной из этих бирж и работала на открытом **протесте**, который представлял собой систему сигналов руками и устного общения, используемую участниками для размещения торгов. В 1971 году Национальная ассоциация дилеров по ценным бумагам создала Nasdaq и работала полностью в электронном виде в компьютерной сети[2]. Он быстро завоевал популярность, и к 1992 году на его долю приходилось 42% объема торговли в США[3]. С появлением электронных финансовых рынков были запущены и электронные торговые площадки. В 1992 году Глобэкс стала первой электронной торговой площадкой, вышедшей на рынок. E\*Trade, компания, которая начинала как онлайн-брокерская служба, вскоре также запустила собственную платформу, ориентированную на потребителя. Эти платформы быстро завоевали популярность благодаря темпам роста E\*Trade в 9% в месяц в 1999 году.

Сегодня электронную торговлю можно классифицировать по двум признакам. Что продают: физические товары — продукты, одежду, мебель, электронику, бумажные книги;

цифровые товары — музыка, кино и сериалы, электронные книги, онлайн-курсы; услуги — фотосъемка, уборка, помощь с переездом и т.д.

**Кому продают:** - b2c (business to consumer, «бизнес для потребителя») — интернет-магазины, которые продают товары или услуги потребителям напрямую, то есть в розницу;

- b2b (business to business, «бизнес для бизнеса») — компания продает что-то другим компаниям. Это может быть оптовая торговля — чтобы покупатель потом реализовал эти товары потребителям в розницу. Или же товары и услуги, предназначенные для корпоративных нужд: например, кассовое оборудование, облачные хранилища и сервисы, международная доставка грузов;

- c2b (consumer to business, «потребитель для бизнеса») — отдельные люди (физлица) предлагают товары и услуги для компаний. Яркий пример — исполнители на аутсорсинге: дизайнеры, программисты, создатели контента;

- c2c (consumer to consumer, «от потребителя к потребителю») — люди продают друг другу товары и услуги напрямую: няни, репетиторы, кондитеры, дизайнеры одежды;

-g2b (government to business, «от правительства к бизнесу») — государственные органы поставляют что-то для бизнеса: например, использование радиочастот, воздушного пространства, сервисов для сбора и обработки данных;

- b2g (business to government, «бизнес для правительства») — обратный процесс: например, товары и услуги в рамках госзакупок, ПО, электроника;

- c2g (consumer to government, «от потребителя к правительству») — когда потребители оплачивают различные госуслуги.

Два самых распространенных типа — b2c и b2b.

JD.com главный конкурент Alibaba в Китае. В отличие от Alibaba, JD.com работает по модели Amazon: отгружает товары сторонних продавцов с собственного склада и отправляет через свою службу доставки. На конец 2020 года у компании было более 900 складов общей площадью 21 млн кв. м. В составе холдинга есть своя социальная платформа — Jingxi, а также сети магазинов у дома Xintonglu и JD New Markets и даже собственное направление коммерческой недвижимости. В ближайшем будущем JD планирует запустить свою цифровую валюту — e-CNY[4].

Amazon — самый крупный розничный продавец в сфере e-commerce в США и один из крупнейших в мире. Компания располагает огромной сетью складов и сортировочных центров, а также собственной службой доставки, которая использует дроны и роботов, а в 2020 году приобрела еще и самолеты Boeing 767. Помимо основной b2c-платформы, есть также Amazon Business для клиентов-юрлиц.

В условиях стремительного роста рынка интернет-коммерции обеспечивается ряд преимуществ.

**Снижение затрат.** Электронная торговля упрощает бизнес-процессы во многих отраслях предпринимательства. Например, чтобы открыть онлайн-магазин не нужно арендовать физическую площадь, нанимать штат продавцов и сотрудников доставки. Все действия можно автоматизировать, а если товар электронный, то и упростить в разы сервис доставки. В итоге транзакционные издержки ниже, что сказывается на стоимости продукции или услуг.

**Расширение целевой аудитории.** Через Интернет можно продавать по всему миру без особых затрат. Конечно, если бизнес связан с физическими товарами, то придется поломать голову с доставкой. Простое решение – это сотрудничество с транспортными компаниями. Но если вы продаете электронные товары, услуги – электронные книги, программы, сервисы и прочее, то рынок неограничен.

**Меньше посредников.** Электронная коммерция позволяет работать напрямую с производителем, исключая цепочку посредников. Так создается прямой канал между продавцом и покупателем, что сказывается на стоимости товаров и качестве обслуживания.

Возможность со 100% точностью анализировать продажи, продвижение, развитие бизнеса в сети. Системы аналитики, коллтрекинга позволяют следить за ситуацией и своевременно принимать меры.

Также существуют недостатки электронной коммерции:

1. Зависимость от информационно-коммуникационных технологий. Не во всех регионах есть свободный доступ к Интернету на высокой скорости, этот фактор сильно тормозит развитие электронного бизнеса.

2. Особенности законодательства, налоги. Отсутствие правового регулирования онлайн-коммерции часто служит препятствием при заключении тех или иных сделок.

3. Безопасность информации. Онлайн-торговля и бизнес в сети требует высокой гарантии конфиденциальности данных пользователей, покупателей, участников коммерческой деятельности. Активно внедряется сертификация, авторизация, капча и другие варианты борьбы с мошенничеством.

4. Авторское право. Защита прав собственности – это давно не новая проблема для сети Интернет. Пиратские копии программного обеспечения, «слитые» в свободный доступ мастер-классы, книги и другая продукция интеллектуального труда – все это становится проблемой для электронной коммерции во всем мире.

Сегодня к электронной коммерции относят электронную покупку или продажу товаров через онлайн-сервисы или через интернет, мобильную коммерцию, электронные переводы средств, управление цепочками поставок, интернет-маркетинг, онлайн-обработку транзакций, электронный обмен данными (EDI), системы управления запасами и автоматизированные системы сбора данных. По данным исследовательского агентства «Global Data» за последние 10 лет глобальный рынок электронной торговли вырос в 5 раз и в 2022 году достиг объема в более \$6 трлн. По всему миру в электронной торговле задействованы более 2 млрд. человек. По прогнозам ожидается, что к концу 2027 года оборот электронной торговли в мире достигнет \$27,1 трлн[6].

По оценкам компании «Alibaba», ее платформа электронной торговли создала более 30 млн. рабочих мест в КНР. Компания «Amazon» утроила количество пунктов выдачи продуктов в США и зафиксировала 200 % рост онлайн-продаж.

Электронная торговля стала уникальным инструментом, способствующим экономическому развитию стран. В развитых странах до 5% ВВП генерируется электронной торговлей B2B и B2C (business-to-consumer).

Азия возглавляет рейтинг крупнейших рынков электронной коммерции в мире. Общий доход онлайн-торговли в странах Азии в 2022 году составил почти 1,7 триллиона долларов США. Это примерно на 700 миллионов долларов США выше, чем доходы от электронной коммерции, достигнутые в Америке. Австралия, Океания и Африка в 2022 году достигли гораздо более низких доходов от электронной коммерции — менее 50 миллиардов долларов США. Лидирующее положение Азии в основном можно приписать Китаю, доход которого в 2022 году превысил 1,2 триллиона долларов США[7].

Сегодня Китай — абсолютный лидер онлайн-торговли: в 2021 году сегмент e-commerce там впервые в мире превысил половину всего рынка розничных продаж. Следом идут Южная Корея с 28,9%, США с 15% и Западная Европа с 12,8%. Объем онлайн-продаж за 2020 год в Китае составил \$2,3 трлн, в 2021-м — почти \$2,8 трлн, а в 2022-м ожидается около \$3,1 трлн. Для сравнения, в США рынок e-commerce в 2020 году, по данным eMarketer, составил \$709,8 млрд и превысит \$1 трлн к 2024 году. Почти половина (45%) всей электронной торговли в стране приходится на продажи через мобильные приложения.

На сегодняшний день в Узбекистане в качестве информационного посредника выступает ряд электронных площадок и систем - торговая площадка для бизнеса.

Электронная торговая площадка для сельхозпроизводителей республики Agrosale.uz предоставляет участникам агробизнеса просматривать предложения потенциальных партнеров, публиковать информацию о собственных товарах и услугах, расширять торго-

партнерские связи. На сегодняшний день на данной торговой площадке зарегистрировано более 1400 продавцов и 100 покупателей, предлагается более 3600 различных товаров и услуг.

Текстильная электронная торговая площадка Textile.uz информирует участников о производимой продукции предприятий текстильной, швейно-трикотажной и шелковой отраслей; о мировых производителях и поставщиках технологического оборудования, фурнитуры, аксессуаров и красителей; о поставщиках услуг.

На торговой площадке для бизнеса Prom.uz предприятия и индивидуальные предприниматели предлагают потенциальным клиентам промышленные, строительные, оптовые товары, сырье и материалы, оборудование и спецтехнику, товары и услуги для ведения бизнеса. На торговой площадке предлагается огромный перечень различных товаров и услуг. На сегодняшний день на торговой площадке зарегистрировано почти 20000 предприятий и предлагается порядка 80000 товаров и услуг.

Электронная торговая площадка Trade Uzbekistan представляет отечественным производителям-экспортерам продукции взаимодействовать с внешнеторговыми компаниями и покупателями, предоставляет возможности ведения переговоров и заключения сделок. На данной электронной торговой площадке отечественными производителями-экспортерами предлагаются различные виды товаров и услуг.

В Узбекистане торги на бирже осуществляются на 4 торговых платформах - биржевая электронная торговая система, электронная торговая система выставочно -ярмарочных торгов, электронная торговая система по реализации авто номеров и электронные государственные закупки. Начиная с 2004 года на бирже стали реализовываться на электронных торгах важнейшие виды материально-технических ресурсов отечественных производителей. В 2015 году на УзРСТБ была запущена торговая система по государственным закупкам («электронный каталог» <http://catalog.uzex.uz/>), которая упростила процедуру приобретения бюджетными организациями товаров первой необходимости. После запуска данной торговой системы объемы сделок по государственным закупкам увеличились почти в 4 раза.

Наряду с этим, Центральная Азия благодаря своему важному геополитическому расположению между Азией, Европой и Ближним Востоком, все больше рассматривается, как рынок с высоким потенциалом роста электронной торговли.

Согласно оценке аналитиков, общерегиональный розничный товарооборот в 2022 году достиг \$60 млрд., из них на электронную торговлю приходится более 15%.

Узбекистан, в свою очередь, является наиболее быстрорастущим рынком электронной торговли, который имеет огромный потенциал к расширению. По прогнозам экспертов, совокупный среднегодовой темп роста этого сектора в 2023-2027 годы составит более 40%.

Ожидается, что выручка на рынке электронной торговли к концу 2023 года достигнет \$1,6 млрд. Количество активных онлайн-пользователей в стране в настоящее время составляет более 10 млн. человек.

При этом, годовой темп роста выручки составит 14%, что приведет к объему рынка в размере \$2,6 млрд. к 2027 году. Количество пользователей на рынке электронной торговли к этому периоду составит около 16 млн. человек.

Отмечается, что такой ускоренный рост может быть достигнут за счет усиления ключевых факторов, которые ранее были недостаточно развиты, таких как Интернет (за 6 лет количество интернет-пользователей увеличилось в 3 раза и превысило 31 млн. чел. в 2022 году), его скорость и доступность, проникновение смартфонов и совершенствование мобильного банкинга.

Преобладающее молодое население (48% молодого поколения в возрасте от 15 до 45 лет) со средним возрастом 28 лет является решающим фактором дальнейшего развития электронной торговли.

Чтобы поддержать участников электронной торговли, в Узбекистане введены специальные налоговые льготы, например, взимается только 2% налога с онлайн-дохода, по сравнению со ставкой 4% для традиционных предприятий. В стране активно функционируют

крупные компании электронной торговли, такие как «Uzum market», «Wildberries», «ZoodMall», «OLX» и другие.

В этом контексте создание единой региональной платформы электронной торговли будет способствовать расширению мультиканальных продаж и придаст мощный импульс развитию сферы онлайн-покупок в регионе.

Активное сотрудничество стран Центральной Азии в этом направлении будет в целом стимулировать рост бизнеса, создание новых рабочих мест, увеличение доходов компаний, внедрение передовых технологий, укрепление торгово-экономического и инвестиционного сотрудничества, а также способствовать общему экономическому развитию региона в целом.

## Список использованной литературы

1. О.А. Кобелев. Электронная коммерция. Учебное пособие. М. Издательство Торговая корпорация. «Дашков и К» 2020. -682 с.
2. Информационное и программное обеспечение электронного бизнеса. Учебное пособие / Г.И.Курчеева, М.А.Бакаев, В.А.Хворостов Новосибирск Издательство НГТУ. 2018. -107 с.
3. Weber, Bruce W. (2006-05-01). [“Adoption of electronic trading at the International Securities Exchange”](#). *Decision Support Systems*. Economics and Information Systems [англ.]. **41** (4): 728—746. DOI:[10.1016/j.dss.2004.10.006](#). ISSN [0167-9236](#)
4. The Death Of The Trading Floor (англ.). *Investopedia*. Дата обращения: 28 октября 2021.
5. Goldstein, Michael A.; Kumar, Pavitra; Graves, Frank C. (2014-04-07). [“Computerized and High-Frequency Trading”](#). *Financial Review*. **49** (2): 177—202. DOI:[10.1111/fire.12031](#). ISSN [0732-8516](#). S2CID [20466175](#)
6. <https://trends.rbc.ru/trends/industry/607fe4549a7947027eaffbe>
7. <https://www.statista.com/forecasts/1117851/worldwide-e-commerce-revenue-by-region>

УДК: 364.024:339.1:364.22(575.1)

## КАМБАҒАЛЛИКНИ АНИҚЛАШ АМАЛИЁТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

### ПРАКТИКА ОПРЕДЕЛЕНИЯ БЕДНОСТИ И ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ

### THE PRACTICE OF DETERMINING POVERTY AND DEVELOPMENT TRENDS

Мирзамахмудова Мадина Одилжон кизи  
Ўзбекистон Миллий университети катта ўқитувчиси PhD,  
Alfragunus Университети Молия кафедраси катта ўқитувчиси PhD  
ташқи ўриндошлик асосида, [madinabonu1311@mail.ru](mailto:madinabonu1311@mail.ru)

#### Аннотация

Мақолада республикада камбағалликни аниқлашнинг ҳуқуқий-институционал асослари, уларнинг шаклланиш босқичлари, халқаро иқтисодий ташкилотларнинг камбағалликни аниқлаш бўйича ёндашувлари, улардан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари, камбағал аҳоли қатламларини аниқлашнинг ҳозирги ҳолати баҳоланган, ривожланиш тенденциялари ва муаммолари аниқланган.

**Калит сўзлар:** камбағаллик, камбағалликни аниқлаш, камбағаллик чегараси, кунлик истеъмол нормаси, кунлик қувват сарфи, ишловчилар даромади.

В статье рассмотрены правовые институциональные основы выявления бедности в республике, этапы их формирования, подходы международных экономических



организаций к выявлению бедности, возможности их использования в практике Узбекистана, оценено современное состояние выявления бедных слоев населения, определены тенденции и проблемы развития.

**Ключевые слова:** бедность, определение бедности, черта бедности, суточная норма потребления, суточная потребляемая мощность, доход рабочих.

The article examines the legal institutional foundations for the identification of poverty in the republic, the stages of their formation, the approaches of international economic organizations to the identification of poverty, the possibilities of their use in the practice of Uzbekistan, assesses the current state of the identification of the poor, identifies trends and development problems.

**Keywords:** poverty, measurements poverty, poverty line, daily consumption rate, daily power consumption, income of workers.

Камбағаллик долзарб муаммо саналиб, унинг аҳамияти Covid-19 пандемияси, мамлакатлар ўртасидаги сиёсий зиддиятлардан кейин янада ошди. 1990 йилдан буён камайиш тенденциясига эга бўлган камбағаллик даражаси Covid-19 пандемияси сабабли ўта қашшоқ аҳоли сонини 70 миллионга ортишига ва улар бугун дунё аҳолисининг 719 миллион кишисини ташкил этишига сабаб бўлди[1]. Прогноз натижаларига кўра, 2030 йилга келиб дунё аҳолисининг 7 фоизи, тахминан 575 миллион киши қашшоқликда яшаши мумкин. Яшаш харажатлари инқирозига жавобан 105 мамлакат ва ҳудудлар 2022-йил февралидан 2023-йил февралигача бўлган давр оралиғида қарийб 350 та ижтимоий ҳимоя чораларини эълон қилди[2].

Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви, иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялашув жараёнларининг чуқурлашув шароитида “...Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқиш, халқаро меъёрлар асосида чуқур тадқиқотлар ўтказиб, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усулларини камраб олган янги методологияни яратиш”[3] устувор вазифа сифатида белгилаб берилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, республиканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда “...мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 бараварга қисқартириш”[4] масалалари ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири саналади. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини аниқлаш механизмининг янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишнинг тадрижий йўлини танлади. Ушбу ҳолат мамлакатни бозор иқтисодиётига ўтишга қаратилган ислохотларни амалга ошириш жараёнида устувор вазифалар сифатида ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишни тақозо этди. Натижада республикада 1991 йилдан ҳозирги кунгача бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламларини аниқлашнинг ҳукукий-институционал асослари яратилди ва у мунтазам равишда такомиллаштирилиб борилмоқда. Амалга оширилган чора-тадбирлар тизимини уч босқичга ажратиш мумкин. Биринчи босқич 1991-2010 йилларни ўз ичига олиб, унда мамлакатда аҳолининг кам таъминланган қатламини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантириш, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари (махалла) мавқейини оширишнинг ҳукукий-институционал базаси шакллантирилди. Иккинчи босқичда 2011-2019 йилларни ўз ичига олиб, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш мақсадида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун давлатнинг ижтимоий дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар ажратиш, уларнинг моддий ҳолатини яхшилашнинг меъёрий асосларини такомиллаштириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Учинчи босқич 2020 йилдан ҳозирга қадар бўлган даврни ўз ичига олиб республикада аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламларини, жумладан, камбағалликни аниқлаш борасида ҳукукий-

институционал ислохотларни амалга ошириш, аҳолига муносиб турмуш даражаси ва сифатини таъминлаш босқичи ҳисобланади.

Республикада ижтимоий ислохотларнинг чуқурлашуви камбағалликни аниқлаш амалиётини халқаро андозалар асосида янада такомиллаштириш лозимлигини тақозо этмоқда. Таҳлилларнинг кўрсатишича, Жаҳон озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти аҳолининг кунлик истеъмол нормаси, Жаҳон банки гуруҳи кунлик даромад даражаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аҳоли турмуш фаровонлигига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлайди. Жаҳон озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилот мутахассислари ҳисоб-китобига кўра, инсоннинг кунлик истеъмол нормаси тахминан 2400-2500 килокалорияга тенг бўлиши зарур. Шунингдек, тўйиб овқатланмаслик 1800 килокалориядан паст бўлганда, очликнинг “критик чегараси” эса, 1000 килокалориядан бошланиб ҳисобга олинади. Бунда асосий эътибор ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳолининг ёши, жинси, меҳнат фаолияти ва бошқа омилларга қаратилади. Истеъмолнинг етарли даражада эмаслиги оқсиллар ёки “яширин очлик” деб номланган микроэлементлар билан ўлчаниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рационал овқатланиш нормативлари инсон меҳнатининг оғирлиги ва касб гуруҳлари асосида, мамлакатимизнинг иқлими ва овқатланишдаги миллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда, қувватга ва асосий озиқ-овқат моддаларига бўлган физиологик эҳтиёжини қондиришга қаратилган қуйидаги гуруҳларга бўлинади[5]:

1-гуруҳ – асосан ақлий меҳнат билан шуғулланувчи шахслар бир кеча-кундузлик қувват сарфи 1800-2450 ккал;

2-гуруҳ – енгил меҳнат билан шуғулланувчилар бир кеча-кундузлик қувват сарфи 2100 -2800 ккал;

3-гуруҳ – ўрта оғирликлардаги меҳнат қилувчилар бир кеча-кундузлик қувват сарфи 2500-3300 ккал;

4-гуруҳ – оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи ишчилар бир кеча-кундузлик қувват сарфи 2850 -3850 ккал;

5-гуруҳ – ўта оғир жисмоний меҳнат, жуда юқори жисмоний фаоллик билан ишловчилар бир кеча-кундузлик қувват сарфи 3750-4200 ккал.

Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан меҳнатга лаёқатсиз ва меҳнатга лаёқатли аҳоли гуруҳларининг ёш ва жинсий таркиби бўйича бир кунлик истеъмол қилиши лозим бўлган озиқ-овқат меъёрлари ишлаб чиқилган.

**1-жадвал**

**Ўзбекистонда аҳоли ёш гуруҳлари бўйича минимал истеъмол миқдори[6]**

	Ёш гуруҳлари	калория., ккал	оқсил, гр	ёғ, гр	углевод, гр
Болалар ёш гуруҳи бўйича	0-1 ёш	1036,7	24,2	30,1	64,8
	1-3 ёш	1267,3	43,9	41,3	132,8
	4-6 ёш	1428,6	58,1	58,0	175,3
	7-10 ёш	1944,4	73,7	73,5	257,3
	11-13 ёш	2063,4	76,8	74,9	282,2
қизлар	14-15 ёш	2234,2	81,9	84,1	300,0
ўсмирлар	14-15 ёш	2476,5	94,7	89,6	336,5
эркаклар	16-59 ёш	2572,8	99,3	90,8	353,7
	60 ёшдан юқори	2020,9	73,4	69,8	286,7
аёллар	16-54 ёш	2351,9	85,3	93,7	303,8
	эмизикли ва ҳомиладор	2556,4	94,0	100,7	331,6
	55 ёшдан юқори	2029,1	73,8	69,8	288,3

## “YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” JURNALI №8 2023

Ўртача бир киши учун Гр/кунига	2195,7	81,9	81,1	290,6
-----------------------------------	--------	------	------	-------

1 – жадвалда Ўзбекистон аҳолиси учун минимал истеъмол миқдори калориялари, оксил, ёғ ва углеводлар кесимида ёш гуруҳларига ажратиб кўрсатилган. Истеъмол миқдорига кўра, 0-14 ёшгача болалар беш гуруҳга, 14-15 ёш вакиллари кизлар ва ўсмирларга, эркаклар меҳнатга лаёқатли ёшдан пенсия ёшига қадар ва пенсия ёшидан юқори ёш гуруҳларига, аёллар меҳнатга лаёқатли ёшдан пенсия ёшига қадар, эмизикли ва ҳомиладор аёллар ва пенсия ёшидан юқори аёллар учун истеъмол миқдори ҳақида маълумотлар берилган.

Камбағалликни аниқлашда физиологик эҳтиёжларни ҳисобга олиш етарли эмас. Жаҳон банк гуруҳи ёндашувига кўра, камбағаллик чегарасида яшаётган инсонлар – бу ҳаётий зарур эҳтиёжларини қондириш учун етарли ресурсларга эга бўлмаган аҳоли қатламидир. 2015 йилга келиб Жаҳон банки гуруҳи паст даромадли мамлакатларнинг қашшоқлик чегаравий кўрсаткичларидан фойдаланиб, кунига 1,90 АҚШ долларлик халқаро қашшоқлик чегарасини белгилади[7]. Эндиликда халқаро қашшоқлик чегараси 2017 йилги харид қобиляти паритетига кўра 2,15 доллар қилиб белгиланган[8]. Ушбу кўрсаткич паст даромадли мамлакатлар учун камбағалликнинг энг куйи чегараси ҳисоблансада, ўрта куйи даромадли мамлакатлар учун кунига 3,20 АҚШ доллари, ўрта юқори даромадли мамлакатлар учун эса, кунига 5,50 АҚШ долларини ташкил этади[9].

Ривожланган мамлакатларда камбағаллик кўпинча ишсизлик билан боғлиқ бўлса, ривожланаётган мамлакатларда эса камбағаллик, асосан, иш билан банд бўлганларнинг муаммоси ҳисобланади. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) Жаҳон банки гуруҳи услубияти асосида, ёш гуруҳлари бўйича ишчилар ўртасида камбағаллик чегараларининг кунлик истеъмоли: 1,90 АҚШ доллари – камбағалликнинг куйи чегараси; 1,90 АҚШ долларидадан – 3,20 АҚШ долларигача – камбағалликнинг ўрта чегараси; 3,20 АҚШ долларидадан – 5,50 АҚШ долларигача юқори даромадли мамлакатлар учун камбағалликнинг мезоний чегараси сифатида гуруҳлайди. Тадқиқотлар Ўзбекистонда сўнгги йилларда иқтисодий фаол аҳолининг учдан бир қисмидан кўпроғи 3,2 – 5,5 АҚШ доллари атрофида даромадга эга бўлганлигини кўрсатди.

### 2-жадвал

**Халқаро меҳнат ташкилотининг иқтисодий фаол аҳоли гуруҳлари бўйича бандликнинг тахминий баҳолари (ёш гуруҳлари бўйича, фоиз ҳисобида) [10]**

	Йиллар	Ёш	Жами камбағаллар (фоизда)	Жумладан (жамига нисбатан фоизда)				
				1,90 долл.дан кам	1,90 долл.-3.20 долл.	3.20 долл.	3.20 долл.-5.5 долл.	5.5 долл.
Жаҳон	2010	15-	100	14,0	17,2	68,8		
		15-24	100	19,6	21,0	59,4		
		25+	100	12,9	16,5	70,6		
	2015	15-	100	7,8	13,9	78,3		
		15-24	100	13,1	18,1	68,8		
		25+	100	7,0	13,2	79,8		
2022	15-	100	6,4	11,0	82,6			
Ўзбекистон	2010	15-	100	24,6	37,0		25,3	13,1
		15-24	100	24,1	42,8		25,3	7,8
		25+	100	24,7	35,4		25,3	14,6
	2015	15-	100	11,7	31,1		34,6	22,6
		15-24	100	12,2	39,1		34,8	13,9
		25+	100	11,6	29,3		34,5	24,6
	2022	15-	100	6,6	22,4	71,1	38,3	32,8

Аҳоли камбағаллигини аниқлашнинг Жаҳон озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг ёндашуви бўйича 2022 йилда республикада камбағаллик даражаси 14,1 фоизни ташкил этган. Халқаро меҳнат ташкилоти услубияти бўйича 2022 йилда мамлакатдаги ишловчилар даромад жиҳатдан камбағаллик даражасига кўра, кунлик даромади 1,9 долларни ташкил этувчилар аҳолининг 7 фоизи, 1,9-3,2 долларни ташкил этувчилар 22 фоиз, кунлик даромади 3,2-5,5 долларни ташкил этувчилар 38 фоизни ташкил қилади.

15- 15 ёшгача бўлган аҳоли қатлами

15-24 ёш аҳоли қатлами

25+ - 25 ёшдан юқори аҳоли қатлами

2-жадвалдан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси ва жаҳонда 2010-2022 йиллар давомида иқтисодий фаол аҳолининг ёш қатлами ўртасида қашшоқликдан камбағаллик томон кучли силжишни кўришимиз мумкин. Хусусан:

жаҳонда кунлик даромади 1,9 доллардан паст бўлган аҳоли қатлами барча ёш бўйича ўртача 7,6 фоизга камайиб, даромади 3,2 долларни ташкил қилувчи аҳоли қатлами ўртача 13,8 фоизга ортган;

Ўзбекистонда кунлик даромади 1,9 доллардан паст бўлган аҳоли қатлами барча ёш бўйича ўртача 18 фоизга камайиб, даромади 3,2 ва 5,5 долларни ташкил қилувчи аҳоли қатлами ўртача 13 ва 19.7 фоизларга мос равишда ортган.

XXI аср бошларида жаҳон амалиётида камбағалликни аниқлаш амалиёти инсоннинг физиологик эҳтиёжлари, яъни кунлик овқатланиш меъёрига кўра аниқланмоқда.

Фикримизча, халқаро андозаларга мувофиқ мамлакатда камбағаллик даражасини аниқлашда даромад ва истеъмолга асосланган услубларни умумлаштирган ҳолда камбағалликни комплекс баҳолаш амалиётини жорий этиш лозим.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. World bank. <https://www.worldbank.org/en/topic/measuringpoverty>
2. United nations. <https://www.un.org/en/observances/day-for-eradicating-poverty>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 // <https://president.uz/uz/lists/view/3324>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони
5. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қарори: “Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ёшига, жинсига ва касбий фаолияти гуруҳлари учун соғлом овқатланишни таъминлашга қаратилган ўртача кунлик рационал овқатланиш нормативлари” 2020 йил 17 декабрь. <https://lex.uz/docs/5182749>
6. ЖССТнинг “Аҳолининг ёш ва жинс гуруҳлари учун минимал истеъмол саватини ҳисоблаш учун ўртача кунлик озиқ-овқат истеъмол бўйича тавсияси” асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган.
7. R.Andres Castaneda Aguilar, Tony Fujs, Christoph Lakner, Minh Cong Nguyen, Espen Beer Prydz. September 2019 global poverty update from the World Bank // <https://blogs.worldbank.org/opendata/september-2019-global-poverty-update-world-bank>
8. World bank. <https://www.worldbank.org/en/topic/measuringpoverty>
9. Todd Moss, Gailyn Portelance. The World Bank Now Has Three Poverty Lines. Why Not Three for Energy? // <https://www.cgdev.org/blog/world-bank-now-has-three-poverty-lines-why-not-three-energy>
10. International Labour Organization. Statistics on the working poor // <https://ilostat.ilo.org/topics/working-poor/>

ШАХСНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМА ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ  
БЕЗОПАСНОСТИ ЛИЧНОСТИ

IMPROVING THE MECHANISM OF ENSURING PERSONAL ECONOMIC SECURITY

Абулкасимов Мурод Хасанович,  
Иқтисодиёт бўйича фалсафа доктори (PhD),  
Божхона институти катта ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада шахснинг иқтисодий хавфсизлиги тушунчасининг моҳияти очиб берилган, ички ва ташқи таҳдидлар таснифланган, камбағаллик муаммоси ўрганилган, шахс иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг давлат механизми таҳлил қилиниб, уни такомиллаштириш ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотларининг шахс иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдаги ролларини кучайтириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** хавфсизлик, иқтисодий хавфсизлик, шахс иқтисодий хавфсизлиги, ички ва ташқи таҳдидлар, давлат, давлат механизми, нодавлат ташкилотлар.

В статье раскрыта сущность понятий экономической безопасности личности, классифицированы внутренние и внешние угрозы, изучены проблемы бедности, на основе анализа государственного механизма обеспечения экономической безопасности личности, даны научные предложения и практические рекомендации по ее совершенствованию, а также по усилению роли государственных и негосударственных организации в обеспечении экономической безопасности личности.

**Ключевые слова:** безопасность, экономическая безопасность, экономическая безопасность личности, внутренние и внешние угрозы, государство, государственный механизм, негосударственные организации.

The article reveals the essence of the concept of personal economic security, classifies internal and external threats, examines the problem of poverty, analyses the state mechanism of ensuring personal economic security, and gives scientific proposals and practical recommendations to improve this mechanism and strengthen the roles of state and non-governmental organizations in ensuring personal economic security.

**Keywords:** security, economic security, personal economic security, internal and external threats, state, the state mechanism, non-governmental organisations.

Ҳозирги геосийёсий вазият ёмонлашган шароитда аксарият мамлакатларда аҳоли турмуш фаровонлигининг пасайиши ва натижада шахс иқтисодий хавфсизлигига таҳдидларнинг кучайишига олиб келмоқда. Шу боисдан дунёда шахснинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиётни барқарор ва мутаносиб ривожлантириш асосида ишсизликни кескин пасайтириш, аҳолининг иш билан бандлиги, турмуш даражаси ва сифатини ошириш, иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаш, камбағаллик ва қашшоқликни камайитириш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини такомиллаштириб бориш каби масалаларга доир илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон-30” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158 сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон-30” стратегиясида камбағаллик даражасини қисқартириш бўйича “2026 йилга қадар

камбағалликни 2022 йилга нисбатан 2 баробарга, 2030 йилга қадар эса кескин қисқартириш, камбағалликка тушиш хавфи мавжуд 4,5 миллион аҳоли даромадини ошириш, ижтимоий шериклик асосида 500 минг малакали мутахассис тайёрлаш [1] » каби вазифалар белгиланган. Бу борада аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш, ишсизликни камайтириш, шахснинг иқтисодий хавфсизлигига турли таҳдидларни чуқур ўрганган ҳолда уларни бартараф этиш механизмини такомиллаштириш ва инсон капиталининг сифат кўрсаткичларини ошириш каби йўналишларда тадқиқотларнинг долзарблиги ортиб бормоқда.

Иқтисодий хавфсизлик ва унинг таркибий қисмларидан бири бўлган шахс иқтисодий хавфсизлигининг умумназарий жиҳатлари хориж олимлари Ж.Фонтанел, Б.Корвазир-Драут, В.Дорн, Т.Оувен, М.Руперт, Ж.Симанавичиене ва А.Станкевичюслар томонларидан ўрганилган. Шахснинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш М.А.Алабичева, М.А.Котельниковалар, таҳдидларни гуруҳлаш ҳамда муаммони ўрганиш методологияларини яратиш масалалари А.А.Прохожев, О.А.Степичева, В.В.Чернова ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Ўзбекистонда шахс иқтисодий хавфсизлигига таҳдид ва унинг кўринишлари бўлган ишсизлик, кам таъминланлик, камбағаллик, аҳолининг иш билан бандлигини ва инсон тараққиётини таъминлаш, кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, камбағалликни қисқартириш каби масалалар Х.П. Абулкасимов, А.В.Вахабов, Қ.Х.Абдурахмонов, Ш.Г.Акрамова, О.А.Аманов, А.Ш.Бекмуродов, С.С.Ғуломов, Н.Қ.Зокирова, Э.М.Мухитдинов, Б.Х.Умурзақов, Ш.Р.Холмўминов, Б.Б.Бахтиёров ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Инсон хавфсизлигининг муҳим таркибий қисмларидан бири унинг иқтисодий хавфсизлиги бўлиб, иқтисодий адабиётларда шахс иқтисодий хавфсизлиги ҳам деб аталади. Шахс иқтисодий хавфсизлиги тушунчаси ва унинг мазмун-моҳиятини очиб беришга қаратилган жуда кўп илмий ишлар олиб борилганлиги, хорижий ва маҳаллий олимлар мазкур категорияни ёритиш бўйича ягона фикрга келишмаганлигини кўрсатди. Уларнинг аксарияти муаммога бир томонлама ёндашган ҳолда тадқиқот олиб борган. Шу сабабли, биз ушбу тушунчага қуйидагича таъриф бердик: “Шахснинг иқтисодий хавфсизлиги – эркин меҳнат қилиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, мулкдор бўлиш, бирламчи зарур товар(хизмат)лар, сифатли таълим ва соғлиқни сақлаш тизими билан таъминланганлиги, давлат томонидан кучли ижтимоий ҳимоя этилганлигидир”.

Шахс иқтисодий хавфсизлигига таҳдидларни унинг ўзига боғлиқ бўлган ички ҳамда ташқи ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва табиий омиллар таъсиридаги ички ва ташқи таҳдидлар гуруҳига ажратилган (1-жадвал).

**1-жадвал.**

**Шахс иқтисодий хавфсизлигига ички ва ташқи таҳдидлар [2]**

<b>Ташқи таҳдидлар</b>	<b>Ички таҳдидлар</b>
Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларининг жамият эҳтиёжлари ўсишига нисбатан орқада қолиши, мамлакатда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ёмонлашуви	Шахснинг ўз олдига нотўғри мақсадларни қўйиши
	Билим ва касб-малака даражасининг пастлиги ёки йўқлиги
Бозор конъюнктурасидаги тебранишлар, циклик ўзгаришлар, иқтисодий инқирозлар, жаҳон иқтисодиётидаги инқирозли вазиятлар	Меҳнат салоҳиятининг пастлиги, ишчи кучи рақобатбардошлигининг пастлиги ёки йўқлиги
Аҳолининг иш билан бандлик даражасининг пастлиги, ишсизлик ва инфляциянинг бошқариб бўлмайдиган даражаларда ўсиши	Кам ҳақ тўланадиган ишларда ишлаши
	Ишсиз бўлиб қолиши

Ижтимоий соҳалар, шу жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари ривожланишининг паст даражадалиги	Рақобат курашида синиши, бозори касод бўлиши Боқувчисидан айрилиб қолиши
Табиий муҳитнинг ёмонлашуви, табиий офатлар, фавқулодда вазиятлар	Даромади кам бўла туриб болалари ва боқимандаларининг кўп бўлиши
Табиий ёки инсон, капитал ресурсларининг етарли эмаслиги	Қариганлиги ва касалликлари ҳамда жароҳатлар сабабли меҳнат қобилиятини вақтинчалик ёки бутунлай йўқотганлиги
Мамлакатда криминаллашув, уюшган жиноятчилик ва коррупциянинг кучайиши	Инсоннинг қатъиятсизлик, сабрсизлик, чидамсизлик, дангасалик, пассивлик каби салбий шахсий хусусиятлари
Мамлакат ташқи қарзларининг ҳаддан ташқари ортиб кетиши	Инсоннинг ёмон ҳулқ ва одатлар (ахлоқсизлик, ичкиликбозлик, қиморбозлик ва носоғлом ҳаёт тарзи)га мойиллиги
Турли давлатлар ўртасида низо, зиддият, қарама-қаршиликларнинг кучайиши	Инсоннинг ёмон ҳулқ ва одатлар (ахлоқсизлик, ичкиликбозлик, қиморбозлик ва носоғлом ҳаёт тарзи)га мойиллиги

Мамлакатда камбағаллик муаммосини доимий ўрганиб бориш ва уни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш шахс иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, аҳолининг камбағал қатламини иш билан таъминлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш таълим тизими самарадорлигини ошириш билан бевосита боғлиқ. Бугунги глобал меҳнат бозори шароитида ўз касбининг устаси юқори ҳақ тўланадиган иш топишда ҳеч қандай қийинчиликларга дуч келмайди.

Натижада, инсон ўзи ва оила аъзоларининг турли неъматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун етарлича маблағ ва имкониятга эга бўлади ҳамда шахс иқтисодий хавфсизлигига ишсизлик ва етарлича даромадга эга бўлмаслик каби таҳдидлардан ҳимояланади. Аммо реал пайтда аҳоли даромадларига турли хил даражада таъсир қилувчи омиллар ҳам бўлиб, уларни илмий тадқиқ этиш объектив зарурият ҳисобланади.

Макроиқтисодий жиҳатдан аҳоли даромадлари муҳим кўрсаткич ҳисобланиб, аҳоли турмуш даражасини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Ушбу таҳлилда аҳоли даромадларига таъсир қилувчи омилларни эмпирик ўрганишда авторегрессия тақсимланган Lag моделидан (кейинги ўринларда ARDL) фойдаланилди (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Эконометрик моделга киритилган ўзгарувчиларнинг тасвирий статистикаси  
(2000-2020 йиллар бўйича)**

Ўзгарувчилар	Ўртача	Стандарт четланиш	Минимум	Максимум	Эконометрик моделдаги кискартмаси
Аҳоли жон бошига тўғри келувчи реал даромадлар ўсиш суръати, % да	114,07	7,21	100,7	124,7	Y
Асосий капиталга киритилган инвестициялар ўсиш суръати, % да	111,98	12,06	91,8	138,1	X <sub>1</sub>
Ишсизлик даражаси, % да	4,17	3,19	0,2	10,5	X <sub>2</sub>
Истеъмол нархлари индекси, % да	110,55	7,08	103,65	128,2	X <sub>3</sub>

2-жадвалда эконометрик моделга киритилган ўзгарувчиларни тасвирий статистикаси ҳамда ўзгарувчиларнинг қисқартмалари берилган. Жадвалда берилган аҳоли жон бошига тўғри келувчи реал даромадлар боғлиқ ўзгарувчи ҳисобланади. Унга таъсир қилувчи мустақил ўзгарувчилар эса қуйидагилар:  $X_1$  – асосий капиталга киртилган инвестициялар ўсиш суърати,  $X_2$  – республикада ишсизлик даражаси ҳамда  $X_3$  – истеъмол нархлари индекси. Ушбу таҳлил давомида аҳоли даромадларига таъсир қилувчи омиллар ҳам синаб кўрилди, аммо мустақил ўзгарувчилар орасидаги мултиколлинеарлик ва боғлиқ ўзгарувчи ҳамда мустақил ўзгарувчилар ўртасидаги эндогенлик туфайли айнан шу мустақил ўзгарувчилар танлаб олинди.

**3-жадвал**

**ARDL модели регрессия тенгламаси натижалари**

Дисперция манбаси	Квадратлар йиғиндиси	F-статистика эркинлик даражаси	Квадратлар ўртачаси	Кузатувлар сони	20	
Модел	794.409	4	198.602	F – статистика (4,15)	23.41	
Қолдик	127.279	15	8.485	F – статистика р - қиймати	0.000	
Умумий	921.688	19	48.509	Детерминация коэффиценти	82.5	
	Регрессия коэффицентлари	Стандарт хатолик	t – статистика	t – статистиканинг р - қийматлари	95 % Ишонч интервали	
$Y_{t-1}$	0.812	0.114	7.12	0.000	0.568	1.055
$X_1$	0.124	0.060	2.06	0.057	-0.004	0.253
$X_2$	-0.521	0.256	-2.03	0.060	-1.06	0.025
$X_3$	-0.308	0.113	-2.72	0.016	-0.549	-0.067
Константа	42.45	17.211	2.47	0.026	5.765	79.137

3-жадвалдаги регрессия тенгламаси натижаларини қуйидагича изоҳлаш мумкин. F – статистиканинг р – қиймати 0,01 дан кичик, демак регрессия тенгламасига киритилган мустақил ўзгарувчиларнинг камида биттаси боғлиқ ўзгарувчига таъсир қилади.  $R^2$ , яъни детерминация коэффиценти 86 %га тенг. Демак мустақил ўзгарувчилар боғлиқ ўзгарувчидаги ўзгаришни 86 %ини тушунтириб беради.

Студентнинг t – статистикаси р – қийматлари натижаларига кўра  $X_1$  ва  $X_2$  мустақил ўзгарувчиларнинг боғлиқ ўзгарувчига таъсири 10 %лик муҳимлик даражасида статистик жиҳатдан аҳамиятли.  $X_3$  мустақил ўзгарувчининг боғлиқ ўзгарувчига таъсири эса 5 %лик муҳимлик даражасида статистик жиҳатдан аҳамиятли. ARDL моделини қуйидагича келтиришимиз мумкин:

$$y_t = 42.451 + 0.812y_{t-1} + 0.124X_{1t} - 0.521X_{2t} - 0.308X_{3t}$$

Регрессия тенгламасини қуйидагича интерпретация қиламиз: бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда, жорий даврда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 1 %га ошиши аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромадларни 0,12 %га оширади. Жорий даврда ишсизлик даражасининг 1 %га ошиши аҳоли жон бошига тўғри келувчи реал даромадларнинг 0,52 %га камайишига олиб келади. Бошқа ўзгарувчилар ўзгармаган шароитда инфляция даражасининг 1 %га ошиши аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромадларнинг ўртача 0,31 %га камайишига олиб келар экан. Таҳлил натижаларига кўра, мамлакатда аҳоли даромадларини оширишда ишсизлик ва инфляция кўрсаткичларини пасайтириш муҳимлиги аниқланди.



Шахснинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизми давлат ҳокимияти органлари, нодавлат ташкилотлари ва институтлар, оила, маҳалла, ҳудуд, корхона ҳамда улар фаолиятининг мақсади, вазифалари, тамойиллари, усулларини белгилаб берувчи ҳуқуқий муҳит ўртасидаги ўзаро алоқадорликни ифодалайди [3]. Давлат самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсатини юритиш, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа тармоқларни ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширилади(1-расм).



**1-расм. Давлат шахснинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг механизми**

Демак, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши, ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши, экспорт қилинаётган товарлар миқдори ва номенклатурасининг кенгайиши, барча тармоқларнинг мутаносиб ривожланиши шахснинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бунда, инвестицияларни жалб этиш, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини ошириш ҳамда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш устувор йўналишлар ҳисобланади. Иқтисодий ўсиш натижасида Давлат бюджети даромадлари кўпаяди ва ижтимоий соҳага йўналтирилади маблағлар миқдори ошиб боради. Бизнинг фикримизча, соғлиқни сақлаш ҳамда таълим тизими ижтимоий соҳанинг устувор йўналишларига айланиши лозим.

Бизнинг фикримизча, шахс иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда муҳим йўналишлардан бири бу ижтимоий соҳани молиялаштиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини ошириш ҳисобланади. Жумладан, ишга муҳтож инсонларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассислик ва касбларга ўқитишда бепул ўқув курсларини ташкил этиш орқали амалий ёрдам кўрсатиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади (2-расм).



**2-расм. Шахснинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда нодавлат ташкилотларнинг ролини ошириш йўналишлари**

Шахс иқтисодий хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш ва уларнинг таъсирини камайтириш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириши мақсадга мувофиқ бўлади:

- иқтисодиётни ривожлантириш ва эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларни изчиллик билан давом эттириш, кишиларнинг тадбиркорлик фаолияти ҳамда истеъмолчилар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш;

- фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий эркинликлари ва ҳуқуқларини таъминлашнинг самарали механизмларини вужудга келтириш;

- ижтимоий низоларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ишсизлик даражаси ўсишининг олдини олиш, янги иш ўринлари яратиш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлиги ва даромадларини ошириш бўйича чора-тадбирларини амалга ошириш;

- камбағаллик ва қашшоқлик муаммосини келтириб чиқариши мумкин бўлган таҳдидларни баҳолаш ҳамда уларнинг олдини олиш, зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш асосида мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, кам таъминланган аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш механизминини такомиллаштириш;

- уюшган жиноятчилик, коррупция, наркомания ва бошқа ижтимоий иллатларга қарши курашишни кучайтириш;

- инсонда фаоллик, бағрикенглик (толерантлик), қатъиятлилик, чидамлилик, иродалилик, шукроналик каби қобилият ва сифатларини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон-30” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158 сонли Фармони <https://lex.uz/ru/docs/6600413>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 Фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>
3. Абулкасимов М.Ҳ. Шахс иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар ва уларнинг олдини олиш йўллари. -Т. Иқтисод ва молия. // Экономика и финансы. 2017, №12. 19-25 б.
4. Абулкасимов Ҳ.П., Абулкасимов М.Ҳ. Иқтисодий хавфсизлик: назария ва амалиёт. – Т.: Ноширлик ёғдуси, 2019.-620 бет.

5. Алабичева М.А. Экономическая безопасность личности в условиях экономической стратификации российского общества// Ж. Социально-экономические явления и процессы. М., 2014 №4. -с.125.
6. Гуреева М.А. Экономическая безопасность личности в современной России // Международный научный журнал “Символ науки”, №4 2016 год. -с. 58.
7. Ijtimoiy siosat. O‘quv qo‘llanma. I.f.d., prof. A.V.Vaxabovning umumiy tahriri ostida, – Toshkent: “MUMTOS SO‘Z”, 2019. -131 bet;

**УДК 33.338**

**О ЗАКОНОМЕРНОСТИ СООТВЕТСТВИЯ НЕМАТЕРИАЛЬНОГО ПРОИЗВОДСТВА  
УРОВНЮ И ХАРАКТЕРУ РАЗВИТИЯ МАТЕРИАЛЬНОГО ПРОИЗВОДСТВА**

**ON THE REGULARITY OF COMPLIANCE OF INTANGIBLE PRODUCTION WITH  
THE LEVEL AND NATURE OF DEVELOPMENT OF MATERIAL PRODUCTION**

**NOMODDIY ISHLAB CHIQRISHNING MODDIY ISHLAB CHIQRISH DARAJASI VA  
XARAKTERIGA MOS KELISHI QONUNIYATI HAQIDA**

**Ахунов Мухаммадамин**  
**Доцент кафедры “Экономика”**  
**Андижонского машиностроительного**  
**института, кандидат экономических наук**

**Аннотация**

В статье рассматриваются вопросы, связанные с развитием отраслей народного хозяйства, деление их на материальное и нематериальное производства. Автор предлагает свои мнения по поводу взаимосвязи и взаимозависимости материального и нематериального производства в общественном воспроизводстве, свои взгляды на экономические категории непроектируемая сфера, материальное производство, нематериальное производство, сфера услуг, сфера обслуживания, духовное производство, потребностями населения.

**Ключевые слова:** народное хозяйство, непроектируемая сфера, материальное производство, нематериальное производство, сфера услуг, сфера обслуживания, закономерности соответствия, духовное производство.

The article discusses issues related to the development of sectors of the national economy, dividing them into material and intangible production. The author offers his opinions on the interconnection and interdependence of material and intangible production in social reproduction, his views on the economic categories of the non-production sphere, material production, intangible production, the service sector, the service sector, spiritual production, and the needs of the population.

**Key words:** national economy, non-production sphere, material production, non-material production, service sector, patterns of correspondence, spiritual production.

Maqolada xalq xo‘jaligi tarmoqlarini rivojlantirish, ularni moddiy va nomoddiy ishlab chiqarishga bo‘lish masalalari ko‘rib chiqiladi. Muallif ijtimoiy takror ishlab chiqarishda moddiy va nomoddiy ishlab chiqarishning o‘zaro bog‘liqligi va o‘zaro bog‘liqligi haqidagi fikrlarini, noishlab chiqarish sohasining iqtisodiy kategoriyalari, moddiy ishlab chiqarish, nomoddiy ishlab chiqarish, xizmat ko‘rsatish sohasi, ma’naviy ishlab chiqarish va boshqa sohalar haqidagi qarashlarini taqdim etadi. aholi ehtiyojlari.

**Kalit so‘zlar:** xalq xo‘jaligi, noishlab chiqarish sohasi, moddiy ishlab chiqarish, nomoddiy ishlab chiqarish, xizmat ko‘rsatish sohasi, mos kelish qonuniyati, ma’naviy ishlab chiqarish.

Высокоразвитый народнохозяйственный комплекс развивающегося рыночной экономики предполагает совершенствование управления всех его отраслей, участвующих в реализации цели отечественного общественного производства. Для оптимального распределения экономических ресурсов между сферами и отраслями народного хозяйства необходимо выявить сущность и функциональное назначение каждой отрасли в общественном разделении труда, дать их классификацию по участию в создании совокупного общественного продукта и национального дохода, определить место каждой отрасли экономики в удовлетворении общественных потребностей.

В экономической науке принято разделение отраслей народного хозяйства на отрасли материального производства и отрасли сферы услуг. Многие экономисты, не отрицая определяющую роль материального производства в общественном развитии, обращают внимание на возросшее влияние сферы услуг в повышении благосостояния населения и всестороннем развитии каждого члена современного общества. Об этом свидетельствуют вышедшие в последнее время монографии, статьи, посвященные экономическим проблемам сферы услуг. Быстрый темп роста отраслей сферы услуг в конце пятидесятых и в начале шестидесятых годов прошлого века привлек внимание экономистов к более глубокому рассмотрению сущности и места этой сферы народного хозяйства в общественном производстве. Наряду с понятием «непроизводственная сфера» все чаще употребляются термины «сфера услуг», «сфера обслуживания населения», «нематериальное производство». На наш взгляд, эти понятия неоднозначны, подмена одного из них другим приводит к искажению и в теоретическом плане, и в хозяйственной деятельности. Классики экономической науки не употребляли термин «непроизводственная сфера», также у них не встречаются «сфера обслуживания населения» и «сфера услуг», они различали два вида производства: материальное и нематериальное.

Непроизводственная сфера, как понятие, впервые использовалась в работах советских экономистов-статистиков еще на заре социалистического планирования. Она была выделена как сфера экономики, где не создаются совокупный общественный продукт и национальный доход. Такое определение и понимание непроизводственной сферы разделял Госпланом и ЦСУ страны и в настоящее время при определении совокупного общественного продукта и национального дохода. Термины «сфера услуг», «сфера обслуживания населения», распространившиеся в теории и хозяйственной деятельности, вполне имеют право на существование. Классики экономической науки употребляли термины «нематериальное производство» и «духовное производство» как синонимы.

Сфера обслуживания населения включает в себя все отрасли народного хозяйства, связанные с обслуживанием личного потребления материальных и духовных благ: транспорт и связь по обслуживанию населения, жилищно-коммунальное хозяйство и бытовое обслуживание, торговля и общественное питание, физическая культура и социальное обеспечение, просвещение, здравоохранение, культура и искусство. Отрасли сферы обслуживания населения являются предметом исследования для исчисления фонда личного потребления. Сфера услуг, как понятие, шире, чем сфера обслуживания населения. Она, кроме всех отраслей сферы обслуживания, охватывает и обслуживание производственного характера, как-то: материально-техническое снабжение и сбыт, заготовки, транспорт и связь производственного обслуживания. Когда исчисляется общий объем потребления услуг населением, то объектом исследования должна быть сфера обслуживания населения, если же исчисляется обслуживание производства и населения, то объектом исследования должна быть сфера услуг. Следовательно, термины «сфера услуг» и «сфера обслуживания населения» отличны друг от друга, их не следует употреблять в качестве синонимов.

Понятие «нематериальное производство» уже, чем понятия «сфера услуг» и «сфера обслуживания населения». Нематериальное производство, как экономическая категория, рассматривалось в работах классиков экономики. Оно существует как сфера приложения

человеческой деятельности с момента появления разделения материального и духовного труда и его отрасли являются основными, базовыми отраслями сферы услуг.

Нематериальное производство в совокупности с другими видами непроектируемой деятельности людей образуют непроектируемую сферу, и для раскрытия сущности последней необходимо проанализировать нематериальное производство.

Исследуя нематериальное производство можно разделить двух случаях в нем: в первом результатом труда могут быть такие потребительные стоимости, которые обладают самостоятельной формой, обособленной как по отношению к производителю, так и по отношению к потребителю, которые, следовательно, способны сохранять свое существование в промежутке времени между производством и потреблением : в другом случае производимый продукт неотделим от того акта, в котором он производится, как это имеет место у всех художников-исполнителей, ораторов, актеров, учителей, врачей, и т.д. Что же является производимым продуктом в нематериальном производстве, неотделимым от акта производства. можно определить его как услугу, означающая вообще не что иное, как ту особую потребительную стоимость, которую доставляет этот труд. Труд оказывает услуги не в качестве вещи, а в качестве деятельности. К нематериальному производству можно отнести труд учителя и врача, деятельность работников искусств и науки и т.д. В развитом обществе эти виды деятельности людей, будучи результатом общественного разделения труда, образуют обособленные отрасли экономики, как например, просвещение, здравоохранение, культура и искусство, наука и т.д. Если в материальном производстве продукты труда предназначены для удовлетворения, в основном, естественных потребностей людей, а также для использования их как средств производства, то в нематериальном производстве труд направлен на самого человека, связан с воспроизводством и сохранением его рабочей силы. Нематериальное производство, в основном, служит для удовлетворения социальных и интеллектуальных потребностей. Развитие и совершенствование отраслей нематериального производства непосредственно связано с материальным производством. Каждому способу производства, существующему материальному производству соответствуют определенный уровень и характер нематериального производства. Если само материальное производство не брать в его специфической исторической форме, то невозможно понять характерные особенности соответствующего ему духовного производства и взаимодействия обоих.

Материальное и нематериальное производство развиваются в единстве и взаимозависимости в рамках одного способа производства. Материальное производство создает материальные условия для развития нематериального производства, которое, в свою очередь, обеспечивает воспроизводство рабочей силы, подготовку и активизацию человеческого фактора, соответствующего уровню развития производства. Уровень и характер нематериального производства изменяются взаимобусловленно материальному производству. Объективно действующая взаимозависимость и постоянно устойчивая связь между этими сферами производства выступают как общая закономерность соответствия развития нематериального производства характеру и уровню развития материального производства. В этом взаимодействии и внутренней связи определяющую роль играет материальное производство.

Из определенной формы материального производства вытекает, во-первых, определенная структура общества, во-вторых, определенное отношение людей к природе.. Их государственный строй и их духовный уклад определяются как тем, так и другим. Следовательно, этим же определяется и характер их духовного производства - взаимосвязь и взаимобусловленность материального и нематериального производства не отрицает противоречия между этими видами производства, которое возникает в связи с ростом или отставанием уровня развития нематериального производства от уровня развития материального производства. Противоречие между этими видами производства проявляется как общая закономерность соответствия развития нематериального производства уровню и характеру развития материального производства, выражающая внутреннюю и необходимую связь между двумя явлениями, которые по своей внешней видимости противоречат одно

другому. В условиях научно-технической революции эта закономерность действует более гибко, всякое несоответствие между двумя видами производства более сильно воздействует на развитие производительных сил общества. Во взаимозависимости и взаимообусловленности материального и нематериального производства определяющая роль первого из них проявляется в том, что оно опосредствует развитие отраслей нематериального производства:

С повышением производительности труда в материальном производстве освобождается часть рабочей силы, занятой в нем, которую можно перераспределить в пользу нематериального производства:

1. Возросший экономический потенциал материального производства дает обществу возможность использовать определенную часть материальных и финансовых ресурсов для развития отраслей нематериального производства;

2. Материальное производство создает средства и условия труда, необходимые для развития отраслей нематериального производства - здания, инструменты и препараты для медицины, искусства и культуры, средства обучения и т.д.

В условиях научно-технической революции прогресс в материальном производстве в значительной мере обусловлен развитием и совершенствованием отраслей нематериального производства:

1. Связь нематериального производства с материальным выражается в применении достижений науки в производстве. Развитие и совершенствование науки все более превращают ее в производительную силу общества.

2. Развитие нематериального производства предполагает расширение сферы материального производства, появление в его составе новых отраслей и подотраслей, создающих средства и условия труда для нематериального производства.

3. В условиях научно-технического прогресса возрастает потребность общества в специально подготовленных работниках, в связи с чем повышается роль общеобразовательных школ, техникумов и высших учебных заведений в подготовке квалифицированных специалистов.

4. Интенсификация производства и труда предполагает восстановление и поддержание рабочей силы на соответствующем уровне, чему служат здравоохранение, культурно-просветительные учреждения. Высокий уровень производства, его механизация и автоматизация связаны с развитием интеллекта человека, с повышением интеллектуальных потребностей людей и их удовлетворением.

Научно-технический прогресс и повышение эффективности труда в материальном производстве в развитом обществе создают благоприятные условия для расширения и совершенствования области приложения труда в нематериальном производстве. В условиях зрелого общества действие общей закономерности соответствия развития нематериального производства уровню и характеру развития материального производства приобретают специфический характер. Высокий уровень производительных сил и соответствующие ему производственные отношения развивающегося общества открыли более широкие возможности для всестороннего совершенствования каждой отрасли нематериального производства. Эти отрасли получают более широкий простор для выполнения своих истинных назначений: просвещение участвует в воспроизводстве квалифицированной рабочей силы, здравоохранение поддерживает и сохраняет здоровье населения, духовные блага культуры и искусства становятся достоянием каждого члена общества, наука служит человеку для расширения власти над природой.

Развивающаяся общество предполагает не только квалифицированного работника, производителя материальных и духовных благ, но и требует, чтобы этот производитель был человеком просвещенным, идейно-политически грамотным. В этой сфере общественной жизни роль нематериального производства повышается, оно все более активно воздействует на формирование и совершенствование сознания молодого поколения.

Сознательное использование закономерности соответствия развития нематериального производства уровню и характеру развития материального производства обуславливает количественное и качественное распределение материальных и трудовых ресурсов между двумя видами производства. Такое соответствие определяется уровнем производительности труда в материальном производстве. Отставание отраслей нематериального производства влияет на личный фактор производства, который отражается и в повышении производительности труда в общественном производстве.

Таким образом, форсированное развитие непроизводственной сферы, с одной стороны, обуславливается стратегическим курсом государства на ускорение социально-экономического развития страны, а с другой диктуется практическими задачами совершенствования общества и возраставшими потребностями населения на современном этапе. В связи с этим все больше возрастает теоретическое и практическое значение исследования экономических аспектов развития непроизводственной сферы и закономерностей ее функционирования.

## Список использованной литературы

1. Медведев В.А. Общественное воспроизводство и сфера услуг. М., 1968;
2. Скаржинский М.И. Труд в непроизводственной сфере. М., 1968;
3. Правдин Д.И. Развитие непроизводственной сферы. М., 1976;
4. Солодков М.В. Непроизводственная сфера. М., 1978;
5. Иванов Г.П. Непроизводственная сфера и общественное воспроизводство. М., 1978;
6. Козак В.Е. Новиков В.Н. И др. Роль непроизводственной сферы в расширенном воспроизводстве. Киев, 1988 и др.

УДК: 33:004(575.1)

## “O‘ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODIYOT ASOSIY KO‘RSATKICHLARINING STATISTIK TAHLILI VA EKONOMETRIK MODELLASHTIRISH”

### СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ЭКОНОМЕТРИЧЕСКОГО МОДЕЛИРОВАНИЯ КЛЮЧЕВЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА

### STATISTICAL ANALYSIS AND ECONOMETRIC MODELING OF KEY INDICATORS OF THE DIGITAL ECONOMY OF UZBEKISTAN

Djabbarov Raximjon Abdullayevich  
O‘zbekiston Milliy universiteti  
Ekonometrika va iqtisodiy modellashtirish  
kafedrası tayanch doktoranti

#### Аннотация

Мамлакатнинг рақамли иқтисодийотини барқарор ривожлантириш ко‘рсаткичларини статистик таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда рақамли иқтисодийотни ривожланishi дунёнинг ҳар бир секторида аҳолининг турмуш даражасини оширишга олиб келмоқда. Шу сабабли О‘збекистонда рақамли технологиялар ривожланishining статистик таҳлил jadvallari va diagrammalari shaklida ko‘rib chiqilmoqda [1]. Bundan tashqari, sun‘iy intellektdan foydalanishning asosiy yo‘nalishlari va tamoyillarini hamda ushbu sektorni yaqin va uzoq muddatda kompleks shakllantirish shartlarini o‘rganish, statistik taħlil qilish uchun raqamli iqtisodiyotning rivojlanishini ko‘rsatdi.

**Kalit so‘zlar:** Raqamli iqtisodiyot, o‘shish sur‘atlari, sun‘iy intellekt, statistik tahlil, AKT, elektron tijorat, axborot va kommunikatsiya.

Важен статистический анализ показателей устойчивого развития цифровой экономики страны. Сегодня развитие цифровой экономики ведет к повышению уровня жизни населения в каждом секторе мира. В связи с этим развитие цифровых технологий в Узбекистане рассматривается в виде таблиц и диаграмм статистического анализа. Кроме того, упоминается изучение основных направлений и принципов использования искусственного интеллекта, а также условий комплексного формирования этого сектора в ближайшей и долгосрочной перспективе, применение показателей развития цифровой экономики для статистического анализа.

**Ключевые слова:** Цифровая экономика, темпы роста, искусственный интеллект, статистический анализ, ИКТ, электронная коммерция, информация и связь.

The statistical analysis of the country's indicators of sustainable development of the digital economy is important. Today, the development of the digital economy is leading to a level of improvement in the living standards of the population in every sector of the world. In this regard, the development of digital technologies in Uzbekistan is considered in the form of statistical analysis tables and diagrams. In addition, the study of the main directions and principles of the use of artificial intelligence, as well as the conditions for the complex formation of this sector in the near and long term, the application of indicators of digital economy development for statistical analysis referred to.

**Keywords:** Digital economy, growth rate, artificial intelligence, statistical analysis, ICT, e-commerce, information and communication.

Ta’kidlash joizki, hududlar iqtisodiyotini raqamlashtirishda huquqiy, iqtisodiy, tashkiliy mexanizmlar, texnologik ta’minot va inson kapitalini rivojlantirish va takomillashtirish muhim ahamiyatga ega. Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo‘yicha rivojlangan mamlakatlar tajribasini o‘rganish bilan bir qatorda davlatning mintaqaviy siyosat olib borishi, mintaqaviy iqtisodiyotni raqamlashtirishda bevosita va bilvosita ishtirok etishi zarurligi ham asoslab berilgan. Bu boradagi xorij tajribasiga tayangan holda olib borilgan tadqiqotlar mamlakatimizda undan qanday foydalanishni ko‘rsatib beradi. Shunga ko‘ra, jamiyatda raqamlashtirish loyihalarini ishlab chiqish, muvofiqlashtirish, amalga oshirish va nazorat qilishni hisobga olgan holda hududlar iqtisodiyotini uchta usulga bo‘lish maqsadga muvofiqdir. Bular: davlat boshqaruvi usuli, davlat va nodavlat tashkilotlari o‘rtasidagi hamkorlik usuli va erkin raqobatni boshqarish usuli.

O‘zbekiston hududlarida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish tendensiyalari va AKT sohasidagi mintaqaviy nomutanosibliklarga baho berildi. Bundan tashqari, tadqiqotchi mamlakatimizda hududiy raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo‘yicha mahalliy hokimiyat organlarining faoliyatini baholab, ularning vakolat va majburiyatlarini tahlil qildi [1].

Raqamli iqtisodiyot barqaror iqtisodiy rivojlanishga "kuchaytiruvchi" ta’sir ko‘rsatadi. Tegishli iqtisodiy o‘shish sur‘atlarini saqlab qolish ham yuqori sifatli iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanishning muqarrar talabidir. Xo‘sh, raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi shahar iqtisodiy o‘shishiga hissa qo‘shishi mumkinmi? U qanday mexanizmlar? Bu iqtisodiy o‘shishga qanday ta’sir qiladi? Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi shahar iqtisodiy o‘shishiga heterojen ta’sir ko‘rsatadimi? Iqtisodiyotning fazoviy xususiyatlari va shahar iqtisodiy o‘shishining qonuniyligi? Bu savollarga javoblar raqamli iqtisodiyotga mos keladigan kompleks baholash tizimini yaratishga asoslangan. Raqamli iqtisodiyot bo‘yicha tadqiqotlar hali boshlang‘ich bosqichida va unga aloqador konseptual ta’riflar, statistik tasniflash, hisoblash va kompleks baholash indeksleri tizimi yetarlicha yetuk emas [2]. Shu sababli, raqamli iqtisodiy rivojlanish va shahar iqtisodiy o‘shishi bo‘yicha nisbatan kam nazariy tadqiqotlar va mexanizm sinovlari mavjud. Ushbu maqolada O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotning huquqiy asoslari o‘rganilib, xorijiy davlatlar tajribasi qiyosiy tahlil qilingan. “O‘zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi [1], “Elektron raqamli imzo to‘g‘risida”gi [2], “O‘zbekiston Respublikasining axborot-kommunikatsiya



texnologiyalarini rivojlantirish va raqamlashtirish sohasida” hamda “Elektron hujjat aylanishi to‘g‘risi”gi qonunlari tahlil qilindi [3]. Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish borasida bugungi kunda dunyoning rivojlangan mamlakatlari tajribasi o‘rganilganligi barobarida hududlar iqtisodiyotini raqamlashtirishda davlat tomonidan hududiy siyosat yuritilishi, bevosita va bilvosita ishtirok etishi zarurati asoslantirilgan. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi va uning rivojlanishiga ta’sir etuvchi omillarni o‘rganish bugungi kunning dolzarb muammolaridan biri bo‘lib, ko‘plab tadqiqotchilar o‘z ilmiy izlanishlarida raqamli iqtisodiyotning rivojlanishini o‘rganib chiqdilar. Xususan, E.Brynjolfsson, A. McAfee [4], L. Tomas, Messenburg [5] kabi amerikalik va yevropalik olimlarning asarlarida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning nazariy va uslubiy asoslari o‘rganilib, raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning metodologik konsepsiyalari ishlab chiqilgan.

MDH olimlari raqamli iqtisodiyotning metodologik va konseptual asoslarini ham o‘rganishdi. Xususan, Norets raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish istiqbollari va raqamli iqtisodiyotda innovatsion klasterlarning ahamiyatini tadqiq qildi [6]. Yevtyanova raqamli iqtisodiyotning mamlakat iqtisodiyotidagi ekologik va siyosiy rolini o‘rgandi [7]. Gukasova hududlarning raqamli transformatsiyasida raqamli iqtisodiyotning institutsional asoslarini o‘rgandi [8].

Mahalliy olimlarning ilmiy izlanishlarining to‘liq majmuasi raqamli iqtisodiyot sharoitida O‘zbekiston Respublikasi milliy iqtisodiyotining raqobatbardoshligini oshirish, raqamli iqtisodiyotning nazariy va amaliy jihatlarini takomillashtirish muammolarini hal etishga bag‘ishlangan davlat boshqaruviga raqamli texnologiyalarni joriy etish S.S.G‘ulomov, A.T.Shermuhamedov [9], A.T.Kenjaboev, M.M. Ikromov [10], Sh.Sh. Shoxa’zamiy [11], T.F. Bekmuratov, R.A. Dadaboeva [12], R.X. Ayupov, M.Yu. Jumaniyozova [13], A.A. Musaliev, B.A. Begalov, E.A. Moxova [14] larning ilmiy-tadqiqot ishlarida o‘z aksini topgan.

Yuqorida tilga olingan mahalliy olimlarning tadqiqotlari raqamli iqtisodiyot rivojlanishini o‘rganishga katta hissa qo‘shdi. Biroq ularda iqtisodiyotni raqamlashtirish masalalari, xususan, mahalliy davlat hokimiyati organlari faoliyatiga oid tadqiqotlar yetarli darajada yo‘lga qo‘yilmagani mazkur yo‘nalishda izlanishlarni talab qiladi va tadqiqot mavzusining dolzarbligini belgilaydi.

Ayni paytda davlatimiz rahbari mamlakatimizda raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni rivojlantirishga katta e’tibor qaratmoqda [4]. Rivojlanish maqsadida farmoyish va qarorlar chiqarish orqali davlatimiz taraqqiyot yo‘llari va vositalarini rivojlantirish uchun katta samaralar bermoqda. Bundan tashqari, 2021 yil Prezident tomonidan chiqarilgan sun’iy intellekt tizimlarini har bir sohada qo‘llash to‘g‘risidagi qaror bizga katta yengillik keltiradi. Ilmiy hayotiy tajribalarga asoslanib, zamonaviy iqtisodiy tizimlarda va avtomatlashtirilgan iqtisodiy tizimlarda sun’iy intellektdan foydalanish juda samarali va intellektual [5]. Shu maqsadda rivojlanish ko‘rsatkichlarini statistik tahlil qilishda iqtisodiy sohada salohiyatni qo‘llash masalalarini ko‘rib chiqish rejalashtirilgan. Quyida Prezidentimiz tomonidan qabul qilingan qarorning tegishli qismidan bir misol keltirish o‘rinlidir.

“Raqamli O‘zbekiston – 2030” strategiyasiga muvofiq va mamlakatimizda sun’iy intellekt texnologiyalarini jadal joriy etish va ulardan keng foydalanish, raqamli ma’lumotlardan foydalanish va ularning yuqori sifatini ta’minlash, ushbu sohada malakali kadrlar tayyorlash uchun qulay shart-sharoitlar yaratilmoqda. Sharoit yaratish uchun:

- sun’iy intellektdan foydalanishning asosiy yo‘nalishlari va tamoyillarini, shuningdek, yaqin va uzoq muddatli istiqbolda ushbu sohani kompleks shakllantirish shartlarini belgilovchi sun’iy intellektni rivojlantirish strategiyasini ishlab chiqish;

- sun’iy intellekt texnologiyalaridan foydalanuvchi dasturiy ta’minotni ishlab chiquvchilarga raqamli ma’lumotlardan foydalanish uchun shart-sharoitlar yaratish, shuningdek, davlat organlari va tashkilotlarining tegishli ma’lumotlarini jadal raqamlashtirishni ta’minlash;

- sun’iy intellekt sohasida ilmiy ishlar va ishlanmalarning investitsion jozibadorligini shakllantirish, shu jumladan ichki va tashqi bozorlarda tovarlar (ishlar va xizmatlar) raqobatbardoshligini oshirish;

- mahalliy korxonalar va mutaxassislarning sun’iy intellekt sohasidagi axborot resurslari va bilimlaridan foydalanish imkoniyatini ta’minlash, shuningdek, zarur ta’lim muhitini rivojlantirish;

• qo‘shma xalqaro ilmiy-tadqiqot faoliyatini amalga oshirish, kadrlarni tayyorlash va qayta tayyorlash, mamlakatning nufuzli reyting va indekslardagi o‘rnini yaxshilash uchun sun‘iy intellekt va uni qo‘llash texnologiyalari sohasida xalqaro hamkorlikni rivojlantirish;

Aholi manfaatlari yo‘lida davlat xizmatlari ko‘rsatish sifatini oshirish, shuningdek, ma‘lumotlarni qayta ishlashda davlat organlari faoliyati samaradorligini oshirish uchun sun‘iy intellekt texnologiyalaridan keng foydalanish. O‘zbekiston hududlarida AKTdan foydalanish bo‘yicha statistik ma‘lumotlar tahliliga nazar tashlaydigan bo‘lsak, raqamli iqtisodiyot va avtomatlashtirilgan tizimlarning rivojlanishi natijasida “Elektron hukumat” sezilarli darajada rivojlanganiga guvoh bo‘ldik. Tabiiy monopoliyalarni boshqarish va tartibga solish bo‘yicha mavjud bo‘lgan ilmiy tadqiqotlarni o‘rganish, tarif va narx shakllanishini qiyosiy solishtirish, statistik ma‘lumotlarni o‘rganish, iqtisodiy jihatdan taqqoslash va tahlil qilish, mantiqiy fikrlash, ilmiy abstraksiyalash, ma‘lumotni guruhlash, analiz va sintez, induksiya va deduksiya usullaridan keng foydalanilgan. Yurtboshimizning: «Raqamli iqtisodiyot yalpi ichki mahsulotni kamida 30 foizga o‘stirish, korrupsiyani keskin kamaytirish imkonini beradi. Nufuzli xalqaro tashkilotlar o‘tkazgan tahlillar ham buni tasdiqlamoqda. Shuning uchun iqtisodiyot sohalarida raqamli transformatsiyani amalga oshirish, milliy axborot texnologiyalarini rivojlantirish va bu yo‘nalishda investitsiyalar jalb etish zarur» - degan gaplaridan ko‘rinib turibdiki, bizda va jahonda muhim hisoblanmoqda. Jahon va bizning davlatimiz olimlarining raqamli iqtisodiyotga bergan ta‘riflarini ko‘rib chiqamiz. Hozirgi ayni vaqtda bu ta‘riflar juda muzokarali bo‘lib bormoqda.

Don Tapskott raqamli iqtisodiyot atamasini birinchi marta 1995 yilgi «Raqamli iqtisodiyot: tarmoq intellekti davrida va xavflilik» kitobida ixtiro qilgan.

**Raqamli iqtisodiyot** – bu axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) bilan ta‘minlanadigan jahon iqtisodiy faoliyat, tijorat bitimlari va kasb-hunar hamkorligi tarmog‘i.

**Nicholas Negroponte**, Massachusetts Institute of Technology ‘s Media Lab asoschisi

**Raqamli iqtisodiyot** - bu siyosiy-iqtisodiy, ilmiy-ijtimoiy, madaniy va ma‘rifiy munosabatlardagi aloqalarni raqamli texnologiyalarni qo‘llash yordamida amalga oshiruvchi yangi tizim hisoblanadi.

Toshkent moliya instituti “Elektron tijorat va raqamli iqtisodiyot” kafedrasida professor-o‘qituvchilari A.T. Kenjabaev, U.K. Yakubov.

**Raqamli iqtisodiyot** – bu axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) va ularning dasturiy ta‘minoti, mobil ilovalari, iqtisodiy masalalarning ekonometrik modellari bilan ta‘minlanadigan jahon iqtisodiy faoliyati, tijorat bitimlari. Yuqoridagi jahon va bizning ta‘riflardan hamda hozirgi xulosalarga asosan yuqoridagi ta‘rifni kiritishni taklif qilaman.

Xalqaro valyuta fondining 2019 yildagi ma‘lumotlariga ko‘ra, O‘zbekistonning yalpi ichki mahsuloti \$60,490 milliardni, 2020 yildagi ma‘lumotlariga ko‘ra esa \$67,450 milliardni tashkil etadi. Milliy statistikada asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkich sifatida YaIM yoki yalpi milliy mahsulot (YaMM), xatto yalpi milliy daromad (YaMD) ham qabul qilinishi mumkin. Masalan, AQSh va Yaponiyada YaIM emas, balki YaMM asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkich hisoblanadi. Ammo BMTning milliy hisoblar tizimida YaIM birlamchi iqtisodiy ko‘rsatkich bo‘lib xizmat qiladi. Miqdor jihatdan bu ko‘rsatkichlar o‘rtasidagi tafovut unchalik katta emas: rivojlangan mamlakatlarda bu tafovut bir foizdan oshmaydi. Chet ellarda ishlovchi fuqarolardan tushadigan daromadlar salmoqli bo‘lgan mamlakatlarda bu tafovut kattaroq bo‘lishi mumkin.

Bundan tashqari, O‘zbekiston Respublikasi hududlarida raqamli iqtisodiyot holatini baholash uchun reyting baholash usuli ishlab chiqilib, bunda muallif tomonidan hududlarda raqamlashtirish sub‘ektlari faolligi (8 ta ko‘rsatkich) va hududning raqamlashtirish sharoiti (8 ta ko‘rsatkich) bo‘yicha indikatorlar ishlab chiqilgan. Tadqiqot ishida hududlarda raqamlashtirishni ifodalovchi holatlar va ularning omillari keltirilgan bo‘lib, tadqiq etilayotgan hududlar bo‘yicha quyidagi keltirilgan formula (1) asosida hududlarni raqamli iqtisodiyotini rivojlanish darajasini reyting bahosini aniqlash mumkinligi ko‘rsatib berilgan. Keltirilgan formula asosida omillarning ko‘rsatkichlari bo‘yicha reyting bahosi hisoblab chiqiladi.

$$X_i = \sqrt[n]{k_1 \cdot k_2 \cdot \dots \cdot k_n} \quad (1)$$

Bunda:  $X$  – omil reytingi,  $i$ -omil,  $k$ – har bir omilning ko‘rsatkichlari.

Mazkur keltirilgan formula (2) har bir hududning omillari bo‘yicha raqamlashtirish darajasini aniqlab beradi. Hududni raqamlashtirish sub‘yektlari faolligi indikatorlari darajasini aniqlash uchun quyidagi keltirilgan formuladan foydalaniladi:

$$R_j = \sqrt[n]{\prod_{i=1}^n X_i} \quad (2)$$

Bunda:  $R$  - hududni holat bo‘yicha raqamlashtirish reytingi;  $j$ -holat;

$X$  – omil reytingi,  $i$ -omil.

Tadqiq etilayotgan hududni barcha holatlari bo‘yicha raqamlashtirish darajasini aniqlash uchun quyidagi formuladan (3) foydalaniladi:

$$DR = \sqrt[n]{\prod_{j=1}^n R_j} \quad (3)$$

Bunda:  $DR$  - hududning raqamli iqtisodiyotini rivojlanganlik reytingi;  $R$  - hududni raqamlashtirish holati reytingi.

Taklif etilgan baholash usuli respublikaning har bir hududini raqamlashtirish darajasini baholashga xizmat qiladi. Shu bilan bir qatorda, iqtisodiyot tarmoqlariga raqamli innovatsiyalarni maqsadli joriy etishda muhim o‘rin tutishi tadqiqot ishida asoslantirilgan. Ushbu bob doirasida tadqiqotchi tomonidan O‘zbekiston hududlarida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish borasida mahalliy davlat hokimiyati organlari faoliyatini quyidagi bosqichlarda yo‘lga qo‘yish borasida takliflar ishlab chiqilgan:

- 1) manfaatdor tomonlar ishtirokini ta‘minlash;
- 2) mahalliy omillarni rivojlantirish;
- 3) tadqiqot faoliyatini tashkil etish;
- 4) moliyaviy resurslarni jalb qilish;
- 5) raqamlashtirish loyihalarini boshqarish;

6) raqamli iqtisodiyot faoliyat ishtirokchilari o‘rtasida yaqin aloqalar o‘rnatilishiga ko‘maklashish (6-rasm).

Bunda hududning manfaatdor tomonlari:

a) raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishga mas‘ul bo‘lgan mahalliy davlat hokimiyati organlari xodimlari;


b) AKT sohasida faoliyat yuritayotgan xususiy sektor vakillari, ya‘ni faoliyat yuritayotgan tadbirkorlar, startaplar va investorlar;

d) raqamli iqtisodiyot foydalanuvchilari, ya‘ni iste‘molchilar (aholi)ni qamrab olishi lozim.

Shu bilan birga, mahalliy davlat hokimiyati organlari hududlarda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish uchun mahalliy omillarni rivojlantirishi lozimligi borasida fikr yuritilgan.

Xususan, moddiy omillar (AKT infratuzilmasi, logistika, turistik ob‘ektlar va boshqalar), nomoddiy omillar (kadrlar salohiyati, madaniy maskanlar, kutubxona va boshqalar) va normativ-huquqiy asos. Bundan tashqari, hududlarda raqamli iqtisodiyot sohasida ilmiy-tadqiqot va konstruktorlik muassasalarini tuzish, intellektual mulk tizimini takomillashtirish, texnologiyalar transferi va tijoratlashtirishni amalga oshirish mahalliy davlat hokimiyati oldida turgan eng muhim vazifalaridan biri ekanligi asoslantirilgan. Hozirgi davrda davlatimizda raqamli iqtisodiyot va elektron hukumat rivojlantirish to‘g‘risida yurtboshimiz tomonidan katta e‘tibor berilmoqda. Rivojlantirish maqsadida farmoyish va qarorlar chiqarib davlatimizni rivojlantirish yo‘llari va taraqqiyotini oshirish uchun katta samara bermoqda. Bundan tashqari 2021 yil yurtboshimiz tomonidan chiqarilgan sun‘iy intellekt tizimlarini har sohada qo‘llash to‘g‘risidagi qarori bizga ancha yengilliklar yaratadi. Ilmiy hayotiy tajribalarga tayangan holda sun‘iy intellektni hozirgi davrda iqtisodiyot tizimlarida qo‘llash va avtomatlashtirilgan iqtisodiy tizimlarda qo‘llanganda samarasi yuqori va intellektual bo‘ladi. Shu maqsadda iqtisodiy sohadagi salohiyatlarni rivojlanish ko‘rsatkichlarining statistik tahlilini qilishda ham qo‘llash masalasini ko‘rib chiqish rejalashtirilmoqda. Quyida yurtboshimiz tomonidan chiqarilgan qarorning bizga tegishli qismidan namuna keltirib o‘tganimiz maqsadga muvofiqdir.

Mahalliy davlat hokimiyati tomonidan hududni raqamlashtirish jarayonlari



**Hududning raqamli iqtisodiyot infratuzilmasi**

Hududiy elektron hukumat va davlat xizmatlari tizimlari	Raqamli ta'lim tizimlari	Raqamli tibbiyot va aqlli shifoxona tizimlari	“Smart hudud” va “xavfsiz shahar” tizimlari	Raqamli ishlab chiqarish tizimlari	Raqamli turizm tizimlari	Raqamli to'lov va moliyaviy tizimlar	“Aqlli suv, elektr, gaz” тизим-лари
Yuqori tezlikdagi Internet, aloqa tizimlari			Bulutli texnologiyalari		Raqamli iqtisodiyot platformalari		

1-rasm. Mahalliy davlat hokimiyati organlarining raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish borasidagi faoliyat algoritmi.

**Axborot iqtisodiyoti va elektron tijorat sohalarida yaratilgan yalpi qo‘shilgan qiymat hajmi**

<b>Ko‘rsatkichlar</b>	<b>2015</b>	<b>2016</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>	<b>2019</b>	<b>2020</b>
<b>Axborot iqtisodiyoti va elektron tijorat sektori</b>	<b>3876,3</b>	<b>4967,7</b>	<b>6377,8</b>	<b>7934</b>	<b>8701,4</b>	<b>11121,9</b>
Axborot kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) sektori	3581,7	4575,3	5849	7059	7508,4	9399,3
AKT ishlab chiqarish	141,7	127,2	238,3	307,3	283,7	551,2
AKT savdosi	140,8	228	281,6	240,4	299	261,8
AKT xizmatlari	3299,2	4220,1	5329,1	6511,3	6925,7	8586,3
Kontent sektori va ommaviy axborot vositalari	294,6	392,4	518,7	767,7	928,3	1120,6

Yuqoridagi statistikadan ko‘rishimiz mumkinki, yurtimizda bu ko‘rsatkichlar ancha past ekanligi va buni keskin ko‘tarishimiz talab etiladi. Jahon miqyosida barcha statistika ma‘lumotlarini ham solishtirib chiqamiz (1-jadval).

**O‘zbekistonda Axborot iqtisodiyoti va elektron tijorat sohalarida yaratilgan yalpi qo‘shilgan qiymatning YaIMdagi ulushi (nisbatan %)**

<b>Ko‘rsatkichlar</b>	<b>2015</b>	<b>2016</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>	<b>2019</b>	<b>2020</b>
<b>Axborot iqtisodiyoti va elektron tijorat sektori</b>	<b>1,93</b>	<b>2,13</b>	<b>2,26</b>	<b>2,09</b>	<b>1,8</b>	<b>1,99</b>
Axborot kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) sektori	1,78	1,96	2,07	1,86	1,55	1,68
AKT ishlab chiqarish	0,07	0,05	0,08	0,08	0,06	0,1
AKT savdosi	0,07	0,1	0,1	0,06	0,06	0,05
AKT xizmatlari	1,64	1,81	1,89	1,72	1,43	1,54
Kontent sektori va ommaviy axborot vositalari	0,15	0,17	0,18	0,2	0,19	0,2
Elektron tijorat			0	0,03	0,05	0,11

Endilikda yurtimizda raqamli iqtisodiyot rivojlanish ko‘rsatkichlarining YaIMdagi ulushi yangi statistik ma‘lumot bo‘lib e‘lon qilinmoqda. Yuqoridagi ko‘rsatkichlardan kelib chiqib, yurtimizda raqamli iqtisodiyot rivojlanishi 2020 yil yakunigacha kam ulushda ekanligini xulosa qilishimiz mumkin (2-jadval). Buning uchun statistik ma‘lumotning bog‘lanishini ko‘rib chiqamiz.

	<i>Axborot iqtisodiyoti va elektron tijorat sektori</i>	<i>Axborot kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) sektori</i>	<i>AKT ishlab chiqarish</i>	<i>AKT savdosi</i>	<i>AKT xizmatlari</i>	<i>Kontent sektori va ommaviy axborot vositalari</i>	<i>Elektron tijorat</i>
Axborot iqtisodiyoti va elektron tijorat sektori	1,00						
Axborot kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) sektori	0,95	1,00					
AKT ishlab chiqarish	0,28	0,07	1,00				
AKT savdosi	0,69	0,83	-0,42	1,00			
AKT xizmatlari	0,94	1,00	0,03	0,84	1,00		
Kontent sektori va ommaviy axborot vositalari	0,05	-0,22	0,48	-0,43	-0,24	1,00	
Elektron tijorat	-0,58	-0,72	0,35	-0,87	-0,74	0,59	1,00

Yuqoridagi 2-jadvalda keltirilgan o‘millar o‘rtasidagi korrelyatsiya matritsasi berilgan. Korrelyatsiya koeffitsienti 0.75 dan yuqori bo‘lgan omillar bir-biri bilan kuchli bog‘lanishga ega

bo‘ladi, 0.5 atrofida bo‘lsa o‘rtacha bog‘lanish bo‘ladi, 0.5 dan kichik bo‘lsa kuchsiz bog‘lanishga ega bo‘ladi (3-jadval).

**4-jadval**

Ko‘rsatkichlar toifasi	Ko‘rsatkich o‘zgaruvchilari	Ko‘rsatkich nomlari	Birlik
Asosiy turdagi raqamli Iqtisodiyot	X <sub>1</sub>	Optik kabel liniyasining uzunligi	km
	X <sub>2</sub>	Telefon orqali kirish stavkalari	to‘plam / shaxs
	X <sub>3</sub>	Internet soni <small>keng polosali foydalanuvchilar</small>	o‘n ming
	X <sub>4</sub>	Veb-saytlar soni	o‘n ming
	X <sub>5</sub>	Domen nomlari soni	o‘n ming
Texnologiya turi Raqamli iqtisodiyot	X <sub>6</sub>	IT xizmatlaridan tushgan daromad	o‘n ming yuan
	X <sub>7</sub>	O‘rnatilgan tizim dasturiy ta‘minotidan daromad	o‘n ming yuan
	X <sub>8</sub>	Jami telekommunikatsiya xizmatlari	100 million yuan
	X <sub>9</sub>	Dasturiy ta‘minot biznes daromad	o‘n ming yuan
	X <sub>10</sub>	Axborot uzatishda ijtimoiy asosiy fondlarga investitsiyalar, kompyuter xizmat ko‘rsatish va dasturiy ta‘minot sanoati	100 million yuan
Integratsiya turi Raqamli iqtisodiyot	X <sub>11</sub>	Qishloqlarning ko‘payishi elektron tijorat keng qamrovli namoyish okruglari	birlik/yil
	X <sub>12</sub>	Loyihalashtirilgan o‘lchamdagi korxonalar P & D loyihalari soni	birlik
	X <sub>13</sub>	Elektron tijorat operatsiyalari bilan shug‘ullanadigan korxonalar ulushi	%
	X <sub>14</sub>	bilan korxonalar soni axborotlashtirish	birlik
	X <sub>15</sub>	Integratsiyalashgan korxonalar soni sanoatlashtirish bilan va axborotlashtirish	birlik
Xizmat turi Raqamli iqtisodiyot	X <sub>16</sub>	Elektron tijorat aylanmasi	100 million yuan
	X <sub>17</sub>	Umumiy ma‘lumotlar soni hukumat veb-saytlari	parcha
	X <sub>18</sub>	Elektron terminallar soni jamoat kutubxonasining o‘quv zali	o‘rnatish
	X <sub>19</sub>	Raqamli televidenie foydalanuvchilari soni	o‘n ming xonadon

Model:(4-jadval)

$$Z_1^* = -0.2618X_1 - 0.1190X_2 - 0.2637X_3 - 0.1900X_4 + 0.1884X_5 - 0.2628X_6 - 0.0129X_7 - 0.2054X_8 - 0.2680X_9 - 0.2674X_{10} + 0.0080X_{11} - 0.2671X_{12} + 0.2521X_{13} - 0.2655X_{14} - 0.1749X_{15} - 0.2643X_{16} - 0.2258X_{17} - 0.2616X_{18} - 0.1853X_{19} - 0.2486X_{20}$$

Ikkinchi asosiy komponent va o‘zgaruvchilar o‘rtasidagi chiziqli munosabatlar :

Ko‘rsatilgan model: (4-jadval)

$$Z_2^* = -0.0644X_1 + 0.4147X_2 + 0.0939X_3 - 0.3297X_4 + 0.0229X_5 + 0.0782X_6 - 0.4258X_7 + 0.3017X_8 + 0.0109X_9 + 0.0162X_{10} + 0.4617X_{11} - 0.0584X_{12} + 0.0112X_{13} + 0.0751X_{14} - 0.3194X_{15} + 0.0445X_{16} + 0.2346X_{17} - 0.1056X_{18} - 0.1578X_{19} - 0.0980X_{20}$$

Keltirilgan tahlilga ko‘ra shuni xulosa qilish mumkinki, yurtimizda va jahon iqtisodiyotida raqamli iqtisodiyot rivojlanishi statistik tahlil natijalari asosida rivojlangan davlatlarda raqamli iqtisodiyot yuqori ekanligi va davlatning iqtisodiyotida YaIMdagi ulushidan ham ko‘rishimiz mumkin. Shuning uchun yurtimizda ham raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish uchun vazirlik, korxonalar va tashkilotlar hamda aholi o‘rtasida raqamlashtirish savodxonligini oshirish lozim.

Ushbu bob doirasida tadqiqotchi O‘zbekiston hududlarida raqamli iqtisodiyotni quyidagi bosqichlarda rivojlantirish bo‘yicha takliflarni ishlab chiqdi:

- 1) manfaatdor tomonlarning ishtirokini ta‘minlash;

- 2) mahalliy omillarning rivojlanishi;
- 3) ilmiy-tadqiqot faoliyatini tashkil etish;
- 4) moliyaviy resurslarni jalb qilish;
- 5) raqamlashtirish loyihalarini boshqarish;
- 6) raqamli iqtisodiyot ishtirokchilari o‘rtasida yaqin aloqalarni o‘rnatishga ko‘maklashish.

Ayni paytda O‘zbekistonning raqamli iqtisodiyotining rivojlanishi shaharning iqtisodiy o‘shishiga xizmat qilmoqda. Ushbu maqola korrelyatsiya uchun instrumental o‘zgaruvchilarni tanlaydi. O‘zaro bog‘liqlik natijalari so‘nggi yillarda turli hududlarda raqamli iqtisodiyotning jadal rivojlanishiga mos keladi. Shu bois, barqaror iqtisodiy rivojlanish davrida shaharning raqamli iqtisodiyoti ko‘lamini kengaytirish va mustahkamlash, u doimiy ravishda shahar iqtisodiy o‘shishiga yangi turtki berishi zarur. Bundan tashqari, O‘zbekistonda raqamli iqtisodiy rivojlanish shaharlar iqtisodiy o‘shishi nuqtai nazaridan turlichadir. Mintaqaviy tahlilga ko‘ra, raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishga ko‘maklashish ko‘lami va ahamiyati turli hududlarda rag‘batlantiruvchi ta‘sir ko‘rsatish tartibi: shahar, viloyat, tuman va tarmoq bo‘yicha bir-biriga mos kelmaydi. Shu bois, O‘zbekiston raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishda shaharlar o‘rtasidagi internetni rivojlantirish, raqamli savodxonlik va sanoat samaradorligidagi farqlarni to‘liq hisobga olishi, raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishdagi kamchiliklarni aniqlashi va shaharlar o‘rtasidagi tafovutlarni kamaytirishga intilishi kerak.

Manfaatdor tomonlar:

- a) raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish uchun mas‘ul bo‘lgan mahalliy hokimiyat vakillari;
- b) AKT sohasida faoliyat yurituvchi xususiy sektor vakillari, ya'ni tadbirkorlar, startaplar va investorlar;
- d) raqamli iqtisodiyot foydalanuvchilari, ya‘ni iste‘molchilar (aholi).

Shu bilan birga, mahalliy davlat hokimiyati organlari hududlarda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish uchun mahalliy omillarni ishlab chiqishi kerakligi ta‘kidlandi.

Xususan, moddiy omillar (AKT infratuzilmasi, logistika, turistik ob‘ektlar va boshqalar), nomoddiy omillar (kadrlar, madaniyat ob‘ektlari, kutubxonalar va boshqalar) va me‘yoriy-huquqiy baza. Bundan tashqari, hududlarda raqamli iqtisodiyot sohasida ilmiy-tadqiqot va tajriba-konstruktorlik institutlarini tashkil etish, intellektual mulk tizimini takomillashtirish, texnologiyalar transferi va tijoratlashtirish mahalliy davlat hokimiyati organlari oldida turgan muhim vazifalardan biridir.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 17.02.2021 yildagi PQ-4996-son qarorida berilgan iqtisodiy rivojlanish va rivojlanish ko‘rsatkichlarini statistik tahlil qilish sohalarda sun‘iy intellekt va uni qo‘llash texnologiyalarini qo‘llash ham samarali ko‘rsatkichlarni bermoqda. Statistik tahlil shuni ko‘rsatadiki, barcha sohalarda axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish mehnat unumdorligini oshirishga, aholi turmush darajasini oshirishga, korxonalar va tashkilotlarning rivojlanishiga, natijada davlat taraqqiyotiga xizmat qiladi. Barchamizga ma‘lumki, bugungi kunda aholi va tadbirkorlik sub‘ektlari raqamli iqtisodiyot va avtomatlashtirilgan tizimlardan foydalanishda yanada qulay bo‘lib bermoqda. Rivojlangan mamlakatlarga nazar tashlaydigan bo‘lsak, raqamli iqtisodiyot va elektron hukumat aholining ajralmas qismiga aylangan. Bu davlatlarning yanada rivojlanish sur‘atlarini oshirmoqda. Bunday tizimlarda sun‘iy intellektdan foydalanish ushbu sohalarning kelajagi hisoblanadi.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Decision of the President of the Republic of Uzbekistan “On measures to develop the digital economy in the Republic of Uzbekistan”. July 3, 2018, NO. DP-3832 // National Legislation Database, 07/04/2018.
2. Law of the Republic of Uzbekistan “On electronic document management”. April 29, 2004, NO. 611-II.
3. Law of the Republic of Uzbekistan "On electronic digital signature". December 11, 2003, No. 562-II.

4. Brynjolfsson, E., & McAfee, A. (2014). *The second machine age: Work, progress, and prosperity in a time of brilliant technologies*. WW Norton & Company.
5. Mesenbourg, T. L. (2001). *Measuring the digital economy*. US Bureau of the Census, 1, 1-19.
6. Норец, Н. К., & Станкевич, А. А. (2017). Цифровауа экономика: состоуание и перспективы развитуа. *Инновационные кластеры в цифровой экономике: теориуа и практика*, 173-179.
7. Евтуанова, Д. В., & Тиранова, М. В. (2017). Цифровауа экономика как механизм эффективной экологической и экономической политики. *Вестник евразийской науки*, 9(6 (43)), 71.
8. Гукасова, Н. Р. (2019). Нормативное и правовое регулирование цифровой трансформации регионов России. *Вестник экспертного совета*, 1 (16), 111-116.
9. Гулямов С.С. & Шермухамедов А.Т. (2018). Development of digital economy in the republic of Uzbekistan. In VII Uzbek-Indonesian Joint international scientific and practical conference “Innovative development of entrepreneurship” with the framework of scientific and research project” Global economic challenges and national economy development” Tashkent-Jakarta (pp. 180-183).
10. Kenzhabaev A.T., Ikramov M.M. (2015). Development prospects ICT and e-government in Uzbekistan's economy. *Statistics and Economics*, 2, 221-223.
11. Shokhazamiy Sh.Sh. (2020). *Treatise on Smart Digital Republic*. Innovation rivozhlanish nashriyot-matbaa uyi, Tashkent.
12. Bekmuratov T.F., Dadabaeva R.A. (2017). The main directions of promising research on the development of the digital economy. *Proceedings of the international scientific and technical conference “Actual problems of optimization and automation of technological processes and industries”*.
13. Ayupov R.Kh. Jumaniyazova M.Yu. (2019). Digital transformation in agriculture of the Republic of Uzbekistan. *International Journal of Humanities and Natural Sciences* 7(4), 25-33.
14. Musaliev A.A., Begalov B.A., Mokhova E.A. (2009). *Electronic document management systems*. Publishing house “ADIB” of the Literary Fund of the Union of Writers of Uzbekistan, Tashkent.



АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
МУҚОБИЛ СЦЕНАРИЯЛАРИ

АЛЬТЕРНАТИВНЫЕ СЦЕНАРИИ РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ СОЦИАЛЬНОЙ  
ЗАЩИТЫ НАСЕЛЕНИЯ

ALTERNATIVE SCENARIOS OF THE DEVELOPMENT OF THE SYSTEM OF SOCIAL  
PROTECTION OF THE POPULATION

Абдуллаева Шахноза Еркиновна  
PhD, Ташқи иқтисодий фаолият ва туризм  
кафедраси катта ўқитувчиси  
Тошкент давлат шарқшунослик университети

Анатация

Ушбу мақолада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини ривожлантиришнинг узок муддатларга мўлжалланган муқобил сценариялари, мамлакатимизда амалга оширилган ислохатлар ва келгусида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ҳамда улар турли хил фаолият билан шуғулланишлари учун қулай шарт шароитлар яратиш каби масалалар кўрилган. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий йўналишлари ва ушбу соҳада амалга оширилаётган масалар юзасидан тегишли хулосалар келтирилган ва таклиблар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ижтимоий ҳимоя, “Covid-19” инқирози, иқтисодий ҳамкорлик

В данной статье рассмотрены долгосрочные альтернативные сценарии развития системы социальной защиты населения, проводимые в нашей стране реформы и социальной защиты населения в будущем, а также создание благоприятных условий для них. заниматься различными видами деятельности. Представлены основные направления социальной защиты населения и вопросы, реализуемые в этой сфере, и даны предложения.

**Ключевые слова:** социальная защита, кризис «Covid-19», экономическое сотрудничество.

In this article, the long-term alternative scenarios of the development of the social protection system of the population, the reforms carried out in our country and the social protection of the population in the future, as well as the creation of favorable conditions for them to engage in various activities, were considered. The main directions of social protection of the population and the issues being implemented in this field are presented and suggestions are made.

**Key words:** social protection, "Covid-19" crisis, economic cooperation

Глобал миқёсда авж олган “Covid-19” инқирози бутун жаҳон мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистоннинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини оғир синовдан ўтказди ва мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида туб ислохотларни ўзқазди заруриятини кўрсатиб берди. Хусусан, 2020 йил бошида мамлакатимизда коронавирус пандемиясининг илк даврларидаёқ барча фуқаролар, жумладан, ногиронлиги бўлган болалар ва катталарнинг бутун ҳаётий цикли давомидаги ижтимоий ҳимоя дастурлари билан қамров даражасини таъминлаш мақсадида БМТ билан ҳамкорликда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини кучайтиришга қаратилган ислохотлар амалга оширила бошланди. Коронавиурс пандемияси шароитида мамлакат иқтисодиётида инқирозга қарши кўрилган чоралар қуйидаги йўналишларда амалга оширилди:

- инқирозга қарши дастурлар;
- карантин тадбирлари;

- тиббий чоралар;
- аҳолига пул тўловлари тўлаш;
- иқтисодийни пруденциал (эҳтиёткорона) тартибга солиш;
- тадбиркорлик субъектларини қўшимча молиялаштириш;
- тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзлари бериш;
- рақамли технологияларни жорий этиш орқали ноодатий бандликни рағбатлантириш.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг фаол дастурлари доирасида аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Таҳлиллар кўрсатишича, 2000-2020 йилларда мамлакатимиз меҳнат бозорида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлган аҳолининг улуши 49,7 фоиздан 74,5 фоизга етди (1-расмга қаранг). Шунингдек, ўрганилаётган даврда аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар ҳажми 77,2 мингдан 10 873,2 минг сўмга ортди. Хусусан, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат иқтисодийнинг ўсиш нуқтаси сифатида баҳоланмоқда. Мазкур вазиятни инобатга олган ҳолда жумладан, 2018 йилдан бошлаб мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг фаол дастурлари дорасида “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Хунармандчиликни ривожлантириш”, “Ёшлар келажагимиз” каби кам таъминланган оилаларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини рағбатлантиришга қаратилган давлат дастурларига устуворлик қаратилиб келинмоқда.



**1-расм. Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантириш ва аҳоли даромадларининг ўсиш тенденциялари[1]**

Мазкур вазиятни инобатга олган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аҳоли бандлиги кўрсаткичи билан аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар ҳажмининг ортиши ўртасидаги ички боғлиқликни аниқлаш учун корреляцион-регрессион таҳлилни амалга оширдик. Таҳлил натижаларига аниқлик киритиш мақсадида ҳар иккала кўрсаткични логорифмик функция ёрдамида бир хил кўринишдаги коэффицентга келтириб олинди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвалда келтирилган тартибда икки омил кўрсаткичлари логорифмик функция асосида бир хил кўрсаткичга келтирилгандан сўнг, улар ўртасидаги ички боғлиқликни аниқлаш мақсадида корреляцион-регрессион таҳлилларни амалга оширдик. Амалга

оширилган тахлиллар натижаларига кўра, ушбу икки омил ўртасидаги ички боғлиқлик кучли бўлиб, уни тавсифловчи корреляция коэффиценти 0,81 га тенг бўлди.

**1-жадвал**

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аҳоли бандлиги кўрсаткичи билан аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар ҳажми кўрсаткичларини логорифмик қийматларга келтирилиши[2]**

Вақт		Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд аҳоли улуши, фоизда (X)		Аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар, минг сўмда (Y)	
Йиллар	T	Фоизда	LN (X)	Минг сўмда	LN (Y)
2000 й	1	49,7	3,906004933	77,2	4,346399457
2001 й	2	51,8	3,947390149	113,4	4,730921391
2002 й	3	53,5	3,979681654	161,2	5,08264583
2003 й	4	56,7	4,037774211	230,2	5,438948496
2004 й	5	60,3	4,099332104	293,2	5,68085497
2005 й	6	64,8	4,171305603	349,6	5,856789644
2006 й	7	69,1	4,235554731	449,9	6,109025336
2007 й	8	72,1	4,278054044	592,1	6,38367554
2008 й	9	73,1	4,291828367	782,5	6,662493922
2009 й	10	73,9	4,302712828	1031,2	6,938478452
2010 й	11	74,3	4,308110952	2038,7	7,620067629
2011 й	12	75,1	4,318820559	2729,9	7,912020257
2012 й	13	75,6	4,325456283	3267,8	8,091872255
2013 й	14	76,7	4,339901708	3902,7	8,2694239
2014 й	15	77,6	4,351567427	4472	8,405591015
2015 й	16	77,9	4,355425953	5127,5	8,54237349
2016 й	17	78,2	4,359269648	5887,9	8,680654677
2017 й	18	78	4,356708827	6681,4	8,807082825
2018 й	19	76,3	4,334672938	7767	8,957639268
2019 й	20	76,2	4,333361463	9509,6	9,160057094
2020 й	21	74,5	4,310799125	10873,2	9,294056325

Шунингдек, вақт омил билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аҳоли бандлиги (корреляцион коэффиценти 0,75) ҳамда аҳоли жон бошига реал умумий даромадлари ҳажми (корреляция коэффиценти 0,87) кўрсаткичлари ўртасидаги ички боғлиқлик ҳам кучли эканлиги аниқланди. Қуйидаги келтирилган 2-жадвалда юқоридаги икки омил ўртасидаги корреляцион-регрессион тахлил натижалари келтириб ўтилди.

**2-жадвал**

**Корреляцион-регрессион тахлил натижалари\***

Регрессион тахлил кўрсаткичлари	Регрессион тахлил кўрсаткичлари қиймати
<b>Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аҳоли бандлиги кўрсаткичи билан аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар ҳажми ўртасидаги боғлиқлик</b>	
<b>Кўп ўлчовли R</b>	0,899666233
<b>R-квадрат</b>	0,809399331

Нормаллаштирилган R-квадрат	0,799367717
Стандарт хатолик	0,70904829
Кузатувлар даври	21
<b>Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аҳоли бандлиги кўрсаткичининг вақт омили билан боғлиқлиги</b>	
Кўп ўлчовли R	0,868325
R-квадрат	0,753989
Нормаллаштирилган R-квадрат	0,741041
Стандарт хатолик	4,845294
Кузатувлар даври	21
<b>Аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар ҳажмининг вақт омили билан боғлиқлиги</b>	
Кўп ўлчовли R	0,933639
R-квадрат	0,871682
Нормаллаштирилган R-квадрат	0,864928
Стандарт хатолик	1232,914
Кузатувлар даври	21

\*Муаллиф ишланмаси


Амалга оширилган корреляцион-регрессион таҳлил натижалари асосида 2030 йилгача бўлган даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида давлатнинг фаол ижтимоий химоя дастурлари асосида аҳоли бандлигини ошириш орқали аҳоли жон бошига реал умумий даромадлари ҳажмининг ўсиши бўйича прогноз кўрсаткичлар ишлаб чиқилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида аҳоли бандлиги кўрсаткичини ўсиши бўйича прогноз кўрсаткичлар куйидаги (1) функция асосида ҳисобланди:

$$Y = 55,1238 + 1,3325 * X \quad (1)$$

Шунингдек, аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар ҳажми бўйича прогноз кўрсаткичларни ҳисоблаш куйидаги функция асосида амалга оширилди:

$$Y = -2393,58 + 504,7764 * X \quad (2)$$

Амалга оширилган ҳисоб-китобларга кўра, узоқ муддатли истикболда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида аҳоли бандлигини рағбатлантириш ҳисобига аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар ҳажмини 1,2 марта ошириш имконияти мавжудлиги аниқланди (2-расмга қаранг).



**2-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аҳоли бандлигини рағбатлантириш орқали аҳоли реал даромадларини ортиши бўйича прогноз кўрсаткичлар\***

\*Муаллиф ишланмаси

Тадқиқот натижаларимиздан келиб чиққан ҳолда ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига квоталанган энг кам сонидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган иш берувчиларни рағбатлантириш механизми янада ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Рағбатлантириш механизмини 2-расмда кўришимиз мумкин.



**2-расм. Ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига квоталанган энг кам сонидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган иш берувчиларни рағбатлантириш механизми\***

\*Муаллиф ишланмаси

Тадқиқотлар натижасига таянган ҳолда кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини оширишда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- давлат томонидан минимал ижтимоий стандартларни ишлаб чиқиш ва республика ҳудудлари кесимида камбағаллик даражасининг табақалаштирилган абсолют миқдорларини ҳисоблаш;

- камбағаллик даражасининг табақалаштирилган абсолют миқдорлари асосида аҳолининг кам таъминланганлик даражаси бўйича табақалаштирилган ижтимоий ҳимоя дастурларини ишлаб чиқиш;

- аҳолини ижтимоий ҳимоя дастурлари билан қамров даражасини ошириш ва бунда нодавлат-нотижорат ташкилотлари иштирокини кенгайтириш;

- фуқароларнинг ўзини-ўзи банд қилиши бўйича тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

- кам таъминланган аҳоли қатламлари бандлигини таъминлаган хусусий сектор вакиллари учун солиқ имтиёзларни жорий этиш;

- кам таъминланган хонадон хўжаликларида оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ имтиёзлари ва тадбиркорлик фаолияти учун субсидиялар ажратиш;

- кам таъминланган хонадон хўжалиklarининг тадбиркорлик фаолиятини микромолиялашда имтиёзли кредитлаш механизмига асосланган ҳолда, фоиз ставкаларини марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан кам бўлмаган ҳолда белгилаш;

- ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сонидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ҳамда улар учун иш ўринларини мослаштирган иш берувчилар томонидан мавжуд имтиёзлардан фойдаланиш даражасини ошириш зарур;
- аҳоли даромадларининг сезувчанлик даражасини камайитириш мақсадида уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва молиявий саводхонлиги даражасини ошириш;
- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ягона институционал тизимини шакллантириш.

Фикримизча юқорида билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини ислоҳ этиш орқали узоқ муддатли истиқболда унинг самарадорлиги кўрсаткичини оширишга эришилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган. [file:///C:/Users/Macroeconomics/Downloads/17.1%20Kichik%20biznes%20va%20xususiy%20tadbirkorlikning%20ulushi\\_uzb.pdf](file:///C:/Users/Macroeconomics/Downloads/17.1%20Kichik%20biznes%20va%20xususiy%20tadbirkorlikning%20ulushi_uzb.pdf);
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

УДК 364.052.4

### УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИДА ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

### ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ПОВЫШЕНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ АКТИВНОСТИ В ЖИЛИЩНОЕ СТРОИТЕЛЬСТВО

### PRIORITY DIRECTIONS FOR INCREASING INVESTMENT ACTIVITY IN RESIDENTIAL CONSTRUCTION

Алиева Зилола Маматвалиевна  
Тошкент архитектура-қурилиш университети  
мустақил изланувчиси

#### Аннотация

Вилоят инвестиция-қурилиш мажмуаси корхоналарининг инвестицион фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш – аҳолини уй-жой билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш йўлларида биридир. Мақолада қурилиш ташкилотларининг инвестиция ресурсларини жалб қилиш жараёнини фаоллаштиришнинг асосий йўналишлари ва уй-жой қурилишида инвестицияларни ривожлантиришнинг асосий муаммолари кўрсатилган. Шунингдек, уй-жой қурилишида давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш бўйича таклифлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Инвестиция фаолияти, ижтимоий муаммолар, уй-жой сектори, қурилиш мажмуаси, ривожланиш стратегияси, давлат томонидан тартибга солиш, антимонопол қўмита, ипотека, капитал, кўчмас мулк бозори.

Стимулирование развития инвестиционной активности предприятий инвестиционно-строительного комплекса региона является одним из способов решения проблемы обеспечения населения жильем. В статье перечислены основные направления активизации процесса привлечения инвестиционных ресурсов строительных организаций. Представлены основные проблемы развития инвестиций в жилищное строительство. Предложены

собственные варианты упрощения государственного регулирования в жилищном строительстве.

**Ключевые слова:** Инвестиционная деятельность, социальные проблемы, жилищный сектор, строительный комплекс, стратегия развития, государственное регулирование, антимонопольный комитет, ипотека, капитал, рынок недвижимости.

Stimulating the development of investment activity of enterprises of the investment and construction complex of the region is one of the ways to solve the problem of providing housing for the population. The article lists the main directions of activation of the process of attracting investment resources of construction organizations. The main problems of investment development in housing construction are presented. The authors propose their own options for simplifying state regulation in housing construction.

**Key words:** Investment activity, social problems, housing sector, construction complex, development strategy, state regulation, antimonopoly committee, mortgage, capital, real estate market.

Уй-жой муаммоси замонавий дунёдаги ҳар қандай давлатнинг ижтимоий муаммоларидан биридир. Вилоят аҳолисининг барча тоифаларини учун уй-жой билан таъминлаш, ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, жамиятдаги ижтимоий тангликни камайтириш, шунингдек, аҳолининг маблағ тўплаш ва инвестицион фаоллигини оширишнинг самарали рағбатларини яратишнинг асосий омилларидан биридир.

Уй-жой хавфсизлиги муаммосини ҳал этиш инвестиция ва қурилиш мажмуасининг самарадорлиги, унинг инвестиция ва инновация фаолияти даражасига бевосита боғлиқдир. Қурилиш ташкилотларининг уй-жой қурилиши соҳасидаги инвестицион фаоллигини рағбатлантириш ҳудудий уй-жой қурилиши бозорининг инвестицион жозибадорлиги даражасини оширади, давлат ва ҳудудий дастурларни амалга ошириш ва ипотека кредитлаш тизимини ривожлантириш кўрсаткичлари сифати ва миқдорини оширишга шароит яратади.

Уй-жой қурилишида қурилиш ташкилотларининг инвестиция ресурсларини жалб қилиш жараёнини фаоллаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Уй-жой қурилиш бозорида маъмурий тўсиқларни камайтириш ва монополизация ҳамда маъмурий протекционизмга қарши курашиш механизмларини яратиш. Ушбу муаммони ҳал қилиш, уй-жой қурувчиларни имкониятларини кенгайтириш, лойиҳа тайёрлаш босқичида вақт ва молиявий харажатларни камайтириш ва қурилиш рухсат олиш, монополиялаштириш ва протекционизм тўсиб, аукционларда ер участкалари бериш учун рақобат тартиб ўрнатиш қаратилган. [2]

2. Рухсатномалар ва маъмурий ҳужжатларни лойиҳалаш ва узатиш учун манба маълумотларини тақдим этиш тизимини тартибга солиш. Ўртача бу харажатлар умумий қурилиш қийматининг 12-22% га баҳоланади. Бошланғич рухсатнома ҳужжатларини тасдиқлаш, лойиҳа ҳужжатларини текшириш ва қурилиш рухсатномасини беришда ўртача 35 та ташкилот иштирок этади. Бу жараён тахминан 10 ой муддатни қамраб олиши мумкин.

3. Муҳандислик коммуникацияларига уланиш учун, шунингдек, қурилиш вақтида мувофиқлаштириш, назорат қилиш ҳамда текширишни амалга оширувчи ташкилот ва муассасаларнинг хизматлари учун оқилона тўловларни аниқлаш қоидаларини ишлаб чиқиш.

4. Антимонопол ҳокимият органлари ишини фаоллаштириш монополистик нархни ошириб юбориш, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларнинг коллективлаштириш ҳолатларини аниқлаш. Қурилиш саноати корхоналарини бирлаштириш ёки корхоналарда назорат қозикларини сотиб олиш бўйича операцияларни кузатиш ва тасдиқлаш зарур.

5. Қурилишда лойиҳалаш-смета ҳужжатлари ҳамда ҳисоб-китобларнинг назорат текширувларини ўтказиш тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқиш.

6. Ҳудудий инвестиция ва қурилиш мажмуасининг инновацион таркибий қисмини прогрессив ривожлантириш орқали инновацион технологиялар асосида уй-жой қурилишининг прогрессив шаклларини ривожлантириш.

Инновацион фаолиятни рағбатлантириш шартлари:

1. самарали инновацияларни таъминлаш учун зарур ва етарли технологик ва интеллектуал салоҳиятнинг мавжудлиги;
2. илмий ва инновацион фаолиятда иштирокчилар (талабалар), аспирантлар, ёш олимлар сонининг доимий ўсиши);
3. инновацион фаолият инфратузилмаси элементларининг мавжудлиги (бизнес-инкубаторлар, инновацион фондлар, технологияларни узатиш марказлари, технопарклар, илм-фан шаҳарлари ва бошқалар.) илмий ғоялар авлодини таъминлайдиган;
4. бизнес тузилмаларининг инновацияларга бўлган талаби [1].

Қурилиш соҳасидаги инновацияларнинг энг характерли турлари технологик янгилик бўлиб, унинг 56% ни ташкил қилади жами инновацион тузилма. Технологик инновацияларни жорий этиш қўйидагиларни яратади интенсиф ривожланиш даражасини ошириш шартлари қурилиш саноати ташкилотлари амалий дизайн ечимларига таъсир қилади тайёр қурилиш маҳсулотларини яратиш соҳаси ўсишни таъминлайди қурилаётган объектларнинг операцион хусусиятларида. Шунингдек, ривожланиш инвестиция ва қурилиш комплекси амалга ошириш даражаси билан белгиланади ташкилий ва бошқарув, маҳсулот ва marketing янгиликлари. [4] Инвестиция инфратузилмаси уй-жой қурилиши соҳасида нодавлат-нотижорат ташкилотлари барқарор ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш имконини беради ва унинг рағбатлантириш ҳамда тартибга солиш учун муайян механизмларини амалга ошириш орқали, давлат органлари томонидан ўз инвестиция фаолиятини бошқариш ошириш учун шарт-шароит яратади. Давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида уй-жой қурилиши соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик учун инвестиция инфратузилмаси қўйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олиши керак:

1) нодавлат-нотижорат ташкилотларининг уй-жой қурилиши соҳасидаги инвестицион фаолиятини ахборот билан таъминлаш мажмуаси. Ушбу мажмуанинг мақсади уй-жой қурилишини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш дастурларини амалга оширишга қизиққан ташкилотларнинг маълумотлар базалари ва инвестиция ресурсларининг самарадорлигини оширадиган бошқа маълумотларга эга бўлишдир;

2) ижтимоий ва бошқа дастурлар, лойиҳалар ҳамда ошкора рақобат ўзаро таъсир механизмининг амалга оширишга имкон берувчи мустақил баҳолаш институтлари мавжудлигини таъминловчи таклифлар экспертизаси мажмуи;

3) давлат ва коммунал фондлар, хусусий ҳамда корпоратив хайрия эҳсонлари, хизмат ва иш кўрсатишдан келадиган даромадлар, халқаро, шунингдек, Ўзбекистон ташкилотлари ҳамда жамғармалари грантлари ва ҳоказолардан фойдаланиш шароитларини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган молиявий ва моддий-техник ёрдам мажмуаси;

4) инвестиция фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида аҳоли ва тижорат ташкилотлари ўртасида консалтинг хизматлар мажмуини шакллантириш;


5) нодавлат-нотижорат секторида ишлаш учун кадрлар тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш мажмуаси, шунингдек уй-жой муаммосини ҳал этишга қаратилган соҳавий дастурлар ва лойиҳалар;

6) уй-жой қурилиши соҳасида нодавлат нотижорат шериклик фаолиятини норматив-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш мажмуи;

7) иқтисодий ва маъмурий усуллардан фойдаланиш, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, тартибга солиш ҳамда рағбатлантириш орқали инвестиция инфратузилмасига таъсир кўрсатувчи мувофиқлаштириш ва тартибга солиш мажмуаси. [5]

Қурилишнинг инвестицион ва инновацион фаоллиги кўрсаткичлари ташкилотлар бири-бири билан чамбарчас боғлиқ ва асосан нафақат даражани белгилайди инвестиция ва қурилиш комплекси ривожлантириш, балки таъминлаш минтақанинг инвестицион ва инновацион жозибдорлигини ошириш (1-расм).





1-расм. Инновацион компонентнинг уй-жой қурилишига инвестициялар оқимига таъсири

Бундан ташқари, уй-жой қурилиши тартибга солишини такомиллаштиришида уй-жой қурилиши қийматини сотиш нархи сифатида баҳоланади. Уй-жой қурилиши қийматига фойда қўшилса, сотиш нархини белгилашига бозорда талаб-таклиф мувозанати таъсир қилади.

Сотиш нархини белгилашига бозорда талаб-таклиф мувозанати таъсир қилади. Бу кўрсаткич уй-жой бозорида савдо айланмасини характерлайди, у уй-жой жисмоний ва юридик шахсларнинг инвестицияларни ўз ичига олади ва умумий савдо ҳажмини жисмоний ва юридик шахсларнинг умумий инвестициялар ва бозор оқимларини таҳлил қилиш учун белгиланади.

Шу билан бирга, қурилган объектлар шу йилнинг ўзида сотилмаслиги мумкин. Қурилиш харажатлари жорий ва солиштирма нархларда уй-жой қурилиши харажатлари ва нархлар индексини аниқлаш учун ҳисобланади. [6]

Уй-жой қурилиши соҳасидаги ўзгаришлар ҳозирги босқичда “Ўзбекистон Республикасининг 2025 йилгача бўлган инвестиция сиёсати стратегияси” доирасида амалга оширилмоқда. Бироқ, уй-жой масаласи энг қийин ижтимоий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Қўрилган чора-тадбирларга қарамай, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли уй-жой қурилиши ишларига салбий таъсир кўрсатишда давом этмоқда. Ҳозирги кунда уй-жойга киритилган инвестициялар сони камайиши, уй-жойга бўлган талаб ошиши, аҳолини уй-жой сотиб олиш имкониятлари камайиши кузатилмоқда. Уй-жой қурилиш тезлиги ўтган йилга нисбатан секинлашиб бормоқда. [7]

Шундай қилиб, ҳозирги шароитда, бу мураккаб соҳада замонавий уй-жой қурилишнинг қийматини белгилаш ва талаб-таклифни рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки уй-жой қурилиш билан таъминлаш даражаси аҳолининг фаровонлигини белгилайди, ҳамда шахс ва жамиятнинг соғлиги, маданий ривожланиши ва ахлоқий қониқишига тўғридан-тўғри таъсир қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Матвейкин, В.Г. Инновационный потенциал: современное состояние и перспективы развития: монография / В.Г. Матвейкин, С.И. Дворецкий, Л.В. Минько и др. – М.: «Издательство Машиностроение-1», 2007. – 284 с.
2. Кузовлева, И.А. Разработка методологических основ управления инновационными процессами в регионах с проблемной экономикой/И.А. Кузовлева, В.Л. Берестов и др. – Брянская гос. инженерно-технологическая академия. – Брянск: РИО БГИТА, 2010. – 238с.

3. Черкашина Е.В., Крапивина Е.С. Некоммерческие организации в сфере жилищного строительства и перспективы их развития: Монография - Белгород :«Кооперативное образование», 2006.
4. Крапивина Е.С. Повышение эффективности использования инвестиционных ресурсов в деятельности некоммерческих организаций в сфере жилищного строительства // Научно-практическая конференция «Инновационные технологии в кооперативном образовании как фактор развития экономики», БУПК, 2009.
5. Баталин Б. П. О некоторых вопросах состояния и развития строительства//Экономика строительства. 1995. №10. С. 8-10.
6. Бузырев В.В., Закинчак Г.Н., Шлыкова М.В. Вилоятларда уй-жой қурилиш инвестиция сиёсатини шакллантириш. - Иваново, 1998-йил ИГАСА. 173с.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасининг 2025 йилгача бўлган инвестиция сиёсати стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида" ги қарори - [www.regulation.gov.uz](http://www.regulation.gov.uz)

**УДК:330.33**

**САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНING ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА  
ТАЪСИРИНИ ЭКОНОМЕТРИК БАҲОЛАШ**

**ЭКОНОМЕТРИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА ВЛИЯНИЯ ПРОМЫШЛЕННОГО  
ПРОИЗВОДСТВА НА ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ**

**ECONOMETRIC ASSESSMENT OF THE IMPACT OF INDUSTRIAL PRODUCTION ON  
ECONOMIC GROWTH**

**Касимов Азамат Абдукаримович**  
**Тошкент давлат иқтисодий университетининг**  
**“Яшил” иқтисодий ва барқарор бизнес кафедраси доценти, PhD**

**Аннотация**

Ушбу мақолада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг иқтисодий ўсишга таъсири ёритиб берилган. Хусусан, иқтисодий ўсишга саноатнинг таъсири эконометрик моделлаштириш асосида микродорий жиҳатдан баҳоланган, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)да саноат ялпи қўшилган қийматининг улуши ва унинг динамикаси таҳлил қилинган. Шунингдек, саноат тармоқларини ривожлантириш асосида иқтисодий ўсишни таъминлаш, тармоқ корхоналари самарадорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва экспортдаги улушини ошириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ЯИМ, саноат тармоғи, саноат маҳсулотлари, таҳлил, эконометрик модель, иқтисодий ўсиш, самарадорлик, даромад.

В данной статье освещается влияние промышленного производства на экономический рост. В частности, на основе эконометрического моделирования количественно оценено влияние промышленности на экономический рост, проанализирована доля валовой добавленной стоимости промышленности в валовом внутреннем продукте (ВВП) и ее динамика. Также разработаны научные предложения на основе развития отраслей промышленности по обеспечению экономического роста, повышению эффективности предприятий отрасли, расширению производства и увеличению их доли в экспорте.

**Калит сўзлар:** ВВП, промышленный сектор, промышленная продукция, анализ, эконометрическая модель, экономический рост, эффективность, доходы.

This article highlights the impact of industrial production on economic growth. In particular, the impact of industry on economic growth was quantitatively evaluated based on econometric modeling, the share of industrial gross added value in the gross domestic product (GDP) and its dynamics were analyzed. Also, scientific proposals were developed on the basis of the development of industrial sectors to ensure economic growth, increase the efficiency of branch enterprises, expand production and increase their share in exports.

**Key words:** GDP, industrial sector, industrial products, analysis, econometric model, economic growth, efficiency, income.

Бугунги иқтисодий тараққиёт ва геосиёсий ўзгаришлар кўплаб давлатлар иқтисодиётида таркибий ўзгаришларнинг мувудга келишига олиб келди. Иқтисодиётнинг таркибий ўзгариши албатта биринчи навбатда мамлакатнинг табиий, географик жойлашуви, ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодиётнинг империк ривожланиши билан боғлиқ бўлади. Аммо, бугунги кунда бундай омилларсиз ҳам иқтисодий ривожланишнинг янги босқичига эришиш мумкинлигини айрим давлатлар тажрибаси кўрсатмоқда. Жумладан, Хитой, Тайванд, Сингапур ва Европа мамлакатларини келтириш мумкин.

Умуман олганда иқтисодий ривожланиш ва барқарор ўсишни таъминлаш борасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Чунки, иқтисодий ривожланиш бу – иқтисодий эркинликка олиб келади. Яъни, бунда нафақат ички талабни қондириш, балки, мамлакатнинг экспорт имкониятларини оширади. Шунингдек, қўшимча иш ўринларини яратиш олиб келади.

Бунда иқтисодиётнинг sanoat тармоғи муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Маълумки, соф қўшимча қиймат ҳамда юқори технологияли маҳсулот яратиш асосан sanoat усулида амалга оширилади. Айнан шу боис ҳам мамлакатнинг sanoatлашув даражасини жадаллаштириш ва уни янада ривожлантириш мазкур тармоқни қўшимча илмий тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Хусусан, sanoatни ривожлантиришга боғлиқ бўлган омилларнинг миқдорий таъсирини баҳолаш, sanoat ишлаб чиқариш жараёнларини статистик, математик, эконометрик усуллар асосида таҳлиллар қилиш орқали истиқболли стратегияларни ишлаб чиқиш лозим. Буларнинг барчаси мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигини ифодалайди.

Мамлакатимизнинг миллий маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги асосий тармоқларидан бири – sanoatдир. Sanoat ўзининг қўшимча қиймат яратиши, аҳоли эҳтиёжини қондиришдаги ўрни ва юқори даражага эга бўлган ишлаб чиқариш имкониятлари билан бошқа соҳа ва тармоқлардан ўз афзаллиги билан тубдан фарқ қилади. Sanoat моддий ишлаб чиқаришнинг асосий ва етакчи тармоғи бўлиб, унинг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ривожланишига олиб келади [1].

Мамлакат иқтисодий тизимини ривожлантириш унинг ишлаб чиқариш, меҳнат салоҳияти, ишлаб чиқариш кучларининг самарали жойлашуви, аҳолининг турмуш даражаси ҳамда маҳаллий бошқарув органлари фаолияти самарадорлигига боғлиқ. Жаҳон тажрибаси ва амалиёти ҳам ҳар бир ҳудуднинг хомашё базаси ва меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муаммоларини фақат ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган дастурлар ва истиқболли режалар орқалигина ҳал этиш мумкинлигини кўрсатмоқда [2].

Иқтисодий ўсишда омиллар тизими катта рол ўйнайди. Лекин, бунда ҳамма омилларнинг жамланган таъсири ҳар бирининг таъсир этиш даражаси йиғиндисига тенг деган хулоса келиб чиқмаслиги лозим. Омиллар тизими – бу уларнинг оддий арифметик йиғиндиси бўлмасдан, балки, бунда ички боғланишлар ва таркибий элементларнинг ўзаро бир-бирига бўлган таъсирини ҳам ҳисобга олиш лозим [3].

Бугунги кунда, турли иқтисодий ҳодисалар, жараёнларни ўрганиш ва баҳолаш учун иқтисодий-математик моделлардан кенг фойдаланилади. Бундай моделларни тузишда тадқиқ этилаётган ҳодисаларни ифодаловчи энг муҳим омиллар аниқланади ва қўйилган муаммони ечиш учун аҳамиятсиз бўлганлари ҳисобдан чиқарилади [4].

Шу нуқтаи назардан, sanoat тармоғини ривожлантириш ва иқтисодий ўсишини таъминлаш учун ишлаб чиқариш мажмуаларининг ривожланиш тенденцияларини прогноз

килиш, реал секторларда мақсадли таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва ривожланишнинг устувор йўналишларини танлашга қаратилган мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг оптимал моделларини шакллантириш лозим [5]. Шунингдек, саноат тармоғида фойдаланилаётган ресурслар самарадорлигини ошириш, мавжуд муаммоларни ечишда юзага келадиган хатарларни олдиндан кўра билиш ва илмий асосланган чора-тадбирлар ёхуд ечимлар ишлаб чиқиш талаб қилинади. Қолаверса, саноат тармоқларининг барқарор ўсиши ва глобал рақобатбардошликка эришишини таъминлашни ҳар томонлама таҳлил қилиш, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнига боғлиқ бўлган омилларнинг миқдорий боғланишини баҳолаш ва тармоқларни ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишда иқтисодий-математик, эконометрик моделлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Саноат тармоғини ривожлантиришнинг оптимал моделини яратишда, айниқса ҳозирги ноаниқлик ва таваккалчилик шароитида иқтисодий жараёнларни ўрганиш ва таҳлил қилиш учун иқтисодий-математик усуллар ҳамда эконометрик моделлардан фойдаланиш кутилиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олиш имконини беради [6].

Худди шундай йўналишлардан Осиё минтақасидаги давлатлардан Хитой халқ Республикаси, Жанубий Корея, Япония, Сингапур, Европа мамлакатларидан Англия, Франция, Германия, Италия, Испания, Дания, Норвегия, Швеция, Швецария кабилар, шунингдек АҚШ, Канада, Австралия ва бошқа давлатларда ҳам кенг қўлланилади ва бу борада тадқиқот ишлари олиб борилади. Шунингдек, Англия, Франция, Германия, АҚШ каби давлатларда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасини ривожлантириш асосида тўғридан-тўғри глобал бозорга чиқишнинг янги моделлари ва глобал рақобатдошликнинг инновацион бизнес моделлари ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга жорий этилмоқда [7]. Бугунги шароитда глобал стратегиядан бошланган кичик ва ўрта корхоналар (SME) трансчегаравий фаолиятдан фойдаланиш учун тезда ҳаракат қилишлари мумкин [8]. Глобаллашув нафақат даромадларнинг ўсиши, балки билимлар алмашинуви ва имкониятларни ошириш учун ҳам имкониятлар яратади.

**1-жадвал**

**2021-2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича ялпи ички маҳсулот ва унинг таркиби [1]**

	Ҳажми, млрд. сўм		Ўсиш суръатлари, % да	
	2021	2022	2021	2022
<b>I. ЯИМ, жами</b>	738 425,2	888 341,7	107,4	105,7
<i>шу жумладан:</i>				
тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	686 432,4	828 054,2	107,6	106,2
маҳсулотларга соф солиқлар	51 992,8	60 287,5	104,6	99,2
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	686 432,4	828 054,2	107,6	106,2
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	181 787,7	208 452,9	104,0	103,6
саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	232 535,6	276 227,0	108,4	105,5
Additional investments in the field of agriculture and the perfect structure of the agrarian sector, the order of production of products of private sectors, their financial use and the opportunity to increase exports play a big role. Changes and innovations in the field of technological innovation in Uzbekistan are also important in the development of private sectors. Innovative approaches, implementation of new technologies and new methods of product production are also important in the development of private sectors. The development of private sectors depends on state policy, innovations in industry and services, development of historical and cultural tourism, investments, new trends in the financial sector, and a number of other factors. The strategies and state programs aimed at the development of the industry and economy of the government of Uzbekistan were also of great importance in the direction of the development of private sectors.

There are several problems in the effective management and motivation of employees by the private sector in Uzbekistan. These problems arise from the experience of enterprise management, personnel development, motivation, job responsibilities, and other circumstances.

The following problems represent many important points that will help in finding practical solutions for the private sectors in Uzbekistan:

1. Lack of personnel development and moral education:

Lack of personnel development and moral education can be one of the important problems in enterprises. These issues may require management, system, or corporate culture changes, among other features.

2. Improper distribution of motivation and salary system:

Improper distribution of motivation and salary system can reduce satisfaction and job orientation among the company's employees. These problems are the cause of other problems, and serve to ensure that the motivation and reward system is appropriate for their solution, performance, and other key activities.

3. Low level of professional development of employees:

The slow level of professional development of employees refers to a situation that includes their extended professional, knowledge, and spiritual development, as well as development and training programs provided by the enterprise or an external organization. Slowness leads employees to learn new knowledge and skills, develop and achieve enterprise goals. It has a unique role in motivating employees, expanding their performance and supporting the overall goals of the enterprise.

4. Coordination of the concepts of justice and freedom in motivating employees:

Coordinating the concepts of justice and freedom in motivating employees is one of the issues of great importance for the enterprise. Fairness and freedom play a major role in how employees feel in the workplace, develop work activities and motivate talented personnel for the success of the enterprise.

5. Comfort of workplaces and employee's sense of responsibility at work:

The comfort of workplaces and employees' sense of responsibility at work is one of the most important issues for the enterprise. Comfortable workplaces and a sense of responsibility play a major role in increasing employee motivation, satisfaction and active work performance.

Private sectors in Uzbekistan develop personal and corporate strategies for effective management and motivation of employees, taking into account their fields of activity, financial situation and other conditions.

Global technological development has given the opportunity to create new approaches to human resource management in the private sector. Economic intelligence and automation accelerate business and management processes. Globalization and participation in various fields will direct the private sectors to new partnerships. The ability of private enterprises to create their own committee and new indicators through mutual participation plays an important role in the development of cooperation in human resource management.

Advances in healthcare are also driving changes in the private sector. Pandemics, diseases such as the coronavirus, are forcing private sector operations and human resource management to change. In this context, the provision of holistic health, physical and mental health, and the management of human resources of private sectors will be important.

In the private sectors, it helps to consolidate and change the ways of sales and marketing networks, entrepreneurship and enterprise management. Consolidation of production in industry, service and other sectors through global networks allows private sectors to create their own address in introducing new markets and customers.

Effective use of data, analysis of data analytics in business development and human resource management, optimizes the practice of private sectors.

Global legal and economic changes are forcing the private sector to learn new ways of regulating and taxing systems, adapting to work changes, and developing human resources.



The world's progressive changes in the field of human resource management and promotion in the private sector require new approaches and important indicators. It is important for private enterprises to quickly and effectively adapt to these changes, to overcome difficulties in the private sector, and to effectively use new technologies and global partnerships.

Indicators of employee motivation and effective management in foreign countries are very important for the development of human resources, training of new skills and performance in global enterprises. The following indicators provide a general understanding of the participants, principles and methods implemented in foreign countries to improve employee motivation and management processes:

Educational programs are provided for private and professional development of employees in foreign countries. The private sector provides opportunities for cooperation with foreign educational centers and universities, learning new technologies, evaluating experience and growth.

In a global work environment, it is important to provide employees with an additional language and the opportunity to interact and work with professionals from other countries. Foreign employees are taught how to understand the management system and follow its rules and regulations. Establishing a fair management system and good organization of data storage is one of the main tasks facing the private sector. A management system is established by the company, which includes work activities, goals and tasks. The procedure for providing a fair salary system and supporting shared justice with others is determined independently by the company's managers. A system of employee incentives and fairness will be introduced through freebies and bonuses.

The private sector will expand the workplace with comfortable workplaces, gyms, recreation areas, and other additional facilities. Employees are provided with a convenient working time system and a long-term vacation. There is an opportunity to create indicators that the company's leaders can work with foreign and foreign partners. Effective cooperation with employees in other countries is carried out directly by HR managers. A number of directions mentioned above will create a new innovative environment in the enterprise and allow employees to analyze new ideas and use them.

In order to successfully manage and motivate employees in foreign countries, it is of great importance to teach local and global indicators, to create additional opportunities, to establish a good moral environment, and to apply innovative approaches.

Based on the above considerations, we think that it is appropriate to use the KPI system to support the material interest of employees in increasing the socio-economic activity of representatives of the private sector operating in our country.

A Key Performance Indicator (KPI) system is a set of metrics used to define, target, and manage the goals of an organization or enterprise. A KPI system is defined to monitor product and service sales, employee performance, financial position of the organization, and sales and marketing practices, depending on how they fit into the organization's core strategy. The following steps can be used to install this system:

1. Setting goals:

First, define the overall goals of the organization. These goals may depend on the organization's mission, vision, and departments.

2. System installation:

After learning, a system should be put in place to monitor KPIs. This system includes a controller that leaves targets, transfers insights at set time, displays data, and shows how targets can be identified and displayed.

3. Selection of appropriate KPIs:

It is important to choose the right KPIs for each goal. KPIs are clear and specific goals and are used to measure achievement.

4. Data for KPIs:

Define accurate and complete data related to each KPI. Determining what data is needed and thinking about how to collect it.

5. Mastering:

KPIs should be mastered to help drive goals. Define specific KPIs for each department or individual.

6. Use of employees and specific acquisition:

Assist in staffing to achieve KPIs. Therefore, providing employees with KPIs and focusing on diversity in mastering them.

7. Real-time monitoring and evaluation:

KPIs should be monitored in real time in each department. For this, automated systems can be used and system control measures can be implemented.

8. Changes and Corrections:

Compare KPI results with management and staff, analyze, and make appropriate adjustments during system audits to support changes.

9. Study and teach:

Organize additional training and education to explain the system to all employees and teach them the experience.

The advantage of the KPI system is of particular importance in the management and promotion of private business entities in our country.

The advantage of the Key Performance Indicator (KPI) system in management is to have clear and comprehensive information about the goals and directions of the management and the enterprise. Let's look at the following advantages:

1. Focus on goals:

The biggest advantage of the KPI system in management is that it enables the company to focus on its goals. Each KPI is defined to monitor an objective or result.

2. Monitoring and evaluation:

A KPI system facilitates monitoring and evaluation between employees and management. Success or failure is determined by providing realistic and objective control data.

3. Support of youth by the leadership:

The KPI system shows support between youth and management. Employees are able to communicate with management in the preparation of their KPIs and their implementation.

4. Objectivity and transparency:

The KPI structure should be objective and demonstrable. Transparency is an important metric for explaining your KPIs to all employees and improving employee performance in relation to the overall goals of the enterprise.

5. Fairness assessment system:

The KPI structure allows to strengthen the fair evaluation system. This helps in fair evaluation and proper distribution of motivation to the employees.

6. Systematic analysis and appeal to management:

KPI analysis provides systematic information on activity results and indicators, enterprise content and changes. Based on the results of the analysis, the management bodies determine the implementation of their own development and new directions.

7. Ancillary Support:

KPIs help to support changes and innovations and develop communications between management bodies. The feeling of support between employees and management bodies is strengthened.

8. Resultant benefit:

With the help of KPIs, the enterprise can control the performance of its activities and the achievement of its goals. Effective benefits are important for building trust and communication between youth and governing bodies.

9. Increase performance:

KPIs play an important role in motivating employees, improving their skills and effectively managing their activities. KPIs are used by the managers of the company to form mastery and motivation systems that include activities.

10. Quality KPI system:

A quality KPI system leads to the analysis and updating of management practices and strategies in enterprises. This creates opportunities for more effective management and employee motivation.

We have considered the advantages of using the KPI (Key Performance Indicator) system for private business entities in our country in the above comments. In conclusion, it can be said that KPIs for specific purposes in enterprises are different from other KPIs. In order to ensure the achievement of the goals set for the private sector, private KPIs should be selected based on the internal capabilities and characteristics of each entrepreneur. For example, in a private sector enterprise, it is possible to increase the volume of product sales, improve customer service, or use a separate KPI system for employees. A private KPI-system helps to ensure that the management of the organization is directed in the right direction. This is important in order to analyze the activity, to be able to help in setting personal goals. It can be seen that the KPI system also sheds light on how to create personal goals for each employee, and how to set personal goals for private sector employees all at the same time. This leads to increased motivation and performance for each employee. Creates an opportunity to evaluate and control the work performed by the employees by the head of the enterprise. A proprietary KPI-system helps to learn and manage the processes of performance evaluation and results verification. This gives the management of the organization clear information about how the practice is changing.

It can also be noted that private KPIs, which help to provide high-quality service to existing partners in the market, are used by the head of the enterprise to focus on providing high-quality service to competitors in the market and to increase the quality of service.

### List of used literature

1. Regional labor markets. Analytical contributions and cross-national comparisons. Ed. by. M.Fischer and P.Nijkamp. – Elsevier Science Publishing Co, 1987. - 500 p.
2. Rosen H., Quandt R.E. Estimating a disequilibrium aggregate labour market. Review of Economics and Statistics. - 1978. V.60. P. 371-379.
3. Sassen S. The Mobility of Labor and Capital: A Study in International Investment and Labor Flow. Cambridge, 1988.
4. Dilmonov Q. B. Cooperation between higher education institutions, economy and society //Мировая наука. – 2019. – №. 4. – С. 30-33.
5. DAVLATOV S., DILMONOV K. Impact of investment in education on economic growth //2nd Student Conference of MDIS Tashkent. – 2017. – С. 7.
6. <https://kun.uz/news/2020/10/18/ozbekistonda-shaxs-oz-salohiyatining-necha-foizidan-foydalanalishi-hisoblab-chiqildi>
7. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)- O‘zbekiston Respublikasi hukumat portal
8. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)- O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi
9. [www.mf.uz](http://www.mf.uz) – O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi sayti.
10. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi.
11. [www.ifmr.uz](http://www.ifmr.uz) – O‘zbekiston Respublikasi Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar instituti sayti.
12. [www.mineconomu.uz](http://www.mineconomu.uz) – O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot vazirligi sayti.
13. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – O‘zbekiston Respublikasi davlat statistika qo‘mitasi rasmiy sayti.

ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ ИҚТИСОДИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДАГИ МОҲИАТИ  
СУЩНОСТЬ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА КАК ЭКОНОМИЧЕСКОЙ КАТЕГОРИИ  
THE ESSENCE OF HUMAN CAPITAL AS AN ECONOMIC CATEGORY

Игамназарова Д.Ш.  
Технология, менежмент  
ва коммуникация институти катта ўқитувчиси,  
ЎзМУ Иқтисодийёт факультети тадқиқотчиси

**Аннотация**

Мақолада инсон капиталининг иқтисодий категория сифатидаги моҳияти, инсон капиталининг ўзига хос хусусиятлари, иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида меҳнат бозоридаги инсон капитали билан боғлиқ жараёнлар таснифи кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Инсон капитали назарияси, институционал назария, неоклассик назария, неокейнсчилик назарияси, инсон салоҳияти, инсон капитали самарадорлиги, ишлаб чиқариш омили.

В статье раскрывается сущность человеческого капитала как экономической категории, характеристика человеческого капитала, классификация процессов, связанных с человеческим капиталом на рынке труда на современном этапе экономического развития.

**Ключевые слова:** Теория человеческого капитала, институциональная теория, неоклассическая теория, неокейнсианская теория, человеческий потенциал, эффективность человеческого капитала, факторы производства.

The article reveals the essence of human capital as an economic category, the characteristics of human capital, the classification of processes associated with human capital in the labor market at the present stage of economic development.

**Keywords:** Human capital theory, institutional theory, neoclassical theory, neo-Keynesian theory, human potential, human capital efficiency, factors of production.

Замонавий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник ўзгаришлар инсон капитали даражаси ва сифатини ошириш заруратини белгилаб бермоқда.

Инсон омили миллий бойлик ўсишини таъминловчи кўшимча қиймат олишнинг асосий ресурсига айланмоқда.

Инсон капитали назарияси институционал назария, неоклассик назария, неокейнсчилик ва бошқа иқтисодий назариялар ютуқларига асосланиб, ушбу назарияга кўра инсон капиталининг сифати ва миқдори юқори бўлган жойда тегишли равишда молиявий ва жисмоний капитал тўпланади.

Инсон капиталини ўрганишга тизимли ёндашув унинг иқтисодий категория сифатидаги таърифини белгилаб, замонавий фанда инсон капитали умумий иқтисодий фундаментал тушунчалардан бирига айланди.

Ҳар қандай иқтисодий категория иқтисодий муносабатларни ифодалайди. Иқтисодий категория сифатида инсон капитали меҳнат жамоалари ва давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ифодалайди. “Инсон капитали” категорияси ишлаб чиқариш жараёни субъектининг шаклланиши ва фаолияти билан боғлиқ ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги муносабатларнинг мураккаб мажмуини ифодалайди.

Бугунги кунда инсон капитали иқтисодий ўсиш ва ижтимоий фаровонликка бевосита таъсир кўрсатувчи асосий стратегик ресурс бўлиб, жаҳон иқтисодий адабиётларида унга бўлган эътибор ортиб бомоқда. Бироқ, назарияларнинг турли элементларини ривожлантиришнинг долзарблиги инсон капитали терминологиясининг кенгайишига олиб келмоқда. Бу эса инсон капитали назариясини концептуал ривожланишини қийинлаштиради. Шунинг учун тадқиқотимизнинг мақсади технологик ўзгаришлар натижасида юзага келган ўзгаришлар асосида инсон капитали асосий тушунчалари ва ёндашувларини тизимлаштиришдан иборатдир.

Замонавий иқтисодёт назариясида "инсон капитали" – деганда ишлаб чиқариш ва истеъмол мақсадларида ишлатилиши мумкин бўлган инсоннинг билими, кўникмаси ва қобилият захираси тушунилади. У инсондир, чунки у инсон шахсида намоён бўлади, у капиталдир, чунки у даромад манбаи ҳисобланади. ОЕСД мутахассислари томонидан таклиф этилган таъриф инсонларга инвестиция қилиш жараёнининг бозор ва нобозор жиҳатларини қамраб олади. Ушбу таърифга кўра, инсон капитали" шахсий, ижтимоий ва иқтисодий фаровонликни яратишга имкон берадиган инсонларда мавжуд бўлган билим, кўникма ва қобилият" дир.

Инсон капиталининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда акс этади

- унинг ташувчиси бўлган шахсдан ажралмаслиги;
- у узоқ муддатли фойда келтиради, аммо хизмат муддати чекланган;
- бошқа ҳар қандай тугатилган ресурс сингари у "таъмирлаш" ва техник хизмат кўрсатиш харажатларини талаб қилади;
- у жисмоний эскиришдан олдин маънавий эскириши мумкин;
- унинг қиймати қўшимча ишлаб чиқариш омилларини таклиф қилишдаги ўзгаришларга қараб ўсиши ва пасайиши мумкин.

Ушбу хусусиятларга яна шунини қўшимча қилишимиз мумкинки турли инқирозлар иқтисодиёт учун ривожланиш драйвери бўлиши ҳам мумкин, чунки унинг келиб чиқиш сабаблари ишлаб чиқариш омилларидаги ўзгаришларда бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий ўсиш миқдорий ўзгаришлар билан, иқтисодий ривожланиш эса сифат ўзгаришлари билан тавсифланади. Инқироз кўпинча иқтисодий кўрсаткичларнинг пасайиши билан тавсифланиб иқтисодий ўсиш муаммосига айланади. Инқирозни бартараф этиш йўли эса иқтисодий ўсишдир.

Замонавий иқтисодиётда инсон капитали ривожланишнинг асосий стратегик манбаи бўлиб, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий фаровонликка бевосита таъсир кўрсатади.

Агар XX аср олимлар томонидан "инсон капитали асри" деб номланган бўлса, XXI аср "билимлар иқтисодиёти" асри сифатида тавсифланади. Билим сифати, биринчи навбатда, инсон капитали қандай ривожланганига боғлиқ бўлганлиги сабабли, унинг аҳамияти замонавий иқтисодиёт учун асос бўлиб ҳисобланади.

Дастлаб инсон капитали билим, кўникма, тажриба, компетенция, қобилиятлар тўплами эканлигига эътибор қаратилган ҳамда ушбу элементларнинг турли комбинациялари таърифларда ишлатилган. Тадқиқотларда фақат туғма ва ортирилган қобилиятлар инobatга олинади. Билим ва кўникмалар таърифларда конкретлаштирилмайди. Замонавий ишларда эса компетентлик ва қобилиятлар эътибор қаратилади яъни: «тадқиқот компетенцияси», «инструментал саводхонлик», «ҳамкорлик», «XXI асрнинг универсал билимлари», «ташкилий қобилиятлар», «тадбиркорлик қобилияти», «ишлаб чиқариш қобилияти», «меҳнат қобилияти», «узлуксиз таълим олиш қобилияти» ва бошқ.

Ушбу тенденциялар инсон капиталини ўлчаш ёндашувларидаги ўзгаришлар билан изоҳланади. Миқдорий параметрларнинг хилма-хиллиги ва инсон капитали сифати тўғрисида аниқроқ маълумот олиш учун тадқиқотчилар сифат кўрсаткичларини, шу жумладан компетенция ва қобилиятларни баҳолаш кўрсаткичларини кидирмоқдалар. Агар дастлаб биз инсон капитали сифатини аниқлашда асосан когнитив компетенциялар ҳақида сўз юритган бўлсак, бугунги кунда когнитив бўлмаган компетенциялардан фойдаланиш таклиф этилади яъни, виждонлилик, ҳиссий барқарорлик, янги тажрибага очиқлик,

шунингдек универсал компетенциялар– креативлик, ижодкорлик, танқидий фикрлаш, қайта ўқиш, ташкил этиш. Бундан ташқари, инсон капиталининг таърифларида "шахсий хусусиятлар", "обрў эътибор", "ижтимоий интелект", "ҳиссий интелект" каби бошқа шахсий хусусиятларга ҳам эътибор қаратилгандир.

Ушбу таркибий қисмларнинг барчаси расмий ва норасмий таълим, ишлаб чиқаришда ҳамда иқтисодий фаолият жараёнида ўқитиш натижасида олинади ва ривожланиб боради.

Инсон капитали назариясининг мустақил тушунча сифатида шаклланиши ижтимоий-иқтисодий тизимда қуйидаги ўзгаришлар натижасида вужудга келган постиндустриал жамият назарияларининг шаклланиши ва ривожланиши даврида рўй берди:

- ишлаб чиқаришни автоматлаштириш;
- саноатда бандликдан хизмат кўрсатиш соҳасидаги бандликка ўтиш;
- меҳнат табиатидаги ўзгаришлар;
- ахборот-коммуникация соҳаси ривожланишининг юқори суръатлари;
- муайян инсон капиталига бўлган эҳтиёжлар.

Ҳозирги вақтда инсон капитали назарияси замонавий жамиятнинг янги муаммоларига, биринчи навбатда технологик ўзгаришлар билан боғлиқ муаммоларга жавоб беришга қаратилмоқда.

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичи меҳнат бозоридаги қуйидаги жараёнлар билан тавсифланади:

- янги технологияларнинг бандликка таъсири;
- "эркин даромад иқтисодиёти";
- иқтисодиётни рақамлаштириш;
- рақамли платформаларни шакллантириш ва тарқатиш;
- ижтимоий тармоқларни ривожлантириш;
- автоматлаштириш.

Бунинг натижасида, шахснинг кўникмалари ва ваколатларини тавсифловчи сифат кўрсаткичлари тобора муҳим аҳамият касб этиб боради.

Меҳнат бозори технологик тараққиёт, демографик ўзгаришлар, урбанизация ва иқтисодиётни интеллектуализация қилиш жараёнлари натижасида ўзгариб бормоқда. Замонавий ўзгаришлар бугунги кунда олимлар томонидан фаол ишлаб чиқилган инсон капиталини баҳолаш ва ривожлантиришга янги ёндашувларни талаб қилмоқда. Янги технологиялар таъсири остида янги касбларнинг пайдо бўлиши, баъзи эски касбларга бўлган талабнинг кескин пасайиши ёки янгиланишларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг ўзгариши муносабати билан бандлик масалалари ўзгариб бормоқда. Бошқача қилиб айтганда, анъанавий секторларда бандликнинг пасайиши кузатилиб, янги соҳаларда меҳнатга талаб ошмоқда.

Тадқиқотимиз давомида таҳлил қилинган илмий ишларнинг аксариятида “инсон капитали”, “инсон салоҳияти” ва “инсон ресурслари” тушунчалари ўртасида аниқ чегара мавжуд эмас. Бундан ташқари, улар кўпинча бир-бири билан алмаштирилади, бу эса ушбу соҳадаги тадқиқотларни сезиларли даражада мураккаблаштиради.

Тадқиқотчиларнинг инсон ресурсларини ишлаб чиқиш ва таърифлаш бўйича ишларига мурожаат қилиб, хулоса қилишимиз мумкинки, таҳлил қилинган ишларнинг аксарияти инсон ресурсларини (билим, кўникма, тажриба, соғлиқ, касбий маҳорат, ахлоқий ва ахлоқий фазилатлар) мажмуи сифатида белгилайди.

Шунингдек, “инсон ресурслари” ва “меҳнат ресурслари” тушунчаларини аралаштириб юбормаслик зарурдир. Меҳнат ресурслари тор маънога яъни фақат билим, кўникма, тажриба ва касбий маҳорат, соғлиқ кўламини ифодалаб, шахснинг ахлоқий кўникмаларини ҳисобга олмайди.

“Инсон капитали”нинг таърифига келсак, бу ерда асосий эътибор “капитал”га кўшимча фойда олиш учун муомалага киритилган маълум қиймат сифатида қаратилади.

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, Инсон капитали – бу маълум бир шаснинг даромадларини (шу билан бирга номоддий шаклдаги даромадлари яъни маънавий қониқиш, ижтимоий маъқейини ошириш каби) минтақа, мамлакат хўжалик юритувчи субъектлари

даромадини ошириш мақсадида инвестиция қиш йўли билан ривожлантириш мумкин бўлган фазилатлари (билим, кўникма, тажриба, касбий маҳорат, ахлоқий ва ахлоқий фазилатлар) тўпламидир. Шу билан бирга, инсон капитали инвестиция маҳсули сифатида минимал ликвидликка, узоқ инвестиция даврига ва юқори даражадаги хавфга эгадир.

Инсон салоҳияти эса - бу инсоннинг туғма ва орттирилган фазилатлари, хусусиятлари ва имкониятлари (билим, кўникма, тажриба, соғлиқ, касбий маҳорат, ахлоқий ва ахлоқий фазилатлар) йиғиндиси бўлиб у қулай табиий, экологик ва ижтимоий-иқтисодий шароитлар мавжуд бўлганда фаоллашади ва инсон ресурсларини ва инсон капиталини ишлаб чиқаришга имкон беради.

Инсон салоҳиятининг бундай таърифига асосланиб, шундай хулосага келиш мумкинки, шахснинг кучлари, фазилатлари, хусусиятлари ва имкониятлари қулай шароитларда сафарбар этилиши ёки шароит ва конъюктура имкон бермаса, яширин қолиши мумкин. Шундай қилиб, инсон салоҳияти ҳам фаол (мобилизацияга қодир), ҳам пассив (амалга оширишга тайёр бўлмаган) бўлиши мумкин. Фаол инсон салоҳияти сафарбар қилинса, у инсон капитали шаклида ҳаракат қила олади.

Инсон капиталининг ўсиши фақат микро (ташкilot даражаси), макро (мамлакат иқтисодиёти даражасида) инсон салоҳияти ва инсон ресурсларининг юқори даражада ривожланиши шарт билан мумкин. Шундай қилиб, замонавий жамият ривожланишининг асосий муаммоси - бу инсон салоҳиятининг фаол қисмининг мавжудлиги ва ривожланишини белгиловчи шарт-шароитларни яратишдир, бу эса ўз навбатида ягона иқтисодий субъектни бошқара оладиган инсон капитали ва ресурсларининг катализаторига айланади.

Демак, мамлакатнинг инновацион иқтисодий ривожланиши инсон капиталига боғлиқ. Замонавий шароитда иқтисодий ўсишга шахснинг интеллектуал имкониятлари ёрдам беради. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ривожланган мамлакатларда янги билимлар ялпи ички маҳсулотнинг 80-95% ўсишини таъминлайди. Инновацион ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёнида юқори касбий, интеллектуал ва ижодий савияга эга бўлган, инсон капитали янги билимларни яратишга асосланган инновацион ишлаб чиқаришнинг асосий омили бўлган ходим асосий элемент ҳисобланади. "Инсон салоҳияти", "инсон ресурслари", "инсон капитали" иқтисодий тоифаларининг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсири ва уларни тўплаш манбалари аниқлаш ушбу тадқиқотда инсон капиталини қайта ишлаб чиқиш йўналишларини тақлиф қилиш имконини берди. Салоҳиятни самарали капиталга айлантириш учун уни ривожлантириш мақсадида таҳлил қилиш ва рағбатлантириш зарур. Масалан, инсон меҳнат унумдорлигини (самарадорлигини) оширишдан манфаатдор бўлиши учун бундай меҳнат шароитлари яратилиши керак. Замонавий иқтисодиётда аҳолининг ҳаёт сифатининг ижтимоий стандартлари амал қилади, улардан баъзилари корхонанинг инсоний салоҳиятини ва унинг инсон капиталига ўтишини рағбатлантиришни баҳолашда қўлланилиши мумкин: ишчилар хавфсизлиги (хавфли иш билан банд бўлганларнинг улуши), меҳнат шароитлари; иш жойидаги шикастланишлар; касбий касалланиш; корхонанинг меҳнатни муҳофаза қилиш харажатлари. Бу - бир томондан, иккинчи томондан, ҳар қандай иш рационал бўлиши керак, шунда инсон ўз имкониятлари чегарасини билади. Шунингдек, инсон кўтарилиш ва кўпроқ моддий ва маънавий мукофотлар олишига ишонч ҳосил қилиши лозим. Одатда малакали раҳбарлар инсон салоҳиятидан моҳирона фойдаланади ва инсон капиталини ривожлантиради. Шу билан бирга, таълим ва бошқаларга сарфланадиган харажатлар ўз-ўзидан инсон капитали ўсишининг кафолати бўлиб ҳисобланмайди.

Яъни, таълимга инвестициялар фақат келажакда фойда олиш мумкин бўлган имкониятларни белгилайди. Таълим, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга йўналтирилган инвестициялар билан бир қаторда, тиббий ёрдамга, меҳнат унумдорлигини оширадиган маданий тадбирларни ривожлантиришга, шунингдек, индивидуал қобилиятларни шакллантириш ва ривожлантиришга инвестициялар керак.

Инсон капитали ҳозирги ёки келажакда фойдали бўлиши мумкин бўлган шахснинг қобилиятлари, билимлари ва кўникмаларини ҳисобга олади инсон салоҳияти эса фойда келтиришидан қатъи назар, барча қобилиятларни ҳисобга олади.

Хорижий олимлар ва маҳаллий назариётчилар томонидан берилган инсон капитали тоифасининг юқоридаги барча таърифларини умумлаштириб, бир нечта асосий ёндашувларни ажратиб кўрсатиш мумкин: кўпчилик иқтисодчилар инсон капиталини инсоннинг кўникма ва қобилиятлари йиғиндиси, иккинчи қисми эса - расмий таълим жараёнида олинган билимлар сифатида қолганлари эса ушбу тушунчага одамларнинг ижтимоий, психологик, маданий ва этник хусусиятларини ҳам киритадилар.

Иқтисодиётда шахснинг кўникма ва қобилиятлари тўплами одатда "капитал" деб аталадиган бўлса-да, лекин инсон капитали, капиталнинг жисмоний ва бошқа турларидан фаркли ўлароқ, бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга.

Биринчидан, бу инсон капиталининг ташувчидан ажралмаслиги. Ускуналар, дастгоҳлар, кўчмас мулк, қимматли қоғозлардан фаркли ўлароқ, йигирма биринчи асрда одам сотиб олиш ва сотиш объектига айлана олмайди (бу фақат қулдорлик иқтисодиётига хосдир). Шунинг учун бозорда фақат иш ҳақи кўринишидаги инсон капиталининг "ижара" нархлари белгиланади, унинг активлари учун эса нархлар мавжуд эмас. Натижада, бу турдаги капиталнинг ликвидлиги минималдир.

Иккинчидан, инсон капитали узок инвестиция даври билан тавсифланади.

Учинчидан, инсон капиталига инвестиция қилиш хавфи жисмоний капиталга нисбатан анча юқори. Бу, шунингдек, рискларни суғурталаш воситаларининг йўқлиги, меҳнат бозоридаги ўзгаришлар, шунингдек, одамларнинг юқори ҳаракатчанлиги билан боғлиқ бўлган кредитларни мониторинг қилишнинг юқори ҳаражатлари ва кредитни тўлаш муддатининг узоклиги билан боғлиқ.

Тўртинчидан, жисмоний ва инсон капитали ўртасидаги фарқ шундан иборатки, биринчисининг рентабеллиги тўпланиши билан аста-секин пасаяди, иккинчиси эса, аксинча, биринчи навбатда, меҳнатга лаёқатли ёшнинг юқори чегараси билан чекланган даражага кўтарилади, кейин эса кескин камаяди. Аммо биз инсон капитали нафақат пул шаклини олиши мумкинлигини ҳисобга олишимиз керак.

Бешинчидан, иш берувчи инсон капитали хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олиб, ҳуқуқларга ега бўлган еркин шахс билан алоқага чиқади, бу эса меҳнат бозорининг институционал тузилмалар билан хилма-хиллиги ва тўйинганлигига олиб келади.

Шундай қилиб, инновацион иқтисодиётни шакллантириш ҳар қандай соҳа мутахассисларидан ҳар томонлама индивидуал қобилиятларни, жисмоний, интеллектуал, ижодий, маънавий ва бошқа хусусиятларни ҳамда ишлаб чиқариш сифатини ривожлантиришни тақозо этади. Бу яна бир бор инсон ресурслари, инсон капитали ва инсон салоҳиятининг янада мураккаб тузилмаси мавжудлигини, унинг элементларига сармоя киритишнинг ўзига хос хусусиятларини тасдиқлайди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Shultz T., Human Capital in the International Encyclopedia of the Social Sciences., — N.Y., 1968, vol.
2. Mincer, J. The Production of Human Capital and The Lifccycle of Earnings: Variations on a Theme. — Working Paper of the NBER, No 4838 (Aug. 1994).
3. Бэкер Г.С., Человеческий капитал (главы из книги) // США: экономика, политика, идеология., 1993. №11.- С. 109-119., №12. - С. 86-104.
4. Петти В. Экономические и статистические работы / В. Петти ; пер. с англ., предисл.
5. Баженова В.С. Непрерывное образование в условиях трансформации экономической системы / В.С. Баженова. - М. : Изд-во Рос. экон. акад., 2000.
6. Кошанова Н.М. Оила ва мураббий манфаатли ҳамкорлигининг таълим сифатини оширишдаги аҳамияти. //Academic Research in Educational Sciences, 2020. – Б. 32-41.
7. Mardonov S., Toshtemirova S., Ahmadjonov B, Koshanova N. Structure and Mechanisms of Action of The Edcatcional cluster. // International Journal of Psychological Rehabilitation, Vol.24, Issue 07,2020. 8104-8111



G‘AZNACHILIKDA DAVLAT XARIDLARINI TASHKIL ETISH

ОРГАНИЗАЦИЯ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ЗАКУПОК В КАЗНАЧЕЙСТВЕ

ORGANIZATION OF PUBLIC PROCUREMENT IN THE TREASURY

**Rejapov Saydulla Xikmatullayevich**  
**Alfraganus universiteti, Ijtimoiy fanlar**  
**fakulteti dekan o‘rinbosari;**  
**O‘zbekiston Milliy univristeti**  
**mustaqil izlanuvchisi**

**Annotatsiya**

Mazkur maqolada O‘zbekiston Respublikasida g‘aznachilik tizimida amalga oshirilayotgan davlat xaridlari tizimini samarali tashkil etish masalalari hamda davlat xaridlarini amalga oshirishda kerak bo‘lgan bazi bir taklif va xulosalar keltirilgan. Shuningdek davlat xaridlarini amalga oshirishni nazorat qilish sabablari, tarkibi va ularning ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyati yoritilgan.

**Kalit so‘zlar:** davlat budjeti, davlat xaridlari, budget mablag‘lari, budget kodeksi, davlat xaridi subyekti, davlat xaridlarining asosiy prinsiplari, g‘aznachilik tizimi, elektron do‘kon, tanlov, tender, auksion.

В данной статье рассмотрены вопросы эффективной организации системы государственных закупок, реализуемой в системе Казначейства Республики Узбекистан, необходимость эффективного направления важных для общества и государства денежных средств, а также некоторые предложения, необходимые для осуществления государственных закупок и представлены выводы. Также выделены причины, структура и социально-экономическое значение контроля за государственными закупками.

**Ключевые слова:** государственный бюджет, государственные закупки, бюджетные средства, бюджетный кодекс, предмет государственных закупок, основные принципы осуществления государственных закупок, казначейская система, электронный магазин, конкурс, тендер, аукцион.

In this article, the issues of effective organization of the public procurement system implemented in the Treasury system of the Republic of Uzbekistan, the need to effectively direct the funds important for society and the state, and some suggestions necessary for the implementation of public procurement and conclusions are presented. Also, the reasons, structure and socio-economic significance of the control of state procurement are highlighted.

**Keywords:** state budget, state procurement, budget funds, budget code, state procurement subject, basic principles of state procurement, treasury system, electronic store, competition, tender, auction.

Davlat boshqaruv instituti sifatida mavjud bo‘lar ekan, uning zimmasida jamiyat oldida bajarishi kerak bo‘lgan bir qator funksiya va vazifalar yuklatiladi. Mazkur vazifalarni iqtisodiy ta‘minlash esa o‘z navbatida moliyaviy resurslarga ehtiyojni keltirib chiqaradi. Shuni alohida ta‘kidlash zarurki, davlat tomonidan amalga oshiriluvchi xarajatlarning salmoqli qismi davlat xaridlari tizimi orqali bajariladi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 17.11.2022-yildagi PQ-425-sonli Qarori 1-bandiga asosan 2023-yil 1-yanvardan boshlab O‘zbekiston Respublikasining ijtimoiy va ishlab chiqarish infratuzilmasini rivojlantirish dasturiga va Davlat budjeti mablag‘lari hisobidan amalga oshiriladigan dasturlarga kiritilgan loyihalar, shuningdek, tashabbusli budjetlashtirish jarayonlari

asosida moliyalashtiriladigan qurilish-ta'mirlash ishlari bo'yicha loyihalar doirasida obyektlarning bosh loyiha-qidiruv va bosh qurilish-pudrat tashkilotlari Qurilish vazirligining "Shaffof qurilish" milliy axborot tizimida inson omilisiz o'tkaziladigan elektron tender(tanlov) savdolari orqali aniqlanishi belgilangan [1].


Shuningdek, "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonunning 81-moddasiga asosan Davlat xaridlari subyektlari va ularning mansabdor shaxslari ushbu Qonunga va boshqa qonunchilik hujjatlariga, shuningdek korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi qonunchilikka muvofiq davlat xaridlari to'g'risidagi qonunchilikka rioya etilishi va shartnoma bo'yicha o'z zimmasiga yuklatilgan majburiyatlar lozim darajada bajarilishi uchun javobgar bo'ladi. [2]

Davlat xaridlari deganda, davlat ehtiyojlari uchun tovar yoki ish(xizmat)larni xarid qilishdir. Davlat xaridlarining oqilona tashkil etilishi va samara keltirishi bevosita g'aznachilik tizimi orqali nazorat qilinadi. Taraqqiyot Strategiyasida belgilab olingan muhim chora-tadbirlardan biri bo'lgan: "makroiqtisodiy mutanosiblikni saqlash, qabul qilingan o'rta muddatli dasturlar asosida tarkibiy va institutsional o'zgarishlarni chuqurlashtirish hisobiga yalpi ichki mahsulotning barqaror yuqori o'sish sur'atlarini ta'minlash"da davlat xaridlari tizimi iqtisodiyotni tartibga solishning muhim richagi sifatida maydonga chiqadi.

O'roqov U. Y. ilmiy ishlarida "g'aznachilikda davlat xaridlarini samarali tashkil etish va uni takomillashtirish yo'llari" o'rganilgan [4]. Chinulov Q.R. O'roqov U.Y.lar tadqiqot ishlarida

"O'zbekistonda davlat xaridlarining takomillashuvining huquqiy asoslari va uni rivojlanirishning ustuvor yo'nalishlari" keng yoritilgan[5-6]. G'aznachilik tizimida budget mablag'laridan samarali foydalanish masalalari M. D. Zokirov ilmiy ishlarida o'rganilgan [7].

Davlat xaridlari uchun yo'naltirilayotgan mablag' jamiyat a'zolari tomonidan yaratilgan milliy daromadning tarkibiy qismidir, davlat xaridlarini tashkil etish va amalga oshirish aniq belgilangan o'lchovlar va mezonlarga, qat'iy moliyaviy intizomga rioya qilgan holda samarali tashkil etilishi shart. Bu borada Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyevning quyidagi fikrlari o'rinaldir: "budget mablag'laridan samarali foydalanish tizimini yanada takomillashtirish zarur" [3] dir deb ta'kidlaganlari davlat xaridlarining samarali tashkil etilishi nechog'lik dolzarb ekanligini ko'rsatadi. Davlat xaridlari budget tashkilotlari va budgetdan mablag' oluvchilar tomonidan sotib olinganda, ularning to'g'ri tuzilganligi, korrupsiyaga yo'l qo'yilmaganligi, narx-navoning oshirib ko'rsatilmaganligi, umuman amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq kelishi g'aznachilik tomonidan amalga oshiriladigan dastlabki va joriy nazorat orqali amalga oshiriladi. Davlat xaridlariga har bir davlatda har hil olimlar tomonida turlicha ta'riflar keltirilgan ularni quyida ko'rishimiz mumkin.



**1-rasm. Davlat xaridlarining ta'riflari [4]**


Davlat xaridlari tizimining qonuniy asoslarining zarurligi.

- davlat xarajatlarning kattagina qismi davlat xaridlari orqali amalga oshirilib, xaridlar iqtisodiyotga bevosita ta'sir ko'rsatadi.
- davlat xaridlarini oqilona amalga oshirilishini hamda yuqori samaradorligini ta'minlash iqtisodiyot uchun juda muhimdir.
- davlat xaridi davlatning iqtisodiyotni tartibga soluvchi muhim richagidir.

Aynan mazkur jihatlar davlat xaridlari tizimini tartibga soluvchi qonunchilik hujjatlarini ishlab chiqish va takomillashtirishni taqozo qiladi. Hozirgi kunda bir qancha qonuniy hujjatlar davlat xaridlarini amalga oshirishga asos bo‘ladi bular:

- O‘zbekiston Respublikasining Budget Kodeksi;
- O‘zbekiston Respublikasining “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi Qonuni;
- O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2007 yil 28 fevraldagi “Davlat budgetining g‘azna ijrosi tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-594 sonli qarori.


O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi davlat xaridlari sohasida davlat siyosati shakllanishi va amalga oshirilishini ta‘minlaydi. Qolaversa, davlat xaridlari sohasida budget tizimi budjetlari mablag‘laridan oqilona foydalanish, xarid qilish tartib-taomillari turlarini takomillashtirish va ularning qo‘llanilishini kengaytirish, shuningdek tadbirkorlik sub‘ektlarining keng ishtirokini ta‘minlash yuzasidan choralar ko‘radi.



**2-rasm O‘zbekiston Respublikasi davlat xaridlari tovar (ish, xizmat)lar toifalari kesimida 2022. [5]**

O‘zbekiston Respublikasi fuqarolari, fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari, shuningdek qonunchilikda belgilangan tartibda ro‘yxatdan o‘tkazilgan nodavlat notijorat tashkilotlari va ommaviy axborot vositalari davlat xaridlari to‘g‘risidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan jamoatchilik nazoratini amalga oshirishga haqli. Jamoatchilik nazoratini amalga oshiruvchi O‘zbekiston Respublikasi fuqarolari, fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari, shuningdek qonunchilikda belgilangan tartibda ro‘yxatdan o‘tkazilgan nodavlat notijorat tashkilotlari va ommaviy axborot vositalari:

1. davlat xaridlari to‘g‘risidagi qonunchilikni takomillashtirishga doir takliflar tayyorlashga;
2. xarid qilish tartib-taomillarini amalga oshirish va shartnomalarni bajarishning borishi to‘g‘risida axborot taqdim etish haqidagi so‘rovlarni davlat buyurtmachilariga yuborishga;
3. xarid qilish tartib-taomillari yuzasidan mustaqil monitoringni va davlat xaridlari samaradorligini baholashni, shu jumladan ularning “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi Qonun talablariga muvofiqligini baholashni amalga oshirishga;
4. tekshiruv tadbirlarini o‘tkazish tashabbusi bilan davlat organlariga murojaat qilishga haqidirlar. Shuningdek, jamoatchilik vakillari davlat buyurtmachisi, davlat xaridlari elektron tizimi operatori, vakolatli organ, xarid komissiyalari va ularning a‘zolari harakatlarida (harakatsizligida) qoidabuzarliklar aniqlangan hollarda huquqni muhofaza qiluvchi organlarga murojaat qilishga yoki qonunchilikka muvofiq sudga murojaat qilish vakolatiga ham ega hisoblanadilar.



**3-rasm. Davlat buyurtmachilari tomonidan amalga oshirilgan xaridlar (2022) [6]**

Davlat xaridlarida III va IV guruh xarajatlari bo‘yicha yuridik majburiyatlarni ro‘yxatga olish uchun g‘aznachilikka taqdim etiladigan hujjatlar:

- Shartnoma
- Ijrochinining tegishli litsenziyasi
- Tovarining sifat sertifikatini
- To‘lovlar grafigi
- Xarid komissiyasining qarori

Davlat xaridlarini amalga oshirishda G‘aznachilikning huquqlari va majburiyatlari ham mavjudir.

- taqdim etilgan shartnoma uch ish kuni ichida ko‘rib chiqiladi, to‘g‘ri rasmiylashtirilgan bo‘lsa ro‘yxatdan o‘tkaziladi, aks holda kamchiliklar ko‘rsatilgan holda buyurtmachiga qaytariladi.
- narxlar monitoringini amalga oshiradi, tovar (ish, xizmatlar) uchun belgilangan chegara narxlarini budjet tashkilotlariga yetkazadi
- tuzilgan shartnomalarda budjet mablag‘larini suiste‘mol qilish hollari aniqlansa, huquqni muhifaza qilish organlariga xabar beradi va tegishli ma‘lumotlarni ularga taqdim etadi.

Davlat xaridlari tizimi iqtisodiyotning muhim tarkibiy qismi hisoblanib, Jahon Savdo Tashkilotlarining ma‘lumotlariga ko‘ra ko‘plab mamlakatlar yalpi ichki mahsulotining 15-20 foizini egallaydi, shu sababli ham davlat xaridlari jarayoni davlat tomonidan qat‘iy tizimli nazorat qilinishi zarur. Shuningdek, davlat xaridining ahamiyati- davlat sektorining mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy rivojidadagi alohida roldan kelib chiqib, uning uzluksiz va samarali faoliyati uchun zarur tovarlar, xizmatlar va ishlar bilan o‘z vaqtida ta‘minlash muhim ahamiyatga ega. Davlat xaridlari esa ayni shu maqsad yo‘lida xizmat qiladi.

Davlat xaridlari tizimidagi asosiy muammolardan biri bu korporativ buyurtmachilarning xaridlarini g‘aznachilik ijrosi tizimiga qamrab olinmaganligidir, kelgusida davlat korxonasi va tashkilotlarining davlat xaridlari tizimini g‘aznachilik ijrosi tizimiga qamrab olinishini tashkil etish va takomillashtirish orqali davlat mablag‘laridan foydalanish samaradorligini oshirishga erishish zarur.

## Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Budget kodeksi. O‘RQ-360-son, 26.12.2013y (2021-yil 21-apreldagi O‘RQ-683-sonli Qonuni tahririda)
2. O‘zbekiston Respublikasining “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi Qonuni, 22.04.2021 yildagi O‘RQ-684-son.
3. O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligining buyrug‘i bilan tasdiqlangan “O‘zbekiston Respublikasi budjet tizimi budjetlarining g‘azna ijrosi qoidalari” (22.11.2016 y. №88).
4. O‘roqov U.Yu. Davlat xaridi. O‘quv qo‘llanma. T.: «Nihol print» OK, 2022. 200 b.
5. U.O‘roqov, E.Shodmonov, D.Bobobekova. Davlat xaridlarini boshqarish. T.-2022 y..
6. O‘roqov U.Y. Chingulov Q. R. O‘zbekistonda davlat xaridlarining takomillashuvining huquqiy asoslari. «Xalqaro moliya va hisob» jurnali, 2017 yil 8-son
7. Zokirov M. D. G‘aznachilik tizimida budjet mablag‘laridan samarali foydalanish masalalari. “Hududlar moliyaviy salohiyatini yuksaltirishda xizmat ko‘rsatish sohasining ahamiyati” mavzucidagi respublika ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari to‘plami. TMI, 2017 yil 12 aprel
8. www.lex.uz
9. www.mf.uz
10. www.gov.uz

UDK:330.14

## THE NEGATIVE IMPACT OF THE COVID-19 PANDEMIC ON HUMAN CAPITAL DEVELOPMENT AND STRATEGIES TO ENHANCE THE ROLE OF HUMAN CAPITAL IN THE DEVELOPMENT OF AN INNOVATIVE ECONOMY

## COVID-19 ПАНДЕМИЯСИНИНГ ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ

## НЕГАТИВНОЕ ВЛИЯНИЕ ПАНДЕМИИ COVID-19 НА РАЗВИТИЕ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА И СТРАТЕГИИ ПОВЫШЕНИЯ РОЛИ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА В РАЗВИТИИ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ

**Khushvaktova Habiba Odil kizi**  
Doctoral student of the National University of Uzbekistan

### Abstract

The aim of human capital development is to expand choices for individuals. Two key criteria for identifying high potential in human well-being include societal recognition and the rationality of choices in relation to potential alternatives. This research focuses on proposing scientific and practical recommendations to enhance investment in human capital within the context of an innovative economy. The study substantiates the socio-economic nature of human capital, identifies opportunities for human development in Uzbekistan through a comparative analysis of global experiences, assesses the impact of the global financial crisis on human capital investment, examines the negative effects of the COVID-19 pandemic on human capital development, and offers solutions.

**Keywords:** Human capital, intellectual potential, brand capital, infrastructure, innovative economy, digital economy, labor potential, wages, development trends.

Инсон капиталини ривожлантиришнинг мақсади одамлар учун танлов имкониятларини кенгайтиришдир. Инсон фаровонлигидаги юқори потенциални аниқлашнинг иккита асосий мезони жамият томонидан тан олинishi ва потенциал

муқобилларга нисбатан танловнинг оқилоналигини ўз ичига олади. Ушбу тадқиқот инновацион иқтисодиёт шароитида инсон капиталига инвестицияларни кучайтириш бўйича илмий ва амалий тавсияларни таклиф қилишга қаратилган. Тадқиқот инсон капиталининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини асослаб беради, жаҳон тажрибасини қиёсий таҳлил қилиш орқали Ўзбекистонда инсон ривожланиши имкониятларини аниқлайди, жаҳон молиявий инқирозининг инсон капиталига инвестицияларга таъсирини баҳолайди, COVID-19 пандемиясининг салбий оқибатларини ўрганади. инсон капиталини ривожлантириш масалалари бўйича ва ечимларни таклиф этади.

**Калит сўзлар:** Инсон капитали, интеллектуал салоҳият, бренд капитали, инфратузилма, инновацион иқтисодиёт, рақамли иқтисодиёт, меҳнат салоҳияти, иш ҳақи, ривожланиш тенденциялари.

Целью развития человеческого капитала является расширение возможностей выбора, доступных людям. Два ключевых критерия определения высокого потенциала благосостояния человека включают социальное признание и рациональность выбора относительно потенциальных альтернатив. Целью данного исследования является предложить научно-практические рекомендации по увеличению инвестиций в человеческий капитал в условиях инновационной экономики. В исследовании обоснована социально-экономическая природа человеческого капитала, определены возможности человеческого развития в Узбекистане на основе сравнительного анализа мирового опыта, оценено влияние мирового финансового кризиса на инвестиции в человеческий капитал, изучены негативные последствия пандемии COVID-19. 19 пандемия. по вопросам развития человеческого капитала и предлагает решения.

**Ключевые слова:** Человеческий капитал, интеллектуальный потенциал, бренд-капитал, инфраструктура, инновационная экономика, цифровая экономика, трудовой потенциал, заработная плата, тенденции развития.

In the context of globalization of the world economy, the acceleration of the competitive environment poses serious challenges to national economies.

Шу ўринда С.М. Сафаровнинг илмий тадқиқотлари натижаларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Унинг фикрича, «ижтимоий тадбиркорлик фаолияти хусусий сектор ва ижтимоий соҳанинг ўзаро кесишган нуқтасида ташкил этилади» [1]. Олим изланишларида ижтимоий тадбиркорлик фаолияти жамият аъзолари томонидан амалга ошириладиган ҳайрия ва ишлари билан тадбиркорлик фаолиятининг ўзаро аралашуви натижасида ташкил топшиши тўғрисида қатор илмий қарашлар мавжудлиги билан аввалги тадқиқотлардан фарқланади (1-расмга қаранг).



1-расм. Ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш механизми [2]

Шу билан биргаликда, Буюк Британиянинг Ҳайрия ёрдам фонди (Charities Aid Foundation - CAF) томонидан халқаро миқёсда амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, жаҳон амалиётида ижтимоий тадбиркорликнинг турли ҳайрия ва грантларга йўналтирилган субъектларидан тортиб соф тижоратга ихтисослашган шакллари мавжуд. Тараққий этган мамлакатлар амалиётида ижтимоий тадбиркорлик субъектлари фаолияти мамлакатдаги ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашда турли халқаро грантлар ва ҳайрия маблағларидан фойдаланган ҳолда жамият ҳаётидаги ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган бўлса, аксарият базор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатларда эса ижтимоий тадбиркорлик асосан тижорат мақсадида ташкил этилганлиги билан характерланади. [3] Шу сабабли ҳам тараққий этган мамлакатларда ижтимоий тадбиркорлик субъектлари фаолияти базор иқтисодиёти

шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар амалиётига нисбатан сезиларли даражада самарали эканлиги кўп бора халқаро экспертлар томонидан эътироф этилган.



2-расм. Ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш шарт-шароитлари [4]

Буюк Британиянинг Ҳайрия ёрдам фонди (Charities Aid Foundation - CAF) томонидан ўтказилган тадқиқотлари натижаларига асосланган ҳолда, мамлакатда ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш шарт-шароитларини 2-расмда келтириб ўтдик. Таҳлилларга кўра, жаҳон амалиётида ижтимоий тадбиркорликни ривожлантиришда ҳайрия ишлари фақатгина ушбу субъектлар фаолиятини молиялаштириш учун қўлланилиши ҳолатлари учраб турганлиги сабабли фақатгина бир томонлама самарали бўлиш эҳтимоли юқори бўлган ҳолат сифатида деб баҳоланади. Бунда ижтимоий тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳайрия фондлари, ёки жисмоний шахслар томонидан ушбу корхонага йўналтирилган ҳайрия маблағларига мос бўлган ижтимоий хизматлар кўрсатилиши ва бунда корхонанинг тижорат мақсадига устуворлик қаратилганлиги бир томонлама самарадорликни кучайтириб юбориши инobatга олинган. Умумий ҳолда, ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини ривожланишида тижорат мақсади устувор бўлмаслиги талаб этилади. Агарда мамлакатда тижорат мақсади устувор бўлган ижтимоий тадбиркорлик субъектлари фаолияти ривожлана бошласа, у ҳолда бу мамлакатда ижтимоий тадбиркорлик эмас, балки тадбиркорлик фаолияти ривожланаёпти, деган хулосага келиш мумкин бўлади.

“Корея ҳукумати оммавий ишсизлик даражасининг кескин ортиши ва фуқароларнинг кун кечирishi тобора ёмонлашиб қолган паллада оқилона ёндашгани бугунгача ўз сўзини айтиб келмоқда. Бунда 10 йиллик тажриба асосида 2007 йилга келиб, “Ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида”ги Қонун қабул қилингани соҳа ривожига янги нафас берганини ҳам айтиш жоиз. Зеро дунё миқёсида “ижтимоий тадбиркорлик”нинг ягона таърифи (ҳатто бугунги кунга қадар) мавжуд бўлмаган ҳолатда Корея бу қонун билан янги босқичга кўтарилди. Айни пайтда Жанубий Кореяда давлат миқёсида ижтимоий корхоналарини қўллаб-қувватлаш агентлиги ва Ижтимоий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси фаолият олиб бормоқда. Бу эса, мунтазам равишда соҳани такомиллаштириш ва унда учраётган муаммоларни ўз вақтидан кечиктирмай бартараф этиш имконини беради” [5].

“Айнан 2007 йилда мамлакат ЯИИМда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 71,5 фоизни ташкил этди. Бунда ижтимоий тадбиркорликнинг ўрни катта албатта. 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, Жанубий Кореяда иш ҳақи 7,47 АҚШ долларига тенг. Эътиборлиси, алоҳида

“Тижорат кодекси” ишлаб чиққан давлатда бу кунлик эмас, бир соатга тўланадиган ҳақ. 1963 йилда аҳолининг ЯИМ бўйича харид қобилияти паритети 100 \$ бўлган ва бу кўрсаткич 2014 йилга келиб, 35 000 \$ га кўтарилган, бугунги кунда аҳолисининг 60 фоиздан ортиғи кичик бизнесда ишлаётган давлат тажрибаси, шу тариқа ўрганиш ва маҳаллий талаб ҳамда шароитдан келиб чиқиб, ўзимизда қўллашга арзийди, назаримизда.

Айниқса, ишлаб чиқиладиган қонун лойиҳасида ижтимоий хизматлар тури, тартиби, аввало аҳолининг заиф қатламлари ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар аъзоларини, жумладан ногиронлиги бор шахсларни доимий иш ўрни билан таъминлаганларга қўлланадиган преференция ва имтиёзлар каби муҳим жиҳатларни алоҳида инобатга олиш лозим” [6].

Шу билан биргаликда, ижтимоий тадбиркорлик субъектлари мамлакатда эркин ривожланишлари учун уларга давлат томонидан ҳар тарафлама кенг имкониятлари яратилиши талаб этилади. Бундай имкониятлар ажратиш зарурияти сифатида, тадбиркорлик субъектларидан фарқли ўлароқ, ижтимоий тадбиркорлик вакиллари давлатнинг жамият олдидаги маълум бир ижтимоий мажбуриятлари ўз зиммасига олаётганлиги билан изоҳланади. Бу эса ўз навбатида давлатнинг ижтимоий соҳага йўналтирилаётган харажатлари ҳажмини кескин камайишига олиб келади.

Жаҳон амалиёти таҳлиliga кўра, ижтимоий тадбиркорлик фаолиятининг яна бир муҳим жиҳати улар корхона соф фойдасини маълум бир қисмини ҳайрияга йўналтираётганлигида намоён бўлади. Бунда ижтимоий тадбиркорлик субъектлари томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар жамиятнинг ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли гуруҳлари учун имтиёзли нархларда белгиланиш ҳолатлари ҳам инобатга олинади.

Иқтисодий адабиётда мамлакатдаги молиявий, ташкилий, ижтимоий ва экологик барқарорликни таъминлашда ижтимоий тадбиркорлик муҳим аҳамият касб этиши тўғрисида қўплаб илмий қарашлар шаклланган. Жумладан, Ж.Г. Дийс, Р.Л. Мартин, Ж. Аустин, Ж. Мэйр [7] кабиларнинг илмий тадқиқотлари натижаларида шу каби ўзаро ўхшаш хулосалар олинган. Ушбу олимлар томонидан ўтказилган илмий тадқиқотларни таҳлил қилиш асосида ижтимоий тадбиркорлик учун хос бўлган қуйидаги хулосалар мавжудлиги аниқланди:

- глобал ижтимоий муаммоларга қарши курашишнинг замонавий шакли;
- ижтимоий соҳанинг тадбиркорлик фаолияти билан ўзаро уйғунлашуви;
- тадбиркорлик субъектлари томонидан ижтимоий мажбуриятларнинг бажарилиши;
- жамият аъзолари билан хусусий сектор, яъни тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ижтимоий жавобгарлик бўйича ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг интеграциялашуви;
- ижтимоий манфаатларнинг иқтисодий манфаатлардан кўра устун қўйилиши;
- давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро ижтимоий ҳамкорлик муносабатларининг янги босқичга ўтиши маҳсули ва ҳ.к.

Мамлакатда ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш нафақат жамият ҳаётидаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, балки, иқтисодий соҳадаги ижобий ривожланиш тенденцияларига эришиш имконини беради. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин бўлади:

- мамлакат иқтисодиётида ижтимоий инновациялардан фойдаланишнинг кенгайиши;

[8]

- ижтимоий тадбиркорлик билан тадбиркорлик фаолияти чегараларининг ўзаро ажратилиши натижасида мамлакат иқтисодиётининг янги бир мустақил соҳасининг ривожланиши; [9]

- мамлакатда камбағаллик даражасини камайтиришнинг самарали механизмини шакллантириш ва аҳолининг қўшимча даромад олиш имкониятларини кенгайтириш; [10]

- ижтимоий тадбиркорликни мамлакат ижтимоий барқарорлигининг «дарйвери»га айланиши; [11]

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари билан хусусий сектор, яъни ижтимоий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги интеграцион муносабатларнинг кучайиши; [12]

Шу билан биргаликда, иқтисодий адабиётда ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича тадқиқотларни таҳлил қилиш асосида ушбу хўжалик юритиш соҳаси учун хос бўлган қуйидаги тамойилларнинг мавжудлиги аниқланди [13]:

- ижтимоий йўналтирилганлик – бунда ижтимоий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилганлиги назарда тутилади. Жумладан, ижтимоий тадбиркорлик субъектлари томонидан аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий хизматларнинг аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламлари учун имтиёзли нархларда амалга оширилиши, мазкур хўжалик юритиш шаклида жамиятнинг ижтимоий манфаатлари устувор аҳамият касб этганлиги билан изоҳланади;

- адолатлилик – бунда ижтимоий тадбиркорлик субъектлари томонидан аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишда барча истеъмолчиларга уларнинг келиб чиқиши, миллати, этники, қадрияти, оилавий ва ижтимоий ҳолатларидан қатъий назар бирдек хизмат кўрсатилиши назарда тутилади;

- тенглилик – мазкур тамойил ижтимоий тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилаётган ижтимоий хизматлардан барча аҳоли гуруҳлари бирдек фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилади. Айрим иқтисодчи олимлар томонидан ушбу тамойил «тенг ҳуқуқлилик» тамойили деб ҳам аталади;

- кенг қамровлилик – бунда ижтимоий тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилаётган ижтимоий хизматларнинг қамров даражасини оширишга бўлган интилишларининг мавжудлиги эътиборга олинади. Ушбу тамойил юқорида келтирилган «адолатлилик» ва «тенглилик» тамойилларини тўлдирувчи тамойил ҳисобланади;

- аниқ мақсадга йўналтирилганлик – мазкур тамойил ижтимоий тадбиркорлик субъектларининг жамият ҳаётидаги маълум бир йўналишдаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилганлиги билан изоҳланади. Айрим тадқиқотларда ушбу тамойил «манзиллилик» тамойили деб ҳам аталади.

- яратувчанлик тамойили – бунда ижтимоий тадбиркорлик субъектларининг тадбиркорлик фаолиятига хос бўлган хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг ижтимоий муаммоларни ҳал этишга бўлган янгича ёндашувлар ва уларни ҳал этиш усулларини амалиётга жорий этишга бўлган интилишлари инobatга олинади. Мазкур тамойилнинг амал қилиш самарадорлиги ижтимоий тадбиркорлик субъектлари томонидан амалиётга тадбиқ этилаётган ижтимоий инновациялар ва корхоналарнинг инновацион фаоллиги кўрсаткичлари орқали баҳоланади;

- мослашувчанлик – ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг авж олиши шароитида жамият ҳаётидаги мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ижтимоий тадбиркорлик субъектларининг тезкорлик билан мослашувчанлиги назарда тутилади.


Ижтимоий тадбиркорликни ривожлантиришнинг жаҳон амалиёти таҳлиliga кўра, ҳар бир мамлакат ижтимоий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш имкониятлари турлича. Жумладан, ижтимоий тадбиркорликни ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатиши турли илмий тадқиқотлар натижасида аниқланган (3-расмга қаранг) [14]:

- ижтимоий-демографик омиллар – мазкур омиллар қаторига мамлакат аҳолисининг сони, уларнинг ёши ва жинси бўйича таркиби, аҳоли ижтимоий гуруҳлари ва уларнинг турмуш шарт-шароитлари, миграцион жараёнлар, мамлакатдаги мавжуд ижтимоий муаммолар ва уларнинг ҳолати кабилар киради;

- иқтисодий омиллар – бунда мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари, мамлакат иқтисодиётида тадбиркорликни, жумладан, ижтимоий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари инobatга олинади;

- молиявий омиллар – бунда ижтимоий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш мақсадида давлат томонидан ажратилаётган субсидиялар, дотациялар, тижорат банклари томонидан ушбу соҳани кредитлаш шартлари, соҳага маҳаллий ва хорижий

инвестицияларни жалб этиш ҳолати, ижтимоий тадбиркорлик субъектларининг молиявий имкониятлари назарда тутилади;



**3-расм. Мамлакатда ижтимоий тадбиркорликни ривожлантиришга таъсир қилувчи омиллар**

- ижтимоий ҳимоя тизими билан боғлиқ омиллар – бунда мамлакатда амал қилаётган ижтимоий ҳимоя тизими ва унинг самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлил қилинади. Яъни ижтимоий ҳимоя тизими ҳал эта олаётган ёки ҳал эта олмаётган ижтимоий муаммоларнинг турлари ва уларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда, тегишли соҳаларда ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш зарурияти ортади. Аксарият ҳолатларда мамлакат ижтимоий ҳимоя тизими ҳал эта олмаётган соҳаларда ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш юқори самарага эришиш имконини беради;

- меъерий-ҳуқуқий омиллар – мамлакатда ижтимоий тадбиркорлик фаолияти, жумладан, ижтимоий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш, ушбу соҳада хўжалик фаолияти юритишга оид бўлган меъерий-ҳуқуқий нормаларнинг ишлаб чиқилганлиги;

- экологик омиллар – ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш нафақат ижтимоий, балки, атроф-муҳит, экологик шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли экологик омиллар ҳам маълум бир даражада ушбу соҳани ривожлантиришга таъсир кўрсатади;

- институционал омиллар – мазкур омиллар мамлакатда ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида фаолият юритаётган давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари каби ташкилотлар билан ижтимоий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар самарадорлигига таъсир кўрсатади;

- сиёсий – мамлакатдаги сиёсий ҳолат нафақат ижтимоий тадбиркорлик, балки ҳар қандай соҳани ривожланишига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар ҳисобланади;

- инфратузилма билан боғлиқ омиллар – ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда мамлакатдаги нафақат ижтимоий, балки иқтисодий инфратузилманинг ривожланганлик ҳолати муҳим аҳамият касб этади.

Талқиқотларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, мамлакатда ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бозор иқтисодиёти шароитида жамият ҳаётидаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш самарадорлигини ошириш имкониятларини кенгайтиради. Шу билан биргаликда, мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этишга инновацион ёндашувнинг кучайишига олиб келади. Жумладан, мамлакатда давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини бажариш мажбуриятларининг босқич-босқич давлат-хусусий шериклик



механизми асосида хусусий сектор вакилларига ўтказиб борилиши натижасида замонавий аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини шаклланишига етарли даражада шарт-шароитлар яратди. Пировард натижада мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги таъминланади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Сафаров С.М. Основы социального предпринимательства: учебное пособие. 2-е изд. испр. и доп. Иваново: Издательство «Роща», 2021. – 212 с.
2. Financing Civil Society: A practitioner’s view of the UK social investment market. Venturesome. CAF. September 2008. 35 p.
3. Dees, J.G. and Battle Anderson, B. (2006) Framing a theory of entrepreneurship: Building on two schools of practice and thought. ARNOVA Occasional Paper Series: Research on Social Entrepreneurship: Understanding and Contributing to an Emerging Field, 1 (3), pp. 39-66;
4. Martin, R.L. and Osberg, S. (2007). Social entrepreneurship: the case for definition. Satnford Social Innovation Review, 5 (2), pp. 28-39;
5. Austin, J., Stevenson, H. and Wei-Skillern, J. (2006). Social and commercial entrepreneurship: Same, different, or both? Entrepreneurship Theory and Practice, 30 (1), pp. 1-22;
6. Mair, J. and Marti, I. (2006) Social Entrepreneurship Research: A Source of Explanation, Prediction, and Delight. World Business Journal, 41 (1), pp. 36-44
7. Беспалый С.В. (2020) Социальное предпринимательство и его роль в социальном воздействии на общество. Grand Altai Research & Education, 1, pp. 33-41
8. Peredo, A.M. and McLean, M. (2006) Social entrepreneurship: a critical review of the concept. World Business Journal, 41 (1), pp. 56-65
9. Nyssens, M. and Defourny, J. (2010). Conceptions of Social Enterprise and Social Entrepreneurship in Europe and the United States: Convergences and Divergences. Journal of Social Entrepreneurship, 11, pp. 32-53.
10. Hemingway, C. and Maclagan, P. (2004) Personal values of managers as drivers of corporate social responsibility. Journal of Business Ethics, 50, pp. 33-44
11. Nyssens, M. and Defourny, J. (2010). Conceptions of Social Enterprise and Social Entrepreneurship in Europe and the United States: Convergences and Divergences. Journal of Social Entrepreneurship, 11, pp. 32-53.
12. Swanson, L.A. and Zhang, D. (2010). The Social Entrepreneurship Zone. Journal of Nonprofit & Public. Sector Marketing, 22 (2), pp. 71-88;
13. Kickul, J. and Lyons, T.S. (2015) Financing Social Enterprises. Entrepreneurship Research Journal, 5 (2), pp. 83-85;
14. European Commission, Directorate-General for Employment, Social Affairs and Inclusion, Nogales, R., Diaz, M. and Marcuello, C. (2020) Social enterprises and their ecosystems in Europe: country report: Spain, Publications Office, 130 p.

**АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ МЕНЕЖЕРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ РАҚАМЛИ  
ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОСҚИСИДА МУҲИМ ОМИЛ**

**TRAINING OF INFORMATION SYSTEMS MANAGERS AS AN IMPORTANT FACTOR  
AT THE STAGE OF DIGITAL ECONOMY DEVELOPMENT**

**ПОДГОТОВКА МЕНЕДЖЕРОВ ИНФОРМАЦИОННЫХ СИСТЕМ КАК ВАЖНЫЙ  
ФАКТОР НА СТАДИИ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ**

**Sagatov Miraziz Vorisovich**  
**D.Sc., professor, head of department**  
**“Information technologies”**  
**Tashkent state technical university**  
**named after Islam Karimov**

**Sarimsakov Xamid Usmanovich**  
**Candidate of economical sciences, docent**  
**Andijan machine-building institute**

**Abstract**

The article is devoted to the analysis of theoretical and technological aspects of the activities of information systems managers, and the methodological foundations of their training. The requirements of scientific, technical and socio-economic progress for the training of information systems managers are considered. It is substantiated that the training of information systems managers is an urgent task at the stage of development of the digital economy.

**Keywords:** Information systems managers, digital economy, management, information management.

Мақола ахборот тизимлари менежерларининг фаолиятини назарий ва технологик аспектларини ва уларни тайёрлашнинг методологик асосларини таҳлилга бағишланган. Ахборот тизимлари менежерларини тайёрлашнинг илмий-техник ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётини талаблари ва уларни компетентлик масалалари кўриб чиқилган. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш босқичида ахборот тизимлари менежерларини тайёрлаш долзарб вазифа эканлиги асослаб берилган.

**Калит сўзлар:** Ахборот тизимлари менежерлари, рақамли иқтисодиёт, менеджмент, ахборотни бошқариш.

Статья посвящена анализу теоретических и технологических аспектов деятельности менеджеров информационных систем, методологических основ их подготовки. Рассмотрены требования научно-технического и социально-экономического прогресса к подготовке менеджеров информационных систем. Обосновано, что подготовка менеджеров информационных систем является актуальной задачей на стадии развития цифровой экономики.

**Ключевые слова:** Менеджеры информационных систем, цифровая экономика, менеджмент, управление информацией.

The digital economy is a factor of economic growth and the basis of innovation infrastructure, a technological basis for creating new products and services, accelerates management decision-making, and enhances the intellectual potential of the individual and society as a whole. The digital economy promotes the development of communications and the introduction of

innovations in communications; it combines computers, computer networks and information technology. The strategic goals of the digital economy are:

- increasing national research potential by intellectualizing jobs, replacing real experiments with computer ones and providing access to the world's scientific database;
- inclusion of the experience of leading specialists in expert systems and their implementation in the practice of organizations;
- automation of the production and distribution of goods and services;
- optimization of organizational management, creation of a unified state database of production, natural and human resources;
- minimizing the “entropy” of the entire socio-economic system by eliminating the waste of materials, energy, transport services, etc.

The global nature of information technologies and the scale of their applications throughout the world increasingly determine the structure of the economic system, making it directly dependent on the direction of technological change. The digital economy includes the use of information and communication systems in management at all levels, their effectiveness in making management decisions, as well as e-commerce. The digitalization factor also includes organizations that develop software and other types of information technology, as well as the assembly and maintenance of computers. [1, 2]

When planning the development of information systems, the main thing is the relationship between the characteristics of the existing information system and the criteria of individual stages of the development model. The strategic plan for the development of the information system provides for measures in the following main areas: costs for information technology, the structure of operating modes and the organization of processing processes, methods of managing the information system and the impact on the positions of users.

Models of the stages of development of information systems are the initial basis for research on the use of information technologies, the development of information systems and the patterns of their implementation in enterprises and organizations. Models of development stages make it possible to identify the interaction between an information system and their environment and thus determine success factors in the implementation of information systems and is the main approach that allows planning their development. [3]


Over the course of a considerable period of time, management science has developed fundamental principles that substantiate the need for centralization of management, a monocentric management system, direct management of enterprises by the state, restrictions on their economic independence, a rigid management system and connections between enterprises.

Until now, on the basis of foreign and domestic experience, a certain system of views on managing the economy (and society as a whole) in the transition period has been formed, which constitutes a new management paradigm. Important of its provisions are:

- the need to study and implement scientific management methods into widespread practice, taking into account the increasing dynamism of social processes and the progress of science and technology;
- the need to ensure the formation and functioning of business entities as open, socially oriented systems. Each organization that operates in a market environment must independently resolve issues that relate not only to the internal organization, but also to the entire set of connections with the external environment. Marketing research, expansion of foreign economic relations, attracting foreign capital, establishing communications is an incomplete list of those tasks that were previously beyond the competence of organizations.

Management in the state and non-state sectors can become a real driving force of social development only if a sufficient amount of knowledge about management itself is accumulated and if this knowledge is respected and practically used. Management must be carried out exclusively by competent specialists specially trained for this purpose. Based on the processes of production, reproduction and types of activities, there are objectively several types of management, which are listed in Table 1.

Table 1



In order to increase the effectiveness of management, the division of labor of managers is carried out, that is, the specialization of managerial workers to perform certain functions (types of activity), the delimitation of their powers, rights and areas of responsibility.

With the convergence of data processing, computers and telecommunications, there is a need to define the roles, functions and relationships of specialists in areas such as information resource management, computer industry specialists and end users of information systems in the implementation of new information technologies in organizations. Information management covers the creation, coordination, retrieval and dissemination of information by all means in order to improve the functioning of the organization.

Information management is aimed at making the most economical and effective use of information for the benefit of the business. The main components of information management are shown in Figure 1.

The stages of development of information systems from initial, when computer technology is used very little, to developed, when the use of computer technology is an integral complex, the structure of which reflects the organization of information in the enterprise and its flows, a new computerization management technique is used, in which everyone is directly involved, associated with this process is the initial basis for research on the use of information technology, the development of information systems and the patterns of their implementation in enterprises and organizations.


Development stages make it possible to identify the interaction between an information system and its environment and thus determine success factors in the implementation of information systems and are the main approach that allows planning their development.

Knowledge of reliable and up-to-date information, along with the ability to effectively apply adequate methods and means of its collection, transformation and transmission, serves as the basis for the successful activities of any enterprise, organization, institution, regardless of their organizational and legal form.

An integral part of this process is the search for new organizational approaches based on the use of new information technologies that can reduce costs and improve product quality, increase the flexibility of production and management.

Differentiation of demand for all types of information - scientific, technical, economic, legal, governmental, to meet the growing needs of the user is becoming one of the urgent tasks in the

business sphere. In the development of a business, its infrastructure, including information infrastructure, plays a significant role.



**Figure 1. The main components of information management.**

The goal of implementing a business strategy regarding business information is to increase the use of available information, knowledge and experience. In order to supply goods and services to a growing economy, have an efficient structure and operate effectively, manage internal and external relationships, and make timely and intelligent decisions, businesses can no longer rely on traditional methods of collecting information. An active business strategy is based on the need for information and cannot be carried out in life without the widespread use of information technology. The computer in the office becomes an integrating device that allows you to combine multiple streams of information and process them. Business and financial information systems are rapidly developing, legal support for modern information technologies is being formed, and open access to the global flow of political, financial, scientific, technical, technological and other information is being formed. Used properly, technology can be a game changer for a business.

The training of specialists in managing the implementation and use of information systems in organizations is not presented as a separate training profile, although the curricula for training managers pay much attention to computer courses in various areas. Training information systems managers requires a systematic approach, justification of the specialist's didactic model, and the creation of a comprehensive model of an information systems manager. [4, 5, 6]

Based on the analysis performed, we can formulate problems that need to be solved:

- determining the stages of a systematic approach to the study of the pedagogical foundations of training information systems managers;
- justification of the didactic model of a specialist - information systems manager;
- development of a model of a specialist - information systems manager;
- defining the roles, functions and relationships of specialists in such areas as information management;
- consideration of the pedagogical conditions for the formation of an information systems manager;
- justification of the pedagogical feasibility of the training system;

- development of a system of recommendations for the effective implementation of the resulting model in the practice of educational institutions;
- diagnosing the effectiveness and forecasting the development of the training system for information systems managers.

Thus, the development and mastery of the scope and use of information systems served as a source for studying the typology of employment in this industry. There is a need for specialists in information resource management – information systems manager. The object of the professional activity of an information systems manager is the management of enterprise information resources, analysis, organization and coordination of information flows and data arrays, the formation of a concept for processing information in an enterprise using computer technology. The specialist’s task is to study the information needs of enterprise employees, provide them with reference and information support, organize the streamlining of documents and optimize document flows, and technology for processing information using information and communication technologies.

### List of used literature

1. Бархатов В.И. Формирование цифровой экономики: вызовы, реалии, перспективы и приоритеты развития / В.И. Бархатов, Ю.Ш. Капкаев, П.Р. Кадыров // Друкерровский вестн. — Новочеркасск, 2018. — №3 (23). — С.5-14.
2. Бачило И.Л. Цифровизация управления и экономики — задача общегосударственная // Гос-во и право. — М., 2018. — №2. — С.59-69.
3. Сагатов М.В. Информатизация - основа научно-технического и социально- экономического прогресса // Сборник материалов II-й международной научно-практической конференции «Промышленная экономика и менеджмент: проблемы и пути решения». - Т.: 2022.,349-352 стр
4. Аблязова, Гуськова, Егоршин: Менеджмент образования. Учебное пособие. ISBN: 9785987044483, 978-98704-448-3 Логос, 2009г. 308 с
5. Г. Г. Корзинкова. Менеджмент в образовании. Учебник. Издательство: Инфра-М., 2017 г, 352 с.
6. И. В. Роберт. Теория и методика информатизации образования. ISBN: 978-5-9963-0897-2. Издательство: Лаборатория знаний, 2014 г, 400 с.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ  
ИНВЕСТИЦИЯЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ  
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

IMPROVING THE ECONOMIC MECHANISM OF INCREASING THE INVESTMENT  
EFFICIENCY OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОГО МЕХАНИЗМА ПОВЫШЕНИЯ  
ИНВЕСТИЦИОННОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО  
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

Эргашев Илхомжон Икромович  
Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти,  
“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси доценти.

**Аннотация**

Мақолада, мамлакатимизда фаол тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш, уларга бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Мақсадли давлат дастурларини изчил амалга оширилишига катта эътибор қаратиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида фикр ва мулоҳазалар баён этилган.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, инвестиция, иқтисодий механизми, кредитларни кафолатлаш

В статье разработаны предложения и рекомендации, направленные на развитие активной бизнес-среды в нашей стране, создание благоприятных условий для ведения бизнеса. Представлены мнения и комментарии по совершенствованию деятельности субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства путем ориентации на последовательную реализацию целевых государственных программ.

**Ключевые слова:** Малый бизнес, частное предпринимательство, инвестиции, экономический механизм, кредитное поручительство.

In the article, proposals and recommendations aimed at developing an active business environment in our country, creating favorable conditions for doing business are developed. Opinions and comments on improving the activities of small business and private business entities by focusing on the consistent implementation of targeted state programs are presented.

**Key words:** small business, private entrepreneurship, investment, economic mechanism, loan guarantee.

Иқтисодиётни глобаллашуви шароитида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб таркибий ислохотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида баҳоланмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳа ва тармоқлари ривожланиш даражасининг барқарорлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлиги даражасини ошириш ва даромадлари базасини мустаҳкамлаш, мамлакатдаги рақобат ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштиришда айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт” [1]. Президентимиз томонидан коронавирус пандемиясидан кейинги даврда янгича ёндашув ва инструментларни қўллаш орқали иқтисодиётда ўсиш суръатларини таъминлаш учун барча имкониятлар борлигини таъкидлаб, шу борадаги 8 та асосий йўналишни кўрсатиб ўтди. Ушбу йўналишлар асосида ривожланишда кичик бизнес иқтисодиётнинг “ўсиш нуқтаси” этиб белгиланди. Шу билан бир қаторда, юқори технологияли тармоқларда кичик бизнес ҳиссаси камлиги қайд этилиб, бундай субъектларни давлат томонидан рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди ва ҳудудларда кичик саноат зоналари ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди. [2] Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг инвестицион жозибadorлигини ошириш, жумладан, кичик корхоналарнинг самарали инвестицион фаолият юритишини таъминлашга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишга устуворлик қаратилади.

“Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ушбу соҳада аҳоли бандлигини рағбатлантириш, шунингдек, соҳани инвестициялаш самарадорлигини ошириш ҳисобланади” [3]. Бунда мамлакатимида фаол тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш, уларга бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган мақсадли давлат дастурларини изчил амалга оширилишига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаб ўтганларидек, “Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм фаннинг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт” [4]. Ушбу мақсадларга эришишда “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида бизнес юритиш тартиб-таомилларини сезиларли даражада содалаштириш, инфратузилмани яхшилаш ва молиявий манбаларни кенгайтириш орқали тадбиркорликнинг изчил ўсиши таъминланмоқда” [5].

Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес соҳасини инвестициялаш самарадорлигини оширишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштиришда тараққий этган мамлакатлар амалиётини қиёсий таҳлил қилган ҳолда улардан мамлакатимиз амалиётида ижодий фойдаланиш имкониятларини аниқлаш лозим бўлади. Таҳлилларга кўра, аксарияти тараққий этган мамлакатларда кичик бизнесни инвестициялаш чора-тадбирлари давлат томонидан ушбу соҳани қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурларнинг таркибий қисмларидан ҳисобланади. Бунда кичик бизнес субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жумладан, ушбу соҳа учун субсидиялар ажратиш, уларни зарурий хом-ашёлар билан таъминлаш билан бир қаторда тегишли молиявий имтиёзларни жорий қилиш чора-тадбирларини ўзида мужассамлаштирган давлат буюртмаларини шакллантириш усулидан кенг фойдаланилади. давлат буюртмаларини шакллантириш усули орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бошқа усулларга нисбатан афзаллик жиҳатлари қуйидагиларда ўз аксини топади:

- рақобат курашидан нисбатан ҳимояланади;



- корхонанинг техник ва технологик имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш мумкин бўлади;

- ишчи кучидан унумли фойдаланиш имконияти вужудга келади;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун юқори нарх кафолатланади;
- корхонада ишлаб чиқариш барқарорлиги таъминланади ва ҳ.к.

АҚШда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инвестициялаш самарадорлигини оширишнинг бозор иқтисодиёти компонентлари билан тўйинтирилган механизми шаклланган бўлиб, бунда ҳукумат томонидан кичик корхоналарнинг кредит ва кафолатланган қарз маблағларини олишида ҳукуматнинг ваколатли органлари томонидан корхоналарга қарз маблағлари тақдим этаётган кредиторларга қарз маблағининг 50-90 фоизгача бўлган қисми учун кафолат берилади. Бунда кичик бизнес соҳасига йўналтирилаётган инвестицияларнинг рисклилиқ даражаси камайиб, соҳанинг инвестицион жозибаторлиги ортади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кичик корхоналар томонидан олинаётган қарз маблағларининг қанча қисми инновацион фаолиятга йўналтирилишидан келиб чиққан ҳолда, қарз маблағлари учун бериладиган кафолат миқдори белгиланади. Яъни, олинаётган қарз маблағлари тўлиқ инновацион фаолиятга йўналтирилса у ҳолда 90 фоиз қарз маблағлари давлат томонидан кафолатланади, агарда қарз маблағларининг маълум бир қисми инновацион фаолиятга йўналтирилса, у ҳолда, умумий қарз маблағлари суммасидан келиб чиққан ҳолда 50-90 фоиз оралиғида кафолатлар тақдим этилади. Шунингдек, банклардан олинаётган қарз маблағларининг умумий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, кафолатлар миқдори қуйидаги тартибда белгиланади: [6]

- 750 минг долларгача бўлса 75 фоиз кафолат берилади;
- 100 минг долларгача бўлса 80 фоиз кафолат берилади.

Шунингдек, давлат томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш дастурларига мувофиқ ушбу соҳа вакиллари учун ажратилаётган кредит маблағлари айланма капитал учун олинаётган бўлса 10 йилгача, асосий капитал учун олинаётган бўлса 25 йилгача бўлган муддатларда фоиз ставкаси 2,75 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда тақдим этилади. Жумладан, АҚШ кичик бизнес бошқармаси томонидан қуйидаги кичик бизнес субъектлари учун субсидиялар жартилиши мумкин бўлади: [7]

- курулли кучлар ветеранлари;
- халқ вакиллари бўлган корхоналар ва уларнинг эгалари;
- ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳудудларда жойлашган корхоналар.

Англияда кичик бизнес фаолиятини инвестициялашнинг асосий манбалари бўлиб тижорат банклари кредитлари ва аҳоли жамғармалари хизмат қилади. Шунингдек, мамлакатда кичик бизнес фаолиятини молиялаштиришда иштирок этувчи фирмалар фаолияти кенг йўлга қўйилган. Англияда давлатнинг мақсадли дастурлари асосида кичик бизнес субъектлари учун молиявий ёрдам кўрсатиш механизмлари амал қилиб, улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин бўлади: [8]

- ““Грантлар” дастури – маҳаллий давлат бошқарув органлари ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш агентликлари томонидан маҳаллий кичик бизнес корхоналари учун молиявий ёрдам кўрсатиш дастури” [9];

- ““Корхоналарни ташкил этиш” дастури – ишсизларни бандлигини рағбатлантириш мақсадида кичик корхоналарни ташкил этиш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган дастур ҳисобланади” [10]

- “Кредитларни кафолатлаш” дастури – уч йилгача бўлган муддатда кичик бизнес корхоналари томонидан олинаётган кредитларни қарз маблағларини тўлаш бўйича давлат кафолатини ажратишга қаратилган дастур ҳисобланади.

Шунингдек, Англияда тижорат банклари кичик бизнес корхоналарини инвестициялашда фаол иштирок этадилар. Хусусан, мамлакатнинг “Barclays Bank” тижорат банки томонидан кичик корхоналарга 2 йилдан 20 йилгача бўлган муддатларда 5 000 – 500 000 минг фунт стерлингача бўлган маблағларни Англия банкининг қайта молиялаш ставкаси асосида кредитлар ажратади. [11]

Шарқий Осиё мамлакатлари ҳам жаҳонда кичик бизнесни инвестициялашда ўзига хос тажрибаларга эга бўлган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллайди. Хусусан, Япония ушбу мамлакатлар орасида биринчилардан бўлиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиққан ҳамда амалга оширган мамлакат ҳисобланади.

Таҳлилларга кўра, Японияда кичик бизнес фаолиятини инвестицияловчи махсус ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, давлат томонидан кредит мажбуриятини бажариши бўйича тегишли муаммоларга эга бўлган корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича Давлат корпорацияси фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, ушбу корпорация томонидан кичик корхоналар учун асосий ва айланма капитали ҳажмини ошириш учун узок муддатли кредитлар қайта молиялаш ставкасидан паст фоиз ставкалари асосида бериледи. Жумладан, “ушбу корпорация томонидан кичик бизнес вакиллари томонидан олинган кредит маблағлари кафолатланиб, рисклилик даражаси камайтирилади”. [12]

Таdqикотларга кўра, кичик корхоналарнинг инвестицион фаолиятининг таркибий компонентлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин бўлади: инвестицион фаоллик, инвестицион маданият, инвестицион ахборот, инвестицион объект, инвестицион капитал манбалари, инвестицион ресурслар, инвестицион муҳит, инвестиция киритилаётган тармоқ ва ҳудуд, давлат бошқарув органлари, кичик бизнесни (КБ) қўллаб-қувватлаш бўйича давлат ташкилотлари, инвесторлар, буюртмачилар ва ҳ.к.(1-расм).



1-расм. Кичик корхоналарнинг инвестицион фаолияти ва унинг таркибий компонентлари [13]

Таҳлилларга кўра, юқорида келтирилган кичик корхоналарнинг инвестицион фаолиятини ташкил этувчи компонентлар ўртасида вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими кичик бизнесни инвестициялаш механизмини англатади. Кичик корхоналар фаолиятини инвестициялашнинг жаҳон амалиёти қиёсий таҳлили асосида ушбу мамлакатларда кичик корхоналар фаолиятини инвестициялашда давлат кафолатларига устуворлик қаратилаётганлиги аниқланди. Шунингдек, кейинги йилларда мамлакатимизда

кичик корхоналар фаолиятини инвестициялаш механизмини такомиллаштириш куйидагиларда ижодий фойдаланиш мумкин деб ҳисоблаймиз:

- кичик корхоналар инвестцион фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича республика вилоятлари кесимида ҳудудий марказларни ташкил этиш. Ушбу марказлар фаолиятини йўлга қўйиш асосида ҳудудларда кичик корхоналар учун ажратилаётган банк кредитларининг кафолатланиши орқали рисклик даражаларини камайтириш;

- 2018 йилдан бошлаб мамлакатимизда “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ҳунармандчиликни ривожлантириш”, “Ёшлар келажагимиз”, “Тадбиркор аёл” дастурлари доирасида кичик корхоналарга имтиёзли кредитлар ажратилиб келинмоқда. Бу турдаги имтиёзли кредитларнинг миқдори ва уларни тўлаш муддатларини узайтириш орқали кичик корхоналар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш;

- тижорат банклари томонидан кичик корхоналарга ажратилаётган кредитларнинг ҳажмида ва йўналишидан келиб чиққан ҳолда, кредит фоиз ставкаларини ўрнатиш. Жумладан, кичик корхоналар инновацион фаолиятини ривожлантириш мақсадида жалб этилаётган инвестицияларга давлат кафолатини жорий этиш;

- хорижий инвесторлар томонидан кичик корхоналарга тўридан-тўғри хорижий инвестицияларни киритилишини рағбатлантириш. Бунда замонавий техника ва технологияларни амалиётга жорий қилинишини таъминлашга устуворлик қаратиш лозим;

- кичик корхоналарни инвестцион фаолиятини ривожлантиришда давлат буюртмаларини шакллантириш (АҚШ) усулидан фойдаланиш орқали кичик корхоналар фаолиятини рағбатлантириш ва ҳ.к.

Шунингдек, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инвестициялашнинг иқтисодий механизмини такомиллаштиришда давлатнинг кичик корхоналар томонидан ўзлаштирилаётган инвестицияларни қафолатлаш мажбуриятини ўз зиммасига олиши лозим бўлади. Бунда мамлакатимизда кичик корхоналар фаолиятини инвестициялашнинг бозор иқтисодиёти компонентлари билан тўйинтирилган механизмдан фойдаланиш лозим бўлади (2-расм). Бунда кичик корхоналарга жалб этилаётган инвестицияларни инвестициялаш объектининг аҳамиятига қаратилади. Яъни инвестициялаш объекти инвестиция киритилаётган вақтда давлат томонидан амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларига мос келган тақдирда, давлат аралашуви асосида кичик корхонага инвестиция киритиш рағбатлантирилади. Масалан, қарз маблағларига давлат кафолатлари берилиши, тижорат банклари кредитларини имтиёзли фоиз ставкаларида тақдим этилиши ёки бюджетдан субсидия ажратиш ва ҳ.к.



**2-расм. Кичик корхоналар фаолиятини инвестициялашнинг бозор иқтисодиёти компонентлари билан тўйинтирилган механизми [14]**

Юқорида билдирилган таклифлар асосида мамлакатимизда кичик корхоналар фаолиятини инвестициялаш механизмини такомиллаштириш орқали узоқ муддатли истиқболда мамлакатимиз миллий иқтисодиётида кичик корхоналарнинг тутган ўрни мустаҳкамланиб, бизнес юритиш муҳити такомиллашади, шунингдек, кичик бизнеснинг инвестицион жозибадорлиги кўрсаткичи ортади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2018 й. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти маълумотлари асосида <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
2. Иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш бўйича асосий йўналишлар белгиланди. 09.06.2020 й. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти маълумотлари асосида <https://president.uz/uz/lists/view/3639>
3. [www.elibrari.ru/item.asp?id=32655152](http://www.elibrari.ru/item.asp?id=32655152)
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳмар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак” // – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. 20-б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланишимкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги ПФ-5780-сон Фармони, 13.08.2019 й. <https://lex.uz/ru/docs/4473481>
6. Файзиёва Н.Ш. Ривожланган мамлакатларда хусусий тармоқни молиялаштириш тажриба ва амалиёти. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2019. Б. 3-12.
7. Бўриева Д. Хусусий тадбиркорликда кичик ва ўрта бизнеснинг моҳияти. Иқтисодиёт ва таълим. 2017. № 1. Б. 57-59.
8. Файзиёва Н.Ш. Ривожланган мамлакатларда хусусий тармоқни молиялаштириш тажриба ва амалиёти. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2019. Б. 3-12.
9. Файзиёва Н.Ш. Ривожланган мамлакатларда хусусий тармоқни молиялаштириш тажриба ва амалиёти. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2019. Б. 3-12.
10. Файзиёва Н.Ш. Ривожланган мамлакатларда хусусий тармоқни молиялаштириш тажриба ва амалиёти. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2019. Б. 3-12.
11. Ўша манба
12. Алтынбаев А.Р. Участие субъектов малого предпринимательства в государственных закупках с точки зрения теории в государственных теории и игр. Актуальные вопросы экономических наук и современного менеджмента: сб. ст. по матер. XIII-XIV междунар. науч.–практ. конф. № 8-9 (10). – Новосибирск: СибАК, 2018. С. 55-66
13. Дроботова О.О. Фам Т.К.А. Инвестиционная деятельность предприятий малого и среднего бизнеса. Научный журнал «KANT», № 2 (27), июнь 2018. С. 276-282 маълумотлари асосида тузилган.
14. И.И.Эргашев. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлиги. и.ф.ф.д. дисс. автореф.-Т.: Қўқон Университети 2022. –60 б.



AQSHDA SOG‘LIQNI SAQLASH DASTURLARIGA XARAJATLARI: “MEDICAID”  
DASTURI

РАСХОДЫ НА ЗДРАВООХРАНЕНИЕ В США: ПРОГРАММА “МЕДИКЕЙД”

HEALTHCARE COSTS IN THE USA: “MEDICAID” PROGRAM

Zakirova Go‘zal Soyibjonovna,  
Alfraganus universiteti Iqtisodiyot kafedrası o‘qituvchisi

**Annotatsiya**

Ushbu tezisdá Amerika Qo‘shma Shtatlarida hukumat tomonidan homiylik qilinadigan sog‘liqni saqlash dasturlari atrofídagi murakkab fiskal dinamika o‘rganiladi, xususan, federal va shtat darajasidagi budjet xarajatlariga e‘tibor beriladi. Kam ta‘minlangan shaxslar va oilalarga xizmat ko‘rsatish tashabbuslariga asosiy e‘tiborni qaratgan holda, tadqiqotda ushbu sog‘liqni saqlash dasturlarining tarixiy konteksti, evolyutsiyasi va siyosiy oqibatlarini o‘rganiladi. Statistika ma‘lumotlar va adabiyotlarga asoslangan holda xulosa taqdim etiladi.

**Kalit so‘zlar:** federal budjet, shtat budjeti, sog‘liqni saqlash dasturlari, hukumat tomonidan homiylik qilish, kam ta‘minlangan shaxslar, zaif aholi.

В этой статье исследуется сложная финансовая динамика, связанная с финансируемыми правительством программами здравоохранения в Соединенных Штатах, с особым акцентом на бюджетные расходы на федеральном уровне и уровне штатов. Основное внимание в исследовании уделяется инициативам по обслуживанию лиц и семей с низкими доходами. Исследование изучает исторический контекст, эволюцию и политические последствия этих программ здравоохранения. Заключение представлено на основе статистических данных и литературы.

**Ключевые слова:** федеральный бюджет, бюджет штата, программы здравоохранения, финансируемые государством лица с низкими доходами, уязвимые группы населения.

This thesis examines the complex fiscal dynamics surrounding government-sponsored health care programs in the United States, with a particular focus on budget expenditures at the federal and state levels. With a primary focus on initiatives to serve low-income individuals and families, the study examines the historical context, evolution, and policy implications of these health programs. The conclusion is presented based on statistical data and literature.

**Key words:** federal budget, state budget, health care programs, government-sponsored, low-income individuals, vulnerable populations.

Amerika Qo‘shma Shtatlari federal va shtat budjetlari mamlakatning moliyaviy boshqaruvining asosiy qismi, davlat tomonidan amalga oshirilayotgan barcha dasturlar va siyosatlar uchun esa moliyaviy qo‘llab-quvvatlashni asosi bo‘lib hisoblanadi. Uning umumiy tuzilishi mamlakatning o‘ziga xos shakli bilan ajratilgan va o‘zgarmaydigan qonun va qarorlar asosida amalga oshiriladi. Har yili yangi budjet tasdiqlanishi o‘tkaziladi va bu mamlakatning moliyaviy siyosatini va darajasini aniqlashda katta ahamiyatga egadir. Amerika Qo‘shma Shtatlari federal va shtat budjetlarining sog‘liqni saqlash dasturlariga sarflanadigan xarajatlarini kompleks tarkibiy tahlilini o‘rganib chiqish O‘zbekiston uchun ham moliyaviy boshqaruvni amalga oshirishda hamda o‘zining moliyaviy strategiyalarni mustahkamlash va sog‘liqni saqlashga qaratilgan xarajatlarni samarali boshqarishga oid yangi tajribalarga ega bo‘lishda juda muhimdir. Jumladan, O‘zbekiston

va Amerika Qo‘shma Shtatlari o‘rtasidagi munosabatlarni yanada yaxshilash jarayonidagi harakatlarga misol qilib O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasining “Amerika Qo‘shma Shtatlari bilan hamkorlikni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” qarorini[1] keltirishimiz mumkin. Ushbu qonun ikki davlat orasidagi hamkorlik ko‘lamini kengaytirishga hamda bitim va shartnomalarni o‘z vaqtida bajarishni ta‘minlashga qaratilgan.

Amerika Qo‘shma Shtatlari federal budjetining tuzilishi, ichki jarayonlari va uning boshqaruv, davlat boshqaruvi va kengroq iqtisodiyotga ta‘siri haqida Allen Schickning "The Federal Budget: Politics, Policy, Process" kitobida ma‘lumotlar berilgan[2].

Amerika Qo‘shma Shtatlari iqtisodiyoti, budjet tashkilotlari, jahon iqtisodiyotida tutgan o‘rni va federal va shtat budjetlari haqida A.V. Vahabov, D.A. Tajibayeva, SH.X. Xajibakiyevning “Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar” o‘quv qo‘llanmasida ma‘lumot berilgan[3].

Amerika Qo‘shma Shtatlarida sog‘liqni saqlash dasturlari uchun federal va shtatlar budjeti xarajatlari mamlakatning ijtimoiy tuzilishini, iqtisodiy farovonligini va umumiy sog‘liqni saqlashni shakllantirishda muhim ahamiyatga ega. Ushbu mablag‘lar aholining ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlari, ayniqsa moliyaviy imkoniyatlari cheklanganlar uchun tibbiy xizmatdan foydalanishni ta‘minlashga qaratilgan tashabbuslarning moliyaviy asosi bo‘lib xizmat qiladi.

Mablag‘larni sog‘liqni saqlash dasturlariga yo‘naltirish orqali hukumat insonning asosiy huquqi - sog‘liq huquqiga murojaat qiladi. Ushbu majburiyatning ahamiyati uning sog‘liqni saqlashdan foydalanish imkoniyatiga bevosita ta‘siridadir. Aks holda tibbiy xizmatlar uchun yengib bo‘lmaydigan to‘siqlarga duch kelishi mumkin bo‘lgan kam ta‘minlangan shaxslar va oilalar ushbu tashabbuslardan katta foyda olishadi. Medicaid, CHIP (Bolalar sog‘lig‘ini sug‘urtalash dasturi) yoki boshqa maqsadli dasturlar orqali bu xarajatlar tibbiy yordamga muhtoj bo‘lgan, lekin undan foydalanish uchun moliyaviy imkoniyatlarga ega bo‘lmaganlar uchun hayot manbai bo‘lib xizmat qiladi.

Bundan tashqari, ushbu budjet mablag‘larining ahamiyati sog‘liqni saqlash sohasidagi nomutanosiblikni kamaytirishga qaratilgan. Ko‘pincha sog‘liqning tengsizligidan nomutanosib ravishda ta‘sir ko‘rsatadigan zaif aholi strategik jihatdan davlat resurslari yo‘naltirilganda yaxshi natijalarga erishadi. Bunday maqsadli moliyalashtirish mamlakatning adolatli sog‘liqni saqlash tizimini yaratishiga yordam beradi. Iqtisodiy nuqtai nazardan, sog‘lom aholi barqaror mahsuldorlik uchun muhim ahamiyatga ega. Arzon tibbiy xizmatdan foydalanish imkoniyatiga ega bo‘lgan shaxslar ishchi kuchiga faol hissa qo‘shuvchi bo‘lib qolish ehtimoli ko‘proq. Bu, o‘z navbatida, iqtisodiy barqarorlikni kuchaytiradi, davolanmagan yoki noto‘g‘ri boshqariladigan sog‘liqni saqlash sharoitlari natijasida ishlamaslik va nogironlik bilan bog‘liq iqtisodiy yukni kamaytiradi. Quyida 1966-yildan 2019-yilgacha bo‘lgan davrda Amerika Qo‘shma shtatlari federal va shtat budjetlarining sog‘liqni saqlashga qaratilgan “Medicaid” dasturi uchun sarflagan xarajatlari aks ettirilgan (1-jadval) [4].

**1-jadval**

**“Medicaid” dasturi uchun sarflagan xarajatlari dinamikasi,  
(milliard AQSH dollari miqdorida)[4]**

Yillar	1966	1970	1975	1980	1985	1990	1995	2000	2001
Federal	0,5	2,8	7,3	14	22,8	40,9	90,7	117	129,8
Shtat	0,4	2,3	5,9	11,2	18,4	31,3	68,8	89,2	99,2

Yillar	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010
Federal	146,6	161	175	1804	179,3	189	200,2	246,3	269,8
Shtat	11,6	115,1	121,3	135,5	135,8	143,2	151,7	132,3	131,7

Yillar	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Federal	270,5	248,8	263	299,3	346	364,5	370,2	386,5	399,4
Shtat	156,4	182,2	193	195,4	203,1	212,7	229,9	229,6	240

Amerika Qo‘shma Shtatlarida sog‘liqni saqlash xarajatlari 2019-yilda 639 milliard AQSH dollarini tashkil etdi va bu oxirgi 10 yillikda eng yuqori natija bo‘ldi. Federal hukumat 2019-yilda sog‘liqni saqlash umumiy xarajatlarining taxminan 60 foizini to‘lagan bo‘lsa, qolgan 40 foizini shtatlar to‘lagan. Sog‘liqni saqlash xarajatlari asosan keksalar va nogironlar uchun sarflangan bo‘lib, ushbu mablag‘lar 2017-yilda sog‘liqni saqlash xarajatlarining yarmidan ko‘pini tashkil etdi. 2018-yilda qariyalar muassasalari va uyda tibbiy xizmat ko‘rsatishni o‘z ichiga olgan uzoq muddatli parvarishlash xizmatlariga sarflangan mablag‘lar taxminan 125 milliard AQSH dollarini tashkil etdi va uning tarkibida uzoq muddatli parvarishlash xizmatlari barcha sog‘liqni saqlash xarajatlarining qariyb 20 foizini tashkil etdi. 1966-yilda Amerika Qo‘shma shtatlarida sog‘liqni saqlash uchun juda kam miqdorda 0.5 milliard AQSH dollari miqdorida bo‘lgan bo‘lsa, uchbu ko‘rsatkich 1980-yilda 14 milliardgacha ko‘tarildi va qariyb 14 martadan ko‘proq xarajatlar oshdi. 2018-yilga kelib esa ushbu xarajatlar 616.1 milliard AQSH dollariga yetdi (1-jadval), shtatlar o‘rtasida esa Kaliforniya sog‘liqni saqlash xarajatlari bo‘yicha eng yuqori bo‘lgan shtat bo‘ldi[5].

Sog‘liqni saqlash dasturlari federal va shtatlar rejasi bo‘lib, dasturni boshqarish xarajatlari teng ikkiga bo‘linadi. Shtatlar o‘zlarining sog‘liqni saqlash xarajatlarini federal hukumatga har chorakda hisobot berishadi va federal hukumat ushbu xarajatlarni formulaga muvofiq to‘laydi. Ushbu formula federal hukumat kambag‘al shtatlarda xarajatlarning katta qismini to‘lashi uchun ishlab chiqilgan, ammo umuman olganda, shtat xarajatlari federal hukumat tomonidan 50 foiz stavkada mos keladi.

Bu kabi katta xarajatlarni amalga oshirishining bir qancha sabablari mavjud. Amerika Qo‘shma Shtatlarida demografik landshaft qarigan aholi tomon siljib bormoqda. Ko‘pincha keng qamrovli tibbiy xizmatlarga muhtoj bo‘lgan keksalar aholining o‘sib borayotgan qismini tashkil qiladi. Inson yoshi ulg‘aygan sari surunkali kasalliklarning tarqalishi ortib boradi, bu esa ko‘proq tibbiy yordamni talab qiladi va sog‘liqni saqlash xarajatlarini yanada oshiradi. Amerika sog‘liqni saqlash infratuzilmasining takomillashganligi va ilg‘or tibbiy texnologiyalarning integratsiyalashuvi xarajatlarning muhim qismini tashkil etadi. Ushbu yutuqlar yuqori sifatli tibbiy xizmat ko‘rsatishga hissa qo‘shsa-da, ular bir vaqtning o‘zida tizimning umumiy narxini oshiradi va katta moliyaviy majburiyatlarni talab qiladi. Amerika Qo‘shma Shtatlarida xususiy tibbiy sug‘urta tizimining ustunligi ma‘muriy murakkabliklar va yuqori qo‘shimcha xarajatlarni keltirib chiqaradi. Bir nechta to‘lovchilar, provayderlar va sug‘urtachilar bilan tavsiflangan sog‘liqni saqlash tizimidagi parchalanish samarasizlikni yanada kuchaytiradi va xarajatlarning oshishiga yordam beradi. Qo‘shma Shtatlar sog‘liqni saqlashning muhim ehtiyojlariga tezda javob berish muhimligini tan olgan holda shoshilinch tibbiy yordam va travma yordamiga katta resurslar ajratadi. Ushbu xizmatlar jamoat salomatligi va xavfsizligi uchun ajralmas bo‘lsa-da, ular sog‘liqni saqlash budjetlariga umumiy moliyaviy yukni ham oshiradi.

Medicaid xarajatlari ma‘muriy xarajatlarni, buxgalteriya hisobidagi tuzatishlarni o‘z ichiga olmaydi. Agar ushbu qo‘shimcha xarajatlarni ham qo‘shib hisoblaganda Medicaidning umumiy xarajatlari 2022-moliya yilida 824 milliard AQSH dollarni tashkil etdi[6].

Xulosa o‘rnida shuni takidlash mumkin, Amerika Qo‘shma Shtatlarining sog‘liqni saqlash uchun xarajatlari yilda-yilga oshib bormoqda. Bu esa kelgusi yillarda Amerika Qo‘shma Shtatlarida insonlarning yanada sog‘lom turmush tarzida yashashiga hamda o‘rtacha umr ko‘rish davomiyligini uzayishiga olib keladi. Albatta, sog‘liqni saqlashga qaratilgan xarajatlarni kengaytirishning muhimligini inobatga olgan holda, ularning turli yo‘nalishlarda to‘g‘ri taqsimlanishi va me‘yorini saqlashni ustidan moliyaviy nazoratni olib borish ham o‘z ahamiyatiga egadir.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. <https://www.lex.uz/docs/-592033>
2. Allen Schick with the assistance of Felix LoStracco. The Federal Budget: Politics, Policy, Process. Copyright Date: 2000. Published by: Brookings Institution Press. Pages: 307. <https://www.jstor.org/stable/10.7864/j.ctvg2524q>



3. Vahabov.A.V, Tajibayeva D.A, Xajibakiyev.SH.X. Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar. O‘quv qo‘llanma – T.:Moliya, 2011.-708 bet.
4. <https://www.statista.com/statistics/245350/total-medicaid-federal-and-state-expenditure-in-the-us-since-1966/>
5. <https://www.statista.com/statistics/245350/total-medicaid-federal-and-state-expenditure-in-the-us-since-1966/>
6. <https://www.kff.org/medicaid/state-indicator/total-medicaid-spending/?currentTimeframe=0&sortModel=%7B%22colId%22:%22Location%22,%22sort%22:%22asc%22%7D>

**УДК:331.44**

**КОРХОНАЛАРДА МЕХНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

**ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ПРОИЗВОДИТЕЛЬНОСТИ ТРУДА НА ПРЕДПРИЯТИЯХ**

**WAYS TO INCREASE LABOR PRODUCTIVITY IN ENTERPRISES**

**Umurzakova Zamira Salijanovna-  
Andijon mashinasozlik instituti  
“Iqtisodiyot” kafedrasi katta o‘qituvchisi**

**Аннотация**

Мақолада корхоналарда меҳнат унумдорлигини яхшилаш учун меҳнат шароитларини яхшилаш, меҳнатни ташкил этиш, меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ва унинг самарадорлигини ошириш, юқори технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни мукамаллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инновация тизимини ташкил этиш, кадрлар тизимини ривожланиши бўйича назарий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш орқали корхоналар фаолиятини ривожлантириш йўллари кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** режалаштириш, ривожлантириш, меҳнат унумдорлиги, кадрлар, мотивация, менежмент, бошқариш функцияси, бошқарувнинг роли, инновацион технологиялар

В статье в целях повышения производительности труда на предприятиях рассматривается теория улучшения условий труда, организации труда, рационального использования трудового потенциала и повышения его эффективности, использования высоких технологий, совершенствования организации производства, социально-экономического развития, организация инновационной системы, развитие кадровой системы - показаны пути развития деятельности предприятий путем разработки практических предложений.

**Ключевые слова:** планирование, развитие, производительность труда, персонал, мотивация, менеджмент, функция управления, роль менеджмента, инновационные технологии.

In order to increase labor productivity at enterprises, the article examines the theory of improving working conditions, labor organization, rational use of labor potential and increasing its efficiency, the use of high technologies, improving the organization of production, socio-economic development, organizing an innovation system, developing a personnel system - ways to develop the activities of enterprises through the development of practical proposals are shown.

**Key words:** planning, development, labor productivity, personnel, motivation, management, management function, the role of management, innovative technologies.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш— ҳозирги давр талабидир. Бу ҳеч эскирмайдиган муаммодир, чунки корхона мулкнинг ёки ижтимоий тузумнинг қандай шаклда бўлишидан қатъий назар, ҳамиша долзарб бўлиб ҳисобланади.

Саноатни, айниқса, унинг меҳнатни кўп талаб қилиб, хом ашё, сув ва электр энергияни кам истеъмол қилувчи «экспортбоп» маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқларини, маиший хизмат соҳаларини қишлоқ жойларда кенг кўламда ва тез фурсатлар ичида ривожлантириш ҳамда шунга ўхшаш бошқа тадбирларнинг амалга оширилиши республикада аҳоли турмуш даражасини янада ошириш имконини беради. Ушбу масалаларни ҳал этиш доимий ва узлуксизликни ҳамда илмий ёндошувни талаб этади.

Давлатимизнинг ҳозирги ижтимоий сиёсати манфаатлар муштараклигини таъминлашга қаратилган. Ҳар бир қилинган иш давлатимиз учун ҳам, мулкдор учун ҳам, меҳнаткаш учун ҳам фойдали бўлиши лозим. Давлатимиз корхоналарнинг меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишда кишиларнинг фаровонлигини, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашни кўзлаб иш кўрмоқда. Республика раҳбариятининг ҳозирги сиёсати давлатни ривожлантириш билан биргаликда ҳар бир меҳнат қилган меҳнаткашнинг ҳам фаровонлигини таъминлашдан иборатдир. Зеро, фуқароси бой мамлакатнинг давлати ҳам бой бўлади.

Корхоналарда маҳсулот етиштириш даражасини яхшилаш буйича бир қатор ишлар қилинмоқда. Чунки корхоналарни асосий мақсади режа бўйича белгиланган хом ашёдан сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Бу мақсадга эришиш учун оқилона ва самарали меҳнат талаб этилади.

Ҳозирда илмнинг ривожланиши жамият ва мамлакатнинг илмий-технологик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий шarti бўлмоқда.

Юқори технологиялар - бу ҳар қандай давлатнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишидаги энг мураккаб масалаларни ҳал этувчи соҳадир. Айнан ушбу муҳим омил ёрдамида кўплаб мамлакатлар иқтисодиётининг тушкунлигини нафақат енгмоқда, балки уни таркибий қайта қуриб, бозорини турли хил рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдирмоқда.

Бутун дунёда инновацион фаолияти ҳозирда иқтисодиётни модернизациялашнинг асосий шартларидан бири сифатида қаралмоқда.

Ривожланган мамлакатларда юқори технологик мажмуа иқтисодий ўсишни аниқлайди ва ўзини ортидан қолган иқтисодиётни “тортади”, ҳамда юқори технологияларга мослашишига мажбур этади.

Жаҳон амалиёти гувоҳлик берганидай, инновацион ривожланиш йўлига муқобили йўқ. Янги маҳсулотлар, хизматлар, технологик жараёнларни яратиш, тадбиқ этиш ва оммавийлаштириш ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши, меҳнат ва моддий харажатларни иқтисоди, кадрлардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни мукамаллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг асосий омили бўлмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг тезлашуви асосий шarti самарали инновация сиёсати бўлмоқда. Чунки, кўплаб мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш динамикаси тугал ҳолда фақат инновацияга таянмоқда. Шу аснода саноат корхоналарида ҳам. Натижада улар стратегик характерга эга бўлмоқда.

Миллий инновация тизимини ташкил этиш Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устунларидан бирига айланмоқда. Ушбу мақсадга эришиш учун бир қатор йирик масалаларни ҳал этиш керак, улардан бири иқтисодиётнинг инновация ҳажми ва инновацияни рағбатлантиришни кучайтиришга тақалади. Давлат инновация сиёсатининг асосий мақсадлари рақобатбардошлилигини ошириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларини ечишни таъминловчи, инновация фаолияти учун иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий шартларини ташкил этиш бўлиши керак.

Кадрларда инновация икки блокка асосланган бўлиб, улар кадрлар тизимида янги элементлар, шакллар ва усулларни киритиш, ҳамда кадрлар тизимидан эскириб қолган элементни, шакл ва усулларни чиқариб ташлашни назарда тутлади. Айтиш жоизки, кадрлар тизими – ташкилотдаги ижтимоий-иқтисодий тизимнинг марказий ва анча мураккаб ташкил этилган кичик ўзагидир. У кадрлар салоҳияти, уларнинг мақсадлари, фаолият кўрсатиш ва ривожланиш нормалари ҳамда механизмларни қамраб олади.

Кадрлар ва кадрлар тизимини ривожланиши – бу уларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан муқаррар илгарилаб борадиган ўзгариши – даражасининг ортиши, янгиланиши, янги мақсадлар, вазифалар, касб малака ва коммуникация мезонлари билан тузилиши, ўзаро алоқалар, бошқарув субъекти ва усуллари билан янги ҳолатга ўтишдир.[1]

Кадрларга янгиликларнинг табиатини, мазмуни ва ўзига хос хусусиятларини тушуниш учун кадрлар тизимини ривожланиши, регрессия – орқага кетиши, стагнацияси – бир жойда туриши, танглиги ва барқарорлигини англаш зарур. Уларни билиш ҳар бир ҳолат учун тўғри қарорлар қабул қилиш, тегишли стратегия, тактикани, ходимларни ривожлантириш ва янгилаш учун зарурдир.

Кадрларга оид янгиликлар жамиятда ишлаб чиқилган ҳамда амалга ошириладиган янгиликларнинг хилма хил турларидан бири ҳисобланади. Масалан, инновация – кадрлар маркетинги – кадрларни ташкилот ичида қидиришга ўз кадрларини излаш, кадрлар захирасини шакллантириш, заҳира билан ишлашнинг янгича усули ҳисобланади. Ёхуд инновация бошқарувни олиб боришда инновацион кадрлар менежментини келтириш мумкин. Кадрлар салоҳиятини оширишда инновацион таълим ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Кадрларни сифатини оширишда ҳозирги вақтда икки тенденция кўзга ташланмоқда.

1. Билимларни уларнинг аниқ шаклига — ҳужжатлар, йўриқномалар, маълумотлар базаси ва ҳоказоларга мувофиқлаштириш. Мутахассислар буни „Ғарб тенденцияси“, деб ҳам аташмоқда. Чунки Европа ва Америка Қўшма Штатларида кадрларни сифатини ошириш дастурларида худди шунга урғу берилмоқда.

2. Билимлар фақат айрим мутахассис ва менежерлар гуруҳи томонидан эмас, балки бутун кадрлар томонидан мунтазам равишда эгаллаб борилишини таъминлаш „Шарқ тенденцияси“, деб таърифланиб, бу кўпроқ Японияга хослиги кўзга ташланади.

Ишчиларни узлуксиз ўқитиш:

- янги ишчилар тайёрлаш;
- малакали ишчиларни қайта тайёрлаш;
- ишчиларни иккинчи (турдош) касбларга ўқитиш;
- ишчилар малакасини оширишни ўз ичига олади.[2]

Бугунги тез ўзгариб бораётган шароитларда кадрларни сифатини оширишда қуйидаги ҳолатларга дуч келиниши мумкин:

1. Ходим меҳнат мақомини сақлаб туриш, тиклаш ва ошириш учун ноқулай вазиятларга фаол қаршилик кўрсатиши. Яъни меҳнат мақомини ушлаб қолиш, тиклаш ва ҳатто ошириш учун қўшимча жисмоний ва ақлий куч сарфлашга (малака ошириш, янада унумлироқ ишлаш) астойдил ҳаракат қилиш.

2. Жиддий ён босиш: иш ҳақи камайиши, ҳар қанақа ишни бажаришга рози бўлиш ёки умуман ишни йўқотиш, нафақа ёки жамғарган маблағлари ҳисобига яшашга мойиллик. Бундай ҳолларда инсон қўшимча жисмоний ва ақлий куч сарфлашни хоҳламаслиги табиийдир. У ҳатто камроқ малака талаб этадиган ёки қизиқарли бўлмаган ишга ҳам ўтишга монелик қилмайди. Бу тоифадаги ходимлар ўз қимматини етарлича кадрламайдилар, меҳнат бозорида рақобат қила олмайдилар. Уларни ноқулай шароитларга бўйсунувчи ходимлар дейиш мумкин.

3. Инсон анъанавий иш вақти ўзгартирилиши (тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси)га рози. Шу билан бирга, у янада кескинроқ ўзгаришларга (масалан, ишчиликдан тадбиркорликка ўтишга) қаршилик қилмайди. Тўлиқсиз иш куни ёки иш ҳафтаси бундай ҳолда унга бошқа иш қидириш, малакасини ошириш, янги (турдош) касб эгаллаш, ўз тадбиркорлик ишини бошлаш учун қулай имконият туғдиради.

Ходим меҳнат фаолияти учун қулай, жуда бўлмаганда энг зарур меҳнат шарт-шароитларига эга бўлмас экан, ўзига юклатилган хизмат вазифаларини муваффақиятли ҳал этиши мушкуллашади. Аксинча, меҳнат фаолияти учун энг қулай шарт-шароитларда ходимнинг иш унуми ғоят юқори бўлади. Кадрлар самаралироқ ва унумлироқ меҳнат қилар экан, маҳсулотлар, товарлар ишлаб чиқаришни, хизмат кўрсатишни кўпайтириш учун имкониятларни кўпайтиради. Бу эса ходим ўзининг корхонада иқтисодий, ижтимоий, психологик ва маҳнавий жиҳатдан яхши ҳис этишини таъминлайди.

Ходим, ёки ҳар бир инсон фаровонлигининг ошиши эса жамият фаровонлиги яхшиланишининг негизидир. Бунинг учун эса аввалам бор корхоналарда кадрлар миқдорини ва сифатини оптималлаштириш ва улардан самарали фойдаланишни такомиллаштириш керак.

Корхонада кадрларга соғлом ва меҳнат қобилиятига эга бўлган жамоани шакллантириш, кадрларнинг жинси ва ёшига кўра таркиби ва малакаси ҳамда уларнинг ишлаб чиқаришда тўғри жойлаштирилишини ҳисобга олишдан ташқари, ишлаб чиқариш ва меҳнат шароитларининг ўзгариб боришига ўз вақтида эътибор қаратиши, фан ва техниканинг янги, илғор ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ходимларнинг меҳнат унумдорлигини оширишни рағбатлантириш уларни сифат ва миқдорини оптималлаштиришга ёрдам беради.

Корхона фаолиятини ривожлантириш учун инновацион техника технологиялардан фойдаланилар экан, кадрлар салоҳиятини ошириш ва улардан самарали фойдаланиш учун ҳам инновациядан фойдаланиш, уни жорий этиш зарурий шартдир.

Корхонада меҳнат унумдорлигини оширишда кадрларни сифатини оширишни таъминлаш компания ёки фирманинг барча бўғинларида ишлаб чиқариш муносабатларини кизиқиши, масъулияти, малака ошириш ва ваколат омилларига асосланиши даркор.

Манфаатдорлик ва масъулият ходим меҳнат фаолияти самарадорлигини белгилайдиган кизикувчи омиллар ҳисобланади. Малака ва ваколат эса кўзланган мақсаддаги мўлжалланган натижаларга эришишни таъминловчи восита бўлиб, ходимнинг масъулияти ва манфаатдорлигини амалга оширишга имконият туғдиради.

Кадрларни сифатини ошириш зарурати ўз вақтида олинган билимлар, эгалланган кўникмалар эскириб қолиши жараёни ғоят тезлашиб кетганлиги билан боғлиқдир. Илм-фан ютуқлари, янгиликлардан муттасил хабардор бўлиш, давр билан баравар қадам ташлашга интиладиган ҳар бир мутахассис қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсини тугаллаши билан амалда яна ўқишни бошлаши талаб этилмоқда. Билимларнинг бу даражада жадаллик билан эскириб бораётганлиги замонавий корхоналарни узлуксиз ўқийдиган корхона сифатида фаолият кўрсатишини ҳаётий заруратга айлантирди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ишчи кучи ва умуман, кадрлар, ишлаб чиқаришнинг муҳим элементи ҳисобланади. Шу сабабли корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг жорий ва истиқболдаги стратегияси кадрлар сифати ва миқдори билан билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 2021 йилда 475197, 2022 йилда 528929, 2023 йилда эса 592371ни ташкил этган, Андижон вилоятида эса фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 2021 йилда 36726, 2022 йилда 40474, 2023 йилда эса 44658 ни ташкил этган. Ушбу статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, корхона ва ташкилотларда меҳнат унумдорлигини ошириш орқали самарадорликка эришилган[3].

Корхоналарда меҳнат унумдорлигини оширишда қуйидагиларни таклиф этамиз:

- ишчи кучини ёллаш, жойлаштириш ва режалаштириш;
- ходимларни ўқитиш, тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- кадрларни хизмат лавозимлари бўйича юқори поғонага кўтариш;
- ёллаш шартлари, меҳнат ва унга ҳақ тўлаш шароитлари;
- меҳнат жамоасида қулай руҳий (психологик) муҳитни яратиш.

Бизга маҳлумки, меҳнат унумдорлиги даражасига кўплаб омиллар таъсир кўрсатади, бироқ ишлаб чиқариш шароитда фақат икки ёки уч етакчи

омиллар билан чекланиш мумкин. Буларни хал қилувчи аҳамиятга молик бўлган ходимларнинг малака даражасини, техник тараққиётини ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш даражаси билан аниқлаш кифоядир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ортиқов А.А. Саноат иқтисодиёти Дарслик.- Т.: Сано-Стандарт, 2014-304 бетлар
2. Улашев И. О., Атамурадов Ш. А. “Қорхона иқтисодиёти ва менежменти”.-Т.: Тафаккур бўстони, 2013-й
3. Stat.uz

УДК. 338.22.021.1

**НЕОБХОДИМОСТЬ УВЕЛИЧЕНИЯ ЗАТРАТ НА НАУКУ - КЛЮЧ К  
ИННОВАЦИОННОМУ И ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМУ РАЗВИТИЮ СТРАНЫ**

**ИЛМ-ФАНГА ХАРАЖАТЛАРНИ ОШИРИШ ЗАРУРИЯТИ -МАМЛАКАТНИНГ  
ИННОВАЦИОН ВА ТЕХНОЛОГИК РИВОЖЛАНИШИ ЙЎЛИ**

**THE NEED TO INCREASE SPENDING ON SCIENCE IS THE KEY TO THE  
COUNTRY'S INNOVATIVE AND TECHNOLOGICAL DEVELOPMENT**

**Тешабоева Зилола Тошпулатовна- доцент,  
Андижанский машиностроительный институт, Андижан**

**Аннотация**

Инновационное развитие любой страны зависит от инвестиций в науку и исследования, которые способствуют усилению конкурентоспособности национальной экономики и укреплению её «интеллектуального потенциала». В статье рассмотрены способы финансирования научных исследований и предложены направления их совершенствования

**Ключевые слова:** Инновации, научные исследования, финансирование науки, государственное финансирование науки, государственно- частное партнёрство в финансировании науки, венчурное финансирование

Ҳар қандай мамлакатнинг инновацион ривожланиши миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга ва унинг “интеллектуал салоҳиятини” мустаҳкамлашга кўмаклашувчи илм-фан ва изланишларни инвестициялашга боғлиқдир. Мақолада илмий тадқиқотларни молиялаштириш усуллари кўриб чиқилган ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

**Ключевые слова:** Инновациялар, илмий тадқиқотлар, илм- фанни молиялаштириш, илм- фанни давлат томонидан молиялаштириш, илм- фанни молиялаштиришда давлат-хусусий шерикчилик, венчур молиялаштириш

The innovative development of any country depends on investments in science and research, which contribute to strengthening the competitiveness of the national economy and strengthening its "intellectual potential". The article examines the ways of financing scientific research and suggests ways to improve them

**Keywords:** Innovation, scientific research, science financing, public financing of science, public-private partnership in science financing, venture financing

Современный мир предъявляет все более высокие требования к странам и их способности быть конкурентоспособными на мировой арене. Инновации, технологические

прорывы и экономическая устойчивость стали основными факторами, определяющими успех государств. В этой связи затраты на науку и образование приобретают особую значимость.

Наука является основой для создания новых знаний, технологий и продуктов. Она стимулирует развитие промышленности, повышает уровень жизни и обеспечивает прогресс общества в целом. Инвестиции в научные исследования и разработки способствуют созданию новых рабочих мест, повышению производительности труда и увеличению конкурентоспособности экономики.

Генри Ицковиц, американский экономист, является одним из исследователей, который изучал связь между поддержкой науки, инноваций и экономическим развитием. Он предложил концепцию “тройной спирали”, которая описывает взаимодействие университетов, бизнеса и государства в процессе создания инноваций. Ицковиц утверждал, что успешное инновационное развитие страны зависит от эффективного взаимодействия этих трех секторов и поддержки науки и инноваций со стороны государства [5].

Оценка эффективности используемых страной расходов на НИОКР может быть дана на основе индекса экономики знаний [8]. Индекс экономики знаний является комплексным показателем, оценивающим эффективность использования национальной экономикой знаний в целях социально-экономического развития. По определению Дубыниной А.В., «Индекс экономики знаний представляет собой среднее арифметическое из четырех индексов:

- индекса экономического и институционального режима, отражающего условия развития бизнеса и национальной экономики в целом, институциональную среду, качество государственного регулирования, способность общества и его институтов к эффективному использованию существующих и созданию новых знаний;

- индекса образования, характеризующего уровень образованности общества (численность грамотного взрослого населения, отношение числа студентов, школьников к количеству лиц соответствующего возраста и др. показатели) и наличие у него устойчивых навыков создания, распространения и использования знаний;

- индекса инноваций, показывающего уровень развития национальной инновационной системы (количество научных работников, число научных журналов, число исследовательских центров и др. показатели);

- индекса информационных технологий и коммуникаций, характеризующего уровень развития информационной и коммуникационной инфраструктуры, способствующей эффективному распространению и переработке информации (количество компьютеров, количество пользователей интернета и др.)» [3]

Национальные экономики с наилучшими показателями уровня развития инноваций, расходов на НИОКР, развития экономики знаний занимают достаточно прочные позиции в мировых рейтингах, что можно объяснить появлением эффекта мультипликатора инноваций в результате эффективной инновационной деятельности [3].

Инновации являются ключевым фактором, определяющим уровень развития экономики страны. Они позволяют создавать новые продукты и услуги, снижать издержки производства, повышать качество жизни населения. Инновационное развитие государства предполагает активное внедрение новых технологий, формирование инновационной инфраструктуры и поддержку предпринимательства.

Многие страны смогли добиться успеха благодаря активному внедрению инноваций и эффективному использованию науки. Так, например, Япония, Южная Корея и Китай сумели совершить технологический прорыв и стать лидерами в своих отраслях. В этих странах были созданы условия для активного развития науки, образования и инноваций, что позволило им занять ведущие позиции в мировом рейтинге.

Увеличение затрат на науку является инвестицией в будущее страны. Это позволяет разрабатывать новые технологии, создавать рабочие места, повышать уровень образования и развивать интеллектуальный потенциал. Важно понимать, что инвестиции в науку не дают мгновенной отдачи, но в долгосрочной перспективе они способны обеспечить экономический рост и конкурентные преимущества для страны.

Одной из задач инновационного типа развития является ускорение инновационного цикла и, в частности, сокращение инновационного лага. На практике задача чаще всего сводится к обеспечению быстрого трансфера идей из научной сферы в производство, т.е. ускорению инновационной деятельности. Многие авторы сходятся во мнении, что это достигается за счет повышения эффективности сотрудничества ученых и предпринимателей, и интеграции науки и сферы реального сектора экономики в рамках системы инновационной инфраструктуры. Мы тоже согласны с мнением, что «одним из направлений такой интеграции является инвестирование в науку, а ее индикатором может служить показатель прямого финансирования исследований и разработок фундаментального и прикладного характера, которые являются начальным и основополагающим этапом инновационной деятельности» [6].

Под финансированием науки следует понимать не только инвестиции непосредственно в научно-исследовательские и опытно-конструкторские работы (НИОКР), но и средства, затраченные на развитие управляющих структур и механизмов регулирования в области наук (органы по научному консультированию, по формированию научно-технической политики, научные комитеты), а также средства, затраченные на проведение научных форумов, на организацию площадок для обмена технологиями и НИОКР в государственном и частном секторе [4].

Между финансированием науки и инноваций и устойчивым ростом существует прямая зависимость. Чем больше средств вкладывается в научные исследования и разработку новых технологий, тем выше потенциал для устойчивого роста экономики и улучшения качества жизни населения.

С одной стороны, научные исследования и инновации способствуют созданию новых продуктов и услуг, которые могут привести к росту производства и созданию новых рабочих мест. Например, разработка новых материалов или технологий в области возобновляемой энергетики может стимулировать рост соответствующих отраслей промышленности и создать новые возможности для инвестиций.

С другой стороны, финансирование науки и инноваций также способствует улучшению экологической ситуации и снижению негативного воздействия на окружающую среду. Разработка более эффективных и экологически чистых технологий может снизить выбросы вредных веществ и уменьшить загрязнение окружающей среды, что в свою очередь способствует устойчивому росту и улучшению качества жизни.

Таким образом, финансирование науки и инноваций является ключевым фактором для обеспечения устойчивого роста и развития экономики, а также улучшения экологической ситуации. По данным Госкомстата Республики Узбекистан, общие расходы по отраслям науки на научно-исследовательские и опытно-конструкторские разработки (НИОКР) в 2022 году, по сравнению с предыдущим годом, увеличились на 34 %, составив 1 447,1 млрд. сумов. Из них расходы на содержание научно-исследовательских учреждений составили 628,3 млрд. сумов, другие расходы, в частности, трансферты Фонду финансирования науки и поддержки инноваций – 818,8 млрд. сумов [9]. Как видно из данных, затраты на НИОКР и их эффективность остаются одной из самых актуальных вопросов развития инновационной экономики, построение которой поставлена в качестве приоритетных задач. Необходимо повышать долю финансирования на фундаментальные и прикладные исследования, использовать механизм государственно-частного партнерства в финансировании научно-исследовательских и прикладных проектов [7].

В Узбекистане до 2025 года доля средств, направляемых в сферу науки, в ВВП страны возрастет в 6 раз, а до 2030 года – в 10 раз. Об этом Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев сообщил в поздравлении по случаю 80-летия со дня образования Академии наук Узбекистана. На сегодняшний день основными источниками финансирования науки и исследований являются:

Государственный бюджет: Финансирование науки из государственного бюджета является основным источником поддержки научных исследований в большинстве стран.

Государства могут предоставлять прямые субсидии, гранты и контракты на проведение научных исследований.

**Частные инвестиции:** Частные инвесторы, такие как венчурные фонды, фонды прямых инвестиций, бизнес-ангелы и корпорации, также играют важную роль в финансировании научных исследований и инноваций. Они предоставляют финансирование в обмен на долю в компании или процент от прибыли.

**Гранты и программы:** Международные организации и правительства других стран могут предоставлять гранты для поддержки научных исследований, направленных на достижение устойчивого развития.

**Пожертвования от частных лиц и фондов:** Частные лица и фонды могут жертвовать средства на поддержку научных исследований по устойчивому развитию.

**Внутренние ресурсы компаний:** Некоторые компании могут использовать свои собственные ресурсы для финансирования научных исследований, связанных с их бизнесом или отраслью.

**Финансирование от научных фондов:** Научные фонды, такие как Фонд развития науки и инноваций, могут предоставлять финансирование для научных исследований в области устойчивого развития.

Изучив опыт передовых стран и существующие эффективные механизмы поддержки и финансирования науки, можно предложить следующие направления усиления поддержки науки и исследований в Узбекистане:

- **Увеличение финансирования научных исследований:** Для развития науки и технологий необходимо увеличить государственное финансирование научных исследований. Это позволит создавать новые рабочие места, развивать инновационные технологии и повышать конкурентоспособность страны на мировом рынке.

- **Поддержка молодых ученых:** Необходимо создавать условия для привлечения молодых специалистов в научную сферу. Это может быть сделано путем предоставления грантов, стипендий и других форм поддержки.

- **Развитие инфраструктуры научных учреждений:** Необходимо инвестировать в развитие инфраструктуры научных учреждений, таких как лаборатории, исследовательские центры и университеты. Это позволит улучшить условия работы ученых и повысить качество научных исследований.

- **Поддержка международного сотрудничества:** Важно развивать международное сотрудничество в области науки и технологий. Это может включать обмен опытом, совместные проекты и участие в международных научных конференциях.

- **Стимулирование инноваций:** Необходимо создать условия для стимулирования инноваций в различных отраслях экономики. Это может включать налоговые льготы, предоставление государственных гарантий и другие меры поддержки.

- **Развитие образования и научных кадров:** Важно уделять внимание развитию системы образования, особенно в области естественных наук и технологий. Также необходимо поддерживать научные кадры, предоставляя им возможность для профессионального роста и развития.

Таким образом, увеличение затрат на науку становится одним из ключевых факторов для выхода страны на инновационный путь развития. Это поможет создать условия для технологического прорыва, повышения уровня образования и конкурентоспособности на мировой арене. Именно наука является основой для успешного и устойчивого развития страны в условиях современного мира.

### Список использованной литературы

1. Стратегия инновационного развития Республики Узбекистан на 2022 — 2026 годы, 6 июля 2022 г., № УП-165
2. Сейдль Да Фонсека Рикардо, Пинхейро-Велосо Алекс Финансирование науки, технологий и инноваций: современная практика и перспективы // Форсайт. 2018. №2. URL:



<https://cyberleninka.ru/article/n/finansirovanie-nauki-tehnologiy-i-innovatsiy-sovremennaya-praktika-i-perspektivy> .

3. Дубынина Анна Валерьевна Мультипликативный эффект инновационной деятельности // Universum: экономика и юриспруденция. 2014. №4 (5). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/multiplikativnyy-effekt-innovatsionnoy-deyatelnosti>.
4. Иванченко, А. Г. Влияние инвестиций в науку и образование на мировой рынок высокотехнологичной продукции / А. Г. Иванченко, Д. С. Ушаков. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2018. — № 17 (203). — С. 167-171. — URL: <https://moluch.ru/archive/203/49689/>.
5. Генри Ицковиц, Модель тройной спирали // Инновации. 2011. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/model-troynoy-spirali>.
6. Ряпухина В.Н, Дорошенко Ю.А., Проблема финансирования науки в контексте ее эффективной интеграции в инновационную систему в России// Вестник БГТУ им. В.Г. Шухова, 2018, №6. DOI:10.12737/article\_5b115a73de6619.74703623
7. Тешабоева, З. (2021). Повышение доли наукоёмкого сектора - важное направление построения инновационной экономики. Экономика и образование, (2), 36–38. извлечено от <http://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/77>
8. [https://en.wikipedia.org/wiki/Knowledge\\_Economic\\_Index](https://en.wikipedia.org/wiki/Knowledge_Economic_Index)
9. [www.Stat.uz](http://www.Stat.uz)

УДК: 338.24:658.01 (575.1)

**ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ  
МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ**

**АНАЛИЗ ПРАКТИКИ ФИНАНСИРОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ В  
ПРОМЫШЛЕННЫМ ПРЕДПРИЯТИЕМ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**ANALYSIS OF THE PRACTICE OF FINANCING INNOVATIVE PROJECTS IN  
INDUSTRIAL ENTERPRISES IN UZBEKISTAN**

**Бахтиёров Бобур Баходир ўғли**  
**ЎзМУ, “Молия ва кредит” кафедраси в.б. доценти, и.ф.д. (DSc)**

**Аннотация**

Мақолада Ўзбекистон саноат корхоналарида инновацияларни молиялаштириш амалиётининг ривожланиш кўрсаткичлари баҳоланган. Шунингдек, саноат корхоналари инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва мавжуд муаммолари аниқланган. Узоқ муддатли истиқболда мамлакатимиз саноат корхоналари инновацион лойиҳаларни молиялаштириш самарадорлигини оширишда илғор хориж тажрибасидан ижодий фойдаланиш имкониятларига оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** инновация, инвестиция, молиялаштириш, инновацион-инвестицион лойиҳа, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари (ИТТКИ), ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ), юқори технологик маҳсулот, инновацион фаолият, инновацион ихтисослашув

В статье оценены показатели развития практики финансирования инноваций на промышленных предприятиях Узбекистана. Также определены особенности и существующие проблемы финансирования инновационных проектов промышленных предприятий. В долгосрочной перспективе разработаны научные предложения и

практические рекомендации относительно возможностей творческого использования передового зарубежного опыта в повышении эффективности финансирования инновационных проектов промышленными предприятиями нашей страны.

**Ключевые слова:** инновация, инвестиции, финансирование, инновационно-инвестиционный проект, научные и экспериментальные разработки (ИТТКИ), информационно-коммуникационные технологии (ИКТ), наукоемкий продукт, инновационная деятельность, инновационная специализация

The article evaluates the development indicators of the practice of financing innovation at industrial enterprises in Uzbekistan. The features and existing problems of financing innovative projects of industrial enterprises are also identified. In the long term, scientific proposals and practical recommendations have been developed regarding the possibilities of creative use of advanced foreign experience in increasing the efficiency of financing innovative projects by industrial enterprises of our country.

**Key words:** innovation, investment, financing, innovation and investment project, research and development (R&D), information and communication technologies (ICT), knowledge-intensive product, innovative activity, innovative specialization

Бугунги кунда жаҳон мамлакатларида иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатида саноат корхоналари бошқаруви амалиётига инновацион лойиҳаларни жорий этиш орқали янги истеъмол қийматларини яратиш, санокт корхоналарининг ишлаб чиқариш самарадорлигини, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, миллий иқтисодиёт тармоқларининг глобал рақобатбардошлиги ва инновацион ривожланиш индекси кўрсаткичларини оширишга устуворлик қаратилиб келинмоқда. Таҳлилларга кўра, XX асрнинг 80 йилларида жаҳон мамлакатларида саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларининг ортиши, аҳоли даромадларининг камайиши, саноат корхоналари рентабеллиги даражасининг пасайиши яхлит иқтисодиётларнинг бюджет дефицити ҳажмини ошишига олиб келди. Натижада аксарият мамлакатлар миллий иқтисодиёти тармоқларида хўжалик фаолияти юритувчи саноат корхоналари босқичма-босқич маҳсулот ишлаб чиқаришнинг анъанавий шаклидан юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини берувчи инновацион бошқарув амалиётига ўта бошладилар. Ушбу ҳолат ахборот коммуникация технологияларининг (АКТ) саноат корхоналари инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича инфратузилманинг таркибий компонентларидан бирига айланиши заруриятини вужудга келтирди.

Хусусан, XX асрнинг 90 йилларига келиб, АҚШ иқтисодиётига жалб этилаётган инвестицияларнинг 60 фоиздан ортиқ қисми инновацион иқтисодиёт инфратузилмасини шакллантириш ва уни ривожлантиришга қаратилди. Бунда саноат корхоналари инновацион ривожланишига хизмат кўрсатувчи информацион технологияларни ривожлантиришга устуворлик қаратилди. Натижада саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажмининг ўртача йиллик ўсиш кўрсаткичи 42 фоизни ташкил этди. Ушбу тенденциялар айнан инновацион бошқарув амалиётига эга бўлган саноат корхоналарида кузатилди. Шунингдек, информацион технологиялари секторининг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улуши ортиб, 1,2 фоизни ташкил этди. Ушбу турдаги хизматлар кўрсатиш соҳасида ишловчи ёлланма ишчиларнинг иш ҳақи 80 фоизга ортди.

Таҳлилларга кўра, жаҳонда айнан информацион технологиялар, бизнес бошқарув хизматлари, электроника каби тармоқлар ўзининг инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий этиш, шунингдек, ўз ходимлари малакаларини оширишга катта ҳажмдаги инвестициялар йўналтирувчи хусусиятига эга эканлиги сабабли юқори инновацион салоҳиятга эга бўлган тармоқлар қаторидан ўрин эгаллайди ва юқори технологик тармоқлар ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, мотор двигателлари, транспорт ускуналари каби ишлаб чиқариш тармоқларида хўжалик юритувчи саноат корхоналари бугунги кунда ўрта технологик тармоқлар қаторидан жой олса, анъанавий хизмат кўрсатиш турлари (савдо) ва меҳнат

сиғимкорлиги юқори бўлган ишлаб тармоқлари корхоналари куйи технологик тармоқлар қаторидан ўрин эгаллайди.

Саноат корхоналари инновацион бошқаруви амалиётини ривожлантиришнинг жаҳон амалиёти таҳлилига кўра, айнан инновациялар бугунги кунда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили сифатида баҳоланади. Хусусан, узоқ хорижлик олимлардан З. Гриличес ва Ф.Р. Лихтендерглар томонидан мамлакат иқтисодиётида билимларни тўпланиш ҳажмини 10 фоизга ортиши ЯИМ ҳажмини қўшимча 1-2 фоизга ошириш имконини бериши исботланган. Бунда ЯИМ ҳажмида илмий тадқиқот ишларининг улушини ошириш назарда тутилиб, уларнинг фикрича, ЯИМга нисбатан ИТТКИ харажатлари улуши 0-4 фоиз бўлиши зарур бўлади. Шунингдек, ўтказилган тадқиқотлар натижасида ИТТКИга сарфланган харажатларнинг самарадорлиги кўрсаткичи жисмоний капиталга сарфланган харажатларга нисбатан 7 баробар юқори эканлиги исботланган [1].

Шу ўринда саноат корхоналари инновацион бошқарувини ривожлантириш билимларга асосланишига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Билимлар иқтисодий жиҳатдан тарқалиш хусусиятига эга бўлиб, ушбу ҳолат инновацияларда ҳам ўз аксини топади. Яъни инновациялар ҳам мамлакатлараро, тармоқлараро тарқалиш хусусиятига эга бўлганлиги ҳисобига яхлит иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига эришиш имконини беради.

Хусусан, Д.Т. Коэ ва Е. Хелпманларнинг тадқиқотлари натижаларига кўра, мамлакатлар ўзига нисбатан юқори иқтисодий, инновацион салоҳиятга эга бўлган мамлакатлардаги ИТТКИга инвестициялар киритиш орқали кўпроқ иқтисодий самарадорликка эришишлари мумкин бўлади. Жумладан, ИТТКИ харажатларининг ЯИМдаги улушини 0,5 фоизга ошириш орқали АҚШ ЯИМ ҳажми 9,0 фоизга ортишига эришган бўлса, ушбу кўрсаткич Канадада 7,0 фоизга тенг бўлган.

Тараққий этган мамлакатларда жорий этилаётган инновациялар узоғи билан тўрт йилдан сўнг бошқа мамлакатларга тарқалиб, рақобатчилар томонидан мазкур инновация ҳақидаги маълумотлар ўзлаштирилиши ва уларни амалиётга жорий этишга бўлган интили 1-1,5 йилдан сўнг бошланади. Шунингдек, кичикроқ саноат корхоналари ўзларига нисбатан йирик ва юқори салоҳиятга эга бўлган корхоналарнинг инновацион фаолиятлари ривожланишидан тегишли тажрибаларни ўзлаштириш ҳисобига фойда кўришади [2]. Ушбу ҳолат инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш корxonанинг иқтисодий, молиявий ва инновацион жиҳатдан юқори салоҳиятга эга бўлиши зарурлигини асослайди.


Жаҳон миқёсида иқтисодий, молиявий, экологик хавф-хатарларнинг глобал миқёсда авж олиб бориши натижасида бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатларда қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, ҳом-ашё экспортдан инновацияларни тарқалиши натижасида уларни ўзлаштириш ҳисобига босқичма-босқич юқори технологик, илм-фан сиғимкорлиги юқори, рақобатбардош товарларни ишлаб чиқариш уларни экспорт қилишга ихтисослашиб боришмоқда.

Одатда хом-ашёни қазиб чиқариш ва бирламчи ишлаш билан шуғулланадиган фирмалар энг кам даромадни олади. Илмий-тадқиқот ишланмалари, маҳсулот дизайни ва сотувдан кейинги сервис хизматини кўрсатувчи фирмалар эса иқтисодий рентани аксарият қисмини ўзлаштириб олади. Жумладан, спорт пойабзалининг турли брендларини ишлаб чиқаришда субпудратчи ҳисобланган Индонезия фабрикалари тайёр маҳсулотни сотишдан олинадиган даромаднинг оз қисмини олади. Apple компанияси ускунасининг бир қисмини ишлаб чиқарувчи Хитой ишлаб чиқарувчиси унинг 150 долл.лик тўлиқ қийматидан 4,0 долл. олади, фойданинг аксарият қисми эса АҚШ, Япония ва Корея Республикаси компанияларига тегади [3].

Жаҳон банки маълумотлари таҳлилига кўра, бугунги кунда Шимолий Америка, Ғарбий Европа ва Шарқий Осиё мамлакатлари саноат корхоналари юқори инновацион ривожланиш кўрсаткичларига эга бўлиб, ушбу мамлакатлар саноат корхоналари бошқаруви амалиётида инновацияларни амалиётга мунтазам жорий этиб бориш билан бир қаторда,

саноат корхоналари томонидан инновацияларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни ўтказишга устуворлик қаратилади.

Бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар саноат корхоналари бугунги кунда қайта ишлаш саноатида инновацияларни ўзлаштиришга қаратилган бошқарув амалиётига эга бўлиб, улар ҳам ашё ишлаб чиқаришдан босқичма-босқич юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтишмоқда (1-расмга қаранг).




**1-расм. Жаҳон мамлакатларида саноат корхоналарининг маҳсулот ишлаб чиқариш ихтисослашуви ва инновацион фаолияти кўрсаткичлари [4]**

Таҳлилларга кўра, бугунги кунда айрим бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатларда қайта ишлаш саноати корхоналарида юқори технологик инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишган бўлса, айримлари эса ҳам ашё ишлаб чиқариш соҳаларини техник-технологик жиҳатдан қуролантиришга устуворлик қаратмоқдалар. Ушбу мамлакатлар халқаро савдода юқори технологик инновацион маҳсулотларни сотиш бўйича тараққий этган мамлакатлардан сезиларли даражада ортда қолмоқдалар. Уларда ишлаб чиқарилаётган ҳам ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар томонидан қайта ишланиб, яна ўзларига тайёр маҳсулот сифатида кириб келади. Ушбу ҳолат саноат корхоналарининг инновацион бошқаруви ҳолати ва унинг ривожланганлик даражаси мамлакат иқтисодиётига бевосита таъсир кўрсатишидан далолат беради.

